

Дейл КАРНЕГИ

**ҚАНДАЙ ҚИЛИБ  
ДҮСТ ОРТТИРМОҚ ВА  
ОДАМЛАРГА ТАЪСИР КҮРСАТМОҚ  
КЕРАК**

«Сарафшон» нашриёти,  
Самарқанд — 2001

**Дейл ҚАРНЕГИ. ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ДҮСТ ОРТТИРМОҚ ВА ОДАМЛАРГА ТАЪСИР ҚҮРСАТМОҚ КЕРАК.**

(Рус тилидан О. Мамиров таржимаси).

«Зарафшон» нашриёти, Самарқанд, 2001, 256 бет.

Д. Карнегининг уч китоби — «Қандай қилиб дүст орттиримоқ ва одамларга таъсир қўрсатмоқ керак», «Қандай қилиб ўзингга ишонч ҳосил қиласан ва оммавий чиқишилар туғайли одамларни жалб этасан» ҳамда «Ҳаловатсизлик қандай бартараф этилади ва яшаши қай хилда бошланади» ҳаётни ўрганишида бағоят муҳим ҳисобланади. Биринчи китоб дүст орттиришида қўйл келса, иккинчиси обрў топши ҳамда муваффақиятга эришиувга, учинчиси эса асабни асрарига кўмаклашади. Айнан шуляр инсон мукаммал баҳтга эришиувига асос бўлмайдими?

Жиззах вилоят «Мовароуннаҳр» кичик корхонаси  
буюртмаси асосида босилди.

# ҚАЛБЛАР ҚУЛФИНИ ОЧУВЧИ КАЛИТ

Бир ривоят әшитганман. Қадим замонларда бир мамлакатнинг подшоси туш кўрибди. Эрталаб вазирларини бирма-бир ҳузурига чорлабди ва улардан тушининг таъбирини сўрабди. Шунда ҳузурига биринчи бўлиб кирган вазир дебди:

—Оlampanoҳ, тушиңгизнинг таъбири шулки, Сиз барча қариндош-уругларингиз ўлганидан сўнг вафот этар экансиз.

Бу гапни әшитиб подшоҳнинг газаби келибди ва вазирни қатл этишни буюрибди. Иккинчи бўлиб кирган вазир туш баёнини диққат билан тинглаб, шундай таъбир бериди:

—Оlampanoҳ, Сизнинг умрингизни узоқ қилмиш, яъни-ки барча қариндош-уругларингиздан узокроқ яшай-сиз экан.

Шунда подшоҳнинг таъби очилиб, вазирига қиммат-баҳо совғалар инъом этган экан.

Дейл Карнегининг «Қандай қилиб дўст орттиromoқ ва одамларга таъсир кўрсатмоқ керак» номли китобини ўқиб, беихтиёр юқоридаги шарқона ривоятни эсладим. Дарҳақиқат, сўз қудрати нималарга қодир эканлигини ҳамма яхши билади. «Яхши гап билан илон инидан, ёмон гап билан қилич қипидан чиқади» деган мақолии ҳам кўп әшитганмиз. Аммо кундалик ҳаётимизда сон-саноқсиз муаммоларга дуч келамизу, улар нинг аксарияти ширин гап, тўғри ~~тозублаш~~ билан бўлиши мумкинлигини унтутиб ~~покажиши~~ Бахс ва мунозараларда ғолиблик пашидасини, суриш - тұчун бор кучимиз, асабларимизни саролаймиз, лекин бундан кўп фойда кўрамизми... ёки бирорининг камчилигини сезсак, иложи борича унинг юзига сойишига ҳаракат қиласиз. Танқид келажакнинг меваси, даймиз: Холбуки, танқид қилиш билан танқид қилишнинг фарқи бор.

Хуллас, инсон қалби хусусида, унинг нақадар но зигу, нақадар сирли эканлиги тўғрисида истаганча гапириш мумкин. Лекин Дейл Карнегининг «Қандай қилиб дўст орттиromoқ ва одамларга таъсир керак» номли китобида муаммолар жуда еодда, раён

қилиб ҳаёттй воқеалар мисолида тушунтириб берилган. Китобнинг ўзбек тилига ўгирилгани эса айни муддао бўлди, деб ҳисоблайман. Тўғри, Шарқ ҳикматлар ҳази-насида кишилар ўртасидаги муомала масалаларига ба-ғишланган рисолалар жуда кўп. Лекин жаҳоннинг кўн тилларига таржима қилинган ушибу дурдона асар ўзбек китобхонларига тақдим қилинса, нур устига аъло нур бўлади. Зоро бу китоб бугунги бозор иқтисоди жадал ривожланиб бораётган бир даврда кўпгина юртдошларимизнинг ишбайлармонлик ва бошқа соҳаларда муваффақиятларга эришнишига ёрдам беради, деб умид қиласман.

**Абдураҳмон ҚАРИМОВ,  
Ўзбекистон Ёзувчилар  
уюшмасининг аъзоси.**

# АМЕРИКАЛИК НОШИРЛАР

## МУАЛЛИФ ҲАҚИДА

Бир вақтлар, Миссури штатида ҳали ҳеч кимга маълум бўлмаган фермер Дейл Карнеги бутун инсониятга буюрилган талабларни қондирпш йўлини топиб, жаҳоншумул шуҳратга эга бўлди.

Биринчи бор у бу талабни 1906 йилда англади. Уша пайтларда ёш Карнеги Миссури штатининг Уорренсбергдаги педагогика колледжининг толиби эди. Маълумотли бўлиш учун кўп қийинчиликларни енгишга тўғри келди. Узи камбағал оиласдан эди. Отаси ўғли учун коллеж пансонига ҳақ тўлаш имкониятига эга бўлмаган, шу боис Дейл ҳар куни у ерга бориб келиш мақсадида отда олти миль масофани босиб ўтарди. Ферманинг кундалик юмушларидан бўш пайтлардагина ўқишига вақт топарди Колледжа үтказиладиган аксарий анжуманларга вақти ҳамда дурустроқ кийими бўлмаганлиги сабаб иштирок этолмасди: унинг атиги битта костюми бор эди. Дейл футбол жамоасига аъзо бўлишга ургинди, бироқ мураббий унинг енгил вазнини рўкач қилиб рад жавоби берди. Айнан шу жараёнда Дейл Карнегида мен ношуд ва кучсизман, деган фикр шаклланиб бораради-ки, бу ундаги асл қобилиятлар юзага келишига халал берарди. Буни тушунган онаси тўғаракдаги чиқишлар унга ўзига ишонч ҳосил қилдиради ҳамда ўзини бошқалар тан олишига эришади, деган мақсадда қатнашишни маслаҳат берди.

Онасининг йўриғига амал қилган Дейл бир неча бор уринганидан сўнг ниҳоят тугарак аъзолари орасидан ўрин олди. Бу воқеа унинг ҳаётида кескин бурилиш ясади. Тўғаракларда сўзга чиқиш туфайли ҳақиқатан ҳам у ўз кучига ишонч ҳосил қилди. Бир йил ўтар-ўтмас колледждаги нотиқлик санъати танловларида ғолиб чиқа бошлади. Юқори курс толиби пайтидаёқ Дейл оммавий чиқишлардаги иштироки учун барча

олий мүкофотларни құлға киритди. Қейинчалик бошқа талабалар ҳам ундан ўрганишди ва танловларда ғолиб чиқа бошлаши.

Ұз-ўзини камситиш фикрларини енгіб чиқиш мақсадидаги ҳаракатлар оқибатида Дейл Қарнеги фикрини етказиши, аввало ўзига бүлган ишончни мустаҳкамлаш, истаган нарасага эришиш имкони борлигига, буни бошқалар ҳам бажаришлари мумкинлігіга ишонди.

Айнан шу ғоя Дейл Қарнеги ишлаб чиққан лекциялар курсига асос бүлган, буни Лоуэлл Томас «катталарни ўқитишининг эң ажойиб тизими» деб атаганди.

Ўқишини битиргандан сүнг, Қарнеги савдо соҳасындағи әထтиборторғар ишга чақырıldı. Таклифни қабул қылди ва күп үтмаған бу соҳада мұваффақият қозонди. Обрүси ошиб, ҳамма ишга ултураётган ишビルармен сифатидаги фаолиятни тұхтатди. Нұтқ саңъати инсон табиатидаги номаълум имкониятларни очиб бериши мүмкінліги тұғрисидаги ҳаёт ҳақиқатини аңглагани учун шундай қылди. Ана шу илинжда у Нью-Йоркка йўл олди. Уоррансбергдан жүнаганидан сүнг иккі ҳафта үтиб у юқори Манхэттендеги 125-күчада жойлашған ёш христианлар ассоциациясы раҳбарлари билан суҳбат қурди. Дейл Қарнеги бу ташкилотни ўз мақсадындағы әришиш йўлида яхши имконият деб ҳисоблаганди. Ташкилотнинг раҳбарлари эса ўзгача ўйлашғанди. Улар ҳали тинглаб қўрилмаган маърузалар курси учун унга одатдаги иккі долларлик ўқитувчилар маошини тұлай олмасликларини айтди. Шунга қарамасдан, курс ташкил этиши, ўқишига бериладиган ҳақни комиссиян тақдирлаш асосида олиш ҳам мүмкінлігини айтған, раҳбарият рози бўлди.

1912 йилнинг 22 октябрьда Қарнеги дастлабки гуруҳ тингловчиларига маъруза ўқишига киришди. Бир неча ой үтгач, унинг маърузалари шунчалик шухрат топдикі, шатижада энди одатдаги иккі доллар үрнига, маъмурият ўттиз доллардан ҳақ тұлай бошлади.

Қарнегининг Нью-Йоркдаги мұваффақиятларидан хабар топған құшни шаҳарлардаги шундай уюшма директорлари ўзларининг катталарни ўқитиши дастурларига унинг маърузаларини киритиш истакларини билдирилдилар. Тез орда бошқа профессионал клублар ҳам ўша илтимос билан Қарнегига мурожаат қылдилар ва кўп үтмасдан, — бир неча йил мұқаддам ҳеч ким тан

олмаган шартларни одамларга ўргатиш борасида ғайрат күрсатиб ишлай бошлади.

Шу давр мобайнида Карнеги ўз машгулотларига одамлар ўртасидаги муносабат қоидаларини кирита бошлади, ўз нұқтаи назарларини рисолаларда баён этди, уларни ўқувчилар иштиёқ билан ўқишар, бор билимини амалиётда құллар эди.

1933 йили Нью-Йорк штати, Ларгмонтдаги «Саймон энд Шустер» нашриёти бошқарувчиси Леон Шимкин бу курсни тинглади. Үнда нафақат нотиқлик санъати билан боғлиқ жиҳатлар, балки одамлар орасидаги муносабатларнинг меҳр-мурувватга алоқадор қыслари катта таассурот қолдиради. Бу китобга катта талаб бўлишини англаган Леон Шимкин Карнегига барча ишларини тақдим этишини, уларни қўллўзма сифатида расмийлаштиришни тақлиф қилди.

1936 йил 12 ноябрда «Қандай қилиб дўст орттиромок ва одамларга таъсир кўрсатмоқ керак» номли китоб дунёга келди. Бу асар дарҳол оммавийлашди. Тезда Дейл Карнегининг номи ҳар бир хонадонга танилди. Салкам бир йил ичиде китобнинг миллиондан зиёд нусхаси сотилди. Чет элларда у ўн тўрт тилда нашр этилди. Ўн йил мобайнида китоб «Нью-Йорк таймс» газетасидаги энг машҳур адабиётлар рўйхатидан тушмади-ки, бу ҳолат рекорд натижадир.

Эндиликда сиз бу китобни ўқиётганингизда ундан ўзингизга бирор фойда олиш, айни пайтда ёзилишига асос бўлган курс АҚШ ва Канаданинг 863 ва бошқа давлатларнинг 51 шаҳрида ўқилади. (Маълумотлар 1966 йилга доир). Ушбу кенг илмий-маърифий тармоқка Дейл Карнегининг беваси Дороти раҳбарлик қилмоқда,

# ОМАДГА ЭЛТУВЧИ ҚИСҚА ЙҮЛ

Нью-Йоркдаги «Пенсильвания» мәҳмонхонасасининг рақслар зали январь кечаларидан бирда икки ярим минг эркак ва аёл билан тұлди. Соат етти яримда ҳамма жой банд эди. Соат саккизларда ичкарига кириш иштиёқмандлари тобора күпайди. Қисқа фурсатда кенг болохона айвони ҳам тұлди. Ишдан чарчаб келган одамлар үша оқшом бир ярим соатча вактларини тик оғеңде үтказдилар. Бунинг сабаби нимада? Балки модалар намойишида иштирок этишмоқчи ёки велосипед пойгаси якунини куришмоқчидир, ёхуд киноактёр Кларк Гейбл томошасига тұпланишгандыр?

Иүқ. Бу одамларни газетада босилған эълон тұплаганди. Икди кун илгари Нью-Йоркда чиқадиган «Сан» газетасининг бутун бир саҳифасини әгаллаган қуйндаги эълонга уларнинг күзләрі тушган:

**«Даромадларингизни күпайтиринг;**

**Нутқдан моҳирона фойдаланишни ўрганинг;**

**Раҳбарлық вазифасига тайёрланинг!»**

Эски гап? Ҳа, лекин хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг күп шов-шувларга күникиб қолған дунёнинг бу шахрида депрессия даврида, ақолининг бешдан бир қисми ишсизлик нафақаси олаётганданды икки ярим минг одам уйда ўтириш ўрнига эълон даъвати билан «Пенсильвания» мәҳмонхонасига шошилди.

Эътибор беринг, мазкур эълон аллақандай олди-қочди варақада әмас, балки Нью-Йоркнинг әнг нүфузли «Сан» газетасида пайдо бўлди. Эълонга мувофиқ иштутган одамлар жамият иқтисодиётининг әнг юқори до-

ираларига мансуб эди. Булар даромадлари ўн мингдан эллик минг долларгача бўлган раҳбар ходимлар, ишбильармонлардир.

Улар ўта замонавий «Нутқдан моҳирона фойдаланиши ва ишбильармонлар дунёсидаги одамларга таъсир кўреатиш санъати» амалий курсининг очилиш маросими га келгандилар.

Ишбильармонлар доирасининг вакиллари ҳисобланмиш бу икки ярим минг эркак ва аёл нега бу ерга келишди? Балки депрессия туфайли ўз битимларини бойитмоқчи бўлишігандир?

Кўринишдан бунга ўхшамайди, чунки, Нью-Йоркнинг энг тўлиб-тошган аудиторияларида йигирма тўрт йил давомида айнан шу курс бўйича ўқув дастурлари олиб борилган. Шу вақт ичиде эллик мингдан ортиқ ишбильармон ва мутахассис Дейл Карнеги тизимидағи тайёргарликдан ўтдилар. Ҳатто, «Вестингауз электрик», «Мак Гроу Хилл лаблишпиг компания», «Бруклин юнион гэс компания», Бруклин савдо палатаси, Америка электрик-муҳандислар институти ва «Нью-Йорк телефон компания» каби нуфузли йирик корхоналар ўз идоралари хизматчиларини ушбу дастур бўйича ўқитганлар.

Гап шундаки, мактаб ёки коллежни битирган шунга ўхшашиб одамлар ўн—ўн икки йил ўтгандан сўнг ушбу курсда ўқиб маориф тизимимиз ҳақидаги гаплар пуч эканини англайдилар.

Катталар аслида нимани ўрганмоқчилар? Бу муҳим саволга жавоб топиш учун Чикаго университети катталарни ўқитиш масаласи бўйича Америка асоциацияси ва христиан ёшлар асоциациясининг бирлашган мактаби икки йил мобайнида йигирма беш минг доллар сарфлаб махсус ижтимоий тадқиқот ўтказишиди.

Тадқиқотлар одамларни кўпроқ саломатлик қизиқтиришини тасдиқлади. Шу билан бирга, одамлар иккинчи навбатда ўзаро муносабат қоидаларини чуқур билишга, барча ўзаро тил топишишга иштиёқманд эканлигини кўрсатди. Ҳеч кимда ҳотиқ бўлиш истаги йўқ эди, барчаси бевосита хизмат фаолиятида, танишибилишлар ва уйидагилари билан муносабатларда фойдаланиладиган маслаҳатларнинг олишни исташарди.

Бундан катталар айнан шу нарсаларни ўрганишга интиларкан, деган хулоса чиқарса бўлармикан?

«Яхши,—дайиши текширувчилар,—агар айнан шундай бўлса, биз уларнинг ҳэтиёжларини қондирамиз».

Масалага доир дарслекларни қидириш шучи кўрсатдиккі, одамларга атрофдагилар билан бўлган муносабатларда туғиладиган қийинчиликларни ҳал этишда ёрдами тегадиган қўллаимани ҳалингача ҳеч ким тузмаган экан.

Ажойиб тарих! Юз йиллар мобайнида грек, лотин тили ва олий математика, умуман оддий одамларга иши тушмайдиган фанлар бўйича бир талай илмий асарлар ёзилган. Бироқ ўта зарур ҳамда муҳим деб ҳисобланган соҳада ҳеч шима ёзилмаса! Мана нега «Пенсильвания» меҳмонхонасидаги катта рақс залига газета ўълонига жавобан икки ярим минг кишиниң қизиқиш билан жамланиши сабаби айнан шу эди. Назаримизда бу ердан улар ўзлари излаган нарсани топишганди. Молиявий ҳамда касб соҳасида муваффақиятларга йўл очади деб ўйлаб мактаб ва коллежда китоблардан бош қўтартмай зўр бериб ўқишганди.

Аммо улар иш билармонлик фаолиятларида бир неча йил давомида қўпол мұхитга дуч келгач, бу ҳолатдан аччиқ ҳайратга тушишди. Улар иш билармонлар дунёсига йирик ютуқларга эришишда билимдан ташқари яхши сўзлаш қобилияти туфайли атрофдагиларни ўз нуқтани назарига ишонтира олиш, ўзини ҳамда ўз ғояларини тарғиб этиш зарурлигига ишонч ҳосил қилдилар.

Тез орада улар саноат ёки молия соҳасида бошқарув лавозимларига эга бўлиш учун лотин феълларини билиш ёки Гарвард университети дипломига эга бўлишдан кўра, шахсан ажойиб қобилиятга эга бўлишини ва сўзламоқни билмоқ даркорлигини англаб етдилар.

«Сен» газетасида босилган эълон «Пенсильвания» меҳмонхонаси рақс залидаги йигилини жуда ҳам қизиқарли бўлишини кафолатлаганди. Ҳақиқатан ҳам шундай бўлди.

Микрофон олдига ўқув курсида ўқиган ўн саккпз киши қатор тизилишди. Улардан беш нафарига ўз ҳикояларини сўзлаб беришлари учун етмиш беш секунддан веът беришибди, шундан сўнг ранг бонг чалиб: «Сизнинг вақтичиз тугади! Навбатдаги нотиқ!» дейа эълон қиларкан.

Воҳеа яланглика гулдираб елдек учайдиган ёввойи ҳайъонтар подаси ҳаракати сингари шиддаткор тус ол-

ди. Томошабинлар бу спектаклни түқсон дақиқа мобайнида тик оёқда томоша қилинди.

Сүзга чиққанлар орасыда АҚШ ишбилиармон доира-ларининг турли вакиллари: улгуржи савдо тармоқлари-га эга фирма раҳбарлари; аллақандай савдо ассо-циацияси бошқарувчиларининг раиси, новвойлар; иккى на-фар банк ходими; юк ташиш автомашинналари агенти; қимёвий моддалар савдоси бўйича агент; сугурта хо-дими; ғишт ишлаб чиқарувчилар ассоциациясининг ко-тиби; ҳисобчи; тиш дўхтири; меъмор; спиртли ичимлик-лар савдоси соҳаси даллоли; «Христианлар илми» таш-килоти вакили; Нью-Йоркдаги курсда ўқиш учун Ин-дианполисдан келган дорихона хўжайини; уч дақиқали нутқ тайёрлаш мақсадида Гаванадан ташриф буюрган ҳимоячи.

Биринчи нотиқнинг исми гэльча эди—Патрик Дж. О'Хэйр. У Ирландияда туғилган, мактабга атнги тўрт йил қатнаган. Америкага келгач, созловчи, кейинчалик эса ҳайдовчи бўлиб ишлади.

Қирқ ёш остонасига яқинлашганида, оиласи катта-лашиди ва маблағ учун эҳтиёжи ошди. Шу боис у юк та-шиш автомобиллари савдоси билан шуғулланишга уринди. Ўзининг айтишича, ўз-ўзини камситиш фикри азобига учрабди, у бирорта фирма идораси эшигини тақиллатишдан аввал остона олдида анча вақт эзилиб тураркан. Савдо агенти сифатидаги иш кўнглига маъ-кул тушмай, у аввалги ишига—таъмиrlаш устахонаси-га қайтиб жисмоний меҳнат қилишни ўйлаб юрган кун-лардан бирида Дейл Карнегининг нутқидан моҳирона ғойдаланиш курсининг ташкилий йиғилишида қатна-шишга таклифнома олди.

Юқори маълумотли одамлар даврасига тушиб қо-лишдан ва ўзини ноқулай ҳис этишдан ҳадиксираб у йиғилишга боришини истамади. Шундай бўлса-да умид-сизлик гирдобидаги бу инсонни боришга унинг хотини кўндирибди. Аёли шундай дебди: «Бу сенга фойда кел-тириши мумкин Пат. Худо гувоҳ—сен бунга мұхтожсан» У йиғилиш ўтадиган бино томон йўл олибди, ичкарига киришга журъат пайдо бўлгунча беш дақиқа кўчада туриб қолибди.

Дастлаб гуруҳда сўзга чиқмоқчи бўлганида қўркув-дан боши гангиган. Тез орада қўрқинч бутунлай йўқол-ди; нутқ сўзлаш унга хуш ёқаётганини англади, эши-тувчилар қанча кўпайса, шунчалик манзур туюларди

Мижозлардан ҳам ҳадиксирамай қўйди. Даромади эса кескин ошиб, ҳозирги кунда у Нью-Йоркнинг энг яхши савдо агентларидан бири ҳисобланади. Ўша кеча Патрик Дж. О'Хэйр «Пенсильвания» меҳмонхонасида тўпланган икки ярим минг тингловчи олдида туриб, ҳайратланарли ютуқлар тарихидан сўзларди. Катта мала-кали потиқларниг барчаси ҳам буичалик муваффа-қиятли сўзлай олмасди.

Навбатдаги сўзни ўн бир фарзанднинг отаси, сочиға оқ оралаган банкир Годфри Мейер олди. Дастлаб синифда сўзламоқчи бўлганида боши айланган экан. Идрок этиш қобилияти умуман йўқолибди. Мейер воқеаси масъул бошқарув лавозимлари нотиқлик санъатига эга бўлганилар учун ўшанинг мулки эканига ёрқин далилдир.

Мейер Уолл стиртда хизмат қилади, унгача эса йи-гирма беш йил Нью-Джерси штатидаги Клифтонда яша-ган. Ўша даврда у шаҳар жамоат ҳаётида иштирок этишга иштиёқи бўлмаган ва қаердадир беш юз одамии танириди.

Карнеги курсларига кирганидан сўнг тез орада у со-лиқ билдиришномасини олган ва ундаги ноҳақ ҳисоб-китоблардан газабланган. Одатига кўра, бунақангি ҳолатларда нафрати қўзиб ўтирад ёки билдиришномани қўни-қўшниларга кўрсатиб, жаврарди. Аммо ўша оқшом у шляпасини кийиб, сайловчиларнинг шаҳар юмушлари бўйича қарор чиқарадиган йиғилишига бо-рибли. У ерда эътироzlарини тўкиб-солибди.

Норозиликларга бой бу нутқ таъсирида Клифтон фуқаролари уни маҳаллий ҳокимият сайловлари, ўз помзодини қўйишга унладилар. Шу сабабдан у бир не-ча ҳафта давомида йиғилишларда қатнашиб, маҳаллий ҳокимият камчиликларини танқид қилиб юрди.

Ҳокимият таркибиға номзодлар тўқсон олти нафар-дан иборат эди. Овозлар ҳисобланганда, Годфри Мейернинг номи биринчи ўринда бўлиб чиқди. Бир зумда у қирқ минг аҳолига эга шаҳарнинг жамоат арбобига айланди. Омма олдида нутқлар унга бир ярим ой ичи-да йиғирма беш йилда ортирган дўсттарининг сонини саксон баравар кўпайтириш имконини берди. Ҳокимият кенгаши аъзоси сифатидаги маоши эса бир йиллик даромадини минг фоизга ошириди.

Учинчи нотиқ йирик озиқ-евқат саноати ассоциация-сининг бошлиғи эди. Ўзининг эътирофича бир пайтлар директорлар кенгашида фикрини баён қилиш учун ўр-

нидан туришга ўзини мажбурлай олмаган. Шахсий фикрини күпчилик олдида баён қилишни ұрганғанидан сүңг уни ўз ассоциацияси бошқаруви раислигига сайлаши да шу сифатида Құшма Штаттарнинг барча бурчакларда сұзға чиқиб юрди. Үнинг нутқларидан парчалар Ассотиэйтед Пресс агентлиги томонидан тарқатылар ҳамда мамлакат газета ва журнallарида чоп этиларди.

Нутқ сүзлашни билиш машҳурлыкка әлтувчи энг қисқа йўлдир. Ушбу хислат одамни эътибор марказынга чиқарип, оломондан юқорига кўяди. Яхши нотиқларга аслида уларнинг ўзлари мутлақо эга бўлмаган одатдан ташқари қобилиятларни ҳам тақайвераркан.

Бугунги кунда мамлакатда катталарни ўқитиш ҳаракати шиндатли тус олайялти. Ушбу интилишда башқаларга инсбатан катталар нутқини кўпроқ тинглаб, улар тўғрисида ўз тақиидий мулоҳазаларини айтиб бера оладиган инсон—Дейл Карнеги салмоқли куч сифатида тан олинган. «Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг» туркумнида яқинда олам юзини кўрган Рипли ҳажвияномасида у 150 минг маърузанинг тақиидий таҳжил этган. Мободо ушбу йирик рақам сизни ҳайратлантиэмаса, Америка Колумб томонидан очилғанидан бўён ўтган ҳар бир кундан бўён биттадан нутқ сүзлашган деб тасаввур этинг. Башқачароқ ифодалаганда, Карнеги ҳусурида сўзлаган нотиқлар бирин-кетин уч дақиқадан ганирганиларида ҳам уларни тинглашга кечро кундуз тўхтатмасдан бир йил вақт зарур бўларкан.

Дейл Карнегининг кескин қарама-қаршиликларга тўлиб-тошган маҳтабаси нисон ўзига хос ғоялар ва ташаббускорликка лойиқ эканига ибратли мисол бўла олади.

У Миссури штатида темир йўллан ўи олти километр масофадаги фермада тутилган. Биринчи бер трамвайнин ўи икки ёшида кўрибди. Шунга қарамасдан қирқ олтига кирганида Бр. Юзининг Гонг-Конгдан Хаммерфестгача бўлган энг олис жойлари билан яхши танишган, бир тал шинмолий қутбга жакубий гутбдан адмирал Ёрдининг Патл-Америкадаги штаб квартирасигача бўлган масофадан ҳам камроқ яқинлашибди.

Бир вақтлар соатига беш цент ҳақ учун мева терини ва қарияз ғоясини ўриб юрган миссурилик бу болакай, эндилиникда йирик корпорация даҳбарларига шахсий фикрини ифодалаш санъатини ұргатиб, минутига бир

доллардан ҳақ олмоқда. Мол ҳайдаб ва уларни тамғалаган бу чавандоз отда деворлардан осон ошарди, жаңубий Дакотанинг ғарбий қисмидә, кейинчалик Лондонга бориб шаҳзода Уэльский ҳоммийлигидә чиқишлар қилган.

Дастлаб омма олдида сүзга чиқишга уриниб мутлақо мұваффақиятсизликка учраган бу йигит сүнгра менинг шахсий менеджерим бўлди. Үзим ҳам аксарий ютуқларимга Дейл Карнеги раҳбарлигидаги ўқувлар туфайли эришганман.

Ёш Карнегининг маълумотли бўлиш сари тутган йўли оғир кечди. Миссури Штатининг шимоли-ғарбий қисмидаги эски ферма турли оғатларга дуч келиб турарди. «102» дарё суви йил сайн қирғоқларидан тошиб галла экинларини босарди. Семиз чучқалар эса йил сайн вабога чалиниб, побуд бўларди. Қорамоллар нархи энг паст дараражага тушиб, банк ферма эгаларини қарз олиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш билан қўрқитарди.

Рӯҳан бутунлай тушкунликка тушган Карнегилар оиласи ўз фермасини сотди ва Миссури штати, Уорренсберг педагогика коллежи яқинидаги бошқа фермани сотиб олди. Шаҳарда бир долларга овқатланиб яшаса бўлар эди, бироқ ёш Карнеги буни ўзига раво кўрмади. Шунинг учун у фермада яшаб, ҳар куни коллежга отда бориб келарди. Фермада сигирларини соғар, ўтинар, чучқаларни боқар ва мой чироқининг ёргуида кўзи юмилиб, мудраб қолганича лотин феълларини ёдлар эди.

Ҳаттоки, уйқудан олдин ярим тунда ҳам қўнғироқ чаладиган соатини учга тўғрилаб қўяркан. Гап шундаки, унинг отаси чучқаларнинг наслдор—дьюрок-джерси зотини боқарди. Қишининг совуқ тунларида эса чучқа болалари совуқ қотиши мумкин эди. Шунинг учун уларни саватга солиб, жун халтага ўраб, ошхонадаги ўчоқ орқасига қўярди. Табиат қонунига биноан эрталаб соат учда чучқа болалари иссиқ озуқа талаб қилади. Соат қўнғироғи жиринглагач, Дейл кўрпә остидан чиқиб, чучқа болалари ётган саватни кўтариб, она чучқага олиб борар, эмиздирив бўлгач, уларни яна ошхонага, иссиқ ўчоқ ёнига қўярди.

Педагогик коллеждаги олти юз талабалардан Дейл Карнегигина шаҳарда яшашини ўзига раво кўрмаган беш-олти ёшларнинг бири эди. У отда фермага қатнишга ҳамда сигирларни соғишга мажбур этастган камба-

ғалликдан орланарди. Жуда ҳам төр пальтоси ва ҳад-дан ташқари калта шимидан уяларди. Үнда ўз-ўзини камситиш фикрлари төз ривожлана бошлади ва шу боис бошқалардан фарқ қилиб туришнинг осон йўлларни қидирар эди. Қўп ўтмай у толибларнинг баъзи бирлари обрў ва эътиборга сазоворлигини кўрди. Булар футболчи, бейсболчи ёки нотиқлик санъати бўйича танлов ғолиби эдилар.

Спортда ўзини кўрсата олмаслигини пайқагач, Дейл нотиқлик беллашувида ғолиб чиқишига аҳд этди. У бир неча ой сиғирни соғаётганда, от устида коллежга бораётганда, ўқишидан қайтаётганда ҳам доим машқ қиларди. Сўнгра у омборхонадаги сомон тўдаси устига чиқиб олиб, руҳланиб, шижаат билан капитарларга япон муҳожирлигини тўхтатиши зарурничи ҳақида нутқ сўзларди.

Аммо ғайрати ва пухта тайёргарлик кўрганинга қарамай омадсизлик ҳали уни бутунилай тарқ ётмаганди. Ўша вақтда 18 ёшга кирган бу йигит ҳали мағрур ва серзарда эди. У ўзини маъюс, гангиган ҳис этар, ҳатто гоҳида ўзини-ўзи ўлдириш хаёлига ҳам борарди. Шундан сўнг бирданига, қалб даъватига кўра нотиқлик санъати бўйича коллежда ўтказиладиган аксарий мусобақаларда ғалаба қозона бошлади. Бошқа толиблар ўрганиш мақсадида унга илтимос қилишиб, улар ҳам беллашув ғолиби бўлиб чиқардилар.

Коллежни битиргач, у Фарбий Небраска ва Шарқий Вайоминг фермерлари учун сиртқи ўкув курслари ташкил этди.

Чексиз ғайрати ва ташаббускорлигинга қарамасдан, унга омад кулиб боқмади. Шу қадар руҳан тушкунлнкка берилди-ки, ҳатто бир куни Небраска штати Аллайнс шаҳридаги меҳмонхонада ўз хонасидағи кароватга багрини берди ва умидсизликдан йиғлаб олди. У тақдирнинг аёвсиз жангларидан қочиб қутулиш илинижиде коллежга қайтишини жуда коҳларди. Афсуски, бунинг сира иложи йўқ эди, шунинг учун Омаҳага бориб, бошқа бирор иш тошишга аҳд этди. Ҳамёнидаги пули темирйўл чиптасига ҳам ётмагани туфайли ноиложликдан юқ ташиш вагонида жўнади. Жанубий Омаҳада «Армопр энд компани» фирмасига ишга жойлашди; ушинг вазифасига ҳиндулар истиқомат қилувчи Жанубий Дакотада бекон ва совун сотини киради. У бу худудларда отда, аравада, юқ ташиш поездларида кезиб юради.

Дастлабки күчманчилик давридаги деңгээл хоналари оддий чойшаб билан бүлинган меҳмонхоналарда тунаган. У айни пайтда тижоратчилар қўлланмасини ўрганар, миниб ўргатилимаган ярим ёввойи отларда юарар, ҳиндуда аёлларига уйланган маҳаллий одамлар даврасида карта ўйнар ва ўз мижозларидан қарзни ундириш йўлларини изларди. Олис ҳудуддаги бирор бир дўкон эгаси ўзи буюртма қиласи маҳсулотга нақд пул тўлашга қодир бўлмаса, Дейл Карнеги дўкон токчасидаги пойафзалларниг бир қанчасини олиб темирйўлчиларга сотар ҳамда савдодан тушган пулларни «Армор энд компани» фирмасига жўнатарди.

Гоҳо унга юк ташиш поездиде кунига юз миль масофани босиб ўтишига тўғри келарди. Поезд юк тушниш учун тўхтаганда Дейл бекатга яқинроқ гузарларга югарар, уч-тўртта савдогарга учрашиб, буюртмалар қабул қиласи, паравоз ҳуштагини эшигтагач, изига елдик учар ва юриб бораётган вагонга сакраб минарди.

Дейл айлануб юрган ҳудуд савдога, қулай бўлмасада, аммо иккиси йил ичидан округ йигирма бешинчи ўриндан биринчи ўринга кўтарилиди. «Армор энд компани» фирмасини «Илгари бажариб бўлмайдигандек туулган ишининг уддасидан чиққани учун унга лавозимини оширишини таклиф қилди. Аммо, Дейл бунга рози бўлмади ва ишидан кетди. У Нью-Йоркка бориб театр санъати академиясида ўқиди ва мамлакат бўйлаб «Поли-цирк» пlessасида ҳакам Хартли ролини ижро этиб юрди. Ҳеч қёчон Бут ёки Барримор бўлолмаслигига унинг вакри етарди. Шу сабабдан яна тижоратга қайтиди ва «Паккард мотор компани» фирмасининг юк автомобилларини сота бешлади. Дейл машиналарини фарқига мутлақо тушунмас ва уларга деч қачон қизиқмасди. У ўзини даҳшатли даражада баҳтисиз ҳис қиласи, ҳар куни ишга боришга катта куч сарфларди. Ҳали коллежда ўқиб юрган чоғлари ёки ўз орзулари хусусиде китоблар ёзиши имконияти пайдо бўлишини истарди. Зақтини ҳикоя, романлар битишга сарфлаш мақсадида ишдан кетди ҳамда кечки мактабларда дарс беришдан тушациган даромад ҳисобига яшашга уринди.

Бироқ нимада дарс ўгарди? Утмишга назар солиб өз коллеждаги шларини баҳолаб, иотиқлий санъати соҳасидаги таҷёргарлигига ишсоч ҳосил қилди, довораклий ҳамда ватанийликка ёришувда коллежда ўқитилган бошқа фанларга инсбатан муҳимроқ аҳамиятга эта Сўлга-

нини ва айнан шу соҳа ишбилиармонлар дунёси вакиллари билан муносабатларда купроқ ёрдам беради, деган хуносага келди. Шу боис Нью-Йоркдаги ёшларниң христиан уюшмаси (ЕХУ) мактаблари маъмуринатидан унга шу ўқув даргоҳларида ишбилиармонларни нотиқлик санъати курси бўйича ўқитишга розилик беришларини астойдил сўрашга киришди.

Нима? Ишбилиармонларни нотиқка айлантириш дейсизми? Бемаъчилик. Бу нима билан якунланишини ЕХУ раҳбарлари яхши билардилар. Улар аллақачон бундай курсларни ташкил этишга уринган эдилар, аммо барча уринишлар барбод бўлди. Улар Карнегига бир кечада учун иккι доллар тўлашдан бош тортгандаридан, у соғ фойда олинса, маълум фонз олишга рози бўлди. Уч йил ҳам ўтмабди-ки, унга шу асосда бир кечада учун одатдаги иккι доллар ўрнига ўттиз доллардан тўлашга ўтган.

Курс муваффақият қозони бошлади. Бу тўғрида ЕХУнинг ўзга шаҳарлардаги бўлнималари ҳам хабар тошишди. Қўи ўтмай Дейл Карнеги ҳар жойга борадиган атоқли маърузачига айланди. У Нью-Йорк, Филадельфия, Балтимор, шунингдек, Лондон ҳамда Парижда маърузалар ўқиди. Унинг курсларига йиғидиган ишбилиармонлар фойдаланадиган дарсликлар ҳаддан ташқари казарий сўлиб, амалиётдан анча узоқ эди. Дейл ишга дадил киришиб, «Нотиқлик санъати ва ишбилиармонлар дунёсидаги одамларга ғаъсири қўрсатиш» деган китобини ёзди. Бугунги кунида ушбу асари ЕХУ бўлнималарида, шунингдек, Америка банкирлари асошияси ҳамда тўлов қобилиятини ғрандий мутахассислари миллий асошиясида жорий қилинган расмий дарслик ҳисобланади.

Айни пайдада ҳар мавсумда Дейл Карнегининг олдинга, кўпчилик ҳузурида сўзга чиқиш истаги бор одамлар машқ қилиши учун келишади, уларнинг миқдори Нью-Йорк колледжлари ҳамда университетлари нотиқлик санъати бўйича уюштираётган барча маъруза ва машғулотлардагига инсбатан авча кўпроқ.

Ўз қобиғидан чиқа оладиган ҳар бир инсон яхши ганиршини билади, леб ҳисоблайли Дејл Карнеги Агар Сиз, шаҳарда иодонроқ кишининг ияигига мушт тушириб, оёғидан чалиб пиқитсангиз, ўрнидақ тургач, бу одам шунчалик жозибали, асюйдил ва маъноли ганира бошлийдики, ҳатто бу борада авжга чиққан маҳали Уильям Дженингсом Брайан ҳам унга тенг кела ол-

майди. Унинг ишончи комилки, деярли ҳар бир одам ўзига ва уши ҳаяжонлантираётган ғоясига етарлича ишонган тақдирда муваффақиятли сўзлаш мумкин.

Карнегининг фикрича, ўз кучингизгагина ишониш учун айнан бажаришга чўчиб турган ишин шундай амалга ошириш керак-ки, у сизга ҳамма нарсанинг удасидан чиқадиган шараф келтирсин. Шунинг учун ўз тингловчиларни ҳар бир машғулотда сўзга чиқишга мажбур қиласкан. Бу ерда тингловчилар ҳам шунга мойил — барча тенг ҳолатда бўлиб, маҳсус машқларда дадиллашиб, уларда довюраклик, ишонч ва ташаббускорлик пайдо бўларди. Кейинчалик бу якка ҳолдаги суҳбатларда ўз ифодасини топарди.

Карнеги ўз маърузаларида шунча йиллар давомида одамларга нотиқлик санъатини ўргатиши бу асло кун кўриш манбаи эмаслиги тўғрисида сўзлаб берган. Бу бор-йўғи севимли машғулоти экан. Энг асосий вазифаси одамларга кўркувни енгиш ва дадил бўлишда кўмаклашишдан иборат бўлган. Дастлаб у фақат нотиқлик санъати бўйича дарс берган, бироқ тингловчилари асосан иш билармонлар дунёси вақиллари эди. Аксарияти ўттиз йилча ўқув хоналарида ўтирган. Кўпчилиги ўрганиш учун ҳақни бўлиб тўлашган. Буларнинг ҳаммаси буни эртанги кундаги ишга доир муносабатларида фойдаси тегадиган, кўпчилик ҳузурида сўзлаганда, амалий натижа беради, деб умид қилишган.

Шу сабаб тез ва мақсадга монанд меҳнат қилишга мажбур бўлди, оқибатда шунга мувофиқ тарзда омма олдида сўзга чиқиш амалиёти, ишонтириш санъати, одамларнинг ўзаро муносабатлари муаммолари ҳамда амалий руҳшуносликийни қамраб олган ажойиб ўқув курсини яратди.

Дейл қатъий қоидалар қули бўлмай, чинакам ҳаётӣ ҳамда жозибали ўқув курсини ишлаб чиқди.

Ўқишини тутатган тингловчилар клублар тузиб, кўп йиллар давомида икки ҳафтада бир йигилишиб турадилар. Филадельфияда ўн тўққиз кишидан иборат бир гурӯҳ ўн етти йилдир-ки, қиши вақтида ойига икки маротаба учрашиб туради. Кўпинча машғулотларда қатнашиш учун одамларга кўпмиллаб масофани автомобилларда босишга тўғри келарди. Бир тингловчи доимий равишда ҳафтасига бир маротаба Нью-Йоркка Чикагодан мунтазам равишда қатнаган.

Гарвард университетининг профессори Уильям Джей-менинг таъкидлашича, ўртacha қобилиятили одам ақлий қобилиятининг атиги ўн фоизини ишга соларкан. Дейл Карнеги ишбилармонлар доираси вакилларига, ўз яширин имкониятларини ризвожлантиришда ёрдам бериб, катталарни ўқитиш соҳасида энг ажойиб ўқув тизими яратувчиси бўлди.

# БУ КИТОБ ҚАНДАЙ ЁЗИЛГАН... ВА НИМА УЧУН?

Кейинги ўттиз беш йилда америкалик ноширлар иккни юз мингдан ортиқ турли китоб чоп этдилар. Уларнинг аксарияти даҳшатли даражада зерикарли, кўпла-ри эса ҳатто молиявий жиҳатдан заарлидир. Мен «қўплари» дедим-ми? Дунёдаги йирик нашриётлардан бирининг бошқарув раиси менга унинг компанияси етмиш шиллик тажрибага эга бўлса-да, ўзи босиб чиқара-тган ҳар саккиз китобдан еттитаси зарар келтираётганини тан олди.

Унда нега ўйлаб ўтирмаӣ яна битта китоб ёздим? Нечун битирганимдан кейин сиз овора бўлиб уни ўқи-чиңгиз керак?

Ҳар иккала савол ҳам адолатлидир ва уларга жавоб беришга уринаман.

Бу китоб қандай ва нима учун ёзилганини тушунтиришим учун афсуски, Лоуэлл Томас томонидан битилтан ва «Машҳурликка энг қисқа йўл» деб номланган ясарнинг кириш сўзидаги айрим ҳолатларни такрорлашинга тўғри келади.

1912 йилдан бошлаб Нью-Йоркда иш билармонлар дунёси вакиллари, учун ўқув курсини олиб бордим. Ҷастлаб машғулотим иуқул хотиклиқ санъати соҳаси билан чегараланган ва каттгарларни ход ишга доир музекара, хоҳ кенг омма олдида сўзга чиқинша бўлсан, ўз фикрларини тезда жамлаб, аниқ ишонцарли ҳамда дадил ифодаламоқни ўргатиш мақсадига эга бўлди.

Вақт ўтиши билан бу кишилар омма олдида сўзга чиқинш тажрибасими ўзлашибирошга қанчалик муҳтож бўлмасинлар, уларни аввало иш юзасидан ўзаро учрашувлар ва шахсий муносабатларда муомаланинг нозик санъатига ўргатиш муҳимроқ эканлигини англадим. Ўзим ҳам шундай тайёргарликка улар сингари жуда муҳтожлигимни тушундим. Энди ўтилар давомида босиб ўтилган ҳаёт бўлимга ўрилиб қарасам, ўзимда зарур одобблилар ва шароитни фаҳмлаш хислатлари

**етишмаганидан таажжубланаман. Йигирма йил олдин құл остимда айнан шундай китоб бүлишини қанчалик истардим! Қанчалик бебақо инъом бұларди у менга!**

Ең-верингиздагилар билан фикрлашувлар одамлар-нинг олдидаги, айниқса, ишбілармөнлар дүнёсінде құнда-ланғ бұлаётгандың катта мұаммоларни ылғари суради. Бир неча йил мұқаддам Қарнеги жамғармасы үқитув-чилар малакасини ошириш бақонасіда олиб борган тадқиқтотлар жуда мұхым ва сермаңғы қолатларни очиб ташлади. Қейинчалик буни Қарнегининг технологик инс-ти тути амалға оширган текширувлар ҳам тасдиқлади. Шу нараса аниқ бўлди-ки, иқтисодиёттінг машинасоз-лик сингари соҳаси билан банд мутахассислар учун молиявий ютуқларининг ўн беш фоизи техник билимдонликларига, саксон беш фоизи эса ҳамкаслар билан муносабатларга, яъни шахсий сифатлари ва одамларга раҳбарлик қобилиятларпя боелиқ экан.

Кўп йиллар давомида ҳар куни Филадельфияда му-ҳандислик клубида, шунингдек, Америка электр-муҳандислик институтининг Нью-Йорк бўлимида ўқув машғулотларини олиб борганман. Умуман, олганда курсла-римни бир ярим мингдан ортиқроқ муҳаннис тиғлади. Уларнинг менга мурожаат қилишлари асабаб—кўп йил-лик кузатувлари ва тажрибалари натижасыда техника билан шуғулланувчи ходимларнинг энг юқори маош олишлари асло ўз соҳаларининг билимдони экан-ликлари учун эмас, балки аксинчалигини ангташибди. Масалан, ҳафтасига эллик, етмиш беш доллар маошга муҳандис, ҳисобчи, мемор ёки бошқа касб вакилини топиш мумкин. Бундай мутахассислар ҳамиша сероб бўлганлар. Мана энди техник билимга эга ва бунинг устига ўз фикрини ифодалашин биладиган, зинмасига раҳбарлик масъулиятини олиб, одамларни ишлашга рағбатлантирувчи киши юқори маош олади.

Ўз фаолиятининг айнан авж палласида Джон Д. Рокфеллер Мэтью Брашга қараб: «одамлар билан мую-мала қила билиш хусусияти, бизлар харид қиладиган шакар ёки қаҳва сингари сотиб олалиган маҳсулотдир.. Бунга эришиш учун дунёдаги ҳар қандай бошқа нарса-га нисбатан кўпроқ тўлашга тайёрман». леган.

Мамлакатнинг ҳар бир колледжи ўз ўқув дастурига бу хил юқори баҳоланадиган қобилиятларни ўзлашти-ришга фойдаси тегадиган курсни киргизишни тасаввур этиш табиий эмасми? Аммо ҳозиргача мамлакатдаги

Бирор бир коллежда шу турдаги умумий курснинг борлиги менга номаълум.

Чикаго университети ва ЁХУнинг бирлаштирилган мактаби катта ёшли кишилар амалда нимани ўрганишни исташини аниқлаш мақсадида тадқиқот ўтказдилар. Текширишлар икки йил давом этди ҳамда йигирма беш минг долларга тушди. Унинг яқунловчи қисми Коннектикут штатидаги Мериденда амалга оширилди. Бу танланган шаҳар Америкага хослиги билан эътиборли. Мериденда яшовчи ҳар бир катта ёшдаги киши сўралди, улар қуйидагига ўхшаш 156 та саволга жавоб беринилари лозим эди: Сиз нима билан шуғулланасиз ёки қасбингиз қанақа? Маълумотингиз? Бўш вақтингизни қандай ўтказасиз? Даромадингиз қанча? Сиз нимага пшқибозсиз? Муаммоларингиз нимадан иборат? Сиз қаёси фанларни ўрганишни истардингиз ва ҳоказо.

Ушбу текширишлар катта ёшдаги одамларни асосан саломатликлари қизиқтиришини кўрсатди. Иккенич ўринда эса одамларга қизиқишлари турибди: улар билан ҳамфирлиликка қандай эришилди; қандай қилиб бошқаларга манзур бўлиш ҳамда уларин ўз истакларини бажаришга ундаш мумкин?

Натижада мазкур текширишни ўтказган қўмита Меридендинг катта ёшдаги одамларига атаб тегишли машғулотлар ўюштиришга қарор қилди. Қўмита аъзолари ушбу масалалар бўйича амалий дарслайлар излашди, аммо ҳеч қандай натижажа чиқмади. Ниҳоят улад катталарни ўқитиш соҳаси бўйича дунёвий обру ёътиборга лойиқ шахсга мурожаат этиб, ушбу гуруҳга мансуб кишиларни қониқтирадиган бирор қўлланма тавсия қилишни сўрашган.

«Йўқ, — деган жавобни олишган. — Бу одамлар нимани хоҳлашларини мен биламан. Аммо бундай қўлланмани ҳали ҳеч ким тузмаган».

Кўп йиллик кузатишларим туфайли ушбу жавоб ҳақиқатга тўғри келишига ишонч ҳосил қилдим, ўзим ҳам одамлар орасидаги муносабат масалаларига бағишлиланган амалий дарслик излаш билан неча йил шуғуландим. Модомики, бундай китоб йўқ экан, ўз курсларимдан фойдаланиш мақсадида уни ёзишга уриниб кўрдим. Ўша китоб мана шу. Умид қиласман-ки, у сизларга маъқул бўлади.

Китоб устида ишларканман, ушбу мавзудаги асарлардан ва никоҳларни бекор қилиш баённомаларидан

тортиб нимани топсам ўқиб чиқдим, бундан ташқари бу ишга тажрибали илмнй ходимни таклиф қилдим, у бир ярим йил давомида турли кутубхоналарга бориб, мен ўқий олмаган китобларни ўқиди, психология борасидаги илмий асарлар билан танишди, юзлаб журналлардаги мақсадга мувофиқ мақолаларни ўрганди ҳамда барча даврларнинг буюк одамлари ўзаро муносабатларни қандай йўлга қўйғанликларини аниқлаш мақсадида сон-саноқсиз таржимаи ҳолларни қараб чиқди. Биз улуғ Юлий Цезардан бошлаб Томас Эдисонгача бўйлан атоқли пешволарнинг таржимаи ҳолларпагча ўргандик. Фақат биргина Теодор Рузвельтнинг таржимаи ҳолининг юздан ортигини ўқиганимиз ҳали ёдимда. Биз асрлар давомида дўст ортигиш ва атрофдаги-ларга таъсир кўрсатиш мақсадида қўлланилган амалий усулларни аниқлашга на вақтимиэни, на харажатларни аямасликка қатъий қарор қилдик.

Шахсан ўзим омади юришиб, дунёга машҳур бўйгин Маркони, Франклун Делано Рузвельт, Оуэн Д. Янг, Кларк Гейбл, Мэри Пикфорд, Мартин Джонсон сингари кўплаб арбоблар билан юзма-юз суҳбатлашдим. Мен уларнинг ўз атрофдагиларига муносабатларда қандай усулларни ишлатганликларини аниқлашга ҳаракат қилдим.

Ушбу йиғилган маълумотлар асосида қисқача сухбат тайёрладим ва уни «Қандай қилиб дўст орттироқ ва одамларга таъсир кўрсатмоқ керак» деб атадим. Мен «қисқача сухбат» дедим. Дастреб у ҳақиқатан ҳам қисқа эди, энди эса бир ярим соат давом этадиган маърузага айланди. Бир неча йил давомида мен ушбу мавзуни Нью-Йоркдаги Карнеги институтларида катталар курсларнда ўқидим.

Ушбу маърузани ўқирканмай, тингловчилардан унадаги қоидаларки амалиётда ўз танишлари билан муносабатларида синааб кўрищларни, сипғга қайтиб келгач, тажрибалари ҳамда эришган натижолари билан ўртоқлашишни талаб қиласдим. Қандай қизиқарли топшириқ! Ўз-ўзини такомиллаштириш иштиёқидаги бу эркак ва аёлларни, ўзаро муносабатлар устида ишлайдиган диний услугудаги лаборатория истиқболи мафтун этарди.

Мазкур асар китоб сўзининг сiddий маъносида ёзилмаган. У бола сингари униб ўсида. У ўзига хос лабора-

**торияда минглаб одамлар тажрибасига асосланиб гуркираб ривожланди.**

Күп йиллар муқаддам ўз фаолиятимизнинг ҳажми почта қофозидек келадиган варақдаги бир қатор қоидаларни тузишдан бошлаганимиз. Кейинги йили бир қадар катта қофоз, сўнгра варақа чиқариш, бундан ўтиб бир туркум китобчаларни пашр қилдик-ки, уларниң ҳажми борган сайнин кенгаярди. Энди, ўн беш йиллик тажрибалар натижасида бу китоб вужудга келди.

Мазкур китобда баён этилган қоидалар соф назарий мунозаралар ёки шунчаки хомхаёллик ҳосиласи эмас. Улар сеҳркор таъсир кўрсатади. Эҳтимол бу ҳақиқатдан узоқроқ туюлар, бироқ уларни қўллагандан кейин кўп одамларниң ҳаёти тубдэн ўзгариб кетганига гувоқ бўлганиман.

Бунга мисол келтираман. Ўтган йили курсимизга уч юздан зиёд хизматчига раҳбарлик қилаётган одам келди. Илгари у бир неча йил давомида сабабсиз равишда ўз хизматчиларини узлукеиз таъқиб этар, танқид қилар ва койиб юраркан. Ўнинг оғзидан сира таърифга мансуб сўз чиқмаган. Китобдаги кўрсатмаларни ўрганиб чиққан бу тадбиркор ўз ҳаётий фалсафасини кескини ўзгартирибди. Энди унинг фирмасида янгича муҳит, янгича ташаббускорлик, бекиёс кучга эга жамоанинг уюшқоқлиги хўкм сурмоқда. Барча душманлари дўстга айланган. Машғулотларнинг бирида у мағурланиб шундай деди: «Илгари корхонамга келсан мени билан ҳеч ким сўрашмасди. Хизматчилар мен томонга қарамасликка ҳаракат қилишарди. Ҳозир эса уларниң барчаси менинг дўстларим, ҳатто, эшикбон исимим билан чақиради».

Ҳозир ушбу тадбиркорнинг даромадлари кўпайиб кетди, бўш вақти кўп ва, энг муҳими, ишида ва оила даврасида ўзини анча баҳтли ҳис этади.

Бу кўрсатмаларни амалда қўллаган савдогарлар ўз савдо ишларини кенгайтиришди. Маъмурий ходимларинг ҳам обрўлари, ҳам маошлари ошди. Ўтган йили бир раҳбар ходим—курсларда ўқитилётган қоидаларга риоя қилгани натижасида йиллик даромади беш минг долларга ошганини маълум килди. Бошқа бир масъул ходим Филадельфиянинг «Гэс уоркс компани» фирмаси хизматчиси одамларга раҳбарлик қилишдаги лаёқатсизлиги ва улар билан чиқиша олмаслигин туфайли мартабаси пасайиши хавфи пайдо бўлибди. Бизлар-

нинг курсимизда ўқиши олтмиш беш ёшида уни нафақат мартабасидан айрилиб қолишидан сақлаб қолибди, балки юқори ҳақ түланадиган янги вазифага ўтказилишини таъминлабди.

Курслар якуни муносабати билан уюштириладиган ҳар йилги тантанали зиёфатларда кўп тингловчиларнинг хотинлари ўз эрлари курсларимизда ўқиганларидан буён оиласвий ҳаётлари анча яхши кечәётганини гапириб беришди.

Тингловчиларимизнинг янги ютуқлари тез-тез ажаблантиради. Бу уларга сеҳргарликдек туюлади. Шундай ҳоллар юз берган-ки, улар навбатдаги машғулот учун 48 соатни кутишга сабрлари чиламай, якшанба кунлари уйимга қўнғироқ қилиб, ўз ютуқлари ҳақида ҳаяжонланиб гапирадилар.

Утган йили тингловчиларимиздан бири кўрсатмалар шартларига шу қадар маҳлиё бўлиби-ки, у бошқалар билан буларни муҳокама қилиб ярим тунгача ўтириб қолибди. Эрталаб соат учда қолганлар уйларнга тарқалибди, ўз хатоларини англаб шу қадар ҳайратланибдик, ўз олдидা очилаётган янги истиқболлардан илҳомланиб, уйқуси қочибди. Шундай қилиб у ўша кеча ҳам, бошқа оқшомларини ҳам бедор ўтказибди.

Ким экан у? Ҳар янги пайдо бўлган назарияга овоз бернига тайёр соддадил, маълумотсиз одам-ми? Мутлақо бундаи эмас. Аксинча, у доно тажрибали ишбилармон, санъат асарлари сотувчиси қиёфасида кўринувчи тақводор, учта тилда bemalol гаплашадиган, хорижда икки университетни битирган шахс.

Ушбу боб устида ишлаётган пайтимда бир аслзодадан, боболарн Гогенцоллерлар даврида доимий ҳарбий зобит бўлиб келган немисдан хат олдим. Бу мактуб трансатлантик сув кемасидан юборилган бўлиб, унда қарийб диний шавқ билан бизнинг қоидаларимиз нима бергани ҳақда ёзилган.

Бизнинг бошқа тингловчимиз—туб нью-йорклик фуқаро, Гарвард университети битирувчиси, бадавлат (у гилам ишлаб чиқарувчи йирик фабриканинг эгаси), исм-шарифи тақводорлар маълумотномасида кўринарли қилиб ёзиб қўйилган бу одам, маълум бўлишича. тўрт йил коллежда ўқиб ўзаро таъсир кўрсатишнинг нозик санъатини билмагани, бизнинг ўқув тизимимиз ёрдами билан ўн тўрт ҳафта ичидаги буни англаб

олибди Бемаънилик-ми? Қулгили-ми? Ҳаёлпаратслик?, Албатта, бу айтилган гапга истаганча шубҳа билдириб, ўзингизга манзур эътирозни таъкидлашингиз мумкин. Мен эса атиги бу ерда Гарвард университетини битирган жуда ҳам машҳур мутаассиб кишининг 1933 йил 23 февраль куни Нью-Йоркнинг Йель клубида тахминан 600 одам иштирокида сўзлаган нутқини ҳеч бир изоҳсиз келтираман. «Уларга қиёслагандা биз қандай бўлишимиз керак эди,—дейди Гарвард университетининг машҳур профессори Уильям Жеймс. Биз ярим уйқу ҳолатидамиз, ўз жисмоний ва ақлий имкониятларимизнинг арзимас қисмидан фойдаланаяпмиз. Айтиш лозим-ки, инсон ўз имкониятлари даражасидан анча олисда яшайди. У одатда фойдаланмайдиган жуда кўп қобилиятлар соҳибиdir». Эҳ, бу «одатда фойдаланилмайдиган қобилият!». Қитобимнинг ягона мақсади— Сизларга пинҳона бойликларингизни аниқлашингиз, уларни ривожлантиришингиз ва булардан ўз манфаатларингиз ўйлида фойдаланишингизга ёрдам бериш.

Принсот университетининг собиқ президенти Джон Хиббен айтган экан: «Таълим—бу ҳар қандай ҳаётий вазиятларда ҳам тўғри ҳаракат қилишни билмоқ».

Агар бу китобнинг дастлабки уч бобини ўқиб бўлсангиз, сиз ҳар қандай ҳаётий вазиятларда тўғри ҳаракат қилиш учун яхшироқ қуролланасиз. Мен эса уни умуман бефойда ҳисоблашман, негаки, гап сиз ҳақингизда бормоқда. Ёхуд Герберт Спенсер айтганидек: «Таълимнинг буюк мақсади билим эмас, балки ҳаракатdir». Бу китоб—ҳаракатлар китоби.

# Бириңчи қисм

## ОДАМЛАР БИЛАН МУНОСАБАТЛАРНИНГ УСУЛЛАРИ

*Бириңчи боб*

### «АСАЛ ЙИФИШНИ ИСТАСАНГ, АРИХОНАНИ АФДАРМА»

1931 йылнинг 7 май куни Нью-Йорк аҳли илгари бу эски шаҳарни сира кўрмаган полиция қуршовидек шовшувли воқеанинг гувоҳи бўлди. Бир неча ҳафталик қўва-кувлардан сўнг Кроули Икки тўпконча Уэст Энд авенюдаги маъшуқасининг хонасида жон сақлаб тургани аён бўлди.

Унинг юқори қаватдаги бошпанасини бир юз эллик полициячи ва изқувар ўраб олди. Томни тешиб ушбу «полициячилар кушандаси»ни кўздан ёш оқизувчи газ билан заҳарламоқчи бўлдилар. Кейин эса қўшини уйларга пулемётлар ўрнатилди ва Нью-Йоркнинг энг осойишта қисмида бир соатдан кўпроқ вақт тўпконча ва пулемётлар овози эштилиб турди. Кроули катта кресло ортига яшириниб, тўхтовсиз ўқ узарди. Бу жангни ҳаяжон оғушидаги ўн мингдан ортиқ томошабин кузатиб турди. Нью-Йорк кўчаларида бунга ўхшаш воқеа илгари ҳеч юз бермаганди.

Кроули қўлга тушгач, полиция комиссари Малруни бу каллакесарни бутун Нью-Йорк тарихида энг хавфли жиноятчилардан бири деб эълон қилган. «У, — деди полиция комиссари, — ҳеч сабабсиз ҳам ўлдираверади».

Аммо Кроули Икки тўпконча» ўзини қай сифатда кўрган? Буни биз биламиз, негаки уни полициячилар ўққа тутган ўша дақиқаларда «Шунга даждор одам-

тарга» хат йўллабди. Ёзаётганида, унинг яраларидан қоғозга томган қон қизил из қолдирганди. Хатида: «Менинг кўксимда чарчоқ, аммо ҳеч кимга ёмонлик қилмаган олижаноб юрак уриб турибди», дейилган.

Бундан сал илгари Лонг-Айлендга олиб борадиган шаҳар йўл четида Кроули машинада ўз маъшуқаси билан қучоқлашиб ўтиради. Тусатдан машинага полициячи яқинлашди: «Ҳайдовчилик, гувоҳномангизни кўрсатинг!» дейди. Кроули эса бепарволик билан тўлпончадан полициячига ўқ узади. Жон бераётган полициячи қулагач Кроули машинадан тушиб, жароҳатланган танага яна бир дона ўқ узади. Аслида, бу «Менинг кўксимда чарчоқ, аммо ҳеч кимга ёмонлик қилмаган олижаноб юрак уриб турибди», деган қотил эди.

Кроули ўлимга ҳукм қилинди. Уни Синг-Синг қамоқхонасининг ўлимга маҳкум этилганлар сақланадиган бўлимга келтирилганда у: «Менга одамларни ўлдирганим учун жазо беришди, деб ўйлайсизларми? Иўқ, мени ўзимни ҳимоя қилганим учун жазоламоқдалар» деб арз қилган Ҳамма гап шундаки, Кроули Икки Тўлпонча ўзини ҳеч айбдор, деб ҳисобламаган.

Агар, ушбу ҳолат жиноятчилар орасида ғайрита биий воқеа деб ўйласангиз, давомини эшигининг:

«Ҳаётимнинг энг яхши дамларини одамлар кўнгли очишларига сарфладим. Булар эвазига қандай мукофот беришди? Фақат ҳақоратлар ва таъқибдаги одамнинг ҳаётини».

Аль Капоне айнан шундай деган. Ҳа, бу сўзлар ўз зақтида жамиятининг биринчи рақамли душмани бўлмиш, Чикагони даҳшатга солган гангстерларнинг энг эшаддийсига тегишли. Аль Капоне ўзини айбламаган Амалда у ўзини қадрлаган ва ҳеч ким тушуммаган музувватли валенеъмат, ҳисоблаган.

Голландиялик Шульц ҳам гангстерлар ўқларидан ҳалок бўлганига қадар, ўзига шундай қараган экан Нью-Йоркнинг учига чиққан аглаҳларидан бири бўлган голландиялик Шульц газетага берган интервьюсида ўзини «жамиятнинг олий ҳимматиман», деб айтган ва ўзи ҳам шунга ишонган.

Ушбу масалада мен Синг-Синг қамоқхонаси бошлиғи Лоуэс билан қизиқарли ёзишмалар қилиб турадим, унинг тасдиқлашича: «ҳибхонадаги жиноятчиларнинг баъзиларигина ўзларини ёмон одам деб ҳисоблашаркан. Ўз нуктаи назарларича, сиз мендек инсон экансиз.

Шүнинг учун құлмишларини тушунтиришга, нима би ландир асослашға ҳаракат қиладилар. Нега сейф бу зилгәнлиги ёки отиши мүмкін. Күпчиликлари турлы хато ёки мантиқий мұлоҳазалар ёрдамида ҳатто жамият манфаатла рига зид ҳаракатларини оқлашға уринадилар ва шу асосда умуман қамоққа олиннишлари ғайритабиий эканлигини астайдыл исботтайтындар».

Агар Аль Капоне, Қроули Иккى Түппонча, голландиялик Шульц ва қамоқда ётган бошқа каллакесарлар ўзларини мутлақо айбдор, деб ҳисобламасалар, унда биз ҳар куни мұомала қиладиган одамлар түғрисінде нима дейиш мүмкін?

Мархұм Үәнемекер бир гал шундай иқрорлық билдирибі: «Жавраш ахмоқлық эканини үттиз үйлі бурун түшунған әдім. Худо одамларға ақл-фаросатни тәнг тәқсимламағаниң аччиқланишім үрінсіз. Чүнки, камчиликларим оқибатида орттирган ташвишларым үзіншігі етади».

Үәнемекер буни әрта англабди. Мен одамлар гарчи ноңақ бұлишса-да юздан түқсон түққиз ҳолатда ўзларини айбдор ҳисобламасликлари хаёлімға келмагуны ча, бу күңна дүнёда бир асрнинг учдан бирини пайпасланып үтказышға мажбур бұлибман. Танқид беҳуда, негаки, одатдагидек у одамни ҳимоятанишға, үзини оқлаш ҳаракатига тушишға мажбур этади. Танқид ғуурға тегади, үзігін ишончни поймол қиласы да иззат нағсина ерга уради.

Неміс армиясида у ёки бу воқеядан кейин аскарларға дархол шикоят қилиш ва танқидий фикр айтишга рухсат берилмағанды. Аввал у түйіб ухлаб олиши ва жақындан тушиши керак. Мабодо, дархол шикоят қылса, жазолашади. Худо ҳаққи бундай қоида фуқароларнинг кундалик ҳаётида ҳам амал қилиши керак, бу бир умр норози ота-оналар, майдаган хотинлар, инжиқ хұжайнілар ва барча тоқат қилиб бўлмайдиган танқидчиларга ҳам фойдалидир.

Сиз тарихий асарлардаги минглаб сақифалардан танқиднинг беҳудалигига истаганча мисоллар топишин-гиз мүмкін. Масалан, республикачилар партиясини парчалаган, Оқ уйға Вудро Вильсонни олиб келган, у эса жағон урушига ҳайратланарлы таъсир күрсатған ва тарихий жараёнға сабаб бўлган Теодор Рузвельт ва

Президент Тафт орасидаги жанжални олинг. Ушбу во-  
қеани қисқача таҳлил этайлик. 1908 йилда Теодор  
Рузвельт ўз ўрнига Тафтни президентликка тайинлаб,  
Африкада шер овлаш учун Оқ уйни тарк этиб, қайтиб  
келгач, фаолиятини жўшқин давом эттирди: Тафтни  
мутаассибликда айблади, учинчи муддат президентлик-  
ка ўз номзодини кўрсатишга уринди. «Бурама шоҳ бу-  
ғу» (Миллий Ривожланиш партиясини шундай аташган)  
партиясиға асос солди ва сал бўлмаса республикачи  
лар партиясини барбод қилаёзи. Навбатдаги сайлов-  
ларда Уильям Хоурд Тафт ва республикачилар пар-  
тиясини атиги икки штат қўллаб-қувватлаган. Ушбу кўх-  
на партия ҳеч қачон бу даражада мағлубиятга учра-  
маганди.

Теодор Рузвельт ҳамма нарсада Тафтни айблади.  
Аммо президент Тафт ўзини гуноҳкор деб ўйлармиди?  
Албатта, йўқ. Тафт кўзда ёш билан шундай деди: «Ту  
шунмадим, шундан бошқа қандай қилишим мумкин  
эди».

Ким айбдор эди? Рузвельтми ёки Тафт? Очиқчасига  
айтганда билмадим, мени бу қизиқтирмайди ҳам. Ис-  
ботламоқчи бўлганим шуки, Теодор Рузвельтнинг барча  
танқидий мулоҳазалари Тафтни ноҳақ эканига ишонти-  
ролмабди. Булар уни астойдил туриб ўзини оқлашга  
ҳамда кўзда ёш билан қўйидагиларни қайта ва қайта  
такрорлашга мажбур этди: «Тушунмадим, шундан бош-  
қа нима қилишим мумкин эди».

Ёки Типот-Доумдаги нефть заҳиралари билан боғ-  
лиқ оммавий можарони олинг. Эслаяпсизми? Бу тўғри-  
да газеталар бир неча йил дарғазаб бўлиб ёзилар. У  
бутун мамлакатни ҳаяжонга солди. Ҳалигача Америка-  
да бунга ўҳшаш жанжал юз берганини ҳеч ким эслай  
олмайди. Мана далиллар: Гардинг ҳўкуматининг ички  
ишлар вазири Альберт Фоллга Элк-Хилл ва Топот-Доум  
туманларидағи давлатга қарашли нефть заҳираларини  
ижарага бериш вазифаси топширилди. Ушбу заҳиралар  
ҳарбий-денгиз флоти эҳтиёжлари учун қолдирилганди.  
Вазир фаол кимошди савдоси ташкил этдими? Йўқ, бун-  
дай қилмади. Бу мутлақо фойдали шартномани дарҳол  
ўзининг дўсти Эдвард Л. Догенига топширди. Догени  
нима қилди? У «қарз» деб атаган юз минг долларни вазир  
Фоллга тақдим қилди. Шундан сўнг вазир Фолл  
ўзича денгиз пиёда аскарларига кўрсатилган жойга

етиб келишни ва Әлк-Хилл кони яқинида нефть қазиб олаётган рақибларни қувиб чиқариши буюрди. Үз жойларидан милтиқ ўқталиб ҳайдалган рақиблар судга югуришди ҳамда Типот-Доумдаги юз миллион долларлик жанжалли воқеани фош этдилар. Бу иш шунчалик нохуш натижә келтириб чиқардикى, ҳатто Гардинг маъмуриятини ҳалокатга етказди, бутун мамлакатнинг нафратини қўзғади, сал бўлмаса республикачилар партиясини инқирозга учратди. Альберт Фоллни эса қамоққа туширди.

Қамдан-кам давлат арбобларинигина Фолл сингари фавқулодда аёвсиз муҳокама қилишарди. У пушаймон бўлдими? Бир неча йил ўтгач, Герберт Гувер ўз оммавий чиқишида президент Гардингнинг ўлимига дўстининг хоинлиги туфайли чеккан руҳий изтиробларни ва ташвишлари сабаб бўлди, деган. Буни эшитган Фолл хоним йиглади, муштини кўтариб ҳавода силкитди ҳамда шундай чинқири. «Нима? Фолл Гардинга хоинлик қилибдими? Йўқ! Менинг эрим ҳеч қаҷон ҳеч кимга хоинлик қилмаган. Олтинга тўла шу уй ҳам эримни тўғри йўлдан оздириб, ёмон йўлга етакламаган. Аксинча, унга хиёнат қилдилар, калтакланиш ва қийналишга мажбур этишиди».

Айнан шундай. Узидан бошқа кимга бўлса-да айбўйиш — одамзодга хос одат. Ҳаммамиз шундай. Шуннинг учун бирорни танқид қилмоқчи бўлганимизда Аль Капоне, Кроули Икки тўппонча ва Альберт Фолларни эсга олайлик. Танқидни ҳамиша уйига қайтиб келади ган почта кантарлари, деб ўйлайлик. Биз тапқид қилиб, айбламоқчи бўлган одам эҳтимол ўзини оқлайди ва ўз навбатида бизни айблайди ёқи юввош Тафтга ўхшаб: «Тушунмадим, шундан бошқа қандай қилишим мумкин эди», дейди.

1865 йил 15 апрель, шанба куни эрталаб Авраам Линкольн, унга Бут ўқ ўзган Форд театри рўпарасида ги меҳмонхонананинг арzon мебелли хонасида жон талвасасида ётарди. Кроват бўйига нисбатан калтароқлигидан Линкольн кўндалангига чўзилди. Үрин устида Роза Бонернинг сариқ шуъла ёғдусида таниқли «От бозори» асарининг нусхаси илинган.

Жон бераётгани Линкольннинг тўшаги ёнида тик турган ҳарбий вазир Сентон шундай деди: «Бу ерда ум-

рида хато қилганини ҳеч ким күрмаган нүқсонсиз раҳбар ётибди».

Линкольнинг одамлар билан муносабатдаги муваффақиятининг сири нимада? Ўн йил давомида мен Авраам Линкольннинг ҳаёт йўлини ўргандим ва яна яхлит уч йилни «Номаълум Линкольн» китобини яртишга бағишиладим. Линкольннинг шахси ва оиласвий ҳаётини иложи борича майда-чуйдасигача батафсил ўрганиб чиқдим. Мен атайлаб одамлар билан муносабатларда Линкольн фойдаланган усувларни тадқиқ қилдим. У танқид билан шуғулланишга ўзига эрк берармиди? Ҳа! Ҳали ўсмирлик пайтлари Индиана штатининг Биджон-Крик водийсида яшаган, у атрофдагилар шаънига танқидий гапларни айтиб қолмасдан, одамлар топиб олинигларига ишониб қишлоқ ўйларига уларни масхара қилювчи хат ва шеърлар ёзиб сочарди.

Линкольн Иллиоис штати, Спрингфилд шаҳрида здвокат бўлиб юрган пайтларида ҳам ўз душманларига газеталарда чоп этилиб турган хатлари орқали очиқдан очиқ ҳужум қилиб турар эди. Кунлардан бирида меъёридан оширди.

1842 йил кузида «Спрингфилд-джорнэл» газетаси босиб чиқарган имзосиз хатда у Джемс Шилдс исмли шухратпаст газанда сиёsatчини мазах қилиб, устидан кулган. Бутун шаҳар қаҳ-қаҳа билан унга қўшилган Жizzаки ва мағурр Шилдснинг ғазаби қайнаган. У хат муаллифини аниқлагач, отга шиддат билан минди-да, Линкольн олдига бориб, уни яккама-якка олишувга ҷақирди. Дуэльни қоралаб юргани учун Линкольн урушишни истамаган, бироқ бу ҳолатда ориятига етказ масдан туриб ортга чекина олмаёди. Қурол танлаш имкони унга берилди. Қўллари узун бўлганидан у кавалерия қиличига хоҳиш билдири ва ушбу қуролдан фойдаланиш дарслари бўйича бир-неча дарс олди. Белгиланган куни Шилдс Миссисипи дарёсининг қумлоқ қирғонида учрашдилар ва ўлгунча жанг қилишга ҳозирландилар. Аммо сўнгги дақиқада орага секундантлар тушиб, олишувни тўхтатдилар.

Бу Линкольн ҳаётидаги энг қайғули воқеа ва унга одамларга муомала қилиш санъатида бебаҳо сабоқ бўлди. Шундан сўнг Линкольн ҳақоратли хатлар ёзмади, ҳеч қачон, ҳеч кимни масхара қилмади. Ўша

вақтдан эътиборан қарийб ҳеч кимга ҳеч қачон танқид ёғдирмади.

Фуқаролар уруши даврида Линкольн бир неча марта Потомак армиясининг қўмондони вазифасига янги генералларни тайинлаган эди ва уларнинг ҳар бири — Мак Келлан, Поуп, Бернсайд, Хукер, Мид ўз вазифаларини ўта ёмон бажаришган ва бундаи Линкольн ғоят ранжиби. Мамлакатнинг ярми бу жонкуяр генералларни аёвсиз айбларкан, бироқ Линкольн «бировларга кеку гинасиз, барчаларга раҳм-шафқат ҳисси билан» соқинлик сақлар эди. У ёқтирган мақоллардан бири: «Айбламанг, айбланмайдиган бўласиз».

Мабодо Линкольн хоним ёки бошқа бирор жанубликлар ҳақида кескин гапирса, Линкольн: «Уларни танқид қилманг, бунга ўхшаш шароитларда бизлар ҳам айнан шундай бўлардик», деб айтган.

Ҳар ҳолда қачон-ки, танқид қилишга қандайдир асоси бор, деб ҳисобланилса, бу шубҳасиз Линкольн эди. Яна бир мисол келтирамиз. 1863 йил июль ойининг дастлабки уч кунида Геттисберг олдидаги жанг давом этарди. 4 июлнинг оқшомида бутун атрофни кўз кўрмаган сел босгач, генерал Ли жанубга чекина бошлиди. Мағлубиятга учраган армияси билан Потомак дарёси қирғоғига чиққач, у қаршисида кечиб бўлмас, тўлибтошган бебош дарёни кўрди, ортида эса зафар қу чаётган федерал армия туради. У тузоққа тушди, қутилиб бўлмасди. Линкольн буни англади. Унинг олдидаги ғойибдан келгандек, ажойиб ва қулай — Ли армиясини аср-га олиш ва шу ернинг ўзида урушни тўхтатиш имкони пайдо бўлди. Шунинг учун ғалабага ишончдан руҳланган Линкольн дарҳол Ли армиясига ҳужум қилишга буйруқ берди. Ўз буйруғини у телеграф орқали юбориб, тезкор ҳаракатларни талаб этди. Унинг қўмондони Мид нима қилди? У буйруқнинг тамоман аксини бажарди. Линкольнинг буйруғини тўғридан-тўғри бузиб, ҳарбий кенгашни чақирди, мужмаллик қилиб вақтни беҳад чўэди, телеграф орқали турли баҳоналарни юбориб турди ва ҳужум қилишдан қатъян бosh тортиди. Охир-оқибат дарёда сув пасайди ва Ли ўз армияси билан Потомак орқали чекинди. Линкольн қаҳр-ғазабга келди. «Бу нимаси?» — дея у ўз ўғли Робертга нафратини сочди. «Эй худо, бу нимаси? Қўли-

мизни узатсак улар бизнинг ихтиёrimизда бўлардилар. Аммо на айтган гапларим, на қилган ҳаракатларим армияни жойидай силжишга мажбур этолмади. Туғилган вазиятда генерал Лини мағлубиятга учратишга қодир эди. Мободо, у ерга ўзим борганимда борми, уни яксон этардим!»

Қаттиқ дарғазаб Линкольн ўтириб Мидга хат ёзди. Ёдингида бўлсин, ўша давр ҳаётида у ўз гапларида ўта мўътадил ва мулоҳазали эди. Шунинг учун 1963 йил Линкольн битган ушбу мактуб жазога баробар эди. Мана у:

### *«Қадрли генерал!*

Лининг чекиниши билан боғлиқ баҳтсизлик миқёси қай ډаражада эканини Сиз тасаввур қилолмайсиз, деб ўйлайман. Биз осонгина уни қўлга олиб, яқинда эришган мувваффақиятларимиз қаторига қўшиб, урушига нуқта қўярдик. Энди жанг номаълум муддатга чўзилиши мумкин. Ўтган душанбада Лига дадил ҳужум қилмаганимидан сўнг, ҳозир у дарёning жанубий қирғоғидаги турганида, у ёққа ўша пайти ихтиёрингиизда бўлган қўшиннинг учдан икки қисмини олиб ўтишингиизни ҳисобдага оладиган бўлсан, яна нима қила оласиз? Сиз энди кўп нарсага эришасиз, деб ўлаш ақлсизликдир ва мен буни кутмаяман. Сиз ажойиб имкониятни бой бердингиз бундан беҳад ранжиридим».

Сизнингча, Мид ушбу мактуб билан танишгач, нима қилди экан?

Шу тариқа Мид бу хатни кўрмади, негаки уни Линкольн жўнатмаган! Бу унинг ўлимидан сўнг президенқоғозлари орасидан чиқиб қолди.

Менинг тахминимча, Линкольн хатни ёзиб битиргач деразага тикилиб туриб, ўз-ўзига шундай хитоб қилган «Бир дақиқа, балки мен бунга шошилишим керак эмасдир. Оқ уйда осойишта ўтириб Мидга ҳужум тўғрисида буйруқ бериш осондир, аммо Геттисбергда бўлиб, Мид кўрганчалик миқдорда кўп тўқилган қонларни кўрга нимда, жароҳатланганлар, ўлаётганларнинг даҳшатли нолаларини эшишиб турганимда эҳтимол мен ҳам у каби ҳужум бошлишга интилмасмидим. Агар менинг ҳам хулқ-атворим Мидникidek бўлганида борми, айнан ўшандек иш туғардим. Ҳар ҳолда бўлари бўлди. Бу

хатни юборсам руҳим анча енгил тортарди, бироқ Мид қандайдир ўзини оқлашга уринарди. У мени айблаши мумкин. Бу күнгилсиз түйғуларини құзгайды, келгусидаги унинг құмандонлик хизматига ёмон таъсир күрсатар, әхтимол армиядан истеъфога чиқишига мажбур этар».

Шундай қилиб, мен айтганимдек, Линкольн мактуб-ни четга сурди ёки ўз тажрибасидан келиб чиқиб, кескін танқид ва дашномлар самарасизdir, деб ҳисоблаган.

Теодор Рузвельт президент сифатида бирор чигал муаммога дуч келганида одати бүйича, ўзини орқага ташларкан ва Линкольн суратига тикиларкан, ўзидан ўзи: «Менинг ўрнимда Линкольн бўлганда нима қиларди? Бу муаммони қандай ҳал этарди?»

Кейинги гал бизда бирорнинг адабини бериш вассаси пайдо бўлса, чўнтағимиздан 5 долларликни чиқарайлик-да, Линкольннинг сиймосига қараб, ўзимизг шундай савол берайлик: «Агар бу муаммо Линкольнг рўпара келса, у қандай қиларди?»

Сиз ўзгариши, тузалиши ва мукаммаллашуви мумкин бўлган кимсанни биласизми? Жуда яхши Ажойиб. Мен ҳам тўлиқ шунинг тарафдориман. Аммо нега ўзингиздан бошламайсиз? Худбинлик нуқтай назаридан бирорни мукаммаллаштиришдан кўра бу анча фойдалидир.

«Қачон-ки одамнинг ички дунёсида кураш бошланса, демак у нимагадир арзиди», — деганди Браунинг. Эхтимол ўзини мукаммаллаштириш жараёни рождествс байрамигача чўзилар, шундан сўнг яхши дам оласиз, кейин тузалишга ва бошқаларни танқид орқали ўзгаришишга кириб келаётган йилни бағишиларсиз Аммо, аввало ўзингизни мукаммаллаштиригинг!

Конфуций: «Агар ўз останангиз куралмаган бўлса қўшнингиз томида қор борлигидан шикоят қилиб ўтиришган», деб айтган.

Ёшлигимда одамларда таассурот қолдиришга инти лардим, гоҳо ўз даврида Америка адабий уфқида ажра либ турадиган Ричард Хардинг Дэвисга бемаъни хат йўллаганман. Мен ёзувчилар ҳақида журнал учун мақола тайёрлаётган эдим ва Дэвисдан унинг иш усууллари ҳақида сўзлаб беришни сўрадим. Бунгача бир неч ҳафта олдин кимдандир «Айтиб турилган, бироқ ўқил маган» мазмунида бир хат олдим. Хат муаллифи жуд

**кatta лавозимли, иши кўп ва муҳим одам, деган қарорга келдим.** Мен унчалик банд эмасдим, лекин Ричард Девисда чуқур таассурот қолдиришни истардим ва шу боис қисқача хатимини «Айтиб турилган, бироқ ўқилмаган» деган сўзлар билан якунладим.

У оввора бўлиб жавоб ёзиб ўтирмади. Менинг ёзувишга қўйдаланг палла-партиш битилган қуйидаги ибора билан уни ўзимга қайтарди: «Бемаъни қилиқларингиз билан ўзингиздан устун чиқибсиз». Ҳақиқатан ҳам мен қўпол камчиликка йўл қўйдим, унинг таъна-дашномларига муносаб әдим. Аммо барча инсоиларга хос бўлганидек, кейин аччиқландим, ҳамма одамга хос бўлганидек, ранжигандим. Орадан ўн йил ўтгач Девис оламдан кўз юмганини билиб, ёдимга бирдан бир нарса — ва бунга уялиб иқрор бўламан — у мени хафа қилганлиги келди.

Агар сиз ва биз эртага, балки ўн йиллаб ёки умримиз охиригача ўзимизни нафратлантириб қийнайдиган ранжитишдан қутулишни истасак, адолатлилик даражасига ишонсан-да, ўз-ўзимизни қаттиқ танқид қилиш билан озгина шуғулланайлик.

Одамлар билан муносабатларингизда мантиқан мулоҳаза қиласиганлар орасида эканингизни, сиз балки ҳиссиётга эга ҳамда ўз ҳаракатларида жиззаки ва мағрур одамлар даврасида эканингизни унумтманг. Танқид мисоли орият ертўласидаги портловчи кукун олдидаги хавфли учқундир! Баъзи ҳолларда бу портлаш мусибатли якун топади. Масалан, генерал Леонард Вуд танқид қилиниб, ўз армияси билан Францияга боришига рухсат ололмади. Уидаги ўзига нисбатан юқори баҳо бернишга урилган зарба умрини қисқартириди, кескин танқид инглиз адабиётининг энг яхши роман ёзувчиси, таъсирчай Томас Хардини бир умрга адабий-бадиий асарлар ёзишдан бутунлай воз кечишига мажбур қилди. Таңқид, инглиз шонри Томас Чаттертонни ўз жонига қасд қилишга олиб борди.

Ёшлигига бебош бўлган Бенджамин Франклин атрофлагилар билан муносабатда шунчалик маҳоратли ва устакор бўлиб кетганди-ки, уни Американинг Франциядаги элчиси этиб тайинлашган. Ундаги муваффақиятнинг сири нимада? «Мен ҳеч ким тўғрисида ёмон гап айтмайман, бироқ ким тўғрисида бўлмасин унинг ўзим англаган яхши хислатларини гапираман», деган экан у.

Ҳар қандай ақли заиф танқид қилиши, әмоналаши ва норозилигини билдириши мүмкін ва уларнинг күичи лиги айнан шундай қиласди.

Аммо фаҳмлаш ҳамда ён босиш учун кучли иродә ва ўзини тута билишлик талаб этилади.

«Инсоннинг улуғлиги, ўзидан кичикроқ одам лар билан қиласдиган муомаласида билинади», -- деб айтган Карлейль.

Одамларни танқид қилишдан кўра, келинг ўрнига уларни тушунишга уриниб кўрайлик. Нега улар ўзгача эмас, айнан шундай ҳаракат қиласдилар, деб ўзимизча тассаввур этишга уринайлик. Бу танқид қилишдан кўра анча фойдали ва қизиқарлироқ бўлиб, кишида атрофдагиларга нисбатан сабр-бардош ва хайриҳоҳлик ҳиссини ривожлантиради. «Ҳаммасини тушуниш — ҳаммасини кечириш демак».

Доктор Джонсон таъкидлаганидек: «Худонинг ўзи ҳам одамнинг куни битгунича, уни айблашига чоргланмайди». Нега энди буни бизлар бажаришимиз керак?

# ОДАМЛАР БИЛАН МУОМАЛА СИРЛАРИ

Одамларни нимадир бажаришга ундашнинг ягона усули бор. Сиз қачондир шу ҳақда ўйлаганмисиз? *Ҳа, фақат бир усул: ва у шундан иборатки, бошқа кишини мажбурлаш учун буни бажаришга истак бўлиши керак.*

Ёдингизда тутинг: бошқа усул йўқ.

Албатта, сиз одамни тўппонча ўқталиб соатини беришга мажбур этишингиз мумкин, хизматчингизни ишдан бўшатиш билан қўрқитиб ишлатарсиз, болани зуғум қилиб истаганингизни бажартиарсиз. Аммо, булар чириб бораётган қўпол усуллар бўлиб, оқибати кўнгилсиз воқеаларга олиб келади.

Бирор нарса қилишга иштиёқ уйғотадиган ягона усул — бу сизга ўзингиз истаган нарсани бериш.

Сиз нимани истайсиз?

ХХ асрнинг таниқли рўҳшуноси Зигмунд Фрейд бизлардаги барча ҳаракатларнинг асосида иккита сабаб: жинсий ишқибоэлик ва буюкликка интилиш истаги борлигини айтади?

Америкалик файласуф, профессор Джон Дьюи буни бироз бошқача ифодалайди. Унинг тасдиқлашича, одамзот табиатига хос энг чуқур интилиш бу — «эътиборли бўлиш истагидир». Ёдингизда сақланг: «эътиборли бўлиш истаги». Бу амалийдир. Ушбу китобда шу тўғрида кўп ўқиисиз.

Шундай қилиб, сиз нимани истайсиз? Унчалик кўп эмас, аммо ўша озгина ҳақиқатга ҳам ошкора матонат билан эришасиз. Ҳар қайси рисоладаги катта одам қўйидагиларни истайди:

- 1) соғлиги ҳамда ҳаётини сақлаб қолишини;
- 2) овқатланишни;
- 3) ўйқуни.

- 4) пул ва пулга сотиб олинадиган буюмларни;
- 5) нариги дунёдаги ҳаётни;
- 6) жинсий қаноатланышни;
- 7) болалари омадини;
- 8) ўзининг эътиборга лойиқлигини ҳис қилишни.

Бу истакларнинг биттасидан ташқари қарийб бар-часи қаноатлантирилади. У овқатланиш ва уйқу сингари кучли ҳукмдор-ки, камдан кам амалга ошади. Бу Фред айтган—«буюк бўлиш истаги» ва Дьюи таърифи-ча — «эътиборга муносиб бўлиш истаги».

Линкольн бир гал ўз хатини «Ҳамма хушомадни яхши кўради», деган сўзлар билан бошлаган экан. Уильям Жеймс: «Одамзот табиатининг энг теран хусусияти шундаки, у қадр-қимматига яраша баҳо олишга эҳтирос билан интилади», деб айтган. Эътибор қилинг, у шунчаки «истак», «эҳтиёж» ёки «интилиш» демаган. У: «баҳо олишга бўлган эҳтиросли истаги», деган. Одамзодни доим азоблайдиган, қондириб бўлмайдиган ташналик ана шу. Ушбу чанқоқликни қондирадиган ноёб одам--юракларни ишғол этади, ҳаттоқи, «у ўлганига гурков ҳам ачинади».

Эътиборга муносиб бўлиш истаги одамларни ҳайвонлардан фарқлайдиган бош хислатлардан бири ҳисобланади. Болалигимда, Миссурида яшаганимизда, отам фермада дьюрок-жерси зотли ажойиб чўчқаларни ҳамда оқтумшуқ наслли молларни боқарди. Уша пайтларда ўз чўчқа ва молларимиз билан Урта Гарбдати барча ярмарка ва кўргазмаларда иштирок қилганимиз. Ўнлаб биринчи совринлар эгаси бўлганимиз. Бу мукофотларни отам оқ газлама тасмага тақиб қўярди; уйимизга дўстларимиз ёки меҳмонлар келганида эса, ўша тасманинг бир учидан отам, бир учидан мен ушлаб, уларни намойиш этардик. Шунинг учун курашган чўчқалар бунга қизиқишимасди, отам эса бунга эътиборли эди: Мукофотлар унга ўзини эъзозли ҳис этиш имконини берарди.

Агарда бобокалонларимиз авлоддан-авлоэга эътибор га муносибликка интилишни мерос сифатида қабул қилмаганиндида эди тараққиёт ҳам бўлмасди. Усиз бизлар ҳайвонлардан уччалик фарқ қилмасдик. Айнан ўша эътиборли бўлишга интилиш туфайли баққоллик дўконининг илмсиз, камбағал хизматчиси, эллик центга

харид қилган катта ёғоч бочкаси остидаги латталутталар орасидан чиқсан ҳуқуқий китобларни ўқиб ўрганган экан. Сиз, эҳтимол ўша хизматчи ҳақида эшитгандирсиз, унинг номини Линкольн дейишарди. Айнан ўша эътиборли бўлиш истаги Диккенсни ўлмас романларни ёзишига илҳомлантирган. Ана шу интилиш Кристофор Ренни тошда симфония яратишга руҳлантириди, Рокфеллерни ўзи сарфлаб адо эта олмаган миллионларни тўплашга мажбур қилган! Ва айнан ўша шаҳрингиздаги энг бадавлат одамни ўзига эҳтиёжидан анча катта уй қуришга мажбур қилган.

Бу интилиш — сизни энг сўнгги русумдаги кийимларни кийишга, автомобилинг охирги моделларини бошқаришга ва буюк фарзандларингиз ҳақида сўзлашга ундан турибди.

Айнан шу интилиш—кўп ўсмиirlар онгидаги безорилик ва қотил бўлиш фикрини уйғотади. «Хозирги вақтда ёш жиноятчи, — деди Нью-Йоркдаги собиқ полиция комиссари И. П. Малруни — ўз шахсига шунчалик мафтуники, у қамоққа олинганидан сўнг биринчи илтимоси, ундан қаҳрамон ясаган кўча газеталарини келтириб бериш бўлади. У Беъб Рут, Ла-Гардиа, Эйнштейн, Ландберг, Тосканин ёки Рузвельт суратлари қатори босилган ўз суратини кўриб, завқланади, тез орада электр стулига ўтириш қисмати гўё анча олисдек тувлади».

Агар сиз менга ўз шахсингиз эътиборли эканини англашларига қандай эришганингизни баён этсангиз, кимлигингизни айтиб бераман. Бу сизнинг феълатворингизни кўрсатади, сизга муносабатда энг амалий аҳамиятга эга. Масалан, Джон Д. Рокфеллер камбағалларга атаб Хитой пойтахти Пекиндаги ўзи ҳеч кўрмаган ва кўра олмайдиган замонавий шифохона қурилишига пул бериб, ўз шахсий обрўси ошувишга эришган. Дилинжер эса ўзининг эътиборга муносаблигини англатиш учун безорилик қилган, банкларни талаган ва одамларни ўлдирган. Федирал қиди́рув бюроси агентлари уни таъқиб этганларида Миннесот фирмаларидан биридаги турар-жойга ўзини урдида: «Мен — Дилинжерман!», деган. У жамиятнинг биринчи рақамли душмани эканидан фаҳрланарди. У «Менинг сизларга ёмонлик қилиш ниятим йўқ, лекин мен — Дилинжерман», деган. Ҳа, Дилинжер-

ва Рокфеллер орасидаги фарқ: улардан ҳар бир иштеборга муносиблигига қайси йўл билан эришганлигидадир, холос.

Тарих саҳифалари машҳур кишилар қандай қилиб шупдай мавқега эга бўлишга интилганлари борасида кўплаб қизиқарли мисолларга бой. Ҳатто, Жорж Вашингтон ўзини «Олампаноҳ Қўшма Штатлари Президенти» деб мурожаат этишларини истарди, Колумб эса «Океан адмирали ва Хиндистон қироли муовини» уйвонини сўраган экан. Ёкатерина II «Император аъло ҳазратларн» деб мурожаат қилинмаган хатларни очишни истамаган, Линкольн хоним эса Оқ уйда Грант хонимга: «Мен бор жойда таклифимсиз, ўтиришга қандай журъат этдингиз» дей қичқириб, урғочи йўлбарс сингари унга ташланибди.

Кўпгина миллионерлар адмирал Бэрдинг Антарктидага уюштирган сафарига муз билан қопланган тоглар уларнинг номи билан аталиш шартига асоссан маблағ ажратишган, Виктор Гюго эса унинг шарағита Париж қайта номланишига эришмоқчи бўлибди. Шексипир ҳам номи дабдабали шарафларга буркалиши учун ўз авлодларига аatab герб қилдиришга уринган.

Баъзи одамлар эса атрофдагиларнинг ҳамдардлиги ва ўзларини эътиборга муносибликларини англаш учун касал бўладилар. Мисол қилиб, Мак-Кинли хонимни келтирамиз. Ўз шахсининг эътиборга сазоворлигини билдириш иштиёқидаги бу аёл эри — АҚШ президентини давлат ишларини ташлаб, соатлаб хотинини ухлашга кўндиришга унданган. Тишларини врач тартибга солганига қадар, эри ёнида бўлишини талаб қиласкан, аслида бу билан ўзига назар-эътибор қаратилиши иштиёқини қондирапкан. Бир марта эса, эри уни тиш врач ҳузурида қолдириб, давлат котиби Джон Хэй билан учрашувга бориши керак бўлганда, катта жанжал кўтарган экан.

Айрим нуфузли мутахассислар тасдиқлашича, бу шафқатсиз оламда ўзлари маҳрум бўлган эътиборга муносибликка қайта эришиш хусусида бемаъни хаёл суришдан ақлдан озишлари мумкин экан. АҚШ касал-хоналаридаги руҳий хасталикка йўлиқкан беморлар соли, жами бошқа касаллар миқдоридан ортиқдир. Агар сизнинг ёшингиз ўн бешдан ошса ва Нью-Йорк

Штатида яшаётган бўлсангиз, руҳий касалликлар ши-фохонасида етти йилингизни ўтказиш учун йигирмадан бир имконият мавжуд.

Ақлдан озишнинг сабаби нимада?

Бу даражадаги мураккаб саволга ҳеч ким жавоб бера олмайди, аммо, биз биламизки, айрим касалликлар, масалан, захм—мия ҳужайраларчни бузиб, ишдан чиқаради ва руҳий касалликка олиб келди. Амалда руҳий касалланишларнинг қариyb ярмига яқини ич-килиkbозлиқ, заҳарланиш, турли жароҳатлар ҳисобига мия ҳужайраси шинастланиши оқибатида юз бериши мумкин. Руҳий касалларнинг иккинчи ярмида эса кўринишдан мияси ҳужайраларида ҳеч қанақа нуқсонлар сезулмайди. Бу одамлар ўлимидан сўнг мия тўқималарини кучли микроскоп остида тадқиқотлар ўтказилганда, уларнинг миялари сиз билан бизнидек соғлом экани аниқланган.

Бу тоифа одамлар нега ақлдан озадилар?

Ушбу саволни меп яқинда руҳий касалликлар ши-фохоналаридан бирининг аича танилган бош врачиага бердим. Руҳиунослик соҳасида билимлари учун обрўли мукофотларни олган ҳурматли доктор эса бунинг сабабларини билмаслигига очиқ иқорор бўлди. Ҳеч ким аниқ айтоймайди ҳам. Бир гал у шундай деди, кўп ақлдан озган одамлар бу ҳаққоний дунёда алоҳида эътиборга муносаблика эришаман, дея тентаклик ҳолатига тушиб қоладилар. Яна у қуидагиларни сўзлаб берди:

«Хозир менда эрга чиқиши фожеали бўлган мижоз аёл бор. У севилиш, жинсий қаноатланиш, фарзанд кўриш, жамиятнинг ҳурматини қозопишини истарди. Ҳаёт уницг бутун умидларини пучга чиқарди. Эри уни севмасди, ҳатто у билан бир дастурхон атрофида тановвул қилишини истамаса-да, хотини овқатни юқоридаги хонасига келтиришга мажбур қила-вераркан. Бу бахтсиз аёлнинг фарзанди ҳам, жамиятда ўз ўрни ҳам йўқ эди. Ў ақллан озди, тасаввуримча, эридан ажралди ва қизлиқдаги фамилиясини олди. Энди хаёлан ўзини гўё инглиз оқсуякларидан бирига турмушга чиқсан ҳисоблайди, уни Смит хоним дейишларини талаб қиласди. Бола масаласига келганда эса, у ҳар тунда янги фарзанд кўраяпман, деб тасаввур қиласкан. Ҳар гал бориб кўрганимда у: «Доктор, ўт-

ған кече мен фарзанд күрдим», деб айтади.

Хаёт унинг хаёлий қайиқларини ҳақиқат қояларига урилиб чил-парчин бўлишга мажбур этарди, аммо у яшаётган ўша серқуёш, ажиб хомхаёллар мамлакатида барча кемалар портларга омон-эсон қайтиб келар, мачталари овоз бериб, елканлари эса шамолда ҳилпирайди. Фожналими? О, мен билмадим. Унинг даволовчи ҳакими менга: «Агар унинг асабини қайта тиклаш имконига эга бўлганнмда ҳам, мен бу ишни бажаришга уринмасдим. У ҳозирги аҳволида жуда ҳам баҳтиёрdir», деганди.

Умуман, эс-хуши йўқ одамлар биздан кўра баҳтлироқ. Уларнинг кўпчилигига шу аҳволлари ёқади. Нега шундай бўлмасин? Улар барча муаммоларни аллақаҷон ҳал этишган. Сизга бир миллион долларга чек беришади ёки Оғаҳон номига тавсиянома хат ёзадилар. Узлари астойдил истаган хаёлий дунёда эътиборга муносибликларини англайдилар.

Агар баъзи одамлар бундай тушунчага қаттиқ интилсалар, унда ҳақиқатан ҳам ақлдан озадилар, сиз билан биз одамларга ақлсизликнинг асл маъносини англатсақ, қашчалик ажойиб нарсаларга эришишимиз мумкинлигини тасаввур қилиб кўринг.

Билишимча, тарихда атиги иккита одам йилига бир миллион доллардан иш ҳақи олишган: Уолтер Крайслер ва Чарльз Шваб.

Нега Эндрю Карнеги Швабга йилига миллион доллар ёки кунига уч минг доллардан ортиқроқ ҳақ тўлаган? Нега?

Шваб буюк зотми? Йўқ. Балки у бошқаларга нисбатан пўлат ишлаб чиқариш борасида кўпроқ билар. Бўлмаган гап. Чарльз Швабнинг ўзи, менга айтишича, қўл остида пўлат ишлаб чиқаришни ундан ҳам яхши биладиган бир талай одам ишларкан. Шваб катта маошни унга одамлар билан муомала қилишни билгани учун тўлаётганликларини гапириб берди. Мен ундан бунга қандай эришаётганини сўрадим: Мана унинг ўз сўзлари билан ифодаланган сири. Бу сўзлар абадий металдан қўйилмоғи ва ҳар қайси уйда, ҳар қайси мактаб, ҳар қайси дўкон ҳамда ҳар қайси идорада осиб қўйилиши керак. Болалар ўз вақтларини лотин феълларини ёдлаб олиш ёки Бразилияда ёғадиган ёғинларнинг миқдорини эсда тутиш учун

сарфлаш ўрига ушбу сұзларни ёдлаб олишлари ке-  
рак, ана шундагина улар ҳаётимизни таниб бўлмайди-  
ган даражада ўзгартиб юборадилар.

«Фазилатларимнинг энг қимматлиси шуки, — дей-  
ди Шваб, — одамларни ташаббускорликка үндайман,  
улардаги яхши жиҳатларни янада равнақ топтираман,  
бунга афзал хислатларни тан олиш ва рағбатлантириш  
орқали эришаман.

Одамнинг иззат-нафсиға бошлиқ томонидан қили-  
надиган танқиддек қаттиқ тегадиган нарса бўлмаса  
керак. Мен ҳеч қачон ҳеч кимни танқид қилмайман,  
кишининг меҳнатини рағбатлантиришга астойдил  
интиlamан. Одамларни мақташини жуда хоҳлайман  
ва уларни койишга сира тоқатим йўқ. Агар менга би-  
рор бир нарса хуш келса, уни очиқасига баҳолайман  
ҳамда мақтовга беҳад сахийман».

Шваб мана шундай йўл тутади. Оддий одам нима  
қилади? Айнан тескарисини. Агар унга бирор бир нар-  
са ёқмаса, сўқинади, хуш келса индамайди. «Кенг до-  
радаги барча муносабатларимда — ҳолбуки, дунёнинг  
турли бурчакларида ажойиб одамлар билан учраша-  
ман, мен ҳам қанчалик мартабаси баланд бўлмасин,  
танқидий муҳитга нисбатан хайриҳоҳлик шароитида  
нисбатан сергайрат меҳнат қилишга интиlamан», дей-  
ди Шваб.

Масаланинг моҳияти ҳам шунда, Швабнинг гапига  
қараганда Эндрю Карнегининг барчани лол қолдирган  
муваффақиятлари сирлари шундаки у ўз сафдошлари-  
ни жамоа орасида ҳам, танҳо дуч келганда ҳам  
мақтаркан.

У ёрдамчиларига нисбатан ҳурматини қабри усти-  
га қўйиладиган тошга битилган қўйидаги ёзувда ҳам  
ифодаламоқчи бўлган: «Бу ерда атрофига ўзидан ҳам  
ақллироқ одамларни йиғинши билган иисон ётибди».

Рокфеллернинг одамлар билан муносабатдаги  
муваффақиятлари сирларидан бири — уларнинг сами-  
мий баҳолаши бўлган. Шерилларидан бири қўпол ха-  
тоси туфайли фирмага миллион доллар зарар етказ-  
ганда Рокфеллер уни танқид қилиши мумкин эди,  
аммо биларди-ки буни у яхши ниятда қилган. Шу би-  
лан воқеа тугаганди. Бироқ, Рокфеллер мақтов учун  
ҳам баҳона топди. У мазкур ҳамкорини маблағининг

олтмиш фоизини сақлаб қолгани учун табриклади. «Бу жуда ажойиб, — деди Рокфеллер, — биз бу ерда, юқори қаватда ҳамиша ҳам шундай яхши ишлай олмаймиз».

Уша пайтларда ҳаммага хос бўлгани учун бир гал рўза тутишга қарор қўйдим ва ҳафта мобайнида ҳеч нарса емадим. Бу қийин эмасди. Рўзанинг сўнгги кунида иккинчи кун охиридагига иисбатан овқатланиш истагим камроқ эди. Аммо сиз ҳам, мен ҳам шундай одамларни биламиш-ки қайси-ки улар ўз оиласи ёки ўз хизматчилари ҳафта давомида озуқасиз қолишларига йўл қўйсалар, ўзларини жиноят содир қилгандек ҳис этадилар, аммо ҳар иккалоби ҳафта эмас, кўп йиллар мобайнида узлуксиз овқат сингари ўз хислатлари ҳам муносиб баҳоланишини кутиб юришини эътиборсиз қолдиришади.

Альфред Йунит «Венада қайта қўшилиш» пъесасида бош ролни ижро этганида «Мен кўпроқ ўзимга бўлган ҳурматимга муҳтоҷман», деб айтган.

Биз болаларимиз, дўстларимиз ва хизматчиларимизнинг жисмоний ҳолатини қувватлаб турдимиз, аммо улар ўзларини ҳурматлашини камдан-кам маъқуллаймиз. Уларнинг қувватини ошириш мақсадида қовурилган гўшт билан картошка бердимиз, бироқ йиллар давомида хотираларига тонгги юлдузлар мусиқаси каби ўрнашиши мумкин бўлган хислатларни тан олувчи илиқ сўзни айтиш хусусида қайғурамиз.

Баъзи ўқувчилар бу сатрларни ўқиб—«Эскирган! Хушомад! Чучукланиш! Тилёғламалик! Мен бу усулларнинг барчасини қўллаб кўрганман, улар ақлли одамларга ҳеч қандай таъсир кўрсатмайди», дейдилар.

Албатта, зеҳни ўткир, фаросатли одамларга тилёғламалик билан камдан-кам ҳолларда таъсир кўрсатиш мумкин. Бу бесамара усул, у муваффақият ноzonмайди ва одатда бундан фойдаланмайдилар. Аммо баъзи одамлар тан олинишларини шунчалик истайдилар-ки, улар очликдан ўлаётган одам ўт ва қуртқумурсқаларни емоққа тайёр бўлганидек барча нарсани ҳазм қилиб юборадилар.

Нега энди масалан, хотинбоз ака-ука Мдинвалилар никоҳ бозорида шунчалик катта муваффақият қозонишган? Қандай қилиб бу сохта оқсуяклар икки гўзал

ва машхур кино юлдузларига, дунёга доңғи кетган аёл ҳамда миллионлаб даромад келтираётган савдо дүкөнлери сохибаси Барбара Хаттонга уйланганлар? Нима учун? Қандай қиылыш улар бунга улгuriшди?

Адела Роджерс Сент Жон «Либерти» журналида шундай ёздади: Мдиванлар аёлларни нима билан мафтун құмғанлари күпчиликка очилмаган сир бўлиб қолмөқда. Катта ҳаётий тажрибаси бор донишманд аёл, эркаклар масаласида билағон ва буюк санъаткор Поля Негри буни менга қуйидагича тушунтириди: «Қачон бўлса-да мен учратган бошқа эркакларга нисбатан улар хушомадгўйлик санъатини пухта эгаллашган. Биз яшаб турган асрда эса хушомад санъати қарниб йўқолиб кетган. Мен сизларни ишонтириб айтаман-ки. Мдиванилар жозибалигининг сири айнан шундан иборат. Мен буни биламан».

Хатто, қиролича Виктория ҳам хушомадга дарров ишонарди. Дизраэли қиролича билан муносабатларида хушомадга таянғанига иқор бўлган. Ўзининг сўзларин билан ифодалаганда, у «аёлга қўпол хушомад» қилган. Аммо, Дизраэли Буюк Британия империясини бошқартганлар ичida энг тақводори, моҳир ва энчиллардан бири экан. Ўз соҳаси бўйича улуғ истеъдод соҳиби бўлган. У уддасидан чиққан нарса сиз билан бизга фойда бермаслиги ҳам мумкин. Охир-оқибатда хушомад сизга фойдадан кўра зарар келтиради. Лаганбардорлик бу соҳталик ва сиз ўтказмоқчи бўлган ясама пул каби баҳтсизликка йўлиқтиради.

Тилёғламалик билан қадр-қимматни тан олишининг фарқи нимада? Бу саволга жавоб бериш осон. Тан олиш — самимиятдир, хушомад эса — иккюзламачилик. Биринчиси, юрақдан чиқади, иккинчиси эса худбинлик. Биринчисидан ҳамма завқланади, иккинчисини барча қоралайди.

Яқинда мен Мехикодаги Чапултепск саройида генерал Обрегоннинг хайкали пастига қуйидаги доно сўзлар ўйиб битилганни кўрдим: «Сизга хужум қилаётган душманлардан эмас, хушомад қилувчи дўстлардан кўрқинг».

Иўқ! Иўқ! Иўқ! Мен сизга хушомадга ўтишни сира маслаҳат бермайман. Ҳеч ҳам. Мен янги турмуш тарзи ҳақида сўз юритаямай. Такрорлашга ижозат бе-

ринг. Мен янги турмуш тарзи ҳақида гапирмоқдаман.

Қирол Георг V Букенгем саройида ўз ишхонасининг деворларини безаб турган олтита ҳикматли сўзни хуш куаркаркан. Улардан бири бундай: «Менга арzon мақтовни ҳадя қилишни ҳам, қабул қилишни ҳам ўргатманглар». Хушомад — бу арzon мақтовнинг ўзгинаси. Бир сафар мен «хушомад» сўзининг маъносини ўқидим. «Хушомад — демак одамга айнан, у ўзи ҳақида ўйлаганини гапириш».

«Қайси иборани қўлламанг, сиз ҳеч қачон ўз хислатингизни англатмайдиган нарса ҳақида гапира олмайсиз», деган Ральф Уолдо Эмерсон. Агар биз фақат бир-биримизга хушомад қилиш билан шуғуллансан, унда инсонлар орасидаги муносабатлар борасида мутахассис бўлганимизни англаған бўлардик.

Биз бирор бир масалани ҳал этишдан бўш пайти-мизда вақтимизнинг тўқсон беш фоизини ўзимиз ҳақдаги хаёлларга ажратамиз. Агарда, биз озгина ўзимизни унутиб, ҳамсуҳбатимизнинг яхши фазилатлари ҳақида ўйласак, оғзимиздан чиқмасдан пайқаб олинадиган хушомадга кўчишга ҳожат қолмасди.

Эмерсон шундай деган: «Менга учрайдиган ҳар бир одам қандайдир муносабатда ўзимдан устун келади ва шу маънода мен ундан сабоқ олишим керак».

Агар ушбу ибора Эмерсонга нисбатан азолатдан бўлса шуниси аниқ-ки, бу мен ҳамда сиз учун минг марта ҳақиқатdir. Ўз шахсий муваффақиятларимиз, истакларимиз ҳақида ўйлаб ўтирамайлик, бирорларнинг ижобий томонларини баҳолашга уриниб кўрайлик, хушомадни бутунлай унтайлик. Маъқуллашингизни вижданан ва самимий изҳор қилинг, «баҳолашда соғдил ва мақтова сахий бўлинг», шунда одамлар сўзингизни хотирада сақлайдилар, унинг қадрига етадилар ва бутун умр бу сўзларни тақрорлаб юрадилар — кўп йиллар ўтга ўзингиз буни унучсангиз ҳам улар эсга олиб юрадилар.

## **«БУНИ БАЖАРГАН ОДАМ БУТУН ДУНЁНИ ЭГАЛЛАЙДИ, КИМКИ БАЖАРМАСА — ЕЛГИЗЛИКДА ҚОЛАДИ»**

Хар йили мен ёзда Мэнга балиқ овига бораман. Шахсан қаймоқли қулупнайни жуда яхши күраман, бироқ, ғалати бир сабабга күра, балиқлар чувалчангни афзал күришларини англадим. Шунинг учун қачонки балиқ овига бораётганимда ўзим хоҳлаган нарса тўғрисида эмас, балки балиқлар истаган нарса ҳақида ўйлайман. Мен хўрак сифатида қармоққа қаймоқли қулупнайни ўтказмайман, балки «татиб кўришни истамайсанми?» деб балиқни чувалчанг ёки чигирткага жалб этаман.

Нега бизлар одамларни ўзимизга жалб қилиш мақсадида бундай оқилона ҳаракат қилмаймиз?

Лойд Джордж айнан шундай қиларкан. Ундан бир гал уруш даврининг барча пешволари сингари — Вильсон, Орландо ва Клемансолар ўз лавозимларидан кетишга мажбур бўлгандан сўнг, қандай қилиб ҳокимият тепасида қолганини сўрашганда, агар лавозимни сақлаб қолиши бирор-бир омни билан боғлиқ бўлса, бу ҳолат балиққа манзур тушадиган хўракни қармоққа ўтказниш кераклигини билиши эканини айтди.

Нега бизлар нимани исташимиш ҳақида гапираймиз? Бу бачканалик. Бўлмаган гап. Албатта, сиз ўзингиз истаган нарсани олмоқни муҳим ҳисоблайсиз. Сиз ҳамиша шуидан баҳрамандсиз. Аммо, бу бошқа бирорни қизиқтирмайди. Ҳаммамиз шундаймиз: истаган нарсамизга эришишдан манфаатлормиз. Шунинг учун бошқа одамга таъсир қилувчи ягона усул — бу

ұша одам хоҳлаган нарса ҳақида гапириш ва қандай қилиб истагнга әршишни ўргатмоқ лозим.

Эртага кимдадир нимадир қилиш истагини уйғотиш пайтида мана буни ёдингизга олинг. Масалан, агар ўғлингиз чекмаслигини истасанғиз унга насиҳат қылманг ва үз истагингиз ҳақида гапирманг, унга чекиши бейсбол жамоасига киришига ёки югуриш пойгасида ғолиб чиқишига халал беришими тушунтириңг.

Кимга ишингиз тушишидан қаты назар — улар болаларми, бузоқча ёки маймунларми буни доим эсда тутмоқ фойдали. Масалаң, Ралф Уолдо Эмерсон ва унинг ўғли бир сафар бузоқчани молхонага киритмоқчи бўлишибди. Бироқ, улар гоят катта хатога йўл қўйиб, ўзлари истаганча иш тутибли. Эмерсон бузоқчани итарар, ўғли унга ёрдам бераркан. Аммо, бузоқча ҳам үз хоҳишинча ўжарлик қилиб ўтлоқдан кетмабди. Хизматчиси — ирландичлик аёл уларниң қийин аҳволларини кўрибди. У китоб ёзишни билмасада, ушбу ҳолатда Эмерсонга қисбатан идроки устунилк қилди ёки «бузоқчанинг ҳолатини тушунди. У бузоқча нимани хоҳлаётганини ўйлади, унинг оғзига бармоғини солди ва молхонага тинчгина киритгунинча шинмишига имкон берди.

Сиз туғилган кунингиздан эътиборан барча ҳаракатингизни үз истагингизга қараб бажаргансиз. Қизил Хочга қилган юз долларлик хайрияниң ҳақида шимадейиш мумкин? Бу ҳам қондадан холи бўлосмайди. Ёрдам қилмоқчи бўлганингиз, ажойиб ва беғараз кўмактанимоқчи эканингиз, оллоҳга манзур ҳаракат қилиш истагингиз борлиги учун сиз хайрия чиқардингиз «Бандаларимга қилганингиз — менга қилганингиз...» Агар үз ишингиздан қониқиши ҳисси 100 долларниңиздан аълороқ бўлмаганида эди, сиз бу хайрияни қилмаган бўлардингиз. Албатта, сиз бу ишни йўқ дейишдан уялиб ёки мижозингизнинг илтимосига кўра ҳам амалга оширишингиз мумкин. Аммо бир нарса аниқ: хайрияни нимадир истаганингиз учун қилгансиз.

Профессор Гарри А. Оверстрит «Одамниң феъл-авторига таъсир кўрсатиш» номли насиҳатомуз китобида ёзади: «Инсонниң барча хатти-ҳаракатлари асосида унинг яширин истаклари ётибди.., ва үз олди-

га хоҳ ишбилармонлар дунёсида бўлсин, хоҳ мактабда ёки сиёсатда, бирор бир ишни қилишга кўндириши мақсад қилиб қўйганларга маслаҳатим қўйидагича: дастлаб ўз сухбатдошингизда бирор бир нарсага эҳтиросли истак уйғотинг. Буни бажарган одам бутун дунёга эгалик қиласи, кимки бажармаса ёлғизланиб қолади!»

Бечора шотландиялик болакай Эндрю Карнеги аввалига соатига икки цент учун ишлаган, кейинчалик уч юз олтмиш беш миллион долларни хайрияга сарфлаган, атрофдагиларга таъсир кўрсатишнинг ёлғиз усули бу улар истаган нарса ҳақида гапиришини жуда эрта аяглаган. У мактабга жами тўрт йил қатнаган ва шунга қарамай, одамларга муносабат санъатини яхши ўзлаштирган.

Буни мисол билан изоҳлаймиз. Унинг келинлари ва икки ўғиллари қаттиқ хавотирда эканлар. Улар Иель университетида ўқиб юриб, шахсий ишлари билан шунчалик банд бўлганлар-ки, ҳатто хат ҳам ёзмасдилар, хавотирланиб, қарниб ҳушидан озаётган оналарининг мактубларига ҳеч қандай эътибор қилмасдилар. Шунда Карнеги жавоб ёзишини сўрамасданоқ, кейинги почтада улардан хат ололаман, деб гаров ўйнайди. Шарт қабул қилинди ва у ўз жиянларига ҳеч бир жиддий масалани эслатмай хат ёзиб юборди; мактубининг охирида йўл-йўлакай уларнинг ҳар қайсисига беш доллардан жўнатаётганига ишора қилди. Аммо пулни конвертга солмади. Кейинги почтада «Қадрдон Эндрю амакиси»га ёқимли хат учун миннатдорлик изҳор қилинди... Ушбу жумлани тугалашни мен ўзларингизга тавсия этгаман.

Эртага сиз бирон кишини бирорта ишни бажаришга ундумоқчи бўлсангиз, буни айтишдан олдин шошилмай: «Мен бу ишни бажаришга уни қандай қилиб мажбурлайман?» деб ўзингизга савол беринг. Бу савол сизни ўз истакларингиз ҳақида чуқур ўйланмаган қуруқ сафсата сотиш учун одамлар билан учрашувлардан сизни тияди.

Ҳар мавсумда мен маъруза ўқиши мақсадида Нью-Йоркдаги меҳмонхоналардан бирининг катта рақс залини йигирма оқшом ижарага олардим. Мавсумлардан бири арафасида кутилмаганда ижара ҳақини аввалгидан уч баробар кўп тўлашим кераклиги ҳақида маъ-

лум қилишиди. Ушбу хабар менге чипталар босилиб тарқатылғач ва барча әэлошлар берилгандан кейин келди.

Табиийки, ортиқча пул тұлашни хоҳламасдым, бироқ мен истаган нарасам ҳақида меҳмонхона маъмурити билан сүз юритишига нима ҳожат бор эди? Улар үzlари истаган нарасаганиң қизиқардилар. Иккى кундан кейин меҳмонхона бошлигининг ҳузурига кирдим.

«Хатингизни олиб бироз унғайсизландым, — дедим мен, — аммо, бунда сизни сира айбламайман. Үрнингизда бұлғанимда, әхтимол мен ҳам худди шундай хат ёзардым. Мазкур бўлим бошқарувчиси сифатида сизнинг вазифангизга иложи боричча кўпроқ фойда олиш киради. Агар шундай қилмасангиз, сизни бўшатадилар. Келинг, энди бир варақ қофозни олиб сиз ижара пулини оширгач, бундан келадиган «мусбат» ва «манфий» жиҳатларини ёзиб кўрайлик. Кейин мен фирма қофозни олиб, ўртасидан чизиқ тордим. Биринчи устунга «мусбат», иккисицига «манфий» дәя сарлавҳа қўйдим.

«Мусбақ» сарлавҳаси остига: «Рақслар зали бўш деб ёздим ва изоҳладим: «Агар зал бўш бўлса, сиз уни рақслар ёки йиғилишларга бериш имконига эга бўласиз. Бу қулай шароит, чунки бундай маросимлар туфайли маърузалар туркумига нисбатан кўпроқ фойда оласиз. Агар сизнинг рақслар залингизни мавсум давомида ўйгирма кечага эгалласам, сиз қулайгина даромадингизни қўлдан бой берасиз.

Энди эса «манфийни» кўриб чиқайлик. Биринчидан, мендан олаётган даромадингизни кўпайтириш үрнига уни камайтиришга ҳаракат қилмоқдасиз. Амалда ўша даромаддан воз кечишга аҳд қилмоқдасиз, негаки, сиз сўраган пулни тўлай олмайман. Мен ўз маърузаларимни бошика бирор жойда ўқишига мажбурман. Сиз учун бунинг яна бир фойда келтирмайдиган жиҳати бор. Маърузаларим меҳмонхонағиздаги кўплаб ўқимишли, маданиятли одамларни жалб қиласиди. Бу сиз учун ажойиб реклама, шундай эмасми? Амалда, сиз газетада reklamaga беш минг доллар сарфлассангиз ҳам менинг маърузаларим жалб қиласидиган миқдордаги одамлар меҳмонхонангизга келишларига эриша олмайсиз. Ваҳоланки, бу ҳар қандай меҳмонхона учун катта аҳамиятга эга».

Буни гапираётганимда қайд қилинган «манфийлар»ни тегишиلى устунга тушириб, қуидаги сүзлар билан варақшы бошқарувчига узатдим: «Ўзингиз кўзлаган фойда ва заарлар ҳақида эътибор билан ўйлаб қўринг, шундан сўнг менга охирги хуносангизни маълум қилинг».

Кейинги кун ижара ҳақи уч бараварга эмас, балки атиги эллик фоизга оширилгани ҳақидаги маълумотнома мактубни йўллашди. Эътибор қилинг, мен бу имтиёзни ўз истагим тўғрисида гапирмасдан олдим. Бошдан сёёқ мен ҳамсуҳбатим истаган нарса ҳақида сўз юритдим.

Айтайлик, мен одатда бундай ҳолатлардаги сингари ҳаракат қилиб бошқарувчи хонасига бостириб кириб: «Бу нимаси — ўзингизга маълумки, чипталар тайёрланган, барча эълонлар берилгани ҳолда ижара хақини уч баробар ошириш нимаси? Уч баробар! Бемаънилик! Мен бунча тўламайман!» десам-чи.

Шундай қилсан нима бўларди? Қизғин тортишув авж олиб кетса ажабмас, сиз тортишувлар нима билан тугашини биласиз. Ҳатто, ҳамсуҳбатим ноҳақлигига ишонтиrolсам ҳам ўзига бино қўйиши орқага қайтишга йўл бермасди.

Одамлар орасидаги ўзаро муносабатлар борасидаги маслаҳатлардан бири шундай. «Агар бу ерда муваффақиятнинг бирор бир сири бўлса ҳам, — деган эди Генри Форд, — унинг мазмуни бошқа бир кишининг нуқтани назарини тушуниш ва нарсаларга унинг нуқтани назаридан қарашни билишдан иборат».

Бу шуничалик оддий ва аён бўлиб турибди-ки, ушбу фикрнинг ҳаққонийлигини ҳар ким дарҳол кўрмоги лозим: одамларнинг тўқсон фоизи буни назарга илмайдилар.

Сизга мисол керак-ми? Эртага эрталаб ёзув столингиз устида пайдо бўлган мактубгә қаранг, муаллифларнинг катта қисми соғлом фикр анъанасини бузадётганлигига ишонч ҳосил қиласиз. Қитъанинг барча бурчакларида ўз филиалларига эга бўлган бир реклама агентлигининг радио бўлимни бошлиғи ёзган хатни мисол қелтирайлик. Бу мамлакатнинг маҳаллий радиостанциялари раҳбарларига йўлланган. (Ҳар бир бандга ўзимнинг муносабатимни қавс ичидаги баён этдим).

Жаноб Джон БЛАНК га,  
Бланквил, Индиана.

### Хурматли жаноб БЛАНК!

Бизнинг компаниямиз радио эшилтириши соҳасида  
пешқадам реклама агентлиги ҳолатини сақлаб қолиш-  
ни истайди.

(Сизнинг компаниянгиз нима исташи кимга қизиқ? Мени ўзимнинг муаммоларим ташвишлантиради. Банк мени уйимнинг гаровномасини сотиб олиш ҳуқуқидан маҳрум қилмоқда; кеча фонд биржасида курслар пасайиши кузатилди; мен бугун поездга кечикдим; кеча кечқурун Джонсовларникига рақсга тушишга таклиф этилмадим; шифокор қон босимим баландлиги . ва менда неврит борлигини айтди. Шундан кейин нима рўй берди? Безовта бўлиб, бугун эрталаб ишга келиб, хатларни очдим ва қандайдир кимса унинг компанияси нималарни исташи ҳақида сафсата сотибди. Агар у ўз хатининг қандай таъсир қилганини билганида борми, реклама ишини ташлаб, жонзорлардаги қуртларни қириувчи суюқлик ишлаб чиқариш билан шуғулла-нармиди.)

Агентлигимизнинг бутун мамлакат бўйлаб реклама эълонлари биринчи радиостанция тармоғи ишига асос бўлди. Кейинчалик радиоэшилтириши дастурларида эълонларимиз кўпроқ вақт эгаллаши йилдан йилга бошқа реклама агентликлари орасида бизга биринчи ўринни олиб берди.

(Сизлар биринчи ўринни эгаллаган йирик ва бадавлат ташкилотсизлар, шундай эмасми? Хўп, бундан нима чиқади? Агар сизлар қўшиб олганда «Женерал моторс», «Женерал электрик» ва АҚШ армиясининг бош штаби бўлганда ҳам мен бунга тупурдим. Агар сизда озроқ соғлом ақл бор бўлганда, мени сиз эътиборли эканингиз эмас, балки фақат ўз обрўйим қизиқтиришини англар эдингиз. Сизнинг катта мувваффа-қиятларингиз ҳақидағи ортиқча гапларингиз, ўзимни камситилганимдек ва аҳамиятсиз ҳис қилишим деб ўйлашга мажбур этади.)

*Биз истардик-ки, реклама-эълонларимиз радио хабарлар соҳасидаги энг кейинги ютуқларга асослансан.*

(Сиз истайсиз! Ҳа сиз, нақд әшакнинг ўзгинаси! Мени Сиз нима хоҳлашингиз, Муссолини ёки Бинг Кросби нима истагани мутлақ қизиқтирмайди. Мени, мен истаган нарса қизиқтиришини сизга узил-кесил айтишимга ижозат беринг, сиз эса бемаъни хатингизда бу ҳақда чурқ этмадингиз).

*Шунинг учун, станция иши ҳақида ҳар ҳафталик маълумотларни бериб турувчилар рўйхатига биринчи навбатда бизларни киритсангиз: ажратилган вақтни оқилона тақсимлаб, агентлигимизга фойдали ҳар бир тафсилотлар тўғрисида батафсил хабар бериб туринг.*

(Рўйхатда «биринчи навбат». Мана сурбетлик! Аввалига компаниянгиз ҳақида сафсаталар билан мени таҳқиранган ҳис эттирдингиз, кейин эса ўзингизни «биринчи навбат»га жойлаштири дебсизу, ҳатто «илтимос» ҳам қилмабсиз).

*Ушбу хатни олганингизни дарҳол тасдиқлассангиз ва сўнгги ишингиз тўғрисида маълумотлар юборсангиз иккι томонга ҳам фойдалидир.*

(Аҳмоқ! Сиз менга ҳеч нарсага арзимайдиган кузги барглар каби бутун дунёда учиб юрган бир қолидаги нусхаси кўпайтирилган хатни юборасизми! Яна уялмай уй қуриш ташвишim бор ва қон босимим азоб берадиган бир пайтда, мендан ҳамма жойга юборилган хатингизни олганим тўғрисида шахсан жавоб ёзишимни сўрабсиз. Шу билан бирга буни «тезда» бажаришнмни истабсиз. Мен Сиздан кўра бандроқ эканимни билмасмидингиз ёки охир-оқибат менга шундай деб ўйлаш ҳуш ёқса-чи?) Модомики, гап шу масалага тақалган экан, айтинг-чи, ким сизга менинг ихтиёримни берди ўзи?.. Бу — «иққи томонга ҳам фойдали» деяпсиз. Хайрнат, охир-оқибаи сиз менинг ҳам нуқтаи назаримни ииобатга олдингиз. Бироқ бу меңга

қай тарзда фойдали бўлишини сиз равшанлашти́рмапсиз.)

*Сизга садоқатли  
радио бўлими мудири*

*P. S. Илова қилинган «Бланквилл джорнэл» газетасидан олинган нусха сизни қизиқтиради ва эҳтимол радиостанциянгиз орқали уни эшилтиришини хоҳлаб қоларсиз.*

(Хайриятки, хатингиз охирида сиз менинг муаммоларимдан бирини ечишга ёрдами тегадиган ниманидир ёдимга солдингиз. Нега энди сиз хатингиз бошидаёқ... айтганча, бу ҳақда гапиришдан нима фойда? Қиши реклама соҳаси билан шуғуллансаю, айни пайтда сизнинг хатингиздаги сингари сафсата сотса, унинг мияси жойида бўлмаса керак. Сизга бизнинг ишимиз ҳақида сўнгги маълумотлар кўрсатилган хат зарур эмас, Сизнинг қалқонсимон безингизга озгинга йод лозим, холос). Мана, реклама соҳасига ихтисослашган ва ўзини одатларга таъсир кўрсатиш санъати мутахассиси деб билган киши ёзган хат. Биз қассобдан, новвойдан ёки мих ясовидан нимани кутаяпмиз?

Энди йирик темир юқ станцияси бошлигининг курсларим тингловчиси Эдвард Вермиленга йўлланган яна бир хат. Бу мактуб уни олган одамда қандай таассурот қолдиради? Ўқиб чиқинг-чи, кейин сизга бу тўғрида айтиб бераман.

*«А. Зерега'с санс» компаниясига,  
28, Фронт-сприт, Бруклин, Нью-Йорк  
Мистер Эдвард Вермиленга*

*Жаноблар!*

Бизнинг қабул қилиш-жўнатиши темирийўл станция-мизда юклар куннинг иккинчи ярмида келиши ҳисобига уларни қайта ишлаш оғирлашмоқда. Бундай аҳвол юклар тўпланиб қолишига, қўшишмча ишлашига, машиналарнинг ортиқча вақт сарфлашига олиб келаяпти. 10 ноябрда соат 16 дан 20 дақиқа ўтганда сизнинг компаниянгиздан 510 ўриндан иборат бир тўп юқ келди,

**Юкларнинг кеч келиши билан боғлиқ юзага келган** кўйнгилсиз аҳволни бартараф этиши мақсадида ёрдамингизга жуда муҳтоҷмиз. Сиздан кўрсатилган сингари катта миқдорда юк тўплаб жўнатадиган кунларда, автомашиналарни вақтлироқ юборишингизни ёки бир қисмини куннинг биринчи ярмида келтиришингизни илтимос қилишимиз мумкинми?

Бундай тартибда иш тутиш натижасида сизнинг юкларингиз тезроқ туширилади ва қабул қилинган кунидаёқ жўнатилишига ишонч пайдо бўлади, шубҳасиз бу сизга фойдалидир.

*Сизга содиқ  
станция бошлиғи Дж. Б.*

Ушбу хатни ўқиган «A. Зерега'с санс» фирмаси савдо бўлимининг бошлиғи Вермилен менга қўйидаи шарҳни юборибди: «Мазкур хатнинг самараси, ундан кутилганнинг тескарисини беради». Хат, темирийл станциясидаги қийинчилклардан бойланган-ки, булар бизни умуман қизиқтирумайди. Кейин унда иоқулаӣ бўлиши мумкинлиги ҳисобга одинмасдан ёрдам сўралган фақат шундан кейин, хатнинг охирги бандида ҳамкорлик юкларни ортишни тезлаштириш ва ўша куниёқ жўнатилиши мумкинлиги айтилган. Бошқача ифодалаганда, бизларни кўпроқ қизиқтирган нарсалар ҳақида охирги наъбатда айтилган ва хатнинг бутун мазмуни, сўралган ёрдамни кўрсатишдан кўра, буни бажармасликка унрайди».

Келинг, шу хатнинг маъқулроқ нусхасин тузоламизми, кўрайлик-чи. Ўз муаммоларимиз ҳақида гапиришга вақт сарфламаймиз. Генри Форд кўрсатганидек! «бирор нуқтаи назарини англаш ва нарсаларга унинг ҳамда ўзингнинг нуқтаи назариндан қарашни» билиш керак.

Мана хатни тузатиш йўлларидан бирин. Эҳтимол бу мақбули эмасдир, бироқ хат шундан сўнг фойда бермасмикан?

*Мистер Эдвард Вермиленга  
«A. Зерега'с санс» компанияси  
28. Фронт-стрит, Бруклин, Нью-Йорк.*

*Хурматли мистер Вермилен!  
Сизнинг компаниянгиз ўн тўрт йил мобайнида биз-*

нинг доимий мижозларимиздан бири бўлиб келмоқда. Албатта, бунинг учун жуда миннатдормиз ва мутаносиб равшида Сизга тез ҳамда самарали хизмат кўрсатишни истардик. Аммо, сизнинг машиналарингиз 10 ноябрь куни бўлганидек, катта партиядаги юкларни куннинг охирида келтиргани туфайли, афсуски, бунинг иложи бўлмай қолади, Нега? Негаки, яна кўпгина бошқа мижозлар ҳам ўз юкларини куннинг охирида келтиришиади, табиийки, бу юклар тўпланиб қолишига ҳамда транспортингиз мажбурий ушланиб қолишига, юкларни жўнатиш орқага сурилишига олиб келмоқда.

Бу ёмон. Жуда ёмон. Бундан қандай холос бўлиниди! Имкон бўлганда, Сизнинг юкларингизни куннинг биринчи ярмида келтириш йўли билан. Бу Сизнинг юк машиналарингиз тез бўшаб қайтишига қулайлик түғдиради, биз эса сизнинг юкларни дарҳол жўнатишга кириша оламиз, ишчиларимиз эса ўйларига эртароқ қайтиб, сиз ишлаб чиқарган ажойиб макарон ва увралардан роҳатланардилар.

Илтимос, ушбуни шикоят ўрнида кўрманг ва мен Сизга ишни юргизишда маслаҳат бериш ниятим йўқлигини тушунинг. Мактубим фақат сизга янада самаралироқ хизмат кўрсатиш мақсадида битилди. Юкларингиз қачон келишидан қатъи назар, ҳамиша Сизга тезроқ хизмат кўрсатиш учун бор кучимиизни аямаймиз.

Сиз бандсиз. Илтимос, мазкур хатга жавоб ёзиб ўзингизни қийнаманг.

*Сизга содиқ  
станция бўшлиғи Дж. В.*

Бугунги кунда чарчаган, эсанкираган ва кам ҳак оладиган минглаб савдо агентлари кўчада изғиб юришибди. Нега? Чунки, улар фақат ўзлари истаган нарсалар ҳақида ўйлайдилар. Улар сиз ҳам, мен ҳам нимадир сотиб олишни истаётганимизни тушумайдилар. Агар бизлар бирор нарса харид қилмоқчи бўлганимизда бораардик-да, уни сотиб олардик. Йиккимиз ҳам шубҳасиз ўз мушқулимизга ечим топишдан манфаатдормиз. Агарда бу ходим бизга муаммоларимизни ҳал этишида унинг хизмати қандай наф келтириши

мумкинлигини күрсата билганда эди, молларини сотиб олинг, деб бизга тақдим қилишга ҳожат қолмасди. Уларни ўзимиз харид қиласынан. Ваҳоланки, харидорға унга сотилгани эмас, балки у ўзи олганини англаши хуш келади.

Аммо, күп одамлар умрбод нарсаларга харидор нұқтән назаридан қарамасдан, унинг савдоғы билан шуғулланадилар. Масалан, мен Forrest Хилло Нью-Йорк марказидаги шахсий уйлардан иборат кичінкроқ квартирада яшайман. Бир куни станцияға шошилиб кетаётсам, тасодиған күп үйлардан буён Лонг-Айлендда күчмас мұлк олди-соттиси билан шуғулланувчи агентни учрағып қолдым. Forrest-Хиллсни у жуда яхши билар ва шу болып кетаётіп ундан сувалган үйим темир түр ишлатылып қурилғанми ёки ичи бүшроқғиши билан терілғанми, деб сүрадым. Бу унга маълум эмаслигини айтты (гарчи мен усиз ҳам билсам-да), «Forrest-Хиллс гарденс» уюшмасидан сурештириди. Эртаси күни әрталаб, мен ундан хат олдым. Менга керакли маълумотларни маълум қилибдими? Ваҳоланки у буларни телефон орқали бир дақиқаца олиши мүмкін эди. У бундай қылмади, зарур гапларни телефон орқали олишим мүмкінligини яна бир карра эслатып, менинг суғурта ишлары билан шуғулланишга рухсат сұрабди.

У менга ёрдам беришдан манфаатдор эмасди. Ўзим ўзимга күмак беришімга қизиқарди.

Мен унга Вэш Яңгнинг «Садақа қилувчи» және «Бойликни бўлишиш» китобларидан бир нусхадан беришим лозим эди. Агар буларни ўқиб чиқса ва ўша қоидаларни амалда қўллаганида эди менинг суғуртамдан оладиган даромаддан кўра минг марта кўпроқ фойда кўрарди.

Мутахассислар ҳам ўша хатога йўл қўйишиди. Бир неча йил аввал Филадельфияда мен бир машхур отапаринголог қабулигига киргандым. У бодомсимон безларимга қарамасдан, мендан нима иш қилишимни, даромадим ҳажмини сұради. Унинг асосий ташвиши қандай қилиб ёрдам бериш эмас, балки кўпроқ фойда унидиришдан иборат эди. Натижада ҳеч нарса ололмади. Унинг қатыяйтсизлигидан - нафрлатланиб қайтдим.

Дунёда бундай юлғиң ва нафси ҳакалак отғанлар күп. Шунинг учун ҳам ўша ноёб одамларга холис хизмат қилувчилар уларга нисбатан күпроқ имконга эга. Ўнинг рақиблари жуда оз. Оуэн Д. Янг: «Ўзини бирорвлар ўрнига қўя оладиган ва уларнинг ниятларини тушуна биладиган одам—келажак унга нималар ҳозирлашидан ҳавотирланишга эҳтиёж сезмаса ҳам бўлади», деб айтган.

Агарда сиз ушбу китобни ўқиши натижасида суҳбатдошингиз нуқтаи назаридан келиб чиқишга лаёқатингиз ошса ва буюмларга унинг кўзи билан қарай олсангиз, шунинг ўзиёқ ишбилармонлик мавқеингизда муҳим бир босқич бўлиб қолади.

Одамларнинг кўпчилиги коллежларни битирадилар. Улар Вергилийни ўқийдилар ҳамда олий математика сирларини ўрганадилар, аммо ҳеч қачон ўз ақл идроклари қандай ишташини била олмайдилар. Мисол: бир сафар мен «Кэрриер корпорейнш» фирмасига (мазкур корпорация хизмат хоналари ва театрлар учун кондиционер етказиб бериш билан шугулланади) хизматга кирувчи коллеж битирувчиларига нутқдан моҳирона фойдаланиш санъати ҳақида маъруза ўқиётган эдим. Тингловчиларимдан бири бошқаларни баскетбол ўйламоққа унади ва қуийдагиларни айтди: «Болалар, мен сизларни баскетбол ўйнашга боришлини истайман. Мен баскетбол ўйинини ёқтираман, аммо кейинги бир неча гал гимнастика залиде ўйинчилар сони керакли миқдордан ошмади. Мен сизларни у ерга эрта кечқурунга яқин баскетбол ўйинига боришлини истардим.»

Сиз истаган нарса хусусида у бирор гап айтдими? Сиз ҳеч бўлмаган жойингиз гимнастика залига боришини хоҳламайсиз, шундай эмасми? У истаган нарсанинг сизларга аҳамиятий йўқ.

Гимнастика залига бориб, ўз истагингизга қандай эришувишгиз мумкинлигини кўрсатиши мумкин-миди? Шубҳасиз. У жонли, иштаҳангизни очувчи ва мия чарчоини тарқатувчи, завқли мусобақа ҳақида айтса, бўларди.

Профессор Оверстритнинг доно маслаҳатини такорролайлик: «Аввал сухбатдошингизда бирор нарсага эҳтиросли истак ўйғотинг. Бунинг уддасидан

чиққан одам дунёга әғалик қиласы, уддаламаган эса өлғизликтің қолади».

Менинг курс тингловчиларымдан бири ўз боласидан ташвициланарди. Боланинг вазни сира ошмас ва иштаҳаси йўқ экан. Ота-опалари одатдаги услубини қўллашибди. Уларнинг жаҳллари чиқиби ва ҳамиша унга: «Ойинг уни ёки буни ейишингни истайди», «Отанг сен улғайишингни ва кучли инсон бўлишингни хоҳлади» деб ҳоли-жонига қўйишмабди. Бола бу илтимосларга әътибор берадими? Буни, қумли чўмилиш жойидаги заррачаларга қиёсласа бўлар. Бирорта соғлом фикрли инсон уч яшар болага ўзини ўттиз яшар отасининг фикрига қўшилади, деб ишонмаслиги керак. Бироқ отаси ундан айнан шуни талаб қиласади. Бу йоўнғай эди. Охир-оқибат у хатосини тушунгач, ўзига ўзи: «ўғлим нимани истайди? Қандай қилиб менинг истаганим билан унинг хоҳишини бир-бирига мос тушурсам?» деб ўйлади.

У шу тариқа мулоҳаза юритгач, ҳаммаси жойига тушди. Боланинг уч ғилдиракли велосипеди бўлиб, Бруклиндаги уйлари олдидаги йўлакчада уни олдинга-орқага миниб юришни хўш кўради. Шу кўчада бир неча ўй нарида, голливудча ибора билан айтганда бир «буқа»ча, яъни ёши каттароқ болакай яшарди, у бизларининг кичкитойимиз велосипедини тортиб олар ва ўзи минаркан. Табиий, бола кўз ёши тўкиб онасининг олдига югурур, аёл эса кўчага чиқиб, велосипеддан «буқа»чани тушириб, яна ўз боласини миндириб қўяркан. Бундай ҳол деярли ҳар куни такрорланган.

Бола пимани хоҳларди? Бу саволга жавоб бериш учун Шерлок Холмс бўлиш шарт эмас. Унинг ғуурури, ғазаби, ҳаётда ўз қадр-қиммати борлигини ҳис қилишга интилиши -- табиатан кучли туйғуларини ишга солиб, болани ўч олишга, кучининг боричча «буқа»чанинг тумшурига туширишга ундарди. Бир куни отаси унга сийси бергани овқатларни есагина, ўзини ранжи-таётгак болани яхшилаб савалашга кучи етиши мумкинлигини тушунтирибди. Отасининг ваъдасидан сўнг овқат ейиш муаммоси бартараф бўлибди. Бола эса исмалоқ, турли қарам за тузлаиган балиқ, умуман бошқа барча таомларни сийшга тайёр эди, фақат куч тўплаб, урушқоюни сагаласа бас.

Бу мұаммога ечим топилгач, отаси бошқа ишга киришди: болада ётганда түшагини ҳұллаш одати бор эди. У ҳамиша бувиси билан ухларкан. Эрталаб уйқудан үйғонған бувиси чойшабни ушлагач, унга: «Джони, кечаси сен нима қилиб қўйганингни биласанми», деди. У «Йўқ, буни мен қилмадим. Буни сен қилғансан», дея жавоб бераркан.

Уни қанчалик койишмасин, уялтиришмасин, онаси тағин ҳұллашини истамаслигини тұхтосыз тақрорласин, урунишлар бесамар кетарди. Шунда ота-она үйлаб қолишиди: «Қандай қилиб үғлимиздаги ёмон одатни ташлашга ундасак?» Бола нымани истарди? Биринчидан, унда бувисиники сингари тунги кўйлак эмас, отасиникидек чолвори бўлишини хоҳларди. Унинг тунги қилиқлари бувисининг жонига теккан, шунинг учун агар камчилигини тузатса, жон деб чолвор олиб беришини орзу қиларди.

Иккинчидан эса, алоҳида кроватни истарди... Бувиси эътиroz билдирамди.

Опаси болани Бруклиндаги лазер универсмагига олиб бориб, сотувчига кўз қисиб: «Бу кичкина жентельмен у бу нарсаларни сотиб олмоқчи», деди. Сотувчи ҳам: «Сизга қандай хизмат кўрсатишмумкин, йигитча?» дея унинг ҳурматини жойига қўяётганингни ҳис эттирди. Бундан бола ўзини бир қарич ўғандек ҳис қилиб: «Мен ўзимга кроват сотиб олмоқчидим», деди.

Ўз навбатида сотувчи онага маъқул кроватни болага кўрсатиб, уни сотиб олишга кўндириди. Эртасига танланған буюм етказиб берилди. Кечқурун отаси уйга келганида, бола эшик томон югуриб чиқиб: «Дада! Дада! Телага чиқайлик, мен сотиб олган кроватни кўрамиз», деди.

Кроватни кўрган отаси Чарльз Шваб кўрсатмасига мувофиқ «баҳолашда софдил, мақтовда сахий» бўлибди.

Отаси ўғлидан: «Бу кроватни энди ҳўлламаслигилга ишонаими?» деб сўрабди.

«О йўқ, йўқ! Сира бундай бўлмайди!»

Бола ваъдасининг устидан чиқди, чунки унинг шаънига тегишганди. У, фақат у буни сотиб олганди-да. Энди кичик эркакларники сингари ўзининг чолвори

бор. У әркак сингари иш тутмоқчи бўлди. Шундай қилди ҳам.

Бошқа боланинг отаси К. Датчман — телефон техникаси бўйича муҳандис ва курс тингловчиларидан бири — уч яшар қизини ионушта қилишга кўндира олмабди. Одатдаги усуллар — койишлар, илтимослар, унатишлар натижага бермабди. Шунда қизчанинг отонаси: «Қандай қилиб уни айтилган йўлга тушишга мажбур этиш мумкин?» деган масалани ўргатга кўйишибди.

Қизча отонаси тақлид қилишни, ўзини улғайган ва муҳим стук сезишни хоҳларкан. Шунинг учун бир куни эрталаб уни стулга ўтқазиб, ўзига ионушта тайёрлашига рухсат беришилди. У бўтқани аралаштираётган айни маҳалда ошхонага отаси кириб келибди. «Дада, қаранг, бўтқани ўзим пиширмоқдаман», деб қичқирибди қизча.

Уша куни у ҳеч қандай мажбуrlашларсиз таомдан икки ҳисса ебди, негаки, овқатни пиширишга ўта қизиққан экан-да. Унда ўзининг эътиборга муносаблигини англаш ҳисси пайдо бўлди. Нонушта тайёрлаш ўзлигини ифодалашнинг бир йўли эди.

Уильям Уинтер бир гал айтганидек, «ўзлигини ифодалаш одамзот табиатининг асосий эҳтиёжи ҳисобланади». Бизлар ана шу эҳтиёжни ишга доир муносабатларда ҳисобга олишимиз лозим. Бирор бир ажойиб гоя туғилганида сұхбатдошимизга бу фикр биғдан чиққанлигини кўрсатиш ўрнига, нега ушбууга унинг ўзи эришишига йўл қўймаймиз? Шунда у ушбу гояни ўзиники деб ҳисобладиди; бу унга хуш келади ва ундан бажону дил фойдаланади.

Едингиэда тутинг: «*Аввал сұхбатдошингиэда бирор бир нарсага эҳтиросли истак уйғотинг. Кимки бүчинг уddyасидан чиқса, бутун дунёга эгалик қилади, уddyаламаган эса ёлғизланиб қолади.*

# Ушбу китобдан каттароқ фойда олиш борасида тўққиз маслаҳат

Агар сиз ушбу китобдан каттароқ фойда олмоқчи бўлсангиз—бир зарур шарт, ҳар қандай қоида ва усуллардан муҳимроқ бир амалий талаб мавжудлигини ҳисобга олинг. Мободо, ушбу асосий талабга жавоб бера олмасангиз, унда китобларни ўрганиш борасидаги қоидаларнинг мингтаси ҳам сизга наф бермайди. Агарда мазкур бебаҳо қобилият соҳиби бўлсангиз, китоблардан кўпроқ фойда олиш қойдаларини ўқимасангиз ҳам мўъжизалар кўрсатишингиз мумкин.

Сеҳрли кучга эга шарт — нима? Мана у: чуқур, эҳтирос билан ўқиши истаги мавжудлиги ва одамлар билан муомала қилиши қобилиятини ўстиришига қатъий қарор қилмоқ.

2. Аввал китобдан умумий таассурот олиш мақсадида унинг ҳар бир бобига кўз югуртириб чиқинг. Эҳтимол бир бобни мутолаа қилиш пайтида сизда кейингисига сакраб ўтиш истаги пайдо бўлар. Ушбу китобни агар кўнгил очиш мақсадида ўқиётган бўлмасангиз, бундай қилманг. Агар одамлар орасидаги муносабатлар муаммоларини яхшироқ таҳлил этмоқчи бўлсангиз, унда боштанишига қайтиб, яна бир марта ҳар қайси бобни дикқат билан ўқиб чиқинг. Охир-оқибатда бу вақтингизни тежайди ва ўз натижасини беради.

3. Ўқув жараёнида ўқиётганингиз хусусида мулоҳиза юритиш учун тез-тез тўхталиб туринг. Ҳар қайси маслаҳатни айнан қай тариқада ва қачон қўллаш мумкинлигини ўзингиздан сўранг. Ўқишининг бундай усули сизга қўённи таъқиб этгандан кўра кўпроқ ёрдам беради.

4. Кўлингиша қизил қалам, оддий қалам ёки авторучка олиб ўкинг. Сизга сиз қўллай оладиган маслаҳат учраб қолса, унинг ёнида белги қолдиринг. Агарда у жуда ҳам муҳим маслаҳат бўлса, ҳар қайси жумлаҳининг остига чизинг ёки ёнига тўртта юлдузча қўйинг.

Белгилар ҳамда сатр остига чизиш китобни янада қи-зиқарли қиласи ва уни тез такорлашни мумкин қа-дар осонлаштиради.

5. Мен 15 йил давомида йирик концерн девонхонаси мудири вазифасида ишлаган кишини биламан. У ҳар ойда ўз компанияси туэган барча сугурта шартномаларини қайта ўқиб чиқарди. Ҳа, у йилдан йилга, ойдан ойга ҳадеб ҳужжатларни ўқийверади. Нима учун? Чунки, ўз тажрибасидан биладики: бу шартномаларнинг бандларини эсда сақламоқликининг ёлғузли шудир.

Менининг ўзим нотиқлик санъати ҳақида китоб ёзиш учун қариб икки йил сарфласам-да, барибир китобимда пималарни ёзганимни эслаш учун уни қайта-қайта ўқиб турушимга түғри келди. Тез уннутувчанлигимиз гаажжубланарлидир. Шунинг учун агар сиз ушбу китобдан ҳақиқатан ҳам фойда олмоқчи бўлсангиз, унга бир марта кўз югуртириб чиқишиигиз етарли эмас. Диққат билан ўқиб чиққанингиздан кейин ҳам уни ҳар ойда кўздан кечириб туринг. Китобни доим кўз ўнгингида, ёзув столингизда сақланг, тез-тез унга қараб туринг, яқин келажакда ҳали такомиллаштириш учун фойдалана оладиган йирик имкониятларни ҳамиша ёдингизда тутинг. Унутманг, унда баён этилган қондадар сиз учун одатий, уларга қунт билан ва узлуксиз мурожаат қилганда, бу ўз-ўзидан бажариладиган ишга айланди. Ўзгача йўл йўқ.

6. Бернард Шоу айтган экан: «Агар кишини бирор нарсага шунчаки ўргатса, у ҳеч нарсанни илғамайди». Шоу ҳақ эди. *Ўрганиш—бу фаол жараён. Биз ишда ўрганамиз. Шунинг учун сиз агар қоидаларни англамоқчи бўлсангиз, улар билан боғлиқ шиларни бажаринг, ҳар бир қуляй ҳолатда уларни қўлланг.* Агар сиз шундай қилмасангиз уларни тез орада уннутиб юборасиз. Қаллада фақатгина амалда қўлланилаётган билимлар сақланиб қолади.

Ушбу маслаҳатлардан ҳар доим фойдаланишингиз қийин бўлиши мумкин. Мазкур китобни ўзим ёзган бўлсам ҳам, буни шунинг учун биламан-ки, тавсияларимни амалда қўллашда тез-тез қўйналиб турман. Масалан, сиз пимадандир норози бўлганингизда сухбатингизнинг нуқтаи назарини тушунишдан кўра, уни

танқид қилиш ва ёмонлаш анча осон кечади, мақтоворға сабаб излашдан кўра, айб қидириш енгилроқ. Бошқа одам хоҳишидан кўра, ўз истакларингиз хусусида сўзлаш табиийроқдир. Шунинг учун ушбу китобни ўқиёт-ганингизда ёдингида бўлсин, сиз шунчаки ахборот олмоқчи эмассиз, балки ўзингизда янги одатларни пайдо қилмоқчисиз. Ҳа, ҳа, сиз янги йўлдан боришга урунасиз, бу эса вақт, матонат ва доимий тажрибаларни талаб қиласди.

Шунинг боис ушбу китоб саҳифаларига тез-тез му рожаат қилинг. Уни одамлар орасидаги муносабат масалалари бўйича амалий қўлланма, деб билинг, ҳар сафар олдингизда бирор-бир ўзига хос, масалан, бола билан қандай мумомала қилиш, қай тариқа хотинингизни ўз нуқтаи назарингизга ундаш лозим ёки ғазабланган мижозни қаюатлантиришда табиий таъсирланишга берилмай, беихтиёр ҳаракат қилманг. Одатда бу потўғри бўлиб чиқади. Бунинг ўрнига ушбу саҳифаларни варақланг ва ўзингиз белгилаган бандларни яна бир бор кўриб чиқинг. Ундан кейин тавсия этилган усулларни амалда синанг, шундагина мўъжизалар рўй беришига шоҳид бўласиз.

7. Хотинингиз, ўғлингиз ёки ҳамкасбингизга қачонки улар ҳар гал сиз у ёки бу қоидамизни бузга нингизни пайқашса, ўн центдан ёки бир доллардан тўлашга тайёрлигингизни билдиринг, бунда қоидаларни ўрганишни қизиқарли ўйинга айлантирган бўласиз.

8. Уолл-стритдаги йирик банклардан бирининг бошқарув раиси бир гал менинг тингловчиларим ҳузуридэ сўзга чиқиб, ўз-ўзиги такомиллаштиришда қўлланилган анча самарали тизимни тасвирлаб берди. Бу одам ўрта маълумотли, шунга қарамасдан ҳозирги вақтда ў Американинг энг кўзга кўринган молиячиларидан хисобланади. Барча муваффақиятларга асосан ўзларин ўйлаб топган тизимни қўллагани туфайли эришганига иқор бўлди. Мен бу тизимни унинг тили билан хотираам берган имкон қадар аниқроқ баён этишга ҳаракат қиласман.

«Қўп йиллардан бўён мен кун давомида бўлган барча учрашувларимни ёзib бораман. Оилам шанба оқшомида мендан умид қилмайди, чунки бу пайтни ўзимни ўзим текширишга, қараб чиқишига ва ўз ҳаракатларимни қайта кўриб баҳолашга Сафиштайман. Тушликдан

сүнг холироқ қолиб, учрашувлар китобини очаман **ва** ҳафта давомидаги сұхбатлар, йиғилишлар ва мажлислар ҳақида ўйлаб оламан. Ҳамда ўзимдан сұрайман: қандай хатоларга йўл қўйдим? Мен нимани тўғри қилдим ва қаерда уларни янада яхшироқ бажаришим мумкин эди? Бу тажрибадан ўзим қандай сабоқ оламан?

Ҳаракатларимнинг ҳафталик шарҳи кўп ҳолларда мени қониқтиримай қўяди. Кўпинча, ўзимнинг қўпол ҳатоларимдан ажабланаман. Албатта, йиллар ўтган сайин улар камаяверади. Ҳозирга келиб эса шундай шарҳларим ниҳоясида баъзан ўз елкамни қоқиб қўйишга мойиллик сезаман. Мен амал қилаётган ушбу ўзини ўзи таҳлил этиш ва ўзини ўзи тарбиялаш тизими ҳар доим мен уриниб кўрганга писбатан кўпроқ самара берди.

Булар қарор қабул қилиш қобилиятим яхшиланишига таъсир кўрсатди **ва** одамлар билан муносабатимга жуда катта ҳажмда ёрдам берди. Бу тизимни астойдил тавсия қиласман!»

**Нега** энди сиз қўллаған қоидаларни текшириш учун мазкур китобда баён этилган ўхашаш тизимдан фойдаланиб кўрмаймиз? Агар сиз шуни бажарсангиз, унда қўйидагилар юз беради:

Биринчидан, ўз аҳамияти жиҳатидан ҳам қизиқарли ҳам бебаҳо ҳисобланган ўз-ўзини тарбиялаш жараёнига бенхтиёр кириб кетасиз.

Иккинчидан, муносабатларни йўлга қўйишдаги қилияtingиз муттасил равишда ошаётганини ҳис этасиз

9. Куидалик дафтар юргизинг ва ушбу қоидаларни қўллашда сизга қўл келган муваффақиятларни киритиб боринг. Аниқлик бўлсин. Йўслар, саналар, натижаларни қайд қилинг. Ўзувлар сизнинг ғайратингизни янада оширади **ва** кўп йиллар ўтгач, бир ажойиб фурсатда тасодифан уларга дуч келиб қолсангиз, буларни ўқиш сизни қалячалик шодлантиради!

# **Ушбу китобдан кўпроқ фойда олиш учун:**

1. Ўзингизда одамлар орасидаги муносабат қоидаларини әгаллашга жиддий, эҳтиросли истакни тарбияланг.
2. Қейингисига ўтишдан олдин ҳар қайси бобни камда икки мартадан ўқинг.
3. Ўқиш жараёнида тез-тез тўхталинг ва ўзингиздан қайси маслаҳатни қўллаш мумкинлигини сўранг.
4. Ҳар қайси муҳим фикрни қайд этинг.
5. Китобни ҳар ойда қайтадан кўришдан эринманг.
6. Китобда кўрсатилган қоидаларни ҳар бир қулай шаронтда қўлланг. Ўзингизнинг ҳар кунги муаммоларингизда китобдан амалий раҳбар сифатида фойдаланинг.
7. Ўрганишда дўстларингиздан биринга ушбу қоидаларни бузганингизни пайқаб қолганида цент ёки бир доллар беришини таклиф қилиб, бу жараённи қизиқарли ўйнига айлантиринг.
8. Ўзингиздаги ўсишни ҳар ҳафта кузатиб боринг. Қандай хато қилганингиз, қандай муваффақиятга эришганингиз, қандай сабоқ олганингизни ўзингиздан сўраб туринг.
9. Ушбу китоб охирида қоидаларни қачон ва қандай қўллаганингиз ҳақида кундалик сифатида ёзиб боринг.

# *Иккинчи қисм*

## **БАЖАРИЛСА, ОДАМЛАРГА МАНЗУР БҮЛИШ ИМКОНИНИ БЕРУВЧИ ОЛТИ ҚОЙДА**

---

*Биринчи боб*

### **ШУНДАЙ ҚИЛИНГ-КИ, СИЗНИ ҲАМИША ВА ҲАММА ЕРДА ОЧИҚ ЧЕХРА БИЛАН КУТИБ ОЛИШСИН**

Бу китобни нима учун ўқиши лозим, қандай қилиб дўст орттириш учун-ми? Нега дунёдаги буюк дўст ортирувчилар услубини ўрганмаймиз? Ким у—дўст? Сиз уни эртага кўчада учратишингиз мумкин. Олдига ўн футча яқинлашганингиз биланоқ, у албатта, думини ликиллат баоштайди. Агар тўхтаб бошини силласангиз бор-ми, сизга янисбатан меҳрини турли йўллар билан намойиш қилиб, ўзида йўқ хурсанд бўлади. Бу меҳрибонлик остида ҳеч қандай яширин мақсад йўқлигини ҳам биласиз: у сизга бирор бир кўчмас мулкни сотмоқчи эмас ёки сиз билан никоҳдан ўтишини иштят қилмаган.

Яшаш учун ишлаши шарт бўлмаган ҳайвонлардан бирдан-бiri — ит эканлиги ҳақида ҳеч ўйлаб кўрганимисиз? Товуқ тухум қўйиши, сигир сут бериши, бул-бул сайраши керак, ит эса кун кўриш мақсадида сизга ўз меҳрини ҳадия қилади, холос.

Мен беш яшарлигимда отам ярим долларга бир кучук боласини сотиб олган эди. У болалигимни шодликка буркади. Ҳар куни соат тўрт яримларда уйимиз рўпарасидаги сўқмоқ йўлга ажойиб кўзларини тикиб ўтиради. Овозимни эшишиб ёки бўталар орасидан менинг

яқинлашиб келаётганимни сезиб қолса, сакраб турар, завқ-шавқ билан акиллаб, тепаликка қараб югуради.

Беш йил давомида Типпи менинг доимий йўлдошим бўлди.

Кейин эса бир даҳшатли кечада, буни сира унотолмайман, мендан ўн фут нарида уни чақмоқ уриб ўлдирди. Типпининг ҳаётдан кўз юмиши болалик хотирала-римнинг фожиасига айланниб қолди.

Типпи психология бўйича бирор китоб ўқимаган, бунга муҳтож ҳам эмасди. Аллақандай тугма туйғулар орқали икки йил давомида ўз шахснга интилтириш туфайли икки ойда ундан ҳам кўпроқ дўст орттириш мумкинлигини биларди. Буни такрорлашга ижозат беринг. Сиз икки йил давомида бирорвларни ўз шахснингизга қизиқтириб дўст орттиргандан кўра, икки ойда бирорвларга қизиқиб, кўпроқ дўст орттирасиз.

Шундай бўлса-да, атрофдагиларни ўз шахсига уёки бу даражада қизиқтиришга уриниб, бутун ҳаётида қўпол хатога йўл қўйиб юрган одамлар мавжудлигини биламиз.

Албатта, бу натижка бермайди. Одамлар сизга ҳам, менга қизиқмайдилар. Эрталаб, ярим кунда, тушликдан кейин доим ўзларига қизиқадилар.

Нью-Йорк телефон компанияси сим орқали сұхбатда қайси сўз энг кўп ишлатилишини аниқлаш мақсадида алоҳида тадқиқот ўтказибди. Сиз топдингиз: бу «мен» олмоши. Телефонда қилинадиган 500 сұхбатда ушбудан 3990 марта фойдаланилган. «Мен», «мен», «мен», «мен», «мен».

Сиз ўзингиз тушган гуруҳ фотосуратни кўраётганингизда аввало кимни қидирасиз?

Агар одамлар сизга қизиқадилар, деб ўйласаңгиз унда мана бу саволга жавоб берниб кўринг: шу кеча ўлиб қолсангиз, дафн маросимингизга қаинча одам келади? Бошқалар нега энди сизга эътибор бернишлари 1ерак, қачон-ки ўзингиз биринчи бўлиб уларга қизиқмасангиз? Қаламни олиб ушбу саволларнинг барчасига жавоб ёзинг.

Агар биз фақатгина одамларда таассурот қолдиришига интилсак ва уларни ўзимизга қизиқтирмоқчи бўлсак, ҳеч қачон кўп ҳақиқий дўст орттира олмаймиз. Ҳақиқий дўст бундай қилиб орттирилмайди.

Наполеон айнан шундай иш тутган. Жозефина билан бўлган охирги учрашувида у: «Жозефина, менга ер юзида ҳеч кимга насиб этмаган омад ҳамроҳ бўлди, шундай бўлса да, шу соатга келиб оламдаги мен ишона-диган ягона одам сиздир», деган экан.

Веналик машхур руҳшунос Альфред Адлер ўзининг «Сиз учун ҳаётнинг мазмани нимадан иборат?» деб номланган китобида: «Уз яқинлари билан қизиқмаган одам ҳаётда энг оғир мусибатларга дуч келади ва атрофидагиларга катта зиён келтиради. Айнан шундай одамлардан омадсизлар пайдо бўлади», деб ёзган.

Руҳшунослик бўйича ўнлаб олимларниң қитоблари-ни ўқиб чиқиб, сиз билан бизга маъқул келмайдиган муҳимроқ фикри тона олмаслик мумкин. Такрорлашини ёқтирмасам-да, бироқ Адлерининг гани шунгичалик сермаъно-ки, уни япа бир бор эслатмоқчиман: ўз яқинлари билан қизиқмаган одам ҳаётда ўта оғир мусибатларга дуч келади ва атрофидагиларга катта зиён келтиради. Айнан шундай одамлардан омадсизлар пайдо бўлади.

Ўз вақтида мен Нью-Йорк универсиети қошидаги ҳикоялар ёзиш санъати курсларида ўқиганман. Бизнинг гуруҳдаги маърузачилардан бири «Кольерс» журналиниң муҳаррири эди. Унинг айтишича, ҳар куни столига келиб тушадиган ўнлаб ҳикоялардан исталганини олиб бир печа бандини ўқибоқ, ўша муаллиф одамларни қайларажада сева олишини аниқларкан «Агар муаллиф одамларни севмаса — деди у, — уларга ҳикоялари ёқмаскан».

Баллетристик асарларни ёзиш ҳақидаги суҳбатимиз жараёнида, бу тажрибали муҳаррир қай йўсинда иккι марта биздан насиҳат қиласётгани учун узр сўради. «Мен сизларга — тушунтириди у, — ваъзгўйингиз айтадиганларниң ўзгинасини гапирмоқдаман. Агар ҳикояларнинг тан олинишини истасангиз, сиз одамларга қизиқишингиз кераклигини унутманг!»

Агар бу гап адабий асарлар ёзишга иисбатан ҳақли бўлса, иш одамларнинг бир-бiri билан қиласётгани мусабабатларнига тақалса янада адолатлидир.

Мен артист Говард Тёрстон, охирги марта Еродвей саҳнасига чиққакинда унинг пардоҳонасида бир оқшомни ўтказганман. Тёрстон — кўзбойлагичлар орасида об

рў қозонган сеҳргарлик қироли. Қирқ йил давомида у дунё бўйлаб кезиб оптик иллюзиялар орқали сеҳргарлик кучини ошириб кўрсатиб одамларни ҳайратда қолдириб юрган. Унинг томошалари олтмиш миљондан ортган, соғ фойдаси эса қарийб икки миллион долларни ташиб қилган.

Мен Тёрстондан ютуқларининг сири нимадалигини айтишини илтимос қилдим. Албатта, мактабдаги ўқишининг бунга ҳеч қандай алоқаси бўлмаған, чунки, болалигига ёқ уйидан қочиб кетган, дарбадар юрган, юқ вагонларида санқиган, пичан ғарамлари устида тунаган, дам у, дам бу уйнинг эшикларини қоқиб овқат сўраган, ўқишни эса темир йўл бўйидаги ёзувларни вагонларда туриб ўқиб ўрганган.

У сеҳргарлик борасида ғайри табний қобилиятларга эга бўлганми? Йўқ. Менга айтишича, сеҳргарлик тўғрисида юзлаб китоблар ёзилган ва ўнлаб одамлар унингдек билишади. Бироқ унда бошқаларда учрамайдиган икки хислат бўлган. Биринчидан, у томошабин ўзига хослигини тез англайдиган қобилиятга эга бўлган. Томоша кўрсатишнинг тенгсиз устаси сифатида одамзот табиатини яхши билган. У нимаики қилмасин, барчасини аввалдан пухта машқ қилар ва саҳнага чиқиш вақти секундларигача аниқ ҳисоб-китобини олган. Бунинг устига Тёрстон одамларга астойдил қизиқаркан. Унинг айтишича, кўпчилик сеҳргарлар аудиторияга бир қараб олгач, ўзларига шундай дейишаркан: «Бу ерда соддалар подаси йиғилган, барчаси қишлоқи. Мен уларни аҳмоқ қиласман!». Терстон бунга бутуилай бошқача ёндашаркан. Айтишига қараганда, саҳнага чиқиши олдидан хаёлида: «Бу одамлар менинг томошаларимга келганларидан миннатдорман. Улар дилимга манзур ҳолатда ишлаб олишимга имкон берадилар. Қўлимдан келган куч-ғайратни аямайман», деб такрорларкан. У ўз-ўзига қанта-қайта: «Томошабинларим менга хуш ёқади», демасдан ҳеч қачон саҳнага чиқмаганлигини айтди. Кулгили-ми? Бўлмаган гап! Сиз бу хусусда истаганингизни ўлашингиз мумкин. Мен дунёга барча даврларда машҳур сеҳргар сўзларини ҳеч қанақангиз изоҳларсиз етказаяпман.

Шуман-Хейнк хоним ҳам менга тахминан шунга ўхшаш воқеани гапириб берди. У очлик ва ғамга қарамай, ҳаёти фожеаларга тўла эканига ва натижада бир гал

ўзи ва фарзандларини ўлдирмоқчи бўлган, шунга қарамасдан саҳнада куйлаган, юксак поғоналарга кўтарилиган. Вайнер асарларининг машҳур ижрочиси, деган ном олган. Шу билан бирга тан олишича, муваффақиятларининг сири—одамларга эҳтиросли ва астойдил қизиқишида экан.

Теодор Рузвельтнинг ҳайратланарли даражада машҳурлигининг боиси ҳам шунда экан. Ҳатто, хизматкорлари уни севишаркан. Унинг собиқ хизматкори, хабаш Жеймс Амос у тўғрида ёзган китобни «Теодор Рузвельт — ўз хизматкори учун қаҳрамон», деб номлаган. Ушбу асада Амос қўйидаги ибратли тафсилотни маълум қилган:

«Бир гал менинг хотиним президентдан виргиния каклиги тўғрисида суриншириб қолди. У буни сира кўрмаган экан-да. Рузвельт қушчани батафсил тасвирилаб берди. Орадан бирмунча вақт ўтгач, уйимиздаги телефон жиринглаб қолди (Амос ва унинг хотини Рузвельтга тегишли мулки ҳисобланган Ойстер-Бееда» унча катта бўлмаган коттежда истиқомат қилишган) Телефон гўшагини хотиним кўтарди. Деразамиз яқинида виргения каклиги саёр қилиб юрганини, мободо, ташқарига қараса уни кўриши мумкинлигини хабар қилмоқ учун Рузвельтнинг ўзи қўнғироқ қилаётган эди. Шунга ўхшашиб майдачудалар унга хос фавқулодда хусусият дир. Қачон бўлса-да у бизнинг уйимиз олдидан ўтмасни. Ҳатто бизларни кўрмаса ҳам, «Ў-у-у, Ани!» ёки «Ў-у-у Джеймс!» деган овозини эшитардик. Бу дўстона салом эди».

Нега энди хизматчилари бундай инсонни севишман? Қандай қилиб, ким уни яхши кўрмаслиги мумкин?

Бир гал президент Тафт ўз хотини билан қаерга дир кетганида, Оқ уйга Рузвельт кирибди. У оддий одамларга самимий илтифот кўрсатиб, барча хизматчиларнинг исмларини айтиб сўрашибди. «У идиштовоқ юувучи Алисани кўриб қолганида, — деб ёзади Арчи Батт, — ундан маккажӯҳори унидан нон пишина рапансизми, деб сўради. Алиса баъзан хизматкорлар учун пишириб туришини, бироқ юқори қаватдагилар бундай нон емасликларини айтиб, жавоб берибди

«Уларнинг дидлари яхши эмас, мен президентни кўрганимда бу тўғрида айтиб қўяман», — деган Рузвельт.

Алиса унга ликопчада бир бўлакча маккажӯҳори но-

ни келтириди, у эса ионни чайнаб, йўл-йўлакай учраган боғбон ва ишчилар билан саломлашиб, девонхона томонга кетибди... У ҳаммага илгари қандай бўлса, ўшандай муомалада бўларди.

Инсон муаммоларига эҳтиросли қизиққан ўша доктор Чарльз У. Элиот университетнинг энг омадли президентларидан бири сифатида — Гарвардининг тақдирини кўп йиллар мобайнида унинг қўлида бўлгани шубҳасиз, ёдингиздадир — шундай ҳаракат қўлган. Мана, доктор Элиот ўзини қандай тутгани ҳақида мисол. Бир куни биринчи курс толиби Л. Р. Дж. Крэндо талабаларининг қарз жамғармасидан беш юз доллар қарз олиши мақсадида президент девонхонасига кетган. Унинг талаби ќондирилибди. «Пул учун миннатдорчилигимни билдириб (мен Крэндоннинг сўзларини айнан кеттироқдаман), чиқиб кетмоқчи бўлганимда, президент Элиот: «Марҳамат ўтиринг», деган таклифни айтибди. «Ўз жойингизда овқат пишириб, ўша ерда ейишингиз тўғрисида менга маълум қилдилар. Сиз етарли даражада овқатлансангиз, буни умуман ёмон, дея олмайман. Коллежда ўқиганимда ўзим ҳам шундай қиласдим. Сиз бузоқ «иони» пишириб кўрганмисиз? Агар у яхши пиширилган бузоқ гўштидан тайёрланса, айни муддаодир, бунииг устига ортиқча чиқиндилардан холи бўлади. У менга бузоқ гўштини танлаш, шўрвасидан қўйиб, буглаб иштиркни ва бу таомни совутиб емоқ кераклиги ҳақида батафсил сўзлаб берди.

Шахсий тажрибамдан шуни биламан-ки, энг машҳур ва таниқли кишиларни ҳам уларга самимий қизиқиш билдириб, ўзингизга эътиборларини қаратиб, сиз билан ҳамкорликка ундаш мумкин. Буни мисол билан исботлашга ижозат беринг.

Бир неча йил аввал Бруклин санъат институтида бадиий асарлар ёзиш ҳақида маъруза ўқиган эдим, биз Кэтлин Норрис, Фанни Херст, Ида Тарбелл, Альберт Пейсон Терхьюон, Руперт Хьюз ва бошқа агоқли ҳамда жуда банд ёзувлilar ўз тажрибалари билан ўртоқлашишларини истадик. Уларнинг асарларига мафтун эканимиз ва маслаҳатларига муҳтожлигимиз, муваффақиятлари сирларига қизиққанимизни билдириб, хат орқали мурожаат қилдик.

Ҳар бир мактубда талабалардан қарийб юз эллик нафарининг имзоси бор эди. Биз улар фавқулодда башнилкларидан маъруза тайёрлашга вақтлари йўқлигини

**тушунишимизни айтдик.** Шу боис хатларга ўзлари ваниш услугубларига оид саволлар рўйхатини илова қилиб юбордик. Бу уларга маъкул тушди. Бизларга ёрдам қўлини чўзиб, Бруклинга келдилар.

Ушбу усулни қўллаб, мен Теодор Рузвельт маҳкамасининг молия вазири Лесли М. Шоуни, Тафт маҳкамаси адлия вазири Джордж У. Уикершемни, Уильям Дженнингсни, Франклин Д. Рузвельтни ва бошқа кўп буюк арбобларни нотиқлик санъати бўйича курсим талаблари билан сухбат ўтказишга кўндирганман.

Бизларнинг ҳаммамизга, кимлигимиздан қатъи, назар ўзимизга шайдо одамлар хуш келади. Мисол тарикасида герман кайзерини слайлек. Биринчі жаҳон уруши охирида у ер юзида бутун инсониятнинг чуқур нафратига учраган одам эди. Ҳатто ўз ҳалқи ҳам унга қарши қўзғолон кўтарди, жонини сақлаб қолиш мақсадида Голландияга қочиб кетган, одамлар уни шунчалик ёмон кўрадилар-ки, роҳатланниб тилка-пора қилишга ёки оловда куйдиришга тайёр эдилар. Ушбу ялпи ғазабланиш авжига чиққан маҳал кичкина бир болакай кайзерга оддий, самимий хат юборибди. Бошқалар нимадеб ўйлашидан қатъи назар у Вельгемни ўз императори сифатида ҳамиша севишини ёзган экан. Кайзер хатдан чуқур таъсирланнб, йигитчани учрашувга таълиф қилибди. Бола онаси билан бирга келган экан, кайзер шу ёлга уйланибди. Бу болага «Қандай қилиб дўстлар ортироқ ва одамларга таъсир кўрсатмоқ керак» сингари китобларни ўқиш зарурати бўлмаган. Бунинг учун керак нарсага у фахм-фарссати орқали эришибди.

Агар дўст ортироқчи хоҳласак келинг, вақт, ғайрат, беғаразлик талаб қилинса ҳам бошқаларга нимадир қиласилик. Винзорск герцоги щаҳзода Уэльский Жанубий Америка мамлакатларига бўладигак сафари олдидан ўз нутқларини ушбу давлатлар тилида сўзлаш мақсадида бир неча ой испан тилини ўрганибди, шу сабаб жанубий американклар уни жуда ёқтириб қолишибди.

Кўп йиллардан берি мен дўстларимнинг туғилган саналарини эслаб юраман. Қандай қилиб? Илми нужумга ишонмасам-да ҳар ҳолда айнан шундан бошладим, уларнинг бирортасидан туғилган санаси феъл-атвори, одатлари билан боғлиқми, йўқми эканини суриш тирдим. Шундан сўнг унинг туғилган куни ҳамда ойини сўрайман. Агар у, масалан 24 ноябрь куни туғидганини

айтса, мен хаёлимда «24 ноябрь, 24 ноябрь» деб тақ-рорлаб тураман. У ўғрилиши биланоқ, бирор нарсага бу санани ёзиб оламан, кейин эса ушбу маълумотларни махсус дафтарчага киритаман. Ҳар йилнинг бошида бу саналарни столим устидаги календарда белгилаб чиққаним учун, ўша кунлар истасам-истамасам кўзимга ташланади. Бирор бир дўстимнинг туғилган куни келганда, унга хат ёки телеграмма йўллайман. Бу қанчалик ажойиб таассурот қолдиради-я! Кўпинча, ана шу кунни эслаб қолган ягона киши бўлиб чиқаман.

Дўст ортириш ниятида эканмиз, келинг одамларни қувонч ва иштиёқ билан қарши олайлик. Сизга бирор телефон орқали қўнфироқ-қилганида ҳам шу услубни ишлатинг. «Алло» сўзини шундай оҳанг билан айтинг-ки, сұхбатдошингиз қўнфироқ қилганидан сиз қанчалик хурсанд эканингизни тушунсин. Телефон компанияси ўз ходимларини: «Марҳамат, сизга қайси рақам керак?» деган сўзларни — «Хайрли тонг, сизга хизмат қилишдан баҳтиёрман», маънисини билдирадиган оҳангда сўзлашга ўргатади.

Ушбу қоида иш юзасидан бўладиган муносабатларда ҳам қўллашга яроқлими? Сиз қандай фикрдасиз? Ўнлаб мисолларни келтиришим мумкин, аммо бизда иккитасига жой бор, холос.

Нью-Йоркдаги йирик банклардан бирининг ходими Чарльз Р. Уолтерсга аллақандай корпорация ҳақида маҳфий маъруза тайёрлаш топширилди. Уолтерс шунга доир зарур маълумотларни биладиган бир одами танирди. У ўша киши билан учрашишга борди, бу одам йирик саноат компанияси бошқарувининг раиси эди, Уолтерс унинг хонасига кираётган маҳалда эшик олдида ёш аёл кўриниб, раисга бугун ҳеч қанақа маркаси йўқлигини айтди.

«Мен ўн икки яшар ўғлим учун почта маркаси йиф-моқдаман», дея изоҳ берди раис Уолтерсга. Таширидан мақсадини айтган Уолтерс сұхбатдошига саволлар бера бошлади. Раис ноаниқ жавоблар қайтарарди. У гапиришни истамас, кўринишидан ҳеч нарса уни бунга ундей олмасди. Сұхбат қисқа ва беҳуда кечди.

Бу тўғрида Уолтерс тингловчиларимга сўзлаб берар экан, қўшимча қилди: «Очиғини айтганда, нима қилишимни билмасдим. Бироқ кейин, ўн икки ёшар ўғил, маркалар, котибанинг сўзлари ёдимга тушди... Шунингдек, мен банкимизнинг чет эллар бўлими дунёning ҳар

томонидан келадиган ҳатларнинг маркаларини ажратиб, йиғишини эсладим.

Кейинги гал раиснинг қабулхонасига кириб, менда ўғли учун бир неча марка борлигини айтиб қўйишиларини сўрадим. Унинг ҳузурига тантанали таклиф қилишди. Мабодо, конгрессга сайлашганда ҳам қўлимни қисиб, ўз шодлигини бу даражада ҳаяжон билан изҳор қилаолмасди. Чехрасида табассум ва хайриҳоҳлик барқ уриб турарди. «Мона буниси менинг Джоржимга жуда хуш ёқади, — деди у севинч билан маркаларни оларкан. Бунисини қаранг! Ахир бу—хазина-ку!»

Биз иккаламиз ярим соатлар маркалар тўғрисида сұхбатлашдик ва ўғлининг суратларини кўриб ўтиридик, кейин эса гарчи ҳатто ишора қилмаган бўлсанм-да, бир соатдан кўпроқ вақтими сарфлаб мени қизиқтирган барча маълумотлар ҳақида батафсил сўзлаб берди. Ўзи билганлардан ташқари, қўл остидагиларни чақиририб, улардан ҳам суриштириди, айрим ҳамкасларига қўнғироқ қилиб, мени далиллар, рақамлар, маъруза ва ҳатлар билан таъминлаб жўнатди. Газетачилар тилида айтганда, мен шов-шувга сабаб бўладиган ютуқقا эришгандим.

Мана, бошқа бир мисол.

Қўн йиллар мобайнинда Филадельфиядан К. М. Кнафличичик савдо тармоқларига эга йирик савдо компанияслини ўз кўмири билан таъминламоқ илинжида юрарди. Ушбу компания эса шаҳардан четдаги қандайдир корхонадан ёқилги харид қилиб, уни Кнафл идораси эшиги ёндан ташишда давом этарди. Кнафл менинг кечки машғулотларимдан бирида сўзга чиқиб, ёқилғи савдоси билан шуғулланаётган дўконлар ишига ҳайратланаётганингни изҳор қилди, улар мамлакатга қашшоқлик келтираётir, дея шаънларига лаънатлар ёғдирди. Ўз молини уларга нега сота олмаётгани сабабини ҳеч аинглаб етмасди.

Мен унга бошқачароқ усул қўллашни маслаҳат бердим. Мана ишма юз берди, тингловчиларимиз орасида: «Бир хилдаги чакаиа савдо дўконлари давлатга фойдалан кўра, кўпроқ зиёни етказадилар», деган мавзууда очиқ мунозара уюштиридик.

Маслаҳатимга амал қилган Кнафл қарама-қарши ҳолатни эгаллади: у ушбу дўконларни ҳимоя қилиб сўзлашга рози бўлди, кейин ўзи нафрatlаниб юрган компания раиси ҳузурига тўғридан тўғри ариза билан кир-

ди: «Бу ерга сизга ўз кўмиirimни сотиш мақсадида келганим йўқ. Бир хизмат кўрсатишингизни сўрамоқчиман». Сўнгра у мунозарада сўзга чиқиши лозимлигини айтиб: «Мени зарур маълумотлар билан таъминлайдиган сиздан бошқа яхши биладиган одамни танимаганим туфайли ёрдам сўрамоқчиман. Ушбу мунозарада ғолиб чиқиши жуда жуда хоҳлардим, кўрсатадиган ҳар қандай кўмагингиздан ўта миннатдор бўлардим».

Ушбу воқеа ниҳоясини Кнафл бизларга айтиб берган ҳолича келтироқчиман:

«Мен бу одамдан бир дақиқа вақт ажратишини сўрадим. Ушбу шартга қўра, у қабул қилишга рози бўлди. Илтимосим мазмунини айтиб берганимдан сўнг ўтиришга таклиф этди, ҳузурига бир хилдаги чакана савдо дўконлар тўғрисидаги китобнинг муаллифи ҳисобланмиш раҳбар ходимни ҳам чақириб, роппа-роса бир соату қирқ етти дақиқа сухбатлашди. Ўзи бир хилдаги чакана дўконлар эгалари миллий ассоциациясига мактуб йўллаган экан ва шу мавзудаги мунозара қайд этилган нусхани чиқариб қўйди. Унинг нуқтани назарига қўра, бир хилдаги чакана дўконлар шак-шубҳасиз инсониятга хизмат қилаётган экан. У юзлаб аҳоли туарожойларига хизмат кўрсатаётганидан мағурурланардич. Бу тўғрида галираётганида кўзлари чақнарди. Тан олишим керак-ки, хаёлимга ҳам келмаган кўп янгиликларни билиб олдим. Ушбу масалада қарашларимни у бутунлай ўзгартириб юборди.

Чиқиб кетаётганимда елкамни қучиб кузатаркан, бўладиган мунозарада менга омад тилади ва вазифамният уддасидан чиққаним ҳақида албатта сўзлаб беришга киришимни сўради. Унинг охирги сўzlари шундай эди: «Марҳамат қилиб ҳузуримга яна баҳорнинг охира иде келсангиз, кўмир учун буюртма бермоқчи эдим».

Бу мен учун мўъжиза бўлди. У мен томондан ҳеч қанақа илтимос қилинмасдан буюртма бераётганди. Унга ва унинг муаммоларига самимий қизиқиш кўрсатиб, икки соат ичида ўн йил давомида ўзимга ва кўмиirimга эътиборини қаратиш мақсадидаги ҳаракатларим натижасидан ортигрофига мұяссар бўлдим».

Сиз жаноб Кнафл ҳеч қанақа янгилик очганингиз йўқ, чунки бунгача, Исо аллайҳиссалом туғилишидан ҳам юз йиллар муқаддам буюк рим шоири Публий Сир шундай деган: «Биз бошқаларга улар бизга қизиқканларидан сўнг эътибор берамиз».

Агар шахсиятингизда жозибалиликни шакллантири-  
моқчи бўлсангиз ва одамлар билан янада кўпроқ тил  
топишини ўрганмоқни ихтиёр этсангиз, доктор Генри  
Линкнинг «Динга қайтиш» китобини мутолаа қилинг.  
Сарлавҳадан қўрқманг. Бу мунофиқона тақводор китоб  
эмас. У ўз муаммолари юзасидан мурожаат қилгач бир  
неча минг одамни шахсан текширган ва уларга масла-  
ҳатлар берган машҳур руҳшунос томонидан ёзилган.  
Доктор Линк менга ўз китобини «Ўз шахсиятингизни  
шакллантиринг» деб ҳам аташ мумкинлигини айтди.  
Унда гап айнан шу тўғрида боради. Агар сиз уни ўқиб  
чиқиб, баён этилганларга амал қилсангиз, шубҳасиз  
одамлар билан муносабатларингизни моҳирона қура  
оласиз.

Шундай қилиб, агар сиз одамларга манзур бўлишни  
истасангиз, биринчи қоидани ёдда тутинг:

*Бошқа кишиларга астойдил қизиқинге.*

## ЯХШИ ТААССУРОТ ҚОЛДИРИШНИНГ ОДДИЙ УСЛУБИ

Яқинда мен Нью-Йоркда тушликлардан бирида бўлдим. Таклиф этилганлар орасида каттагина мерос соҳибаси ҳисобланган ва барчада яхши таассурот қолдиришга иштиёқманд аёл бор эди. У ақчасини мўйна, олмос ва марваридларга сарфлабдию одамлар меҳрини қозонмабди. Юз ифодасидан ҳаммадан норозилиги ва худбинлиги акс этиб турарди. Мехмон барчага маълум бўлган бир нарсани — башара либостлардан-да мухимроқ эканини ҳисобга олмаган кўринарди. (Дарвоқе, хотинингиз ўзига мўйнали пўстин харид қилишдан аввал бу тўғрида эслаб қўйса ёмон бўлмасди).

Чарлз Шваб менга бир табассуми миллион долларга тушганини гапирган эди. Эҳтимол, бу ҳақиқатга яқиндир, қолаверса, деярли барчаси ютуқларининг асосида унинг ўзига хослиги, жозибаси ва одамларга манзур бўлиш қобилияти ётади. Ажойиб хислатларидан яна бири эса — мафтункор табассуми эди.

Бир гал ярим кунни Морис Шевалье билан ўтказдим, очигини айтсам, у бадқовоқ ва камгап, мен кутган кишига сира ўхшамасди. Ушбу таассуротим бир бор жилмайиши биланоқ дарҳол ўзгариб қолди. Менга бу-лутлар ортидан қуёш кўрингандек туюлди. Агар Морис Шевальенинг бундай табассуми бўлмаганида, эҳтимол уста-дурадгор сифатида ўз Парижида қолиб кетармиди.

Амалий иш ҳар қандай сўзлардан баланд жаранглайди, табассум эса: «Сиз менга ёқасиз, мени баҳтиёр этасиз. Сизни кўришдан мамнунман» дейди.

Мана нега итлар бу даражада мұхаббат қозонадилар. Улар бизни күришлари биланоқ хурсандчилігінни бутун имкониятларини ишга солиб ифодалайдылар. Табиийки, үзимиз ҳам уларни күриб мамнун бўламиз.

Сохта табассумларга нима дейсиз? Йўқ, улар ҳеч кимни алдай олмайди. Биз унинг сунъийлигини била-миз ва бундан ҳайратланамиз. Мен ҳақиқий, қалб тўридан чиқиб дилни эритадиган, юқори баҳолана-диган табассумни назарда тутмоқдаман.

Нью-Йоркнинг катта универсал магазини ёллаш бўлами бошлиғининг гапига қараганда, у башараси тумшийган фалсафа докторидан кўра, маълумоти йўқ, аммо табассумни мафтун этадиган сотувчи қизни ишга олинии афзал кўраркан.

АҚШдаги каучук бўйича йирик компания директорлар кенгashi раисининг қузатувларига кўра, одам қилган ишидан завқланмаса, камдан кам ҳолатда режасини тўлслинча бажаришга улгураркан. Бу сано-атчи барча орзу-ҳавасларнинг сирли калити — астойдил қилинган меҳнатдадир, деган қадимги мақолга уччалик ишонмайди. «Мен шундай одамларни биламан-ки, — дейди у, — ўз ишларини катта қониқиш билан бажарадилар. Шуңдан кейин яна ўшалар ёлланма ишчи бўлиб ишлаганларини кўрдим. Меҳнатлари уларга завқ бағишиламас, барча қизиқишилари сўниди ва муваффақиятсизликка учрадилар».

Одамлар сиз билан муомалада щодланишларини истасангиз, улар ўртасида аввало, ўзингиз хурсанд бўлнишингиз лозим.

Мен минглаб ишибилармон кишилардан бир ҳафта давомида кимга бўлса-да табассум қилишни, кейин эса ушбу тажриба натижалари ҳақида машғулотларимизда сўзлаб беришларини сўрадим. Бундан нима чиқаркан? Кўрамиз... Мана, Нью-Йоркнинг норасмий фонд биржаси аъзоси Уильям Б. Штейнхарднинг хати. Ундаги ҳолат ягона эмас, амалда бу юзлаб бош-қа кишиларга ҳам хос типик воқеадир.

«Ўйланганимга ўн саккиз йилдан ошди, — деб ёзади Штейнхард, — аммо ушбу вақт мобайннида хотинимга камдан-кам жилмайганман, ҳатто, тўшакдан турганимдан то ишга келгунимга қадар бир оғиз ҳам сўзлашмаган ҳолларимиз кўп бўлган. Даҳшатли да-

ражада жизакки әдим-ки, бунақасини Бродвей ҳам күрмаган. Сиз табассум билан боғлиқ тажрибам натижасы ҳақида сүзлаб беришни сұраганингиз учун мен бунга бир ҳафтамни бағишаңлашга қарор қилдім. Шундай қилиб, әрталаб соchlаримни тараётганимда ойнадаги түмшайған башарамга қараб, үзим-үзимга: «Билл, сен бугундан бошлаб бу турқингга бархам берасан, жилмаясан ва бунга дархол киришасан», дедім. Ноңуштага үтираётганимда хотинимга жилмайиб сұрашдым ва «Хайрли тонг, азизам», дедім.

Сиз унинг ҳайратланишидан мени огохлантирган әдингиз, аммо ундаги үзгаришга етарли баҳо бермабыз. Үйланиб, ҳаяжонда қолди. Мен унга бугундан әътиборан бу одатий тус олишини айтдым ва мана иккі ойдир-ки, қар куни шу тахлит иш тутаяпмиз.

Хулқимдаги бундай үзгариш шу иккі ойда хонаднимизга үтган аввалги йиллардагидан күпроқ баҳт келтириди.

Ишга бораётиб үзимизнинг күп хонадонли уйимиздаги лифтга қаровчи болакайу қоровулга жилмаяман ва «Хайрли тонг» дейман, метрода пулимни майдалаётіб кассирга табассум қиласаман. Биржа залыда бўлганимда шу чоққача менинг жилмайшимни кўрмаган одамларга илжаяман.

Тез орада бошқалар ҳам менга жавобан табассум билан жавоб қайтараётгандыларини пайқадим. Шикоят ва ташвишлар изҳор қилиб, ҳузуримга келганларни хайриҳоҳ қаршилайман. Уларни жилмайган кўни тинглайман ва барча англашилмовчиликлар осон барҳам топади. Табассумим менга ҳар куни доллар — кўплаб миқдорда долларлар келтираётганига ишонч ҳосил қилмоқдаман.

Бошқа брокер билан хонамиз битта. Унинг қўли остида дилкаш йигитча бор, мен хулқ-авторимдаги үзгаришлардан шу даражада руҳланиб кетган әдим-ки, яқинда унга одамлар ўртасидаги муносабатлар муаммосига үзимнинг янгиша қарашларим хусусида гапириб бердим. Ушанда у биринчи марта хонадан ҳамкорликда фойдаланиш ҳақида келишиб олаётганимизда мени кўриб, «жуда жizzаки» деб үйлаганига ва бу фикрини яқинда үзгартирганига иқрор бўлди. Унинг әътирофича, жилмайганимда ҳақиқатан ҳам ёқимтой кишига айланарканман.

Мен, шунингдек, барчани ва ҳамма нарсанай таң-қид қилиш одатимдан воз кечдим. Энди танқид ўрнига маъқуллайман ва мақтайман. Нима истаётганимни ҳам гапирмай қўйдим. Ҳозир суҳбатдошимнинг нуқтаи назарини англаб олишга ҳаракат қиласман. Буларнинг барчаси ҳаётимда кескин бурилиш ясади. Ҳозир бутунлай бошқа одамман, янада баҳтиёрман, янада бойман — бадавлат дўстларга ва баҳтга эгаман — охир-оқибат булар ягона ҳақиқий бойлик».

Унумтманг, ушбу мактуб турмуш ташвишларидан қийналган, ўзини биржа ходими, деб ҳисоблаган, аслида эса Нью-Йоркдаги норасмий биржа фондида қўрқиб ва таваккалига олиб-сотарлик эвазига рўзгорига пул топаётган одам томонидан ёзилган, бу шунчалик оғир иш-ки, шу билан шуғулланишга жазм этганларнинг юз нафаридан тўқсони таназзулга учрайди.

Жилмайишга лаёқатингиз йўқми? Унда нима қолади? Авваламбор, табассум қилишга ўзингизни мажбур қилинг. Ёнингизда ҳеч ким бўлмаса, ҳуштак чалинг ёки бурнингиз остидан бирор оҳангни миғирлаб туринг ёхуд қўшиқ айтишингиз мумкин. Ўзингизни баҳтиёр ҳис этаётгандек тутинг, бу сизга кайфиятнингиз яхшиланишида ёрдам беради.

Шу тўғрида Гарвард университети профессори Уильям Джеймс бундай деган:

«Одатда ҳаракат кайфиятнинг оқибати ҳисобла-нади, бирни иккинчисидан ажралмасдир. Бевосита кўпроқ ўз иродамиз орқали ҳаракатларимизни бошқара бориб, хоҳишимиз туфайли қисман кайфиятимизни яхшилаймиз. Шу тариқа, тушкун аҳволда қолганда, хоҳиш-иродани самарали йўналтириб кўтаринки кайфиятга эришиш мумкин — бунинг натижасида гўё ҳамиша вақтим чоғ, деган ҳолатни сингдирасиз...»

Оламда барча баҳт излайди ва уни топишнинг ягона тўғри йўли мавжуд. Бунинг учун сиз хаёлларингизни бошқара билишингиз керак. Баҳт—ташқи муҳитга эмас, ички шароитларга боғлиқ.

Сизнинг баҳтиёр ёки баҳтли эмаслигингиз бирор бир нарсага эга эканлигингиз, кимлигингиз, қаердалигингиз ёхуд нима иш қилаётганингизга боғлиқ эмас; сизнинг ҳолатингиз шулар ҳақида қандай фикрдалигингиз билан белгиланади. Масалан, икки киши бир жойда туриб бир хил иш билан шуғулланиши; иккени

ҳам тахминан тенг миқдор пулга әга бүлиши ва бир хил амални әгаллаши мумкин — шунга қарамай, бири баҳтсиз, иккинчиси баҳтиёрдир. Нега? Оқибатда уларнинг ақл-заковатларда фарқ бор. Хитойнинг жазираим иссиғида кунига етти цент иш ҳақи учун тер тўкиб ишлаб юрган ҳаммоллар орасида учраган баҳтли чеҳралар Нью-Йоркнинг Парк-авенюсида дуч келадиганларидан кам эмас. Шекспирнинг фикрича, ҳеч нарса яхши ёки ёмон бўлмайди, ҳаммаси ўзимиз буюмларга қандай қарашимиизга боғлиқ.

Эйб Линколн бир гал ушбуни илғабди: «кўпчилик инсонлар ўзлари қанча истаган бўлсалар, шу даражада баҳтиёр эканлар». У ҳақ эди. Яқинда ушбу ҳақиқатни тасдиқловчи жонли мисолга дуч келдим. Нью-Йоркнинг «Лонг-Айленд» метро бекатидаги зиналардан кўтарилаётган эдим. Шундоқ рўпарамда ўттиз-қирқ чоғли майиб-мажруҳ бола суюнчиқ чўп ёки ҳассага таяниб, катта машаққат эвазига зиналарни босишарди. Бир болакайни замбилда кўтариб олишганди. Улар кулишар, қувонишарди ва бу мени ажаблантириди, шу тўғрида йўлбошловчиларига айтдим. «Ҳа, тўғри, — жавоб қайтарди у, — бола ўзининг бир умрга мажруҳ эканини англаганида дастлаб ларзага келади, кейинчалик тақдирга тан бериб, соғлом болалардан кўра, баҳтли ҳис этади, ўзини».

Ана шу болалар қаршисида таъзим қилиши истаги туғилди. Ишончим комилки, улар менга унутилмас сабоқ беришганди.

«Сент-Луис кардиналс» бейсбол жамоасининг собиқ ўйинчиси, ҳозирда Америкада омади юришган суғурта агентларидан бири—Франклин Бетжер юзида табассуми балқиб турган одамни ҳамиша очиқ чехра билан қаршилашларини бундан кўп йил муқаддам тушунганини айтди. Шунинг учун бирорвнинг хонасига киришдан аввал, эшик олдида бир лаҳза тўхтаб, тақдирга шукроналар ёғдирадиган кўп яхши нарсалар ҳақида хаёл сураркан, юзида самимий табассум пайдо бўлиб, хонага кираётганида ҳам шу ҳолат чеҳрасидан йўқолмай тураркан.

Унинг фикрича, суғурта соҳасидаги ажойиб муваффақиятларида ушбу оддий усул жиддий аҳамиятга әга экан.

Элберт Хаббардининг қуидаги доно маслаҳатлари-ни диққат қилиб ўқинг, аммо ёдингиздан чиқмасин, эътибор билан ўқисангизу уларни амалда қўлламасангиз, ҳеч нарсага эриша олмайсиз.

«Ҳар сафар уйингиздан чиқаётганингизда иягин-гизни кўтаринг, бошингизни баланд тутинг ва ў-кангизни тўлдириб нафас олинг; қуёш нурларини эҳти-рос ила ўзингизга сингдиринг; дўстлар билан жил-майиб саломлашинг ва юрак тафти-ла қўл олишишинг. Сизни нотуғри тушунишларидан сира қўрқманг, душманларингиз тўғрисида ўйлашга вақт йўқотманг. Нимани истаётганингизни чуқур фикрлаб кўринг, шундан сўнг ҳеч иккиланмасдан мақсад сари дадил интилинг. Ўзингиз бажармоқчи бўлган улкан ва ажойиб юмушлар хусусида фикр юритинг, ўшандагина вақти келиб истагингизни амалга оширишга зарур бўлган уддалаш имкони бор ишларга беихтиёр қўл ура-ётганингизни сезасиз, буни денгиз қалқиган пайти маржонни вужудга келтирадиган жонивор ўзинга зарур микроэлементларни топганига қиёсласа бўлади. Хаёлингизда ўзингиз шундай бўлишни ҳавас қилган ўша истеъодли ва омадли инсон қиёфасини тасаввур этсангиз, соатлар ўтган сайин фикран ўшанинг қиёфа-сига кириб бораверасиз. Фикр — буюк куч. Мавжуд руҳий ҳолатингизни сақланг — доимо ўқтам, самимий ва яхши кайфиятда бўлинг. Тўғри фикрлаш — яратув-чилик, демак. Ҳамма нарса орзу ҳавас туфайли амалга ошади, астойдил қилинган интилиш эса ижобат тона-ди. Биз фикран ўзимиз истаган инсонга ўхшаб бора-миз. Иягингишни сал кўтариб, бошингизни баланд тутинг. Унутманг, ҳар биримиз илоҳий бўлишимиз мум-кин».

Қадимги хитойликлар ҳаётий тажрибага эга доно инсон бўлған эканлар. Уларда шундай мақол бор: «Юзи-да табассуми йўқ киши дўконин очмаслиги керак». Буни бош кийимимиз ички томонига ёпиштириб олишимиз ло-зим.

Модомики, дўконларни эсга олибмиз, «Оппенгейм Коллинз энд компани» фирмаси рекламаларидан би-рида қуидаги ҳаётий донишмандлик намунаси мавжуд:

# **Байрам табассумининг қадр-қиммати**

Ўзи арзимас бўлса-да, кўп нарса беради.

Уни олганларни бойитади, ҳадя этганларни камбағаллаштируйдайди.

У бир лаҳза давом этади, хотирада эса абадий қолади.

Ҳеч ким ундан воз кечадиган даражада бой эмас, ундан бойиб кетган камбағал ҳам йўқ.

У хонадонингизга баҳт келтиради, муносабатларда хайриҳоҳлик муҳитини туғдиради ва дўстлар учун шартли белги вазифасини ўтайди.

У чарчоғи борларга малҳам, руҳий тушкун ва ғамгинларга қуёш нуридек, кўнгилсизликларга қарши энг яхши воситадир.

Шунга қарамасдан, у харид қилинмайди, тилаб олинмайди, қарзга берилмайди, ўғирланмайди. Токи, инъом этишмаса, ўзича нарсага ярамайди!

Шундай қилиб, одамларга манзур бўлишни истасангиз, иккинчи қоидани ёдда сақланг:

*Табассум қилинг.*

## АГАР ШУНИ БАЖАРМАСАНГИЗ, СИЗНИ КҮНГИЛСИЗЛИК КУТАДИ

1898 йилда Нью-Йорк штатининг Рокленд графлигидаги фожеа юз берди. Бир оиласда бола дунёдан кўз юмди, шу куннинг ўзида барча қўшнилар дафи маросимига бормоқчи эдилар. Джим Фарли отхонага бориб отини аравага қўшмоқчи бўлди. Ерни қор қоплаган, ҳаво жуда совуқ эди; бир неча кундир-ки, отни ташқарига олиб чиқишимаганди, у шўхлик қила бошлиди, депсинди, баланд сакраб орқа оёғи билан Джим Фарлинни тепиб ўлдирди. Шундай қилиб, ўша куни Стони-Пойит қишлоқчасида бир одамнинг ўрнига икки кишини дафи этишди.

Джим Фарли бевасини уч фарзанди ва бир неча юз доллар суғурта пули билан тарк этди. Унинг тўнғич ўғли ўн ёшда бўлиб, у гишт заводига ишга кириб, қумташир ва офтобда гиштларни қуритиш учун уларни ағдариб туради. Джим жиддийроқ таълим ололмади, бироқ ирландча хайриҳоҳлик туфайли одамларни ўзига мойил қиласар, шу тариқа сиёсатга аралашиб, йиллар ўтиши билан барча учратган кишиларнинг исмларини хотирасида сақлаб қолишдек нодир қобилиятини шакллантириди.

У ўрта мактабда ўқимаган, бироқ унга тўртта коллеж илмий даражаси берганида ҳали қирқ ёшга етмағанди ва Қўшма Штатлар демократик партияси Миллий комитети раиси ҳамда алоқа вазири бўлди.

Бир гал мен Джим Фарлидан интервью олганимда муваффақиятларининг сирига қизиқдим. «Жиддий ишлашда», деб жавоб берди. Мен эса «Сиз ҳазиллашайпсиз», дедим.

Ўшандаги муваффақияти нимада ифодаланаётганини

**сұради. «Мәнга маълум бўлишича, сиз ўн минг одам-нинг номини биласиз», жавоб бердим мен.**

«Сиз янгишдингиз, — эътиroz билдири у. — Мен эллик минг одамнинг номини айтиб беришим мумкин». Ишонинг: ушбу қобилият Фарлига Франклин Д. Рузвельтни Оқ уйга киритишда ёрдам берди.

Джим Фарли гипс ишлаб чиқариш концернида сотувчи бўлиб юрган йиллари ва Стони-Пойнт муниципалитетида котиблиқ қылганида ўзи учун исмларни хотирада сақлаб қолиш тизимини яратди. Дастлаб бу тизим анча содда экан. Ҳар гал янги танишлари пайдо бўлса, унинг тўлиқ исми, оиласи аъзолари, машғулоти характерини ва сиёсий қарашларини аниqlаб борган. Фарли бу маълумотларни миясига жойлаб олгач, бир йилдан сўнг ҳам ўша одамга елкама-елка туриб, ундан хотини, болалари, боғида ўсаётган гуллари тўғрисида сўраши мумкин эди. Кўплаб ўз хайрихоҳларини топганига ҳайратланмаса ҳам бўлади.

Рузвельтнинг президентлик сайловлари арафасида Джим Фарли ғарбий, шимоли-ғарбий штатларда яшовчиларнинг барчасига юзлаб хатлар йўллади. У ўн икки кун ичидаги йигирма штатда бўлди, минг миль ма-софани босиб ўтди, қаерда яёв, қаерда поездда, қаерда автомобилда, яна қайси жойда қайиқда юрди. Бирор бир шаҳарга борса, керакли одамлар билан нонуштада, чой ичаётib ёки тушликда «юракдан» гаплашар, шундан сўнг тезда йўлга отланарди.

Шарққа қайтиши биланоқ, ўзи борган шаҳарда урратган одамлардан бирига суҳбатлашган кишиларнинг рўйхатини юборишни сўраб хат ёзган, сўнгги тузилган рўйхатда минглаб одамларнинг номлари битилган, шунга қарамасдан, ўшаларнинг барчаси Джим Фарлидан шахсий мактуб олишган ва бундан жуда ҳайратланшган. Барча хатлар «Қадрли Билл» ёки «Қадрли Джо» деган мурожаатдан бошланган ва албатта ниҳояси «Джим» имзоси билан тугаган.

Джим Фарли ҳали ҳаёт йўлининг бошидаёқ ҳар бир оддий инсонни бутун дунёдаги исталган исмдан кўра ўзининг номи кўпроқ қизиқтиришини фаҳмлагаш экан. Ушбу исмни ёдда сақлаб, бамайлихотир уни тилга олсангиз мазкур одамга нозик, аммо жуда самарали хушомад қилгани бўласиз. Мабодо, бу исмни эсади чиқарсангиз ёхуд нотўғри ёзсангиз манифаатингизга

зид ҳолатда қоласиз. Масалан, бир сағар Парижда нотиқлик санъати бўйича курслар ташкил қилиб, у ерда яшовчи америкаликларнинг барчасига хатлар йўлладим. Мактуб оладиганлар фамилияларини инглиз тилини учча яхши билмайдиган француз машинисткалари ёзганлигидан, табиийки талайгина хатоларга йўл қўйилган. Бир киши — Американинг Париждаги банки бошқарувчиси менга кескин хат ёзиб, исми хатолар билан битилганига шаъма қилган.

Эндрю Карнеги ютуқларини қандай изоҳлаш мумкин?

Уни «пўлат қироли» деб атар эдилар, аммо пўлат ишлаб чиқариш хусусида кам биларди. Қўл остида бу соҳани яхши биладиган юзлаб одамлар ишлаган.

Аммо Эндрю одамларга муомала қилишни яхши биларди ва айнан шу хислат уни бадавлат одамга айлантириди. У ташкилотчилик қобилияти ҳамда раҳбарлик искеъдодини жуда эрта намоён қилди. Үн ёшлигига ёқ одамлар шахсан ўз исмларига ҳайратланарли даражада эътибор беришларини англаб, бу кашфиётдан шахсий мақсадлари йўлида фойдалана бошлади. Мана бир мисол: Шотландиядан бир урғочи қуённи олди, тез орада бир тўда қуёнчалар пайдо бўлди, уларни боқишга ҳеч нарса йўқ эди. Шунда унинг миясига ажойиб фикр келди. Қўшни болаларга агар жониворларга едириш учун беда ва қоқилар йиғиб келсалар, қуёнчаларга уларнинг исмларини кўйиши мумкинлигини айтди. Режаси ҳайратланарли даражада натижада берди ва Карнеги буни бутун умрга эслаб қолди.

Орадан кўп йиллар ўтиб, ўша психологияк ҳийласини ишбилармонлик муносабатларида қўллаб кўрди ва кўплаб миллионлар ишлаб олди. Ўз олдига Пенсильвания темир йўлига пўлат рельслар сотиш мақсадини қўйган эди. Ўша пайтда Дж. Эдгар Томсон йўллар президенти бўлган. Шунда Эндрю Карнеги Питтсбургда йириқ, пўлат қуийиш заводини куриб, уни «Эдгар Томсон номидаги пўлат қуийиш заводи» деб атади.

Энди топишмоқни топинг-чи. Пенсильвания темир йўлларига пўлат рельслар лозим бўлганида, сизнингча, Дж. Эдгар Томсон уларни кимдан сотиб олган? «Сирс, Робак» фирмасиданми? О, йўқ, янглишдингиз.

Карчеги ва Джордж Пульман ораларида ётиб кетадиган вагонлар ишлаб чиқариш бўйича биринчилик

учун кураш бораётганда, «пұлат қироли» яна қүёнлар билан юз берган воқеадан чиқарған холосаны эслади.

Эндрю Карнеги назоратидаги «Сентрал транспортейшн компани» Пульманга қарашли компания билан кураш олиб борарди. Ҳар иккала компания «Юнион Пасифик» темир йўл буюртмалари бўйича ётиб кетадиган вагонлар ишлаб чиқариш соҳасида рақобатлашардилар, даромад келтирадиган ҳар қандай имтиёзлардан маҳрум бўлсалар-да, нархни туширишарди. Карнеги ва Пульман Нью-Йорк «Юнион Пасифик» бошқаруви аъзолари ҳузурига сұхбатга боришиди. «Сент-Николас» меҳмонхонасида Карнеги Пульманни учратиб қолиб, унга шундай деди: «Хайрли кеч, мистер Пульман. Биз ўзимизни бир жуфт ақлсизлардек тутаётганимизни ўйлаб кўрганмисиз?»

«Сиз нимага ишора қиласапсиз?» — сўради Пульман

Карнеги унга хаёлида икки корхонани бирлаштириш фикри борлигини айтди. У бир-бирига қарама-қарши эмас, қўшилиб ҳаракат қилишининг афзалликлари ни очиқ-ойдин ифодалаб берди. Пульман диққат билан тинглади, аммо Карнеги уни тўласинча ишонтиrolмади. Ниҳоят қизиқиб савол берди: «Сиз янги компанияни қандай номлаган бўлардингиз?» Карнеги дарҳол жавоб қайтарди: «Шубҳасиз, Пульман люкс-вагонлар компанияси». Пульманнинг чироий очилди «Юринг, менинг хонамга, — таклиф қилди у. — Бу тўғрида гаплашиб оламиз». Ушбу сұхбат саноатни ривожлантиришда тарихий аҳамиятга эга бўлди.

Эндрю Карнегининг дўстлари ва ҳамкаслари нинг исмларини ёдда сақлаш ҳамда тўғри айтиш сати унинг раҳбарлик услугиси сирларидан биридир. У ўз ишчиларининг кўпларини номларини айтиб чақиришини, шунингдек, ҳозирча ишларни шахсан бошқаришини, бирорта ҳам иш ташлаш унинг гуллаб-яшнаётган пўлат қўйиш заводи осоишталигига халал бермаганини мағурланиб гапиради.

Одамлар ўз исми билан мағурланадилар в. уни агадийлаштиришга ҳаракат қиласидилар. Номин ёрадиган ўғиллари йўқлигидан қайтурган бераҳм бағритош чол П. Барнум набираси С. Силига ўзинг Барнум-Сили деб аташга розилигини олиш мақсадида унга йигирма беш минг доллар берган экан.

Бундан икки юз йил муқаддам бойлар өзүвчиларга ўз китобларини уларга бағышласинлар, деб пул тұлағанлар.

Кутубхона ва музейлар бой жамғармалари учун ўз номлари инсоният хотирасидан үчиб кетиши мумкинлиги түғрисидаги хаёлдан даҳшатта тушадиган одамлардан миннатдор бўлишлари керак. Нью-Йоркдаги оммавий кутубхона Астор ва Ленокс коллекцияларига эга, «Метрополитен» музейи Бенжамин Олтме ҳамда Дж. П. Морганларнинг номларини агадийлаштирган. Деярли ҳар бир черковнинг олдини садақа қилувчиларнинг исмлари битилган рангли ойналар безаб турибди.

Одамларнинг кўпчилиги исмларини эсда қолиш йўлида вақт ва ғайратларини сарфламоқни истамайдилар. Улар ўзларини ҳадлан тешқари бандлик билан оқлайдилар, ваҳоланки, Франклин Д. Рузвельтдан ҳам бандроқ бўлишлари даргумон, у эса эслаб қолишга ва зарур бўлган ҳолда ҳатто ўзи дуч келган механиклар исмларини хотирасида тиклаб олишга қодир экан.

Мана бир мисол: «Крайслер» фирмаси Рузвельт учун маҳсус автомашина ишлаб чиқарганди. Уни Оқ уйға У. Чемберлен ва фирманинг механикларидан бири олиб келди. Қўлимда Чемберленинг таассуротлари ёзилган хат турибди. «Президент Рузвельтга ғайриоддий асбоблар воситасида жиҳозланган автомашинани бошқаришни кўрсатдим, у эса менга одамлар билан муомала қилиш санъати нозикликларини ўргатди.

Мен Оқ уйға келганимда, — деб давом этади Чемберлен, — президент жуда хушмуомала ва очиқ чехрали эди. Исимини айтиб чақирди, хушчақчақ кутиб олди ва менда чуқур таассурот қолдирди, кўрсатган ҳамда тушунтирганларимга астойдил қизиқиши билдириди. Машинанинг тузилиши оддий — шунчаки қўл билан бошқаришга имкон берарди. Атрофга оломон тўпланинганда, у таъкидлади: «Менимча, бу мўъжиза. Сиздан талаб қилинадигани шуки, тугмачани босасиз, машина ўзи ҳаракатга келади, уни бошқаришга куч сарфлаш шарт эмас. Буни ҳайратланарли, деб ҳисоблайман, уни ҳаракатланишга нима мажбур этишини тушунмадим»,

Рузвельтнинг дўстлари ва яқинлари автомашинага қойил эканликларини изҳор ётганларида, у уларнинг олдида шундай деди: «Мистер Чемберлен, мен сўзсиз, ушбу автомобилнинг ички тузилишига сарфлаган вақтингиз ва ғайратингиз учун миннатторман. Машина аъло даражада». У радиаторни, орқали кўриш ойначаси ва соатни, ўзига хос чироқларни, ички қопламаларни, ҳайдовчи ўринидини, юк қўйиш жойидаги сандиқларнинг махсуслигини мақтаб ўтди. Бошқачароқ ифодалаганда, у билган ҳар бир қисм тилга олинди-ки, буларни чуқур ўйлаб қолдим. Шу тариқа лоҳида қайд этиб, бунга Рузвельт хоним, Перкинсоним, меҳнат вазири ва ўз котибининг эътиборлари-и қаратди. Суҳбатга ҳабаш-қоровулни жалб этиб, нга: «Джордж, энди сандиқларга қараб юришингга ўғри келади», деди.

Машинани бошқариш дарси тугагач, менга ушбу ўзлар билан мурожаат қилди: «Жаноб Чемберлен, мен Федераль заҳира бошқармамизни яrim соатча уттириб қўйдим, ишга қайтадиган пайтим келгандир, еб ўйлайман».

Оқ уйга ўзим билан механикни олиб боргандим. уни Рузвельтга таниширишди. У президент билан гарни мулоқот қилмаган бўлса-да, Рузвельт унинг исмини ир марта эшитди, холос. У уятчанг йигит эди. Бироқ, Рузвельт кетаётганида уни нигоҳи билан излаб тошиб, исмини айтиб қўл сиқиб хайрлашаркан. Вашингтонга келганилиги учун миннатдорчиллик билдириди. Бу ашаккурнома мазмунида хўжакўрсинлик эмас, балки никрида бори ифодаланган эди.

Нью-Йоркка қайтганимдан сўнг бир неча кун ўтгач, мен президент Рузвельтдан ўзи имзолаган сурати ва рдам кўрсатганим яна бир бор эътироф этилган миннатдорчиллик хатини олдим. Бунга қандай вақт топсанлиги мен учун жумбоқлигича қолди».

Франклин Д. Рузвельт атрофидагиларни ўзига тойил этишининг энг содла, самарали ҳамда амалий тасулларидан бири—уларнинг исмларини ёдда сақлаб колиши ва онгларига керакли одам эканликларини сингизириш, деб билган. Аммо, барчамиз ҳам худди шундай тўл тутамизми?

Бизни одамларга таниширишганида, юздан эллик ҳолатда улар билан бир неча дақиқа ҳангомалаша-

мизда, хайрлашаётіб исларини ҳам эслаб қолмайміз.

Сиёсий арбоб ўзлаштирадиган дастлабки сабоқ-нинг мазмуни қуйидагича: «Сайлловчининг исмінін ёдда сақлаш — бу давлат донишмандлығы. Уни әсдан чиқарыш — демек ўзингни унуглишга маҳкум қилмоқдир». Ишда ва ижтимоий муносабатларда исларни хотирлаб қолиш, худди сиёсатдагидек аҳамият касб этади. Наполеон III, Франция императори, буюк Наполеон-нинг жияни ўзи учрашишга түфри келган одамнинг исміні ёдда сақлаш қобилияти билан мағрурланарди.

У бунга қандай әришган? Жуда осон. Бирор кимсаннінг исміні яхши англамай қолганида у: «Кечирасиз, сизни қандай аташни пайқамай қолдым», деб айттар экан. Кейин, агар исм одатдагидан ташқари бўлса: Исминиз қандай ёзилади?» деб аниқлик киритаркан.

Суҳбат давомида, бу исмни атайлаб, бир неча бор тилга олиб, уни одамнинг қиёфаси, ташқи кўриниши ва юз бичимларига уйғунлаштиаркан.

Агар унинг ҳузуріда муҳимроқ одам бўлса, Наполеон бу билан чегараланмаган. Ёлғиз қолиши биланоқ, янги танишган кишининг исміни бир варақ қофозга битиб, унга эътибор билан тикилиб, ўз хотирасига олган, кейин эса қофозни йиртган. Шундай қилиб, янги исмни эшитиш ва кўриш орқали эслаб олишга муваффақ бўлган экан.

Буларнинг барчаси вақт талаб қиласди, аммо: «яхши одатлар, — Эмерсон айтганидек, — майдада қурбонликлардан ҳосил бўлади».

Шундай қилиб, агар сиз одамларга манзур бўлишни истасангиз учинчи қоидани ёдда сақланг:

*Одамнинг исми қандай тилда бўлмасин, унинг учун энг ёқимли ва ўта аҳамиятли оҳангдир.*

## ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ЯХШИ СУҲБАТДОШ БҮЛІШ МУМКИН

Яқында мени бридж үйиннигә таклиф қилишди. Тұғригиниң айтсам, бу үйинни билмайман. Мәхмонар орасыда ҳам бридж үйнай олмайдын малласоч аёл бор эди. Пойзелл Томас радиога келгүнің қадар мен унда менеджер бұлғанимни ва Европа бүйлаб күп сафар қылғанимни, дипозитивлар намойиш этиб үңігін маърүз-залини тайёрлашда ёрдам берғанligimni билиб олғач, хитоб қилды: «Жаңоб Карнеги, үзінгіз бұлған жойлар ҳақидаги кечінмаларингизни, нималарни күрганингизни үртоқлашишингизни жуда истардим».

Иккимиз диванга үтирганимиздан сұнг, у яқында эри билан Африкага борганини маълум қилды. «Африка! — дея завқландым мен. — Қандай қизиқарлы! Ҳамиша Африкада бүлиш орзусидаман, агар бир суткани Жазоирда үтказғаним ҳисобға олинмаса, сира бунга имкон туғилмаган. Айтинг-чи, сиз иирик ҳайвонлар үлкасида бұлғанмисиз? Иш-е! Омадингиз чопиби! Сизга ҳавасым келади! Илтимос, менға Африка тұғрисида гапириб берсангиз...».

Бу ҳикоя қирқ беш дақиқага чўзилди. Шу билан у қаерга борганим ва нимани күрганимни сұрамады ҳам. Саёҳаттарым тұғрисидаги хотираларимни баҳам күрнешни истамай қолди. Үнга бор-йүғи ўз шахси тұғрисида гаплашадын ва қаерда бұлғанини қизиқиб тингловчи көрак эди, холос. Бу аёл файритабиими? Иш-е. Бундай одамлар күпчилик.

Масалан, яқында ньюйорклик китоб ношири Дж. У. Гринберг үюштирган түшликда мен машхур ботаник билан танишиб қолдым. Илгари бу соңа одамлари суҳбатида бўлишга сира тұғри келмаганди. У мафтун

этди, наша, Лютер Бербанк ва хонада ўстирилади-  
ган гуллар ҳақида гапирганида, седий картошкага оид  
жайратланарли маълумотларни баён этганида, ўрнимдан  
жилмай қотиб қолдим. Менда ҳам хонаки гуллар бор  
эди ва суҳбатдошим айрим қийинчиликларни қандай  
ешишим йўлларини айтиб берди.

Ҳали таъкидлаганимдек, бизлар тушликка таклиф  
этилган элик. У ерда ўн икки нафар меҳмон бор бўлса-  
да, бироқ мен барча одоб қоидаларини бузиб, бошқа-  
ларни унутиб, ботаник билан бир неча соат гапла-  
шиб қолдим.

Тун яримлади. Шунда барча ўтирганларга хайрли  
кеч тилаб, қайтдим. Кейин ботаник уй эгасига муро-  
жаат қилиб, шаънимга бир неча мақтov сўзларни ёғ-  
дирибди. Унинг таърифича, мен «суҳбатга ўта мойил»,  
яна унлай, бундай ва ниҳоят фикрини «энг қизиқарли  
суҳбатдош экан» деб хуносалабди.

Қизиқарти суҳбатдош? Ваҳоланки, деярли бир оғиз  
сўз айтмагандим. Мабодо, истаганимда ҳам мавзуни  
ўзгартирмасдан бирор нарса дея олмасдим, умуман  
ботаника бўйича худди пингвинлар анатомияси хусу-  
сида қанча билсан шунчалик маълумотим бор эди. Би-  
роқ мен нима қилдим: диққат билан тингладим. Астой-  
дил қизиқканлигим учун тингладим. У буни сезди.  
Бу унга хуш келди. Эътибор кўрсатиш — хушомад-  
нинг олий даражаси ҳисобланниб, буни кимга нисбатан  
бажара оламиз. «Камдан кам одамларгина, — дея ёза-  
ди Джек Вудфорд ўзининг «Севгида янгилар» асарида,  
— завқ-шавқقا тўла эътиборнинг яширин хушомадига  
бардош бера оладилар». Бироқ, мен уни диққат-эъти-  
бор бериб тинглаш билан чекланмадим. «Баҳолашда  
соғдил, мақтовда сахий» бўлдим. Суҳбатимиз қизиқар-  
ли, ибратли бўлганини айтдим ва бу рост эди.

Мен, суҳбатимиз ҳаддан ташқари эътибортортар  
бўлганини, яна у каби билимга эга эмаслигимдан афсус-  
ланганим, у билан далаларда сайд қилиб юриш иста-  
гим борлигини, албатта қайта-қайта учрашиш зарурли-  
гини айтдим, дарҳақиқат шундай эди.

Буларнинг барчаси туфайли уни ўзим ҳақимда —  
яхши суҳбатдош, деб ўйлашга мажбур қилдим, аслида  
ҳам маъқул тингловчи сифатида уни гапиришга ра-  
батлантиргандим,

Ишга доир суҳбатлардаги ютуқнинг сири нимада? Тадқиқотчи олим Чарльз У. Элиотнинг айтишича: «ишга доир муваффақиятли муносабатларда ҳеч қандай сир йўқ.. Сиз билан суҳбатлашаётган одамга алоҳида эътибор кўрсатиш жуда зарур. Бундан ортиқ хуш келадиган нарса йўқ».

Мутлақо тӯғри, шуидай әмасми? Ушбу ҳақиқатни англаш учун Гарвардда ўқиш шарт әмас. Бироқ сиз ҳам, мен ҳам шуидай савдогарларни биламизки, улар нархи баланд биноларни ижарага олиб, ўзларига қулай нархларда моллар харид қилиб, пештахталарини бе-зайдилар, рекламага анчагина сарфлайдилар, кейин эса яхши тингловчи бўлищга ақллари етмай, харидорларнинг гапларини кесадиган, ўзларидан норизо этадиган, ғашни келтирадиган, жойи келса дўкондан ҳам ҳайдаб чиқаришга тайёр сотувчи хизматчиларни ишга оладилар.

Мисол қилиб Дж. Вуттон билан бўлган воқеани олайлик. Гуруҳларимдан биридаги машғулотда у қуидаги воқеани сўзлаб берди: Нью-Джерси штатининг денгиз қирғоғида жойлашган Ньюаркда шаҳридаги универсмагларнинг биридан костюм харид қилибди. Аммо буюм яхши чиқмабди — кўйлак ёқасини кир қилас экан. У костюмни дўконга қайтариб келиб, ўзи савдолашган сотувчини топиб, бўлган гапни айтиби. Мен «айтибді», дедимми? Кечирасиз, сал ошириб юбордим. Айтишга уринди, бироқ сўзини бўлишди.

«Бизлар бу костюмдан мингтасини сотдик, — эътиroz билдириди сотувчи, — ва биринчи бўлиб сиздан шикоят тушдиз».

Унинг сўзларидан шу маъно чиқарди, бироқ гап оҳангি бундан баттар чиқди. Тажовузкор муомаласи: «Алдаманг, Бизларни аҳмоққа чиқараман, деб ўйла-япсизми? Бўпти, мен сизга кўрсатиб қўяман», дегандек эди.

Тортишув авжига чиққанда, унга яна бир сотувчи қўшилди. «Қора костюмларнинг ҳаммасида дастлаб бироз ранг чиқади, — деб изоҳ берди у. — Бунга чора йўқ. Шу нархга нима олмоқчи эдинги?

«Бир пайт бутун вужудим қайнаб кетди, — деди Вуттон ҳикоясини давом эттиаркан. — Биринчи сотувчи ҳалоллигимдан гумонсираган бўлса, кейингиси эса иккинчи навли буюм сотиб олганимга ишора қил-

ди. Жаҳлим чиқди, уларга костюмларингни олингларда, кўзимдан йўқолинглар, деб бақирмоқчи бўлганимда, бўлим мудири келди. Ўз ишини аъло даражада биларкан, менинг кайфиятимни тамоман ўзгартириди. Хуллас, ғазабланган инсонни қаноатланган харидорга айлантириди. Бунга қандай эришди?

Биринчидан, у бирор сўз айтмасдан, мени бошидан охиригача тинглади.

Иккинчидан, мен сўзимни тугатгач, сотувчилар ўз фикрларини ҳимоялай бошлаганларида, у тортишди ва менинг нуқтаи назаримга ўтди. У менинг ёқамдаги доғлар костюмдан бўлишига қўшилибгина қолмасдан, балки дўконларида харидорларни қониқтирумайдиган моллар умуман сотилиши мумкин эмаслигини айтди.

Учинчидан, ушбу кўнгилсизликка қандай чора тошиш мумкинлигини билмаётганига икрор бўлди ва мендан очиқчасига сўради: «Бу костюмни нима қилсан экан? Нима десангиз, шуни бажараман».

Бир неча дақиқа муқаддам мен бу лаънати костюми уларнинг ўзларига қайтаришга тайёр эдим. Аммо энди эса: «Мен бор-йўғи бу вақтинчалик ҳолат ва бунга нима чора бор, деб сизлардан маслаҳат ол, оқчи эдим, холос?» дедим.

У менга костюмни яна бир ҳафта кийиб юришимни маслаҳат берди. «Агар ўшанда ҳам мамнун бўлмасангиз, — дея ваъда қилди у, — олиб келинг, сизга маъқул гушадиганига алмаштириб берамиз. Илтимос, кечиринг, сизни ташвишга қўйдик».

Мен дўкондан қониқиб чиқдим; ҳафта охирида костюм рисоладагидек бўлди ва универмагга нисбатан ишончим бутунлай тикланди».

Бундай маъмур бўлимга бошлиқ экани ажабланирмайди; сотувчиларга келсак, улар... бир умрга сотувчи бўлиб қоладилар, дейишимга сал қолди. Иўқ, уларни эҳтимол харидорларга муомала қилмайдиган жойга, молларни ўраш бўлимнига ўтказсалар керак.

Ҳар қандай шиддатли жанжалкаш ҳатто энг қўйол танқидчи ҳам тилида қироллик илонидек заҳар тўплаган бўлса-да, уни сочгунича жим турадиган, чи-

даб ҳамдардлик билдирадиган тингловчи олдида димофи юмшаб, тақдирiga тан беради. Мана сизга мисол. Бир неча йил аввал «Нью-Йорк телефон компани»си телефончи қизлари уришқоқ, жаҳлдор мижозга ишлари тушганини пайқасибди. Улар қанчалик ҳақоратланганларини билганингизда эди! Мижознинг жазаваси тутар, телефонни тубигача суғуриб ташлайман, деб дўқ уриб, қарзлар нотӯғри ҳисобланган, дея тўлашдан бош тортиб, газеталарга ёзиб, майший хизмат комиссиясига шикоят йўллабди ва компанияяга нисбатан бир неча даъво иши қўзғатибди.

Охир-оқибат компания ўзининг энг тажрибали «яраштирувчи»ларидан бирини ушбу «фаламис» билан учрашувга юборди. «Яраштирувчи» жанжалкашнинг гапларига қулоқ солиб, унга аччиқ ичакдек узун дийдиёсини қилиб, роҳатланишига имкон берибди. Телефон компанияси вакили: шу тариқа уни тинглаб, маъқуллаб, ҳамдардлигини билдирибди.

«У қарийб уч соат ғазаб отидан тушмади, — маълум қилди ўз саргузаштларини сўзлаб бераркан «фалокатчи». — Шундан кейин ҳам яна қайтиб келдим ва уни қайта тингладим». У билан тўрт бор сұҳбатлашдим ва охирги ташрифим ниҳоясида тузмоқчи бўлган ташкилотининг таъсисчилари сафига қўшилдим. Уни «телефон мижозларини ҳимояловчи ассоциация» деб номлабди. Ҳозир ҳам ушбу ташкилот аъзосиман, аммо шуниси борки, билишимча, бугунги кунда унинг ўзини ҳисобга олмаганда, мазкур ташкилотнинг ягона аъзоси бўлиб қолмоқдаман.

Уни тингларканман, сұҳбатимиз давомида кўтарилиган ҳар қайси масалага ўзимнинг ҳамдардлигимни билдириб турдим. Илгари телефон компаниясининг ҳеч бир вакили у билан бундай тарзда гаплашмаган экан. Биринчи ташрифим давомида келишим сабаблари ҳақида оғиз очмади, иккинчи ва учинчи марта борганимда ҳам бўни эсламадик, лекин тўртинчى сұҳбат давомида ҳаммасини жойига қўйдим, барча қарзлар тўланилишига эришдим, бунинг устига тарихда биринчи марта майший комиссияга йўллаган шикоятларининг барчасини қайтиб олди».

Шубҳасиз, бу мижоз ўзини, фуқаролар ҳуқуқларини ҳимояловчи олижаноб салб юриши қатпашчиси,

деб ҳисобларди. Аслида эса бор-йүғи ўзини эътиборга муносиб одам эканлигини англаши лозим эди. Аввалига бундай түйғу унинг норозилиги ва шикояти туфайли пайдо бўлган, бироқ компания вакили аста-секин синг-дирганидан сўнг, хафачилиги тутундек тарқаб кетган.

Бундан кўп йиллар аввал, «Детмер вулен компания»нинг (кейинчалик жун матолар етказиб берувчи йирик корхонага айланган) асосчиси Джулиана Ф. Детмер-нинг хонасига дарғазаб бир мижоз бостириб кирди.

«Бу мижоз бизлардан ўн беш доллар қарз бўлиб қолган эди, — тушунтириди менга Детмер. — Буни инкор қилди, аммо ноҳақлигини билардик. Қарз бўлим ушбу пул тўланишини қаттиқ туриб талаб қилди. Мазкур бўлим юборган бир қатор хатларни олганидан сўнг, у сафар анжомини жамлаб, Чикагога отланибди, ҳузуримга эса нафақат қарзини тўламаслиги, балки бундан сўнг ҳеч қачон «Детмер вулен компания»дан бир долларлик ҳам нарса сотиб олмаслигини билдириш учун келибди.

У айтмоқчи бўлган гапларнинг барчасини сабртоқат билан тингладим. Гапини бўлиш истаги ҳам туғилди, бироқ бу ноўринлигини тушундим. У тинчланиб, музокара олиб бора оладиган ҳолатга келганидан сўнг майингина гап бошладим: «Чикагога бу тўғрида маълум қилишга келганингиздан миннатдорман. Бизга катта ёрдам қилдингиз, чунки қарз бўлими сизни безовта қилибди, демак бошқа мижозлар ҳам шу ҳолга тушиши мумкин, бу эса жуда ёмон».

Мендан бўндай сўзларни сира кутмаган кўриниади. Сал бўлса-да ҳайратланди — чунки у бир жуфт «ааччиқ» гапларни айтгани Чикагога келганди, мен эса тортишиш ўрнига миннатдорчилик билдиридим. Уни китобимиздан шу ўн беш долларни ўчириб ташлашга ва буни унтишимизга ишонтиридим, негаки, у батартиб одамлигини, бунинг устига атиги битта қарздорлигини, бизнинг хизматчилар эса минглаб қарзларнинг ҳисобини олишлари лозимлигини таъкидладим. Шу туфайли унга нисбатан биз кўпроқ хатогъ йўл қўйишими мумкинлигини тушунди.

Уни тушунйшимни ва ўрнида бўлганимда, шубҳасиз, айнан шундай фикр юритишим муқишлигига ишонтиридим. Модомики, бизлардан ҳеч нарса харид қилмоқ-

чи эмас экан, унга жун маҳсулотлари савдосига алоқадор бир неча фирмани тавсия қилдим.

Илгарилари у Чикагога, келганида одатда бирга нонушта қиласырдык, шу сабабли чойга таклиф қилдим. Истар-истамас рози бўлди, аммо ишхомага қайтиб келганимида, бизга аввалгилардан ҳам йирикроқ буюртма берди. Уйига эса ақлини жойинга қўйиб, тинчланниб қайтди ва бизга нисбатан янада адолатлироқ бўлиши мақсадида ҳисоб-китобларини қайта қараб чиқди, йўқолган ҳужжат топилгач, узр билан ўн беш доллар юборди.

Кейинчалик хотини ўғил кўрганида, фарзандига иккинчи исм сифатида Детмер, деб ном қўйди ва умринг охиригача дўст ҳамда фирмамизниң доимий мижози бўлиб қолди».

Қўп йиллар аввал Голландия кўчманчиларига қўшилиб келиб қолган камбағал бир йигитча мактабдаги ўқишларидан кейин ҳафтасига эллик цент олиш мақсадида ойна ювиб юрган; унинг оиласи шу даражада қашшоқ эди-ки, ҳатто у машиналардан тўқилган кўмир ушшоқларини териш илинжида сават кўтариб, кўчага чиқарди. Бу йигитча, яъни Эдвард Бок, умр бўйи мактабга олти йилдан зиёд қатнамаган, бироқ охир-оқибатда Америка журналистикаси тарихида энг нуфузли журналнинг муҳаррири бўлди. Бунга у қандай эришди? Бунинг тарихи узоқ. Ушбу йўл шу бобда тавсия қилинаётган қоидаларни амалда қўллашдан бошланган.

Ўн уч ёшида мактабни тарк этган Бок «Уэстерн юнион» фирмасида ойига олти доллар йигирма беш цент маош билан хат ташувчилик қилди, аммо ўқиши давом эттириш фикри уни бир дақиқа ҳам тарк этмади. Аксинча, мустақил равишида маълумот олишга шўнгиди, машҳур америкаликларнинг таржимаи ҳоли ёзишган энциклопедияни сотиб олишга етадиган даражада пул жамғаргунча йўл харажатидан маблағ тежади ва нонушта қилмади, кейин эса кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ишга кўл урди. Машҳур одамлар таржимаи ҳолларини ўрганиб чиқар экан, уларга хат ёзиб, болаликлари ҳақида қўшимча маълумот беришлирини сўрарди. Сўзлаб берилганларни жуда яхши ўзлаштирас, машҳур одамлар ўзлари ҳақида гапириб беришлирига осон эришарди. Президентликка ўз номзодини

қўйган генерал Джеймс Гарфилдга хат ёзиб, ундан ҳақиқатан ҳам ёшлигига каналда шатакчи бўлиб ишлагани ҳақида сўраган ва Джеймс Гарфилд унга жавоб ёзган. Генерал Грантга мактуб йўллаб, ундан бир жанг тафсилотини сўраган ва Грант унга ҳарбий харитани чизиб берган, ушбу ўн тўрт яшар болани ўз уйига тушликка таклиф этиб, у билан кечгача суҳбатлашган.

Эмерсонга ҳам хат ёзиб, уни ўзи ҳақида сўзлаб беришга кўндирган.«Уэстэрн юнион»нинг бу хат ташувчиси тез орада мамлакатнинг машҳур одамлари билан хат ёзишар, улардан кўпларининг уйларига азиз меҳмон сифатида таклиф этилган. Бундай ҳаётий тажриба туфайли ўзига ишонч орттириди. Бу эркак ҳамда аёллар унинг бутун ҳаёт тарзини тубдан ўзгартириб юборишиди, орзу ҳавас қилиш қобилияти ва иззатталаблик хислатларини ўйғотдилар. Бунинг барчаси, сиз билан биз муҳокама қилаётган қоидаларни амалда қўллаш туфайлидир, деб такрорлашимга ижозат беринг.

Машҳур одамлардан интервью олиш бўйича дунё чемпиони бўлган Айзек Ф. Маркоссон тасдиқлашича, кўп одамлар диққат билан тинглай билмасликлари сабабли ўз суҳбатдошларида яхши таассурот қолдирмас эканлар. «Улар ўзлари айтмоқчи бўлган гапларга шунчалик бериладилар-ки, оқибатда ҳеч нарсани тингламайдилар... Буюк одамларнинг таъкидлашича, ажойиб нотиқлағдан кўра, яхши эши тувшилар афзал эканлар, аммо ҳар қандай яхши хислатларга нисбатан тинглашни билиш камроқ учаркан».

Яхши тингловчиларга нафақат буюклар, балки оддий одамлар ҳам муҳтождирлар. Ўз вақтида «Ридерс дайджест» журнали тасдиқлашича, «кўплар тингловчи керак бўлгандагина ҳакимни чақириарканлар».

Фуқаролар урушининг энг кўнгилсиз кунларида Линкольн Иллинойс штатидаги Спрингфилга ўз дўсти ва қўшнисига хат ёзиб, Вашингтонга келиб кетишини сўрайди. Линкольн баъзи муаммоларни муҳокама қилмоқчилигини маълум қилганди. Эски қўшниси Оқ уйга келди, Линкольн бир неча соат давомида қулларни озод қилиш декларациясини чиқариш хусусида суҳбатлашди. Бундай чорани ёқлайдиган ва қарши бўладиган барча далилларни келтирди, кейин бир неча хат ва мақолаларни ўқиб берди; баъзиларида унга

қулларни озод қилмаганига таъна ёғдиришарди, бошқаларида улар озод бўлишларидан қўрқиб, сўқиншарди. Қария билан шу тарзда бир неча соат гаплашгач, Линкольн қўлини қисиб, хайрли тун тилади-да, унинг фикрларини ҳам сўрамасдан, яна Иллинойсга қайтариб жўнатди. Бутун суҳбат давомида фақат Линкольн гапирди. Бу ўнинг фикрларига тиниқлик киридти. «Суҳбатимиздан кейин назаримда, у анча енгил тортди», — деб ҳикоя қиласи ӯша эски дўсти. Линкольнга маслаҳат керак эмасди, унга қўнглидаги ни тўкиб-солиш учун хайриҳоҳ, ҳамдard тингловчи зарур эди. Ноҳуш ҳолга дуч келганимизда барчамиз айнан шуни истаймиз. Ғазаби қайнаган мижоз, норизо хизматчи ёки таҳқирланган дўст ҳам айнан шунга ташна.

Агар одамлар ўзларини сиздан четланишлари, устин-гиздан кулишлари, ёки жирканишларини истасангиз бунинг йўли осон: ҳеч қаҷон, ҳеч кимни узоқ тингламаёнг. Ўзингиз ҳақда тўхтовсиз гапиринг. Суҳбатдошингиз гапираётганида хаёлингизга бирор фикр келиб қолса, гапини тинглаб вақтингизни йўқотманг. У сизчилик ақлли эмас. Унинг қуруқ сафсатасини тинглаш нима керак? Шунинг учун аралашиб, гапининг ўртасидан бўлинг.

Сиз шундай одамларни биласизми? Афсуски, мен биламан ва энг ҳайратланаарлиси шундаки, улардан баъзиларининг исмлари диндорлар маълумотномасида қайд этилган.

Фақат ўзи тўғрисида гапирган одам — нуқул ўзини ўйлади. Шу боис «Фақат ўзи ҳақида ўйладиган одам, — дейди Колумбия университети президенти доктор Николас Мэррей Батлер, — у қанчалик ўқимишиб бўлмасин, тарбияланишига умид йўқ, маданиятсиз одамдир».

Мабодо, агар сиз яхши суҳбатдош бўлишни истасангиз, биринчи навбатда зийрак тингловчига айланинг. Чарльз Нортхем Лининг умр йўлдоши эътироф этганидек, «қизиқарли бўлиш учун қизиқувчанлик керак». Узга кишига шундай саволлар беринг-ки, бунга жавоб қайтариш унга хуш ёқсин. Уни ўзи ва муваффақиятлари туғрисида гапиришга рағбатлантиринг. Ёдингизда бўлсин, ҳамсуҳбатингизни сизнинг муаммоларингиздан кўра, унинг ўзи, ўз эҳтиёжлари ва таш-

вишлари күпроқ қизиқтиради. Үнга Хитойда очарчиликдан үлиб кетаётган миллионлаб болалардан құра, үз тиши оғриғи муҳимроқдир. Бұйнидаги чипқони Африкадаги қирқта зилзиладан ҳам күпроқ ташвишлантиради. Кім билан суҳбат қурманг, буни хаёлингиздан қиқарманг.

Шундай қилиб, агар сиз одамларга манзур бўлишни истасангиз тўртинчи қоидани эслаб қолинг:

*Яхши тингловчи бўлинг, бошқаларни ўзлари ҳақида гапиришига рағбатлантириңг.*

## **ОДАМЛАРНИ ҚАНДАЙ ҚИЗИҚТИРМОҚ КЕРАК**

Ойстер-Беега Теодор Рузвельт хузурига ташриф буюрувчиларни унинг билим кўлами ва дунёқарашининг серқирралиги ҳайратда қолдиради. «Чавандозми, нью-йорклик сиёсий арбобми ёки дипломантми, — деб ёзганди Гамалиел Брэдфорд, — Рузвельт уларнинг барчасига муомалани ўрнига қўярди». Бунга қандай эришган? Жавоб қайтариш қийин эмас. Ҳар гал Рузвельт меҳмон кутиш арафасида ташриф буюрувчини қизиқтирадиган материалларни ўрганиб чиқарди.

*Инсон қалбига йўл топишнинг энг ишончли йўли —  
у ҳамма нарсадан юқори баҳолайдиган масала тўғриси-  
да гапириш эканлигини Рузвельт яхши биларди.*

Йель университетининг собиқ адабиёт фани профессори Уильям Лайон Феллс, бу сабоқни анча эрта ўзлаштирган.

«Саккиз ёшимда, кунларимни Хусатоник дарёси бўйида Стратфордда Либби Линсли холамнинг уйида ўтказардим, — деб ёзади Феллс ўзининг «Одамзот табиати ҳақида»ги эссесида. — Бир куни кечқурун у ерга ўрта ёшлардаги одам келди; холам билан илиққина сўрашиб бўлгач, меҳмон эътиборини менга қаратди. Ўша пайтда мен қайиқларга мафтун бўлиб юардим, меҳмонимиз бу хусусда шунчалик мороқ билан сўзлади-ки, унинг айтганлари ҳаддан зиёд қизиқ туюлди. Кетганидан сўнг ундан ажойиб хотира қолди. Қандай одам-а! Қайиқларга қизиқишини қаранг. Аммо холам у Нью-Йоркда адвокат бўлиб ишлашини ва қайиқларга заррача алоқаси йўқлигини айтди. «Унда нега шунча вақт қайиқлар ҳақида гапиди?» — деб сўрадим.

«Чунки у олижаноб одам. Қайиқларга қизиқи-  
шиңгни күриб, сенга хуш келадиган нарсалар ҳақида  
сүз юритди. Дилингни ром этишга ҳаракат қилди».

«Холамнинг гапини мен бир умрга эслаб қолдим»,  
деб қўшимча қиласди Уильям Лайон Фелпс.

Ушбу бобни ёзаётган пайтимда рўпарамда айни  
пайтда спортчи болалар билан фаол иш юритувчи  
Эдвард Л. Чалифнинг хати турибди.

«Бир пайт ёрдамга муҳтожман, деган хуносага  
келдим, — деб ёзади Чалиф. — Европада спортчилар-  
нинг катта слёти бўлиши керак эди, биздаги спортчи-  
лардан бирининг сафар харажатларини Америка йирик  
корпорацияларидан қайсинингдир президенти ўз зимма-  
сига олишини жуда истардим.

Унинг ҳузурига бориш арафасида, бир миллион  
долларли чекка имзо чекканини билиб қолдим. Шунинг  
учун хонасига киришим биланоқ, дастлаб ўша чекни  
кўришга ижозатини сўрадим. Бир миллион долларга  
чек! Унга ҳалигача миллионлик чекни имзолаган одам-  
ни учратмаганимни, энди эса чекни ҳам, бундай одам-  
ни ҳам ҳақиқатан кўрганим ҳақида болаларга сўзлаб  
бериш мақсадим борлигини айтдим. У чекни бажони-  
дил кўрсатди: завқ билан томоша қиласар эканман, эга-  
сидан бу қандай шаронтда имзоланганилиги билан қизиқ-  
дим».

Эътибор қиласи, Чалиф сўзини спортчи бола-  
лар. Европадаги слёт ёки ўзи истаган бошқа мавзу-  
лардан бошламади. У суҳбатдошини қизиқтирадиган  
воқеани гапирди. Мана сизга натижа.

«Бирордан сўнг суҳбатдошим: «**Айтгандай**, нима  
сабабдан сиз мени кўрмоқчи эдингиз?», — деб сўради.  
Шунда ўз мақсадимни унга айтдим. Мени ҳаддан таш-  
қари лол қолдириб, — дея давом этди Чалиф, —  
у нафақат илтимосимни дарҳол бажо этди, балки  
кутганимдан зиёда иш тутди. Слётга бир болани жў-  
натицин сўрасам, у эса беш нафарини юборди, бунинг  
устига ўзимни ҳам қўшди ва минг долларлик чек бе-  
риб, «Европада етти ҳафта қолинглар», деб айтди.  
Шунингдек, хизматларидан фойдаланишимиз учун кор-  
порациясининг Европадаги корхона президентлари  
номига илтимосномалар ёзиб берди, кейинчалик ўзи  
ҳам Парижга бориб, бизларга шаҳарни томоша

қилдири. Сүнгра муҳтож оиласлар фарзандларидан бир нечасини ишга жойлаштириди ва ҳалигача гурухимиз ишида фаол қатнашиб туради.

Агар мен дастлаб у нимага қизиқишини аңглаб олмаганимда, аввалданоқ ўзимга илтифот кўрсатадиган ҳолатга келтирмаганимда, унинг кўнглига йўл топишим жуда қийин кечарди».

Хизмат юзасидан бўладиган муносабатларда бу усулни қўллаш фойдалими? Кўрамиз. Масалан, «Дюверной энд санс» компаниясининг Нью-Йоркдаги энг сифатли нон тайёрловчи фирмаларидан биридаги Генри Дж. Дювернойни олайлик. У Нью-Йорк меҳмонхоналаридан бирига нон етказиб туриш учун буюртма олиш илни жида бошқарувчиси ҳузурига тўрт йил давомида ҳар ҳафта қатнаган, бу ердаги маросимларда иштирок этиб турган, шартнома тузини мақсадида ҳатто ўша ердан хона олиб яшаган. Аммо бирор натижка чиқара олмаган.

«Шунда, — дейди Дюверной, — инсонлараро муносабатлар муаммоларига бағишлиланган курс материалларини ўрганиб чиқиб, услубимиш ўзgartиришга қарор қилим. Бу одам нималарга қизиқишини аниқлашга киришдим.

У меҳмонхона ходимларининг «Меҳмонхоналарнинг американлик ишқибозларни» деб аталувчи жамиятга аъзо эканлигини аниқлашга мусассар бўлдим. Нафақат мазкур жамиятда оддий аъзо, балки сергайратлиги туфайли унинг ҳамда худди шундай аталувчи ҳалқаро ташкилотнинг президентлигига сайланган эди. Тоғлар ёки чўллар ва денгизлардан ошишга тўғри келса ҳам у жамият съездларида мунтазам қатнашаркан.

Эртаси куни уни кўриб, дарҳол жамият тўғрисида суҳбат бошладим. Қандай ҳолатга тушганини кўрсангиз эди! Ярим соаг ўз жамияти ҳақида ҳаяжон билан мириқиб гапириб берди. Шуниси аниқки, ушбу жамият айнан унинг хоҳиш-иродасига кўра юзага келган, бутун ҳаётининг мазмунини ташкил этаркан. Хонасидан чиқаётганимда, мени жамиятга аъзо бўлишга кўндириди.

Ўшанда нон ҳақида бирор сўз айтмадим. Бир неча кундан кейин меҳмонхона буфетининг мудири қўнгироқ қилиб, намуналар ва нархномалар билан келишга таклиф этди.

«Билмадим, чолга нима қилдингиз, — деди буфет мудири, — у сизга том маңнода ҳайратда!».

Үйлаб күриш керак! Буюртма олиш мақсадида түрт йил бу одамнинг жонига тегибман, агар у нимага қизиқишини аниқлашга уриниб кўрмаганимда, ҳалига-ча шу тарзда юарканман».

Шундай қилиб, агар сиз одамларга манзур бўлиши ни истасангиз, бешинчи қоидани ёдда сақланг:

*Суҳбатдоингиизни қизиқтирган нарсалар ҳақида  
кўпроқ гапиринг.*

## **ОДАМЛАР ИЛТИФОТИГА ҚАНДАЙ ЭРИШМОҚ МУМКИН**

Буюртмали хат жұнатыш мақсадида Нью-Йоркнинг 33 ва 8-күчалары туташған бурчакдаги алоқа бўлимида навбатда турган эдим. Бундай ахборотномаларни қабул қилувчи хизматчига ўзининг бир хилдаги иши: конвертларни ўлчаш, маркалар бериш, квитанциялар ёзиш зерикарли эканини англамаслик мумкин эмасди. Шунда ўзим ўзимга: «Шу йигитга манзур бўлишига ҳаракат қилиб кўраман, бу учун ўзим ҳақимда эмас, балки у ҳақда бирор хуш ёқадиган гап айтишим керак», дедим. Ўзимдан сўрадим: «Унинг нимаси бор-ки, мен самимий гапириб, дилига йўл топсам?» Айниқса, гап нотаниш одам тўгрисида кетаётганида, гоҳо бундай саволга жавоб бериш осон кечмайди. Шундай нарсани илғадиму дарҳол астойдил қизиқдим.

Хуллас, у хатимни ўлчаётганида, эҳтирос билан: «Қани эди сиздагидек соч менда ҳам бўлсайди», дедим. У ҳайрати акс этган нигоҳини менга қаратди, чехрасига табассум ёйилди. «Қачонлардир бундан ҳам яхши эди», деди камтарлик қилиб. Гарчи аввалги кўринишини бироз йўқотган бўлса-да, улар ҳалигача ажойиб эканлигига ишонтирдим. У жуда мамнун бўлди. Биз мароқли суҳбат ниҳоясида: «Сочларим кўпларга ёқади», деб иқрор бўлди.

Гаров ўйнайман-ки, бу йигит овқатланишга кетаётганида оёғи ерга текканини ҳам сезмаган, кечқурун уйига бориб, хотинига шу ҳақда гапирган, ойнага қараб, кўнглидан: «Ҳақиқатдан ажойиб соchlар!» деган гап ўтган.

Бу ҳикояни кўпчилик олдида айтиб берганимда, бир одам: «Сиз ундан нима истаган эдингиз?» деб сўради.

Мен ундан нима истадим! Мен ундан нима истадим!!!

Агар бизлар худбин бўлсак, одамларга озгина баҳт ҳадя этолмасак ва уларнинг биз сезган фазилатларини тан олмасак, эвазига бирор нарса умид қилсан: қалбимиз пишмаган ёввойи олмадек майдалашса, биз омадсизликка маҳкуммиз.

Ҳа, албатта, мен бу йигитдан ниманидир истадими, у — бебаҳо. Мен буни қўлга киритдим. Эвазига бирор жавоб қайтаролмайдиган қандайдир оғли ҳаракатни бажардим. Гарчи воқеалар ўтмишга айланса-да, упинг хотирасида узоқ пайтгача муҳрланиб қолади.

Иисон хатти-ҳаракатларининг битта муҳим қонуни бор. Шунга бўйсунсак, ҳеч қаҷон мусибатга тушмаймиз. Бу қонуинг риоя қилинганида, бизларга кўплаб дўст ва абадий баҳт келади. Уни бузсак, чексиз балоларга гирифтор бўламиз. Бу қонун шундай ифодаланади: *сұхбатдошиңгиз онгига доимо у аҳамиятли эканлигини сингдиринг*. Ҳали айтиб ўтганимиздек, профессор Джон Дьюи, аҳамиятли бўлниш истаги одамзот табиатига хос энг чуқур интилишдир, деган. Профессор Уильям Джеймс эътирофича: «Одамларнинг энг кучли сифатлари шундаки, фазилатлари муносиб баҳоланишига астойдил интиладилар». Айнан шу эҳтиросли истак—бизларни ҳайвонлардан фарқлайди, айнан шу нарса тараққиётнинг асосида туради.

Файлласуфлар минг-минг йиллар давомида одамлар муносабатларининг қондалари тўғрисида баҳслашганлар ва шу жараёнда тарихнинг ўзиdek қадим, муҳим хулоса пайдо бўлган. Зардуштийлар уни уч минг йил аввал Форсда оташпарастларга сингдиришган, Конфуций эса Хитойда буни йигирма тўрт аср илгари тарғиб қилган даоссизм асосчиси Лао-Пэн уни Ханъ водийсидаги издошлирига васият қилиб қолдирган. Будда Исо дунёга келишидан беш юз йил муқаддам Ганга дарёси бўйларида тарғиб этган, унгача минг йил аввал ҳиндларнинг муқаддас китобларида бу гап ўрганилган. Исо уни тўққиз аср бурун эълон этиб, яхлит битта фикрга жамлаб ифодалаган: «нимада эканидан қатъи назар, одамлар сизга қандай муносабатда бўлишса, сиз ҳам улар билан ўшандай муомала қилинг».

Сиз билан муносабатда бўлганларнинг маъқуллашларини истайсизми, асл хислатларингизни эътироф

этишларини хоҳлайсизми, кичкинагина оламингизда катта аҳамиятга эгалигингилини англамоқчимисиз? Сизда арzon, риёкор хушомадни эшитишга тоқат йўқ, аммо ўз хислатларингизни холис баҳолашларини чин дилдан истайсиз. Атрофингиздаги инсонлар Чарлз Шваб айтганидек, «баҳолашда соғдил ва мақтова сахий» бўлишларини истайсизми? Барчамиз шунга инилиламиз.

Бунинг учун олтин қоидага амал қиласйлик ва бирорвларга улардан нимани олмоқчи бўлсақ, ўшани берайлик.

Қандай? Қачон? Қаерда? Жавоби битта: доимо ва ҳамма жойда.

Мана сизга мисол: Мен «Радио-сити» маълумотлар хизмати ходимидан Генри Сувейн хонаси рақамини сўрадим. Ихчам, жорий этилган кийимдаги бу одам ўзининг маълумот бериш услуби билан ошкора гурурланниб, аниқ жавоб берди: «Генри Сувейн (пауза). Ўн саккизинчи қават (пауза). 1816-хона».

Мен лифтга шошилдим, кейин эса тұхтадим, қайтиб келдим ва унга «Саволимга ажойиб жавоб қайтарганингиз учун миннатдорчилигимни билдиримоқчиман. У аниқ ва равшан бўлди; сиз артистдек гапирдингиз. Бунақаси ҳозир кўп учрамайди», дедим.

Шодлигидан кўзлари чақнаб, менга нима учун шундай гапиргани, ҳар бир жумлани ҳега айнан шу хил талафуз қилганлигини тушунтириб берди. Менинг сўзларим ёққанлиги туфайли галстугуни тортиб қўйишга мажбур бўлди, ўзим эса ўн саккизинчи қаватга чиқаётганимда, бугун одамларга ажратилган баҳтининг умумий улушига яна озроқ ҳисса қўшганлигимни ҳис этдим. Атрофдагилар хислатларини эътироф қилиш фалсафасини амалда қўллаш учун Францияда элти ёки денгиз қирғонига сайд уюштирувчи «Буғулар клуби» қўмитасининг ранси бўлиш шарг эмас. Ўнинг ёрдамида сиз қариб ҳар куни афсонавий натижаларга эришиш мумкинлигини унутманг.

Масалан, агар официантга қовурилган картошка буюрсангизу у картошка пюрисини олиб келса, унга: «Безовта қилганим учун мени кечиринг, лекин қовурилган картошкани афзал кўраман», деб айтинг. У: «Ҳеч ҳам безовта эмасман», дея жавоб қайтаради

ва бажонидил таомингизни алмаштиради, негаки, унга ҳурмат билдирилди.

«Безовта қылганим учун кечириңг...», «илтифот күрсатсангиз...», «марҳамат қилинг...», «илтимос...», «агар эътиroz билдиримасангиз...», «міннатдорчилек билдираман...» каби назокатли жумлалар бир зайлдаги ҳаёт оқимига ҳусн бағишлайди ва яхши тарбиянинг белгиси ҳисобланади.

Бошқа бир мисол. Холл Кейннинг «Христианин», «Судья», «Мэн оролидаги одам» каби романларидан бирортасини ўқиганмисиз? Бу романларни миллионлаб кишилар мутолаа қилган. У темирчининг ўғли эди, атиги саккиз йил маълумот олган, бироқ жаҳон тарихида учрамаган энг бадавлат ёзувчи спфатида дунёдан кўз юмган.

Унинг тарихи бундай. Холл Кейн сонет ҳамда балладаларни севар ва Данте Габриел Россеттининг шеърларини тўхтовсиз ўқир эди. У ҳатто Россетти асарларининг бадиий баҳоси ҳақида мақола ёзиб, бир шусхасини шоирнинг ўзига юборган. Ижодкор бундан жуда мамнун бўлиди. «Менинг қобилиятимни шунча юқори баҳолаган бу ёш йигит, — деган тахминан ўзига ўзи Россетти, — юксак ақл-идрок эгаси бўлса керак». Шу сабабдан у темирчининг ўғлини Лондонга келишга ва ўзига котиб бўлишга таклиф этган. Бу Холл Кейн ҳаётида туб бурилиш ясади, чунки ўзининг янги вазифасини бажара бориб, ўша даврнинг адабиёт арбоблари билан учрашди. Уларнинг маслаҳатларига қулоқ тутиб, ўзини баланд чўққиларга етаклайдиган ўлга тушиб олди.

Унинг уйи, Мэн оролидаги Грибэ қалъаси, дунёning энг олис бурчакларидан келадиган сайёҳлар учун Маккадек бўлди, ундан қолган бойлик эса икки ярим миллион доллардан ортиқ қийматга эга. Балки машҳурлик ҳайрати ифодаланган ўша хатини ёзмаганида камбағаллигича дунёдан ўтармиди? Самимий, чин дилдан баҳолашнинг лол қолдирадиган кучи ана шунда.

Россетти ўзини аҳамиятли одам, деб билган ва бунинг ажабланарли жойи йўқ. Деярли, ҳар биримиз миллатимиздан қатъи назар ўзимизни аҳамиятли ҳисоблаймиз.

Ўзингизни японлардан юқори тураман, деб тасаввур этганимисиз? Қаранг-ки, тўғрисини айтганда, япон-

лар ўзларини сиздан анча юқори ҳисоблайдилар. Консерватив кайфиятдаги эркаги миллиатдош аёлнинг оқтанли одам билан рақс тушаётганини кўрганида дарғазаб бўлади.

Ўзингизни ҳиндулардан устун туришингизни тасаввур қилганмисиз? Бу ҳуқуқингиз, аммо миллионлаб ҳиндулар ўзларини шунчалик баланд тутадилар-ки, ҳатто сиздек ўзга дин вакилининг сояси тушган ҳўракларни ҳаром ҳисоблаб, унга қўл тегизишни пасткашлик, деб биладилар.

Сиз эскимослардан - юқори турмайсизми? Яна ўз ҳуқуқингиз, бироқ, сиз ҳақингизда эскимослар нима ўйлашлари қизиқтиреа керак? Бу ёғини эшишинг: гоҳо эскимослар орасида дайди, ишёқмаслар учраб туради. Улар бундайларни «оқ таил», деб чақиришади, тўғрироғи, шу билан кучини нафратлариши изҳор қиласидилар.

Ҳар қайси миллат ўзини бошқалардан юқори ҳисоблайди. Бу ватанпарварликни ва урушларни вужудга келтиради.

Жилоланмаган ҳақиқатнинг мазмуни шундаки сизга учраган деярли ҳар бир инсон қандайдир жиҳати билан ўзини баландроқ тутади, агар унга ўз оламида муҳим аҳамиятга эгалигини самимий тан олишингизни англата олсангиз, билинг-ки, дилига тўғри йўл топасиз.

Эмерсон шундай деган: «Мен учраётган ҳар бир инсон қайсилир муносабатда мендан устун келади ва ундан пиманидир ўрганишим керак».

Энг ачинарлиси шуидаки, кишилар ўз муваффакиятларидан мамнун бўлиш учун кам асосга эга бўлсалар-да, шунга муносиб эмасликлари ўринни ёмон таассурот қолдирадиган шовқин-сўрен, мижғовлик, та каббурликлари эвазига тўлдирмоқни истайдилар.

Менинг курсларимда шугулланаётган ишбилар-мон кишилар амалда қўллаб, ажойиб натижага эришган уч ҳолатни ҳикоя қилмоқчиман. Аввалига бир коннектикутлик ҳуқуқшунос билан рўй бергани воқеани олайлик, қариндошлари иокулай ахволга тушмасликларини ўйлаб, номини айтмасликни мебъуд кўрдик. Шартли равниша уни жаисоб Р. деймиз.

Курсга кирганидан сўнг, - у автомобилда аёти-

нинг қариндошларини кўриш учун Лонг-Айлендга жўнайди. Хотини эрини кекса холаси билан қолдириб, ўзи ёш қадрдонларини кўргани кетибди. Зиммасида амалиётда бошқа кишилардаги афзалликларни аниқлаш тўғрисида маълумот тўплаш вазифаси борлиги туфайли, буни кампирдан бошлишни ва диққатни жалб этадиган бирор ҳолатни кўриш ниятида уйни кўздан кечиришга қарор қилибди.

«Уй тахминан 1890 йилда қурилган, шундай эмасми?» — сўрабди у.

«Ҳа, — деда жавоб қайтарибди кампир, — айнан шундай».

«Бу менга ўзим түгилган уйни эслатаяпти, — деган у. — Ажойиб уй, ўлчамлари жойида. Афсуски, ҳозир бунақангича уйлар қуришмаяпти».

«Сиз ҳақсанз, — кекса хоним унинг фикрпга қўшилди. — Ҳозирги ёшлар чиройли қурилган уйларни қадлашмайди, уларга совутгичи бор кичикроқ уй бўлса-ю, ундан дарҳол чиқишса-да автомобилларига ўтириб қаер гадир кетишса».

«Бу афсонавий уй, — давом эттириди аёл ширин хотирадаридан овози сал қалтираб. — У меҳр-муҳаббат оғушида қад ростлаган, бунгача биз кўп йил бу тўғрида орзу қилганмиз. Меъмор йўқлигидан ўзимиз лойиҳалаганмиз».

Кейин кампир меҳмонга уйни кўрсатди, жаноб Р хонадон соҳиблари саёҳатлари даврида харид қилган қимматбаҳо буюмлардан ва уларни эҳтиётлаб келаётганликларидан ҳайратда эканлигини изҳор қилди: булар—Пейсли шаҳридан олинган шалями, қадимий инглиз чой иҷнадиган идишлари, ведвуд чинниси, француzos кровати ҳамда ўтиреҷчлари, итальян рассомларининг асарлари ва шойи дарвардалар.

«Бутун уйни кўрсатиб бўлганидан сўнг, кекса хоним, — деда ҳикоя қиласи Р., — менинг гаражга етаклади. У ерда гўё яп-янги «паккард» автомобили турарди.

«Эрим бу машинани вафотидан олдин сотиб олган эди, — деди у сокин, майин овозда. — Мен бирор марта унда юрмаганман... Назаримда, ноёб нарсаларнинг аҳамиятини яхши тушунасиз, мен ушбу автомобилини сизга совға қилмоқчиман».

«Қўйсангиз-чи, хола, — эътироуз билдиридим мен, —

ҳаддан эиёд сахийсиз, мен саҳоватингизни юксак қадрлайман, аммо ундан фойдалана олмайман. Ҳаттоки, қариндошингиз ҳам эмасман. Янги машинам бор, балки бу «паккард»га эга бўлишни ният қилган қариндошларингиз кўпdir».

«Қариндошлар! — ҳаяжонланиб гапирди у. — Рост, машинага эгалик қилиш учун ўлимимни кутаётган қариндошларим бор, аммо уларга бу насиб этмайди».

«Агар уларга совға қилиш истагингиз бўлмаса, уни автомобиль савдогарларига осонгина сотиб юборсангиз бўлади-ку», — дедим мен.

«Уни сотиш! — уй бекасининг овози юқорилади.— Мени қачондир бу машинани сотади, деб ўйлајпизми? Сиз менга атаб эрим сотиб олган машинани бегоналар кўчада миишиб юрганини кўришга тоқати бор деб ўйлайсизми? Сотишни хаёлимга ҳам келтирганим йўқ. Уни сизга бераман. Чунки, ноёб буюмларнинг фарқига етасиз».

Кутилмаган совғани қабул қиласликка яна бир уринмоқчи бўлди, аммо кампирни ранжитиб қўймай, деган мулоҳазаси бунга йўл бермади.

Қадимий кошонада шляпаси, француз ноёб буюмлари ва хотиралари билан қолган бу кекса хоним ўзига кўрсатиладиган озгина эътиборга нақадар ташна эди. Ўз даврида ёш, гўзал ва дилбар аёл бўлган, муҳаббати тафти билан уй барпо этди, уни дид билан безамоқ илинжида Европани айланиб буюмлар йигди. Энди эса қариган чоғида ёлғизланниб, озгина инсоний меҳр-муҳаббатга, самимий эътиборга зор бўлиб турганида, ҳеч кимдан уни ололмади, қақроқ чўлдан чашма топган мисол ўша илиқлик ва эҳтиромга эришганида дилидан кечган миннатдорчилик туйгуларини лоақал «паккард» автомобили билан ифодаламоқчи бўлди.

Бошқа воқеани олайлик. Бу тўғрида бизга Нью-Йорк штатининг Раӣ шаҳрида ўрмончилик ва боғдорчиллик билан шуғулланадиган «Льюис энд Велентайн» фирмасининг бошқарувчиси Дональд Макмагон сўзлаб берган.

«Қандай қилиб дўст орттиromoқ ва одамларга таъсир кўрсатмоқ керак» курси маъruzаларни эшишиб бўлганимдан кейин, — дея маълум қиласи Макмагон, — бир машхур ҳуқуқшуносининг ҳовлисида боғдорчиллик ишларини бажаришимга тўғри келди. Хона-

доя соҳиби олдимга келиб, қайси дарахтни қаерга экиш кераклиги тўғрисида кўрсатма бермоқчи бўлди. Унга: «Сиз ажойиб нарсага ишқибоз экансиз, жуда чиройли итларингизни кўриб ҳайратландим. Айтишларича, ҳар йили итларнинг Мэдисон сквер гарденда ўтказиладиган кўргазмадаги намойишларда жуда кўп мукофотлар оларкансиз», дедим.

Ушбу озгина қизиқиш ҳайратланарли самара берди.

«Ҳа, — деди хўжайин, — итларим ҳақиқатан ҳам менга кўп шодлик келтиради, итхонамни кўришни истайсизми?»

У қарийб бир соат итларини ҳамда улар олган мукофотларни намойиш қилди, уларнинг шажарасини кўрсатиб, насл-насабининг ташқи кўриниши ва зийраклиги тўғрисида тушунтириб берди. Охири у менга ўгрилиб: «Сизнинг ўғилчангиз борми? — деб қизиқди.

«Ҳа, — дедим мен.

«Ит олишни истамасмикан у?» — сўради ҳуқуқшунос.

«Бўлмасам-чи, у ўзида ўйқ хурсанд бўларди».

«Жуда яхши, унга кучук боласини совга қила-ман», — деди хўжайин.

Менга кучук боласини қандай боқишини тушунтира бошлади. Кейин тўхтаб қолди. «Сиз бу ерда айтганларимни унтушингиз мумкин, яхшиси ёзид бераман». Ҳуқуқшунос уйга кирди, кўчукчанинг шажараси ва уни боқиши тартибини ёзди. У севган машгулотдан ҳайратланганим ҳамда ютуқларини таърифлаганим эвазига менга юз долларлик кучукча, шунингдек, бир соатдан ортиқроқ вақтини совга қилди».

Джордж Истмен щаффофф плёнка ихтиро этиб, кино пайдо бўлишига йўл очди. Уннинг орттирган молдунёси юз миллион долларча бўлиб, иш билармонлар оламида танилди. Бироқ, шунчалик катта ютуқларига қарамасдан, ҳамма қатори ўз хислатлари бироз бўлса да тан олинишинга иштиёқманд экан.

Мана мисол. Истмен Рочестерда бундан кўп йил муқаддам Истмен номли санъат мактаби ва онаси хотирасига «Килбурн холл» театри қурилишини бошланган эди. «Сьюпирор ситинг компани офф Нью-Йорк» фирмасининг президенти Джеймс Адамсон ушбу биноларда қўйиладиган ўриндиқларга буюртма олмоқчи

бўлибди. Адамсон меъмор билан қўнғироқлашиб Истмен билан учрашувга келишган.

Адамсон етиб келгач, меъмор унга шундай дебди: «Менга маълум бўлишича, сиз буортма олмоқчи экансиз, огоҳлантириб қўймоқчиман, озгина бўлса-да имкон йўқ. Джордж Истмен жуда банд, унга иложи борича ишингизни қисқароқ баён этинг». Адамсон айнан шундай қилишни ўйлаганди.

У ичкарига кирганда, Истмен бир тўп қофозга шунфиганди, аммо меҳмонларни кўриб, бошини кўтариб, кўзойнагини олди, меъмор ҳамда Адамсонларга қўшидаги сўзлар билан пешвоз чиқди: «Салом, жаноблар, сизларга нима хизмат қила оламан?»

Меъмор уларни таништириди, кейин Адамсон гап бошлади:

«Жаноб Истмен, қабулхонада кутиб ўтирганимизда ишхонангиз биносига қойил қолдим. Агар ўзимга ҳам шундайни тақдир қилганида эди, мен бундай хоналарда жон, деб ишлаган бўлардим. Биласизми, ўзим бинолар ички томонларни безашда ишлатиладиган ёғоч маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан шуғулланаман ва бутун ҳаётим мобайнида бундай шинам, чиройли хонани кўрмаганман».

Истмен жавоб қилиби:

«Сиз сал бўлмаса хотирамдан кўтирилган нарсани эслатдингиз. У ҳақиқатдан ҳам яхшими? Уни безаб тутатганиларида жуда мамнун бўлганиман, энди эса, шунчалик бошқа ташвишим кўпки, ҳафталааб хонамни кўрмайман ҳам».

Адамсон девор олдига бориб, ёғоч қопламани сийлаб кўрди. «Бу инглиз дубими? Италяниларниги наисбатан унинг чизиқлари бироз бошқача»

«Ха, — жавоб берди Истмен. — Бу хориждан келтирилган инглиз дуби, уни қимматбаҳо ёғоч турлари бўйича мутахассис дўстим танлаган».

Шундан сўнг Истмен меҳмислар ҳамроҳлигига барча хоналарни айланди, уларниг эътиборини хоналар жойлашувига, раанганингига, шахсан ўзининг иштирокида бажарилган ўймакорлик ишлари ва бошқа жиҳатларга қаратди. Буларниг ҳаммаси унинг фикри ва бевосита раҳбарлигига бажарилган экан. Хена айланниб, уни томсча қилиш пайтида улар дераза олдида тўхтадилар, хўжайн Адамсонга Ро-

честер университети, касалхона, гомеопатик (кучли дориларни оз-оз бериб даволаш усули) шифохона, етимхона ва болалар касалхоналари орқали одамларга ёрдам кўрсатиш йўлидаги ҳаракатлари ҳақида сўзлаб берди. Адамсон унга ўз бойликларини аямасдан одамларга бегараз ёрдам кўрсатаётгани учун қизғин ташаккур билдириди. Кейин Истмен калит билан ойнаванд жавонни очда ва ундан биринчи ихтирони — бир инглиздан сотиб олинган фотоаппаратни олди.

Адамсон ундан ишбилармонлик фаолиятининг аввалида бошидан кечирган барча қийинчиликлар хусусида батафсил суриштириди, Истмен эса болалигидаги қашшоқ ҳаёти, бева онаси уйда вақтинча ижарада яшовчи сақлаб, озгина даромад топгани, ўзи эса суғурта илорасида кунинг эллик центга хизматчилик қилганини батафсил гапириб берди. Қашшоқлик эса ҳар куни уни таъқиб этар ва онасининг елкаси яғир бўлмаслиги учун ҳам етарлича пул топишга мажбур эди. Адамсон фотопластиналар хусусидаги тажрибалар ҳақида эшлиш истагида уни саволларга кўмарди, Истмен кун бўйи идорада ишлагани, кечқурун эса тажриба ўтказгани, кимёвий моддалар реакцияси давом этаетганидан фойдаланиб, озгина мудраб олгани, шундай қилиб, уч сутка қаторасига устки кийимини ечмай ишлаганини ҳикоя қилиб берди.

Джемс Адамсонни Истменнинг хонасига соат ўндан ўн беш дақиқа ўтганда, хўжайинининг бандлиги ҳақида өгоҳлантириб киритишганди, икки соат ўтиби ҳамки, улар ҳамен суҳбатлашиб ўтирадилар.

Ниҳоят, Истмен Адамсонга ўғирлиб деди: «Охири марта Японияда бўлганимда, у ердан бир неча дона туя харид қилиб уйимга келтиргач, уларни қўёшли ванни қабул қиласдингани майдончамга қўйдим, афсуски, офтоб тафтидан бўёғи кўчди. Яқинда шаҳарга бориб буёқ сотиб олдим-да, уларни рангладим, қандай стул бўяганимни кўришни истайсизми? Юринг менинг уйимга, овқатлацамиэ ва уларни сизга кўрсатаман».

Тушликдан сўнг Истмен Адамсонга Япониядан олиб келган стулларини кўрсатди. Уларнинг ҳар бири бир яром доллар турарди, аммо юз минг доллари бор Истмен қаттиқ фахрланарди-ки, негаки уларни ўзи ранглаган-да.

Ўриндиқлар буюртмасининг қиймати тўқсон минг

доллар эди. Сизнингча, ушбу буюртмани ким олади — Джеймс Адамсонми ёки унинг бирор рақибими?

Ушандан бошлаб ҳаётларининг охригача Истмен ва Адамсон қадрдан дўст бўлиб қолишиди.

Бирорларнинг хислатларини тан олиш хусусиятини қасерда кўнглиш мумкин? Нега ўз уйимиздан бошламаймиз? Шубҳасиз, хотинингнинг қандайдир яхши фазилатлари бордир, ҳарқалай сиз қачонлардир шундай деб ҳисоблагансиз, акс ҳолда унга уйланмаган бўлардингиз. Бироқ, унинг хислатларидан завқланганингизни охирги марта ўзига айтганингизга қанча вақт бўлди? Қанча? Қанча???

Бундан бир неча йил аввал Мирамиши дарёсининг Нью-Брансуикдаги ирмоғига балиқ овига боргандим. Канада ўрмонни ўртасидаги лагерда якка-ёғиз яшадим. У ердан топган ягона нарсам — бу маҳаллий газетанинг сўнгги сони бўлиб, уни бошдан оёғигача ҳар бир бўлганини, жумладац, барча эълонларни ва Дороти Дикснинг мақоласини ўқиб чиқдим. Бу шунчалик яхши мақола эди-ки, уни қирқиб олиб сақладим. Дороти Дикс ёзишича, доимо келинларга аталган маърузаларни тинглайвериш жонига тегибди, унинг фикрича, бирор одам күёвни четга тортсину унга қўйидагича доно маслаҳат берсин экан:

«Хушомад қилишни ўрганмагунча уйланманг. Аёлга тўйгача мадҳия айтиш — бу мутелик масаласи, нега унга уйланганингиз — бу зарурият, унинг устига шахсий хавфсизлик масаласи. Ниҳоҳда ростгўйлик эмас, устамон муомала керак».

Агар ҳар куни яхши овқатланишини истасангиз ҳеч қачон хотинингизнинг рўзгор юритишини танқид қилманг ва, айниқса, уни онангизга таққослаб шаънига тегманг. Аксинча, доим унинг хўжалик юритиш қобилиятларини барчага эшиттириб мақтанг, энг яхши бекалардаги хислатларни ўзида мужассам этган аёлга уйланганингиздан фахрланиб юришингизни билдиринг. Қовурилган гўшт тагчармга ўхшаб қолса, нон эса куйиб кўмирдек қораиса, нолиманг. Бугунги овқат хотинингиз маҳоратига муноссиб эмаслигини шунчаки таъкидланг ва ошхона ўчофининг оловига қурбон бўлмаганида, кўнглингизга манзур тушиши мумкинлигини билдиринг».

**Бу услубга тұсатдан ўтманг, акс ҳолда у ҳарәкәтингиздан шубҳаланиши мумкин.**

Бироқ шу куни кечқурун ёки әртага унга гул ёхуд шириилик көлтириб беринг. «Ха, бу ишни аввалроқ қи-лишим керак зди», — деб гүё айбингизни бўйнингизга олганингизни билдиришдаи ўзингизни тийманг, айнан шундай қилинг! Кўшимчасига табассум билан бир неча илиқ сўзларни инъом этинг. Қизиқ, бизда барча эр-хотинлар шундай иш тутганларида зди, кўплаб миқдорда никоҳ бузилиши ҳолатлари юз берармиди?

Аёлни севдиришининг йўлини биласизми? Бунинг сирни баҳам кўраман, у яхши патижа берали. Фоя меники эмас, уни Дороти Диксдан олдим. Бир сафар у йигирма уч хотиннинг дилига йўл топган, шу билан бирга омонат дафтарчаларига эга машҳур хотинбоз кишидан интервью олғаи экан (дарвоқе, айтиб қўяй, интервьюни қамоқхонада слибди). Дороти Дикс ундан қандай қилиб аёлларни севишга мажбур қилганини сўраганида, у, бу жуда осон эканлигини айтиб: бунинг учун бор йўғи — аёл киши билан фақат унинг ўзи хусусида сўхбатлашиш керак», деган экан.

Шу услубни эрқакларга ҳам қўлласа бўлади. «Эр-как билан унинг ўзи ҳақида сўзланг, —деган бир пайтлар Буюк Британия империясини бошқарган донишманлардан бири Дизраэли, — агар эрқакнинг ўзи тўғрисида гапирсангиз, у сизни соатлаб тинглайди».

Шундай қилиб, агар сиз одамларга манзур бўлишни истасангиз, олтинчи қонидани ёдда тутинг:

*Сўхбатдошингиз онгига унинг эзтиборга лойиқлигини сингдиринг ва буни чин юракдан ижро этинг.*

**Бу китобни етарлича кўп вақтдан бери ўқимоқдасиз, ҳозир уни ёпасиз-да, трубкангиз кулинни қоқиб, дарҳол бошқа кишилардаги хислатларни тан олиш фалсафасини амалда ўзингизга энг яқин одамда қўллашга киришасиз, кейин эса унинг сеҳркор таъсирини кузатасиз.**

# ҚИСҚАЧА ХУЛОСА

## Бажарилса, одамларга манзур бўлишнинг олти қоидаси

- 1-ҚОИДА *Бошқа кишиларга астойдил қизиқинг.*
- 2-ҚОИДА *Табассум қилинг.*
- 3-ҚОИДА *Одамнинг исми — қайси тилда айтилмасин, унинг учун энг ёқимли ва ўта аҳамиятли овоз.*
- 4-ҚОИДА *Яхши тингловчи бўлинг, бошқаларни ўзлари ҳақида гапиришга рағбатлантиринг.*
- 5-ҚОИДА *Суҳбатдошингизни қизиқтирган нарслар ҳақида кўпроқ гапиринг.*
- 6-ҚОИДА *Суҳбатдошингиз онгига унинг эттиборга лойиқлигини сингдиринг ва буни чин юракдан ижро этинг,*

# Учинчи қисм

## БАЖАРИЛСА, ОДАМЛАРНИ СИЗНИНГ НУҚТАИ НАЗАРИНГИЗГА УНДАЙДИГАН ЎН ИККИТА ҚОИДА

*Биринчи боб*

### БАҲСДА УСТУН ЧИҚИБ БЎЛМАЙДИ

Уруш тугагандан сўнг, Фаластиндаги жангларда қатнашган ажойиб учувчи сэр Росс Смитда менежер бўлганиман. Тинчлик эълон қилингач, у ўтиз кунда Ер шарининг ярмини учиб ўтиб, бутун инсониятни лол қолдирган эди, унгача хеч ким бундай жасорат кўрсатишга киришмаган. Бу воқеа катта баҳсларга сабаб бўлди. Австралия ҳукумати Смитга эллик минг доллар тухфа қилди, инглиз қироли уни дворянлик унвони билан тақдирлади, қандайдир вақт оралиғида у Британия байроғи остида энг машҳур инсон санаалиб — мазкур империя Линдберги шарафига эришди. Бир гал мен сэр Росс шарафига берилган зиёфатда қатнашдим, тушлик дастурхони атрофида ўзим билан ўтирган киши «гарчи ақлимиз шундай қиломаса-ла, режаларимизни оллоҳ ниҳоясига етказгай...» иборасига асосланган ажойиб воқеани ҳикоя қилиб қолди.

Сўзловчи ушбу ибора Библиядан олинган, дея эслатди. Заррача шубҳа ўйғонмаслиги лозим, мен аниқ билардим-ки, у адашганди. Шунинг учун онгимда унинг хатосини тузатни лозим ҳисоблаб, эътиборга муносиб янгим ва устунлигимни намойиш этган ҳолда ўзимни ўзим сўралмаган ҳамда кутулмаган ҳакам сифатида белгиладим: сұхбатдошим ўз фикрида қатъий туриб олди.

Нима? Шекспирдан? Бўлиши мумкин эмас! Ушбу ибора — Библиядан, бу унга жуда маълум!

У ўнг томонимда ўтирас, чап томонимда эса кўп йилларини Шекспирни ўрганишга бағишилаган эски қадрдоним Фрэнк Гэммонд бор эди. Баҳсимизни тинглаб туриб, у стол остидан оёғи билан туртди ва «Дейл, сиз хато қилдингиз, бу жаноб ҳақ, ибора ҳақиқатан ҳам Библиядан», деди.

Кечқурун уйимизга қайтаётганимизда, мен Гэммондга: «Фрэнк, сиз ушбу ибора Шекспирдан эканини яхши билардингиз-ку», дедим.

«Албатта, — жавоб қайтарди у. — «Гамлет», бешинчи ҳаракат, иккинчи саҳна. Аммо, сиз билан биз байрам оқшомининг меҳмони бўлдик, азизим Дейл. Бу одамга поҳақлигини неботлашнинг нима кераги бор? Шу туфайли сиз билан яхши муносабатда бўлардими? Нега энди унга ўз обрўсими сақлаб қолиш имконини бермаймиз? Сизнинг фикрингизни сўрамади, бунга муҳтоҷ ҳам эмасди. Нега энди у билан баҳслашаман? Ҳамиша ўткир бурчакдан қочинг».

«Ҳамиша ўткир бурчакдан қочинг». Буни айтган иносон аллақачон ҳаётдан кўз юмган, аммо, у берган ўғит ҳозиргacha ўз кучини сақлаб турибди.

Ушбу сабоққа бағоят муҳтоҷлик сезардим, негаки ашаддий баҳслашувчи эдим. Болалигимда акам билан турли баҳонада олишардим, коллежда баҳс танловида ҳавас ила қатнашардим. Миссури ўзининг баҳслашувчилари билан танилгани, мен эса айнан ўша жойда туғилганимни унутманг. Ҳеч нарсага эътиқод қилмасдим. Кейинроқ Нью-Йоркда сиёсий баҳс юритиш санъати ва далиллардан фойдаланиш бўйича дарс ўтардим, шу масалада бир пайтлар китоб ёзишга киришмоқчи бўлганимни уялмасдан тан оламан. Ушандан буён минглаб сиёсий баҳсларни тингладим ва танқидий таҳлил этдим, уларда ўзим қатнашдим ҳамда натижаларини кузатдим. Шундай хулосага келишга мажбур бўлдим-ки, оламда баҳсада устунликка эришувнинг ягона усули мавжуд экан, бу — ундан чекиниш. Баҳсадан гўё зилзиладан ёхуд ташланишга тайёр илондан қочгандек йироқлашинг.

Ўн баҳсадан тўққизтаси унинг ҳар бир аъзоси ўзининг мутлақ ҳақлигига аввалгидан кўпроқ ишонч ҳосил қилиши билан якун топаркан. Баҳсада устунликка эришиб

бўлмайди. Агар баҳсда ютқазсангиз, демак сиз мағлуб-сиз. Айтайлик, суҳбатдошингиз устидан ғалаба қозондингиз, унинг далилларини чил-парчин қилдингиз, пучга чиқардингиз, ҳақ эмаслигини исботладингиз. Ҳуш нима бўлибди? Сиз ўзингизни ажабтовур ҳис этасиз. У-чи? Сиз уни устунилгингизни ҳис этишга мажбур этдингиз, унинг нафсониятига тегдингиз, у албатта ғалабангиздан ранжийди. Ваҳоланки:

Ўз хоҳишига хилоф равишда хатосини тан олган инсон шахсий фикри ва истагига қаршилигини инкор этади.

«Пенн мючюэл лайф интуренс компани» суғурта компанияси ўз мижозлари олдига қуидаги қоидани бажариш мажбуриятини қўйган: «Баҳслашманг!»

Сотиш санъати баҳсда эмас, бу усул билан кишини ниманидир харид қилишга ишонтириб бўлмайди.

Бир неча йил муқаддам гурухларимга ирландиялик Патрик Дж. О'Хейр қатнай бошлади. У бир-мунча саводсизроқ инсон экан ва баҳслашувни хуш кўрарди. Ўз пайтида ҳайдовчи бўлиб, юк автомобиллари савдосини йўлга қўйишга беҳуда уринган. Берилган бир неча саволлар — уни савдо қилмоқчи бўлганлар билан доимий равишда баҳслашгани ва бу уларни ўзига қарши чиқишлирага сабабчи экани ҳолатини ойдинлаштириди. Агар харидор тавсия этилган юк машинаси хусусида эътиборсиз гап-сўз қилса борми, у газабланар ва дарҳол мижозга ташланарди. Ўша кунлари баҳсларда охирги сўзни айтиш тез-тез Пакт ихтиёрида қоларди. Охир-оқибат менга шундай деди: «Ким бўлганимдан қатъи назар хонасидан чиқарканман, ўзим ўзимга гоҳо «Мана бу нусхага кўрсатиб қўйдим», дердим. Тўғри, кўрсатиб қўйганман, аммо эвазига ҳеч нарса сотолмаганман».

Менинг биринчи вазифам Патрик О'Хейрга яхши гапиришни ўргатиш, дастлаб суҳбатда вазминликни ва даҳанаки жангдан ўзини тийишини ўргатишдан иборат эди.

Эндилиқда О'Хейр «Уайт мотор компани» фирмасининг Нью-Йоркдаги энг яхши савдо хизматчиси ҳисобланади. Бунга қандай қилиб эришган? Бу ҳақда шундай ҳикоя қиласди: «Энди харидор хонасига кирганимда у менга қараб: «Нима? Уайт юк машинасими? У текинга ҳам керак эмас. Фалончининг юк машинасини олмоқчиман», деса мен: «Менга қаранг, дўстим, фалон-

чини юк машинаси — яхши. Унинг юк машинасини сотиб олсангиз, янгишмайсиз. Уларни ажойиб фирма ишлаб чиқаради ва яхши одамлар сотишади», деб жавоб қайтараман.

Ушанда у ҳеч нима дея олмайди, тортишувга ҳам ҳожат ийүқ. Агар фалончининг юк машинасини мақтаса, мен гапили матьқулласам сукут сақлашга мажбур бўлади. Ахир фикрига қўшилиб тургандан сўнг, кун бўйи бирорининг юк машинасини мақтай олмайди-ку. Кейин эса сиз фалончининг машинаси ҳақида гапиришдан тўхтайсиз ва мен Уайт юк ташиш машинасининг афзаликларини таърифлайман.

Илгари бу хил даҳанаки жанжаллар мени қуюшқондан чиқаради. Бошқа юк машиналари афзаликларига қанчалик кўп эътиroz билдиришса, шунчалик уларни ҳақоратлардим, рақибим эса яна мақтарди, у ўзи сатаётган маҳсулот сифатига уларни кўпроқ ишонтиришга интиларди.

Ўтмишимга нигоҳ ташлаб ҳайратдаман, умуман қандай қилиб нимадир сотибман. Кўп йилларимни жанжал ва тортишувлар билан ўтказиб юборибман. Эпди оғзим маҳкам, бу ўзининг самарасини бермоқда».

Кекса донишманд Бен Франклин айтган экан: «Агар сиз тортишсангиз, эътиroz билдирсангиз баъзан ғолиб чиқишингиз ҳам мумкин, аммо бу устунлик маъносиздир, негаки, ҳеч қачон рақибингиз илтифотини қозонлайсиз».

Ўзингиз танланг: сохта, юзаки ғалаба керакми ёки инсон илтифоти? Бирданига унисига ҳам, бунисига ҳам эришиш қарийб мумкин эмас.

Вудро Вильсон маҳкамасида молия вазири бўлиб ишлаган Уильям Дж. Мак Аду тасдиқлашича, ўзининг кўп йиллик сиёсий фаолияти натижасида «нодон одамини далиллар билан енгиб бўлмаслигини» ўзлаштириб олган экан.

Нодон одамини? Бу жуда юмшоқ айтилган гап, жаноб Мак Аду! Менинг тажрибам кўрсатишича, даҳанаки жангда саводлилигидан қатъи назар ҳар қандай одамини ўз фикрини ўзгартиришга мажбур қилиб бўлмайди.

Масалан, даромад солиғи бўйича маслаҳатчи Фредрик С. Парсонс иши қизғин дамда давлат солиқ нозири билан баҳслашиб, келишолмай қолибди, бу сумма со-

лиққа тортилмаслиги керак, деб ҳисоблаган. «Ха-ха! — эътиroz билдирган нозир. — Умидсиз қарэ? Солиқ тұланиши керак!»

«Нозир калондимоғ ва ўжар одам эди, — құшымча қылди машғулот пайти ушбу воқеани айтиб берар экан Парсонс. — Уни күндириш ва далилларга ишонтириш бефойда бұлди... Биз қанчалик күп тортишсак, у шунчалик күп қайсарлик күрсатарди. Ўшанда мен тортишувдан воз кечиб мавзуни ўзgartириб, гап бошладим: «Сиз ечим топиб юрган муҳим ва мураккаб муаммоларга нисбатан бу жуда арзимас, деб ўйлайман. Солиққа тортиш масалалари бүйича асосий билимни мен китөблардан билиб олганман. Сизнинг билимларингиз эса амалий тажрибаларга асосланған. Менинг ишим сизникига ўхшамаганидан гоҳо афсусланаман, күп нарсаны ўрганар әдим». Ҳар бир сүзим ўта самимий чиқди.

Нозир ўтирган күйі қаддини ростлади, гавдасини сал орқага ташлади ва ишлари, хусусан ўзи фош этган қаллобликлар түғрисида сүzlай кетди. Унинг сүз оҳангига аста-секин дўстона тус олиб, күп ўтмай болалари ҳақида ҳам гапириб берди. Қайтаётгачида менинг ишим хусусида яна ўйлаб кўришини ва бир неча кундан кейин бу ҳақда хабар беражагини билдириди. Уч кун ўтиб, у идорамизга келди ва солиқ деклорацияни аввалги ҳолица қолдиришга қарор қылганини айтди.

Солиқ нозири одамзотга хос оддий заифликлардан бирини намоён қылди. У ўзининг эътиборга муносиблигини уқтиromoқ ниятида ва Парсонс билан баҳслашганида билимларини қўллаши туфайли айнан шунга эришаётган эди. Бироқ, унинг қадри баландлиги тан олингач, баҳс тұхтади ва унга ўзи ҳақида күнглини очиб гапиришга, шунингдек, раҳмдиллиги ҳамда хайрихоҳлигини намойиш қилишга имкон туғилди.

Наполеон саройининг бош хизматкори Констан күпинча Жозефина билан бильярд ўйнаркан. Үз хотира-ларida Констан шундай дейди: «Бильярдни унча ёмон ўйнамасам да, Жозефинага мени енгишига имкон берардим, бу унга жуда хуш келарди».

Мижозларимиз, суюклиларимиз, эрларимиз ва хотинларимизга майда баҳсларда бизларни енгиб туришларига имкон берайлик.

Будда айтган экан: «Нафратга нафрат билан эмас, балки фақат муҳаббат ёрдамида чек қўйиш мумкин». Англашилмөвчиликка эса тортишув орқали эмас, ҳа-

миша мумалада, улдабурролик, ўзаро муҳаббат ва сұхбатдошнинг нүқтаи назарини тушуниш билан барҳам бериш мүмкин.

Линкольн бир гал ёш зобитга ўртоғи билан жанжаллашиб қолгани учун таъна қилди: «Ўз қобилиятларини юксак мақсадларда құллашни истаган инсонлар, — дейди Линкольн, — шахсий адвокатларга вактларини сарфламайдылар. Қолаверса, инсон ўз кайфиятини бузадиган ва йўқотиб қўядиган оқибатларга келтирувчи жанжалларни раво кўрмайди. Сиз ва рақибингиз мутлақо тенг ҳуқуқларга эга жиддий масалаларда, ҳаттоқи, ҳақиқат томонингизда бўлган майда масалаларда ҳам ён беринг. Ёдингида бўлсин, ҳуқуқим бор, дея ўзингизни итга қоптиргунча, яхшиси унга йўл беринг. Итни ўлдирсангиз ҳам барибир қопгани қолади».

Шундай қилиб, биринчи қоида:

*Баҳсолашувда енгид чиқишнинг ишончли усули —  
бу ундан оғии.*

## **ДУШМАН ОРТТИРИШНИНГ**

### **ИШОНЧЛИ УСУЛИ...**

### **ВА УНДАН САҚЛАНИШ ЙУЛИ**

Бир гал Теодор Рузвельт Оқ уйдалигидага агар юздан етмиш беш ҳолатда ҳақ бўлиб чиқа олса, бундан юксакроқ баҳт йўқлигига иқрор бўлган экан. Агар йигирманчи асрнинг таниқли инсонларидан бирининг орзуси шу бўлса, унда сиз билан биз ҳақимизда нима дейиш мумкин?

Сиз лоақал юздан эллик беш ҳолатда ўз ҳақлингизга ишонсангиз, унда бемалол Уолл-стритга бориб, кунига бир миллион доллардан топиб яхта сотиб олишингиз ва машҳур қўшиқчига уйланишингиз мумкин. Мабодо, ҳақлигингида ҳатто, юздан эллик беш ҳолатда ҳам ишонмасангиз, унда бирорларга ноҳақликлари ҳақида гапириб нима қиласиз?

Бирорвга сўз билан эмас, нигоҳингиз, овоз оҳангидеки бошқа хил ишоралар орқали ноҳақлигини сездиришингиз мумкин, лекин буни ўзига айтиб, уни тан олишга мажбурлай оласизми? Ҳеч қачон! Чунки, унинг ақл-заковат, соғлом фикр, орияти ва шахсий қадр-қиммат туйғуларига тўғридан тўғри зарба берасиз. Бу унда фикрини ўзгартириш ўрнига жавоб қайтариш истагини кучайтиради. Шундан сўнг суҳбатдошингизга Платон ёки Кант мантиқларини ёғдиринингиз мумкин, бироқ фикрини ўзгартиролмайсиз, негаки, уни ҳақоратладингиз, ранжитдингиз.

Гапингизни: «Мен сизга фалон-фалонни исботлаб бераман», деб бошламанг. Бу: «Мен сиздан ақллимсан, айрим нарсаларни айтиб, фикрингизни ўзгартиришингизга мажбур қилмоқчиман», дейиш билан баробар.

Бу баҳсни бошламасингизданоқ суҳбатдошингизда ички норозилик ўғонади ва аввало, сиз билан тортишнинг очиқ даъват бўлиб хизмат қиласиди. Ҳатто, энг қулай шаронтда ҳам кишиларни ўз фикридан

қайтариш қийин. Үзингизга ортиқча қийинчилік туғдириш, бефойда қолатга тушишнің нима кераги бор?

Агар сиз бирор нарсаны исботламоқчи бұлсангиз, ҳаракатингизни ҳеч ким билмасин. Бу юмушни шунчалик нозик, моҳирона ижро этиңг-ки, биров сезмасин.

Одамларни шундай үқитиш лозим-ки, гүёки сиз бунга үргатмагансиз. Нотаниш нарсаларни худди уларни унүтилгандек тақдим қылмоқ керак.

Бир куни Лорд Честер菲尔д үз үғлига шундай деган экан: «Бошқалардан ақллироқ бұлғину, аммо, бу ҳақда уларға айтма».

Хозирғи пайтда йигирма йил аввал ҳақиқат, деб бил ган нарсаларымдан ҳеч бирига ишонмайман, күпайтириш жадвали бундан мустасно, Эйнштейнни үқигач, бунга шубҳа билдираяпман. Эхтимол, йигирма йилдан кейин бу китобда ёзғанларимдан ҳам шубҳаланаарман. Үмуман, үтмишда ҳақиқат, деб эътироф этилган нарсаларнинг ҳеч бирига ҳозир ишонмайман. Сүкрот Афинадаги үқувчиларига шундай деган экан: «Мен ҳеч нарсаны билмаслигимни тан оламан». Үзимни Сүкротдан ақллироқ ҳисоблашга умидим йўқ ва шунини учун одамларга поҳақликларини айтмай қўйдим, бундай усул ўзини оқлаяпти, деб ўйлайман.

Агар биروف нотўғри гапирайпти, деб ҳисобласангиз. нутқингизни ушбу сўзлар билан бошланг: «Қаранг-а! Менда бунақаси тез-тез бўлиб туради. Мабодо, адаш сам, тўғри йўлга солишингизни истардим. Қелинг, далилларни текширайлик».

«Эхтимол адашгандирман», «Менда бунақаси тез тез бўлиб туради», «Қелинг, далилларни текширайлик» сингари иборалар сеҳркор таъсирга эга. «Эхтимол адашгандирман», «Қелинг, далилларни текширайлик» сўзларидан кейин ҳеч ким, ҳеч қачон эътироф билдирмайди.

Ақлли одамлар айнан шундай қиласидар. Мен бир сафар қутб доирасида ўн бир йил яшаб, олти йил фаяқат сув ва гўшт билан озиқланган машҳур тадқиқотчи ҳамда олим Стефансондан интервью олгандим. У ўзи ўтказаётган бир тажриба ҳақида гапирганда, ундан нимани исботлашга уринаётганини сўрадим. Берилган жавоб сира ёдимдан чиқмайди: «Олим ҳеч қачон ниманидир исботлашни мақсад қилмайди, балки бор нарсанни аниқлайди».

Сиз ҳам илмий фикрлашни истайсизми? Бунга ўзин

гиздан бошқа ҳеч ким қаршилик қилмайди. Хато қилинингиз мумкинлигига иқрор бўлсангиз, ҳеч қачон нокулай вазиятга тушмайсиз.

Қўшимча равища бироннинг ноҳақлигини аниқ билсангиз ва бу ҳақда унинг ўзига тўғридан тўғри айтсангиз, нима бўлади? Қуйида ҳаётий мисолни келтираман. Яқинда нью-йорклик бир ёш адвокат С. АҚШ Олий суди мажлисида («Люстгартен» «Флит корпорейшн»га қарши) жиддий иш бўйича сўзга чиққанди. Гап катта маблағ ва ҳуқуқий масала хусусида эди. У нутқ сўзлаши давомида Олий суд аъзоларидан бири савол берди: «Ҳарбий флот бошқармасининг даъво даври ҳақидаги қонуни олти йилни назарда тутади, шундайми?»

С. тўхталиб, бир дақиқа Олий суд аъзоларига қараб олди-да, сўнг кескин гапирди: «Жаноби олийлари, ҳарбий флот бошқармасида даъво даври ҳақида қонун ўйқ!».

Суд залида жимжитлик ҳукм сурди, — дея эслайди С., — мажлисхонада гўё ҳарорат пасайиб, атроф музлагандек туюлди. Мен ҳақ әдим. Суд аъзоси хато қилди. Унга бу ҳақда айтдим. Бироқ унда дўстона хайриҳоҳлик туйғусини уйғотдим-ми? Йўқ. Ҳозир ҳам аниқ биламан-ки, қонун мен томонда эди, ўшанда ҳар қачонгидаи яхши чиқиш қилдим, аммо, судни ишонтира олмадим. Обрўли одамга ноҳақ эканини айтиб, даҳшатли хатога йўл қўйдим».

Баъзи одамлар мантиқий фикр юритадилар, кўпчилиги эса бирёқлама, янглиш, фикрлари баҳиллик, ҳасад, шубҳа ва такаббурлик билан йўғрилган. Аксарий фуқаролар дин, сочга жило бериш, коммунизм ёки Кларк Гейбл ҳақидаги фикрларини ўзгартиришни истамайдилар. Шунинг учун биронларга ноҳақликларини айтишга мойил бўлсангиз, илтимос, ҳар тонг нонуштадан олдин, тиз чўкиб Джеймс Харви Робинсоннинг «Ақлнинг шаклланиши» китобидан келтирилган қўйидаги парчани ўқиб туринг.

«Баъзан биз фикрларимизни ҳеч қанақа эътиrozсиз ўзгартишимиз мумкин, лекин бирор киши ноҳақлигимизни айтса борми, дарҳол аччиқланамиз. Эътиқодларимиз шаклланишига бепарвомиз, бироқ бирор кимса уни биздан тортиб олишга урунса, унга эҳтирос билан сингишиб кетамиз. Мутлақо аён бўлиб турибди-ки, биз foяларни эмас, иззат-нафсимиизни эъзозлаймиз. Ҳа-

әтимизда «менинг» сүзи кундалик ишларимизда ҳам, азалдан доңищмандлық борасыда ҳам муҳим маңын касб этган. Тұрмушдаги «менинг» түшлигим, «менинг» итим ва «менинг» үйим ёки «менинг» отам, «менинг» юртим, барисининг маңынси доим тенг күчга эгадир. Бизлар нафақат нотұғри юрадыған соатимиз ёки эскирган машинамыз ҳақыдаги танбекхлардан аччиқланамыз, балки үзимизнінг Марсдаги каналлар, Эпиктет исмінінг талаффузи, бирор гиёхнінг шифобашш кучи ёки Саргон подшохлық қылған давр ҳақыдаги түшүнчаларни қайтадан күриб чиқыш лозимлигини айтишганида ҳам газабланамыз... Үзимиз ҳақықат, деб билған нарсаларға ишонишда давом этамыз ва шаклланған фикримизге норозилігімизни уйғотады қар қандай шубұза ҳам бизни үз қарашларимизға мустаҳкам ёпишиб олишга мажбур этади. Натижада, аксарай ҳолаттарда илгаридан үзимиз ишонған, ҳақ деб билған нарсалар тұғри, деб үйлайверишга далиллар излаб топамыз.

Бир гал үйим учун хоналарни безөвчи-жіхозловчи рассомга парда буюрдым. Тұлов варақасини олғанимда, кайфиятим тушиб, тепа сочым тикка бўлди. Кейинроқ үйимга меҳмон сифатида ташриф буюрган таниш аёл пардаларға эътибор қилди. Нархини айтсам, у таажжубланиб: «Нима? Даҳшат-ку, сизни алдабди», — дедій.

Тұғрими? Ҳа, рост гапни айтди, лекин ҳаммага ҳам иохуш ҳақықатни эшитиш ёқавермайди. Шунинг учун ҳимояга үтдім. Бириңчи навбатда яхши нарсалар ҳамиша арzon тушавермаслигини таъкидлаб, юқори сифатли санъат буюмлари арzonлаштирилған дўкони нархларида сотилмаслигини айтдым ва ҳоказо, шунга ўхшашлар.

Кейинги кун бошқа таниш аёл келиб қолди. У мен олган пардалардан завқланиб, ҳаваси келди шекилли, үзинга бундай қимматбаҳо нафис безакларини харид қилишга эрк беролмаслигидан афсусланды. Бу гал бошқачароқ таъсирландым. «Ростини айтгана, — дедим мен, — үзимга ҳам буни раво күрмасдым. Пардаларни анча қиммат олғанимга энди афсусланаяпман, бекор буюрта бериб қўйған эканман». Үзимиз иоҳақ бўлганимизда бунга иқрорлик билдириш мумкин, агар билиб муомала қылсалар, бошқаларға ҳам иқрор бўламиз. Фуқаролар уруши даврида америкалик энг машҳур ношир Хорас Грилли Лінкольн сиёсатига кескин

Қаршилик күрсатарди. Даиллэр, масхараңаш ва ҳақораттар ёрдамида Линкольнни ҳамфир қиласан, деб ўйларди. Ой ортидан ой, йил кетидан йил үтса ҳам-ки, бу ишини шидлаты давом этираверди. Президентта қарши шахсий адовати сингдирилган аччиқ захиралдана тұла мақоласини айнан Бут унга ўқ узган кечада єзганди.

Аммо, барча аламу зардалар Линкольннинг Грилли фикрига құшилишга мажбур қила слидими? Иўқ, албатта, устидан кулиш ва ҳақоратлар ҳеч қачон бунга олиб келмасди.

Агар сиз одамлар билан муомала борасида энг ажо-йиб маслаҳаттар олмоқчи, ўзингизни тута билиш ҳамда шахсий сифатларингизни такомиллаштироқчи бўлсангиз, унда Америка адабиётининг мумтоз асарларидан бири — Бенжамин Франклин ҳаёти түғрисидаги эътиборга лойиқ асар, яъни унинг таржимаи ҳолини ўқиб чиқинг.

Бен Франклин ўз таржимаи ҳолида, қандай қилиб баҳслашиш одатидан воз кечгани, Америка тарихида одобли, омилкор ва устамон кишига айлангани ҳақида ҳикоя қиласди.

Ҳали тажрибасиз ўсмирик пайтида бир куни Бен Франклинни қадрдан дўсти четга тортиб, анча аччиқ сўзлар билан танбеҳ берган ва тахминан қўйдагиларни айтган:

«Бен сенга тоқат қилиб бўлмайди. Фикрингни маъқулламаган одамга айтган гапларинг унга ҳақоратдек туюлади. Дилингдагини англаш шунчалик қимматга тушади-ки, уларга қизиқмай ҳам қўйишди. Энди ўртоқларинг сен бўлмаган пайтда вақтларини нисбатан мароқли ўtkазаяпмиз, деб ҳисобламоқдалар. Гўё шунчалик қўп нарсани биласап-ки, ҳеч ким сенга бирор янгилик айта олмайди, бирортаси бунга уриниб ҳам кўрмайди, чунки бу хил ҳаракат кишини ноқулай ҳолатга солади ва ундан катта меҳнат талаб этади. Шунинг учун қачондир чуқурроқ илмга эга бўлишинг даргумон, негаҳи, билиминг жуда оз».

Менга маълум энг ажойиб ҳолатлардан бири шуки, Бен Франклин ушбу танбеҳни қабул қиласди. У эшитгандари адолатли эканини тушунадиган даражадаги ёшга етган ва ақлли эди, уни омадсизлик кутаётганини ҳис қиласди. Шу тариқа 180 даража бурилиш ясаб, дарҳол

қалондимоғлигини ташлаб, одамлар билан мұомалада тақаббур қылықларидан воз кечди.

«Мен үзимга қоңда белгиладим, — деб ёзади Франклин, — бошқаларнинг фикрнга түғридан-түғри қарши чиқишдан тийламан. Ҳатто, мен үзим учун... қатъий фикрни таъкидловчи сўз ва ибораларни истеъмол қилишни таъқиқладим, масалан, «албатта», «шубҳасиз» ва ҳоказо; уларнинг ўрнига «назаримда», «ўйлашимча» ёки «менга шундай қўринади» сингариларни ишлата бошладим. Бирорлар менга нотўғри туюлган нарсаларни билдирганларида, уларга қарши чиқиб дарҳол гаплари бехудалигини айтмадим ҳамда асоссиз гапираётгандарини юзига солмадим.

Уз эътирозимни, мазкур фикрингиз маълум шароитда тўғри бўлиши мумкин эди, аммо, ҳозирги ҳолатда сал бошқачароқdir, дея изҳор қиласман. Тез орада бу услугуб афзаллигига ишондим: одамлар билаһ суҳбатларим анча ёқимли ўта бошлади. Фикрларни камтарона баёни этиш услуги уларни тезроқ қабул қилишга ва камроқ эътиroz туғилишига олиб келди. Ҳато қилганлигим маълум бўлганида, дилим камроқ оғририди, агар ҳақ бўлиб чиқсан, бошқаларни хатолардан воз кечишига ва менинг нуқтai назаримга қўшилишга ундардим.

Буларнинг барчасини ишга алоқадор муносабатларга жорий этса бўладими? Икки місолни олайлик.

Ф. Дж. Махони (114, Либерти-стрит, Нью-Йорк) нефт маҳсулотлари савдосида қўлланиладиган маҳсус ускуналарни сотади. У Лонг-Айленддаги ҳаридордан йирик буюртма қабул қилди. Ишчи чизмалар тасдиқланди ва тақдим этилди, ускуналар ишлаб чиқариш жараённи турганида, қўнгилсизлик юз берди. Ҳаридор ишни дўстлари билан муҳокама қилса, унга жиҳдий хатога йўл қўяётганини айтибидилар. Гўё ҳеч нарсага арзимайдиган буюмни тиқишириётганд эмислар. Бу ускуналар ўта кенг, ҳаддан зиёд калта, ўта ундей, ўта бундай экан. Дўстларининг таъқаси шу даражага етибди-ки, охири унинг жаҳли чиқибди. Махонига қўнгироқ қилиб, мижоз үзига атаб ишлаб чиқарилаётганд ускуналарни қабул қилимасликка онт ичибди.

«Ҳаммасини текширидим ва ҳақ эканимизни аниқ билардим, — деди ушбу тарихни сўзлар экан Махони. — Менга шуниси маълумки, мижозим ҳам, унинг дўстлари ҳам нима деяётгандикларини ўзлари тушунмасдилар, лекин бу ҳақда уларга айтишим хавфли эканини

аңгладим. У билан учрашиш ниятида Лонг-Айлендга бордим, хонасига кирганимда, ўрнидан иргиб туриб алланарсаларни тез гапира туриб мени қарши олди. Шунчалик ҳаяжонда эди-ки, мушт тугиб, мени ва ускуналаримин ҳақоратлади, сўзини «Хўш, бу борада нима қилмоқчисиз?» — деб тугаллади.

Хотиржамлик билан унга барча айтганинни бажармоқчи эканимни айтдим. Бунга пулни сиз тўлайсиз, — дея аниқлик киритдим мен, — шунинг учун сиз шубҳасиз, ўзингиз истаган нарсани олишингиз лозим. Лекин жавобгарлик кимнингдир зиммасига юкланиши керак. Агар сиз ҳақман, деб ҳисобласангиз, бизга чизмаларни беринг, ваҳоланки, аллақачон йкки минг доллар сарфладик, талабларингизни қондириш учун чурчага куйишга тайёрмиз. Огоҳлантириб қўяй, буюртманни сиз талаб қилаётгандек бажарсак, оқибати учун масъулиятни зимманизга олишингизга тўғри келади. Агар ишни ўзимиз режалаштиргандек давом эттиришга ижозат берсангиз, унда жавобгарлик бизда қолади».

Бу дамга келиб у хотиржам бўлди ва ниҳоят: «Майли, давом эттиринг, лекин бирор нарса бошқачароқ бўлса, сизга худонинг ўзи мадад берсин», деди. Ҳаммаси кўнгилдагидек чиқди ва у бизга янги мавсумда шунақанги асбобларнинг яна икки туркумига буюртма беришга ваъда қилди.

Бу одам мени койиб, мушт ўқталиб дағ-даға қилганида, ўз ишимни билмасликда айблаётганида, босиқлик кўрсатдим, ички имкониятимни ишга солдим, у билан баҳслашмасликка, ўзимни оқламасликка интилдим. Жуда кучли сабр-бардош сарф бўлди-ки, кейин ўзини оқлади. Агар унга ноҳақлигини айтиб, баҳслашганида, эҳтимол суд жараёни юз берарди, нохуш изтироблар туғилиб, молиявий зарар кўрардик ва фойдали буюртмачини йўқотардик. Ишончим комилки, бирорга у ноҳақлигини айтишга асло ҳожат йўқ».

Бошқа мисол. Нью-Йоркдаги «Гардер У. Тейлор ламбер компани» фирмасининг савдо агенти Р. В. Кроули тан олишича, йиллар давомида ёғоч-тахта маҳсулотлари бўйича мутахассисларга уларнинг ноҳақликларини айтиб юраркан, Гоҳо баҳсларда енгиги чиққан бўлса-да, бу ҳеч бир яхшилик келтирмаган. «Ёғоч-тахта соҳаси нозирлари, — дейди Кроули, — бейсбол ўйинининг ҳамаларига ўхшайдилар. Бир қарорга келдиларми, ҳеч ҳам қайтмайдилар».

Кроули баҳсларда енгиб чиқса-да, фирма минглаб доллар йўқотаётганини тушунибди. Шунинг учун менинг курсимда шуғулланган пайтида иш усулини ўзгартиришга қарор қиласан. Натижа қандай бўлди? Мана, у гурухимизда сўзлаб берган воқеа.

«Бир куни хонамда телефон жиринглади. Фазаби қайнаган қандайдир киши ўз заводига юборилган ёғоч-таксаларимиз бутунлай яроқсизлиги ҳақида гапирди. Фирмаси юкни тushiришни тұхтатиб, дарҳол уни қайтариб юбориш чораларини күришни талаб этибди.

Тезда заводга жүнадим, йўл-йўлакай қандай қилиб вазиятдан чиқишини ўйлаб кетдим. Одатда, бундай ҳолларда ёғоч навларини аниқлаш қоидасини далил қилиб келтирадим, ёғоч-тахта бўйича мутахассис сифатида ўз билим ва тажрибамга суюниб, қарши томон вакилини ҳақлигимга ишонтириш, шу билан бирга унинг ушбу қоидаларни хато талқин қилганини тушунтириш ҳаракатида бўлдим. Негадир, ўқув машғулотларда ўрганган услубларни амалда қўллашга қарор қилдим.

Корхонага етиб келгач, ёғоч-тахта мутахассиси билан савдо агентининг кайфиятлари жуда ёмон эканини ва улар тортишувга ҳозирланганини пайқадим. Вагон оллига борганимизда иш қандай бораётганини кўрпиш мақсадида юк тushiришни давом эттиришларини сўрадим. Шу билан бирга мен келганимга қадар яроқсиз топилган ёғочларни бирданига четга қўйиб, маъқуларини алоҳида тахлашни тактиф этдим.

Буни бироз кузатиб туриб, нозирнинг ушбу масала-га ҳақиқатан ҳам жуда талабчанлик билан ёндашишини ва тегишли қоидаларни нотўғри талқин қилишини сездим. Оқ қарағайлар туркуми тushiрила бошлиди, мен эса нозирнинг қаттиқ ёғочларни фарқлай олишини, оқ қарағайлар келганда тажрибасизлигини билдим. Дарвоқе, бу менинг ихтисосимга мос келарди, шундай бўлса-да ёғочларни саралаш услугуга қаршилик қилдим-ми? Мутлақо. Кузатишни давом эттириб, аста-секин ундан нега у ёки бу ёғочларни яроқсиз, деб ҳисоблаётганини сўрай бошладим. Бирор марта унга ноҳақлигини сездирмадим ва савол бериб сурнштиришдан мақсадим гўёни фирмаларига керакли нарсанни зиқлаб олиш ҳамда келажакда буюртмаларни тўғри бажариш истагида эканини билдиридим.

Нозирга саволларни дўстена оҳангда бердим ва ўзим-

ни яна ҳамкорликка тайёр рұхда тутдим, у ёғочларни четга қўйишида, айримларини яроқсизга чиқаришда ҳақ эканини мунтазам таъкидлаб, аввалига уни юмшатдим, муносабатларимиздаги таранглик ариди. Оҳиста луқма ташлаш орқали унга қайтарилаётган ёғочларнинг баъзилари айнан фирма буюртма бергандан нав эканини, ҳозирги талаблариний қондириш учун қимматроқ ёғоч олишлари кераклигини уқидрдим. Бундан муаммо чиқараюпти, деб ўйламаслиги учун жуда эҳтиёткорлик билан ҳаракат қилдим.

Бора-бора нозирнинг кайфияти тамоман ўзгарди. Охир-оқибат оқ қарағай борасида тажрибаси йўқлигига иқрор бўлиб, мендан туширилаётган ҳар бир ёғоч юзасидан маслаҳат сўрай бошлади. Унга у ёки бу ёғоч кўрсатилиган навга тегишли эканлиги сабабларини тушунтириб бердим, аммо фирманинг талабларига жавоб бермайдиган ёғочларни қабул қилишларини истамаслигимни аввалгидек таъкидладим. Натижада, у ҳар сафар ёғочни яроқсизлари устига қўйишаётганларидан ўзини гуноҳкордек ҳис қила бошлади. Охир-оқибатда фирма ёғочнинг юқори навига буюртма бермай, хатога йўл қўйганилгини тушуниди.

Иш шу билан тугади-ки, кетганимдан сўнғ, юкнинг барчасини қайтадан кўриб чиқиб, тўла-тўқис қабул қилибди, биз эса буюртманинг бутун қийматига чек олдик.

Биргина ушбу ҳолатда ўзини тутиш ва масалага ечим тоғищдан ташқари бошқа одамга ноҳақлигини билдириш мақсади кўзланмаған, мен кўрсатган хайриҳоҳ муносабат эса фирманинг юз эллик долларини сақлаб қолди, умуман буни баҳолаб бўлмайди».

Мазкур бобда ҳеч қандай янгилик очмадим. Ҳали Исо аллайҳиссалом: «Ўз рақибинг билан тезроқ тил топиш», деб айтган экан.

Бошқачароқ ифодалаганда, мижозингиз, умр йўлдошингиз ёки рақибингиз билан баҳслашманг. Унинг ноҳақ экани ҳақида гапчранг, асабини бузиб ўзингизга тезламанг, муомалада устамон бўл, бу мақсадингга эришишга ёрдам беради».

Шундай қилиб, иккинчи қоида:

Суҳбатдошингиз фикрига ҳурмат кўрсатинг, ҳеч қачон унга ноҳақсан, деманг.

## АГАР НОҲАҚ БЎЛСАНГИЗ. БУНИ ТАН ОЛИНГ

Катта Нью-Йоркнинг қарийб марказида яшайман; шунга қарамай уйимдан атиги бир дақиқалик масофада кўл теккизилмаган ўрмон миңтақаси сақланиб қолган, баҳор чоғлари у маймунжонтарнинг оппоқ гулига ғарқ бўлади, унда олмахонлар яшайди, ёввойи ўтлар шу даражада баланд ўсган-ки, от ораласа бўйин кўринмайди. Ана шу жойни «Ўрмон боғи» лейдилаар, ҳақиқатан ҳам у Колумб Американи очгандан бўён унчалик ўзгармаган. Мен кўпинча бу ерда ўзимнинг кичкинагина Рекс лақабти қучукчам билан саир қиласман. У жуда меҳрибон, садоқатли, мен Рексни тасмасиз ва бурундуқсиз етаклаб юраман, нега-ки боғда деярли ҳеч ким учрамайди.

Бир гал боғда ўзининг ҳукмдорлигини кўрсатиш иштиёқида қўли қичиб турган отлиқ полициячига дуч келиб қолдик.

«Нега сиз боғда итингизни тасмасиз ва бурундуқсиз югуришига рухсат бердингиз? — дея менга танбех бера бошлиди. — Бу ҳолат таъқиқланганини наҳот билмасангиз?».

«Биламан, — дедим мен юмшоқлик билан, — аммо у бирор нарсага зарар келтиради, деб ўйламабман».

«Ўйламабман! Ўйламабман! Қонун сиз нима ўйлаганингизга тупуради. Итингиз олмахонни ғажиши ёки болаларни қопиши мумкин. Ҳозир сизни қўйиб юбораман, агар мен яна бир бор бу итни тасмасиз ва бурундуқсиз кўриб қолсан борми, кейин судъяга жавоб берасиз».

Итоаткорлик билан қоидани бузмасликка сўз бердим.

Бирмунча вақт ваъдамни бузмадим, аммо Рекс ҳам менга ўхшаб бурундуқни ёмон кўрарди, биз таваккал қилдик. Анча пайт ҳаммаси яхши бўрарди, кейин эса бизлар кўнгилсизликка дуч келдик. Бир куни биз Рекс билан баландликнинг устида югуриб кетаётганимизда, баҳтга қарши тўсатдан ҳўйрон от устидаги «қонун

олий жанобларин» күриб қолдик. Рекс олдинда тұғри полициячига қараб югуради.

Мен құлға түшдім, бу аниқ әди. Шунинг учун полициячининг гапини кутиб үтирасдан, ундан олдинроқ сүз бошладым: «Сиз мени жиноят устида ушладингиз, айборман. Үзимни ҳеч нарса билан оқтай олмайман. Үтган ҳафта итимни бурундуқсиз бу ерга олиб келганимни күрсанғыз жазолашынғыз мүмкінлеги ҳақида огохлантирган әдінгиз», — дедім.

«Майли, энди, — деди полициячи юмшаброқ, — Атрофда ҳеч ким күрінмаган пайтларда күчукчанинг югуришига имкон бериш қанчалик мароқты эканини тушунаман».

«Албатта, бу завқты, — жавоб қайтардым мен, — аммо қонун таъқиқлайды-да».

«Э-э: буидай күчукча кимга ҳам заарар етказарди», — әзтиroz билдири полициячи.

«Шубҳасиз, бу олмахбани ғажиши мүмкін», — дедім мей.

Э-э; бундай күчукча кимга ҳам заарар етказарди», — дасыз, — деді у, — Мана бундай қилинг, уни тепаликпен орқасида, менга күрінмайдыган жойларда ютуртириң, ва буни үнұтамиз».

Бұу полициячи барча инсонлар сингари әзтиборга мұносибтілігіни тасдиқламоқчи әди, шунинг учун үзимни айблайтганимда мұруват күрсатиш әвазига айнан шу жиһатини намоён этишга уринди.

Агар мен үзимни ҳимоялашга үтганимда нима бүларди? Фаҳмлайпсизми? Қачоңдир полициячи „ билан баҳслашиб күрганмисиз?

Мен эса бараварига жанг қилиш үрніга уннинг мұтлақо ҳақлигини тан олдым; буни дархол, очиқ ва үз ташаббусим туғайли бажардым. Ишимиз яхшилик билан тугади — мен уннинг томонида, у эса менинг тарағымда турди. Лорд Честерфилднинг үзи ҳам бир ҳафта олдин суднінг құлиға топшириш билан пўйиса қилған ўша отлиқ полициячидан күра хушмуомала әмасдир.

Тұқнашув юз берадиган вазиятта дуч келганды үзим ташаббус күрсатиб, уннинг олдини олсак яхши-ку. Бирордан айблов тиңглаб үтиришдан күра, үзингизни танқид қилиншынғыз осонроқ.

Сұхбатдошингизнинг дилида ва тиlidаги барча ҳақорат сүзларину ундан олдин үзингиз айтсанғыз уни

шошириб құясиз. Бирга қарши юзтани қүйінб айтшын мүмкін-ки, шундай қыллингандан ҳам сұхбатынғиз мұруват күрсатади, отлиқ полициячи мен билан Рекс қылгандақ хатони арзимасға чиқаради.

Реклама соҳасыда ишлайдынган рассом Фернанд Уоррен инжиқ, мижғов буюртмачи илтифотига сазовор бўлиш мақсадида шу усульні қўллабди.

«Реклама ва нашриётлар расм чизаётганда жуда батартиб ва аниқлик билан ишлаш керак, — дейди воқеани ҳикоя қылларкан Уоррен. — Баъзи бадиий муҳаррирлар топшириқлари тезда бажарилишини та лаб қыладилар-ки, бундай ҳолларда қичикроқ хатоларга йўл қўйиши мүмкін. Хусусан, ўчириб-чизишларни, хатоларни кўриб шодланадиган бадиий муҳаррирни билардим. Унинг хојасидан таңқидлардан эмас, балки унинг маломат қилишидан нафратланиб чиқиб кетардим. Яқинда унга тезда битказилиши лозим бўлган ишни топширидим ва менга қўйгироқ қилиб, зудлик билан ҳузурига боришимни айтди. Таасиқлашича, ни манидир нотўғри бажариман. Унинг олдига келгач, нимадан қўрқсан бўлсан ўшани кўрдим. Тажсувзкор кайфиятдаги бу одам мени танқид қилиш имкони пайдо бўлганидан шодланарди. У асабийлашиб, не га ундей ёки бундай қылганимни сўради. Ўз-ўзимни танқидга шароит туғилди ва шундай дедим: «Жаноб фалончи, агар сиз айтганлар рост бўлса, мен айборман ва бу хатомни ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди. Бундай камчилликка йўл қўймаслигим керак эди, чунки, сиз учун анча вақтдан буён расмлар чизаман. Ўз қилмишимдан ниҳоятда уятдаман».

У дарҳол мени ҳимоялашга ўтди: «Тўғри, ҳақсиз, лекип бу унчалик жиҳдий хато эмас. Бор-йўғи...».

Унинг гапини бўлдим. «Ҳар қандай хато, — эътиroz билдиридим мен, — жуда қимматга тушиши мүмкин».

Нимадир гапирмоқчи эди, аммо сўзлашига имкон бермадим. Мен роҳатланардим. Ҳаётимда биринчи марта ўз-ўзини танқид қилишни қўлладиди ва бу хуш ёқди.

«Янада эътиборли бўлишим керак эди, — деб давом этдим. — Сиз менга кўп иш бераяпсиз ва яхши муносабатга лойиқсиз, барчасини қайтадан бажаришга тайёрман».

«Э-э, қўйсангиз-чи! Йўқ! — қаршилик қилди у. —

Сизни қийин ҳолатта қүйиш хәёлимга ҳам келмаганди». У кутилмаганда ишмни мақтай бошлади, қандайдир майда-чыйда тузатинилар киритилишини истагани, қолаверса, булар арзимас экаплиги, ҳатто у ҳақда гапириб ўтиришга ҳожат йүқлигини айтди.

Ўз-ўзимни таңқид қылгашм уни жанжал күтариш имконидан маҳрум қилди. Охир-оқибат бирор нарса тамадди қилишига таклиф этди, хайрлашаётганимизда эса чек ҳамда янги топшыриқ берди».

Шуннингдиккада, нодон иисонгина хатоларини ҳимоя қилади, ўз камчилликларига иқрор бўлиш одамни жамоадан устуи қўяди ва дилнида саҳийлик ҳамда мамнуннат ҳиссенинг уйғотади. Шу борадаги энг ажойиб эсадаликлардан бирин — бу Геттисберг яқинидаги «Пикет жангига»нинг муваффақиятсизлигига ўзини, ёлғиз ўзини айبلاغан Роберт Ли ҳақидаги хотирадир.

«Пикет жангига», шубҳасиз, ғарб дунёсида қачон бўлса-да алоҳида ўринга эга энг ажойиб ҳужумлардан бири эди. Пикет ҳам ўзига хослик кўрсатганди. Унинг қўнғир, жигигалак сочлари елкасига тушар, Наполеон сингари деярли ҳар кунги жанг майдонида ишқ-муҳаббат ҳисларини лиммо-лим хатларини ёзарди. Шағирили шоъл кунида у бош кийимини қулоғигача бостириб олиб, эгарда бепарво ўтирганича от елдириб федерал қўшинлар эгаллаб турган жойга завқшавқ билан бораётганида, унга содиқ қўшинлар олқишилашарди. Аскарлари уни шарафлаб, саф-саф бўлиб ортидан боришарди, баироқлари ҳилпирар, наизалар қўёшда ярақларди. Бу ажойиб томоша мардликнинг даблабали намойиши бўлди. Буни кузатаётган федерал қўшинлар сафида завқли шивир-шивир сезилди.

Пикетнинг қўшинлари ўртача қадам билан олға бораради. Шу вақт ичиде душман тўплари тўхтовсиз ўққа тутар, аммо улар тўхтатиб бўлмайдиган даражада олға ва олга дадил боришарди.

Тўсатдан Семитри-Ридж орқасида пистирмада ўтирган федерал пиёда қўшинлари чиқиб, ҳимоясиз ҳолатдаги Пикет аскарларини тинимсиз ўққа тутдилар. Гребенъ тепағиги гўё олов денгизидан ёнди, вулқонга айланди. Бир неча дақиқадан сўнг, Пикетнинг ихтиёридаги бошлиқларнинг биридан ташқари барчаси ва беш минг аскарнинг тўрт минги ҳалок бўлди.

Уларни сўнгти ҳужумга бошлаган Армистед олға

ташланди, томп деворни ошиб ўтди, ўткир қиличи учи-га қадалған бопи кийимин сиңкіб, «Найза билан, йигит-лар!» деда қынчырди.

Бүйрүк бажарилди, деворни ошиб ўтган жаңгчилар наизаларини душманға санчдилар, мильтиқ құндоги билан бошлар пачақланады, Семитри-Ридж устига Жаңубинің жанғовар байропини қададилар.

Байроқ у ерда бир дақықагина ҳылпиради. Аммо бу муддат Конфедерацияның энг олий ютуғи эди.

Лоақал охирғи дақықаларда бошдан-оёқ «Пикет жангы» — ёрқын, қаҳрамонона бўлди. Ли мағлубиятга учради. У шимолга ёриб ўтолмасди ва буни яхши биналарди.

Жануб ҳалокатіа маҳкум эди.

Ли ғамга ботди, изтиробда қолди ва Конфедерация президентидан ўнрига «янала ёшроқ ҳамда бундан ҳам қобилятилоқ кишини» тағнилашни илтимос қилиб, истеъфога чиқди. Агар Ли «Пикет жангы»даги фожиали омадсизликда бошқа бировни айбдор санағанида, ўзини оқлашға анчагина баҳопа топарди. Дивизия қўмондонларидан бир нечаси унга панд беришди, отлиқ аскарлар вақтида етиб келишмади ҳамда яна нимадир амалга ошмади, нимадир айтганидек бўлмади.

Аммо Ли шунчалик олижаноб инсон эди-ки, айни бошқаларга агадармади. Пикет қўшинлари тор-мор бўлиб, яраланиб конфедератлар қароргоҳига қайтиб келганида Роберт Ли ҳеч қанақа кузатувчиларсиз улар олдига борди ҳамда айбдор эканлигини айтиб, ўзини тёвсиз қоралади. «Буларнинг барчаси менинг айбим билан юз берди, — тан олди у. — Бу жангни мен, фаят ўзим ютқаздим».

Инсоният тарихида унча-буича генералларда хаттарини бундаш тан олинига далиллик ва ирода кучи бўлмаган.

Элберт Хаббард вақтида мамлакат эътиборини жалб этган ўзига хое муаллифлардан биридир. Унинг заҳарханда иборалари тез-тез кескин норозиликлар келтириб чиқарарди. Аммо Хаббард одамлар билан мумомала қилишни билар, кўпинча, душманларини дўстга айлантиради.

Масалан, бирор лайт нафрати тошғаң ўқувчиси и-га мақсоласидаги у ёки бу гапларга қўшилмаслигини ёзиб, ниҳоясида ҳар хил ҳақоратларни ёғдирганида Хаббард қуйнадаги сўзлар билан жавоб қайтарган:

«Мабодо, мұлоқаза юритилса, ҳатто үзим ҳам тұла-  
сина ү билан ҳамфік әмасман. Кеңа ёзғанларымнинг  
барчаси менга бұгун әқавермайды. Кейинги гал Сиз  
яқинимга келсанғиз, албatta мени күриб үтинг. Олис-  
дан бұлса-да, құлингизни маҳкам сиқаман әс самимий-  
лигимча қоламан.

*Сизнинг...».*

Ұзингиз билан шу тахлит мұносабатда бұлған ин-  
сонға нима дейишиңгиз мүмкін?

Агар биз ҳақмиз десак, келинг одамларни ҳурмат  
ва одоб билан бунга ишонтирайлық, агар янглишсек,  
нуқсонларымизни тез ҳамда бажонидил тан олайлық.  
Ушбу усул нафақат ҳайратланарлы даражада натыжа  
күрсатади, балки маълум бир ҳолаттарда үзинізни  
Ҳчмоя қилишідан күра, мароқлироқ кечади.

Ёдінгизда тутинг: «Муштлашиб күп нарсага эри-  
ша олмайсиз, ён бериш ҳисобига күтилганидан күп-  
роғини олиш мүмкін».

Шундай қилиб, учинчи қоида:

*Агар ноҳақ бұлсанғиз, буни тез әс дадил тан олинг.*

## ИНСОН ТАФАККУРИ САРИ ҚИСҚАРОҚ ЙҮЛ

Агар асабингиз таранглашса ва бирорға бир-икки сүз айтсанғыз «рухингизни енгіл торттириш» анча осон күчади. Суҳбатдошингиз-чи? У ҳам сиздаги қониқиши ҳисси құшилармикан? Жаңарилық ва адоваратки күриб ҳамфакрлигидан мамнун бўлармикан?

«Агар сиз менинг олдимга мушт ўқталиб келсанғиз, деган эди Вудро Вильсон, — унда ваъда берман-ки, менинг ҳам муштларим туғилиши мумкин, аммо олдимга келиб: «Келинг ўтириб маслаҳатлашиб олайлик, тил топишмасақ, лоақал бунинг сабабини аниқлашга уриниб кўрайлик», — десанғиз, келишмовчилигимиз учалик муҳим эмаслиги сезилади, фикртаришимиз тўғри келмаган жиҳатлар кам, иккимизга маъқуллари эса кўплигини англаймиз, сабр-тоқатимиз за хоҳишимиз бўлса, тил топишамиз».

Вудро Вильсоннинг ушбу адолатли фикрларини ҳеч ким кичик Джон Д. Рокфеллерчалик қадрламагандир. 1915 йилда Рокфеллер Колорадонинг энг кўп тавқи таънатга учраган одамларидан бири бўлган. Даҳшати икки йўл мобайнида барча штатларни АҚШ тарнидаги қонли иш ташлашлардан бири ларзага солди. Газабланган, асаблари таранг кончилар «Колорадо фюэл энд айроп компани»дан маошлари оширилишини галаб қилардилар, компания эса Рокфеллер назорагида эди. Унинг мулки нобуд бўлаётгани туфайли ҳарбий қўшин чақиртирилди. Иш ташловчиларга қарата ўтчилиди, жасадлар ўқдан илма-тешик бўлди.

Атрофда ғазаб ва нафрат ҳукмрон бир пайтда Рокфеллер иш ташловчиларни ўз нуқтai назарига ғобе этмоқчи бўлди. Бунинг удласидан чиқди ҳам. Қандай қилиб? Мана, нима бўлди. Рокфеллер анчагина вақтини дўстлар топишга сарфлаганидан сўнг, иш ташловчилар ҳузурида нутқ сўзлади. Бу чиқиши ноёб ҳисобланиб, ҳайратга соларли натижалар берди: Рок-

феллерга қаратылған нафраттинг жүшкін тұлқинлари тинчланды ва у күплаб мухислар топты. Қалыларни шунчалик дұстона оқаңда ифодалады-ки, ұтто норозылек билдиригандарнинг үзләри астынды курашга отланған мақсадлари — маош ҳақида бир оғиз сүз гапирмай иш жойларига қайтдилар.

Қүйіда ушбу ажайыб нұтқинің бошлапиши келтирилади. У дүстлик ҳис-түйғулары билан түлиб-тошғаныға эътибор беринг. Едингизда бүлсін, Рокфеллер мурожаат қылған одамлар яқындағына уни ёвойш олма дараҳтига осишта тайёр турғандылар; у диндордатолычилар гурухы олдиде гапирганида, ҳам бу даражада самимий, дұстона меҳр-муҳаббат билан сүзлай олмасди. Үнінг нутқы «бу ерда эканимдан фахрланаман», «мен күпчилигингизнің үйларынғизда бўлиб, хотинларингиз ва болаларингиз билан танишдим», «биз бу ерда бегоналар сифатыда әмас, балки дүстлардек учрашайпмиз» кабіп ибораларга сероб бўлди. У «ўзаро дүстлик руҳи», «бизниңг үмумий манфаатлар» ҳақида әслатди.

«Бугун мұхым күн, — деб сүзини бошлады Рокфеллер. — Менде биринчи бор ушбу буюк компанияның вакиллари билан дийдорлашиб имкони туғизди. Ишонтириб айтамаи-ки, бу ерда эканимдан фахрланаман, мазкур учрашувимизни бир умрга әстаб қоламан. Шу воқеа иккі ҳафта олдин бўлиб ўтганида эди, күпчилигингиз учун бегонадек туялардим, айримларниңна таниған бўлардим. Аммо, ўтган ҳафта жапубий кўмир ҳавзасидаги барча лагерларда бўлганлигим ва деярли ҳар қайсингизнің вакилларынғиз билан суҳбатлашғаним, үйларингизга бориб, күпчилигингизнің хотинларингиз ҳамда болаларингиз билан танишганим туфайли бу ерда бизлар бέгоналардек әмас, дүстлардек учрашайпмиз. Сизлар билан үмумий манфаатларимизни муҳокама этәётганимдан ғоят хурсандман.

Ушбу тұпланиш компания маъмурияти ходимлари ҳамда үнінг ишчи-хизматчилари вакилларинің йиғилиши бўлганлиги муносабати билан бу ерда фақат сизларниң илтифотларынғиз туфайли ҳозир бўлиб турибман, негаки, унисига ҳам, бунисига ҳам дахлдор әмасман: шунга қарамасдан, сизлар билан мени қандайдыр ришталар мустаҳкам боғлаб турибди, чунки бу ерда ҳиссадорлар ва директорларнинг вакилиман».

Наҳотки, бу душманларни дўстга айлантириш санъ-атининг ёрқин тимсоли бўлмаса?

Айтайлик, Рокфеллер бошқачароқ йўлдан борди. У кончилар билан баҳсга киришиб, инкор этиб бўлмас далилларни келтириб, ҳақ эмасликларини уларга но-зик қочириқлар воситасида англатди, деб фараз қи-лайлик. Мантиқ ўйиннинг барча қоидаларини қўллаб, улар ноҳақлигини исботлади, дейлик. Нима бўларди? Бу — нафрматни, ғазабни ва эътирозни кучайтиради.

Агар бирорининг юраги сизга нисбатан норозилик ва ёмон ниятларга тўлиб турган бўлса, бу ёруғ дунёда-ги жами мантиқлар ҳам уни сизнинг нуқтаи назарий-гизга тобе қилолмайди. Вайсақи ота-оналар, ўжар хў-жайнин ва эрлар, шулар сингари сергап хотинлар ўз қа-рашларини одамлар ҳеч ҳам ўзгартирмасликларини яхши тушуниб олишлари керак. Уларни сизнинг ёки менинг фикримга қўшилишга мажбурлаб бўлмайди. Агар жу-да мулоҳимлик ва хайриҳоҳлик билан ҳаракат қилиши-са, шундай ҳолатга эришиш мумкинdir.

Бу ҳақда юз йил аввал Линкольн шундай деган:

«Қалимги ҳаётни мақолда «Идиш...аги заҳардан кў-ра, асал томчисига қўпроқ паشا қўнади», дейилади. Бу айнан инсонларга ҳам таалтуқли: агар сиз бирорни ўз томенингизга ёғдирмоқчи бўлсангиз, аввал уни ҳақиқий дўст эканлигингига ишонтирининг. Бу дилини ром этадиган ўша асал томчиси бўлиб, унинг онгига етаклайдиган буюк йўтишиг ўзидир».

Ишибилармонлар иш ташловчиларга нисбатан дўс-тона муносабат кўрсатни билан ўзини оқлайди дегач фикрга келмоқдалар. «Уайт мотор компани» заводининг ишчи ярим мингдан ортиқ ишчи ва хизматчиси маошлилари оширилишини ҳамда ишга фақат касаба уюшмалари аъзолари олинишини талаб қилиб, иш ташлаганинида, унинг президенти Роберт Ф. Блэк ҳайратланмади, айловлар ёғдирмади, қўрқитмади ҳамда жабр-зулт ва коммунизм хусусида гапириб ўтирамади. У иш ташловчиларга хушомадлар қилди, газетада эълон чиқартириб, унда «тинчлик сақлаб ўз иш қуролларини четга қўйганилари» учун уларни мақтади. Иш ташловчилар бекор туришганини кўриб, уларга атаб йигирматача бейсбол тўни ва қўлқоп харид қилиди, уларни далала ўйнаб туришга таклиф этди. Чиллак ўйновчиларга атаб маҳсус майдонни ижарага олди.

Блэк томонидан күрсатылган бүндай дүстона муносабаттар, одатда, шу сингарн түйғулар изҳори оқибатта олиниадиган натижани берди: орада дүстона мұхаббат уйғонди. Иш ташловчилар сунурги, белкурак ва чиқинди тәшийдиган ғалтаклар топиб, завод ҳудудида сочилиб ётган гүгүрт ҳамда сигарет қолдиқлари, қофоз парчаларини йиғиширишга киришдилар. Маошлиари оширилиши учун кураш олип бораётган иш ташловчилар завод ҳудудини тозалаб юрганини тасаввур қилинг. Америка меңнат иизолариниң күп йиллик шиддатли тарихида бунга үшаш воқеа сира бўлмаганди. Бир неча ҳафтадан сўнг иш ташлаш ўзаро келишувга мувофиқ, томонлариниң розиликлари ва кўнгилхираликлариз ниҳояланди.

Оллоҳдек салобат соҳиби ҳамда Иегов сингари нутқ сўзлайдиган Даниэль Уэбстер машхур адвокатлардан бири эди, судда гапирган чогида энг ишонарли далилларини баён этаркан, уни ҳамиша қуйидаги дүстона мuloҳазалардан бошларди: «Маслаҳатчиларниң вазифаси — инобатга олишдан иборат...», «Жаноблар, бу ҳақида ўйлаб кўрса арзирди...», «Мана, жаноблар, мен ўйлашимча, сиз эътибордан четда қолдирмайдиган ўша дадиллар...» ёки «Одамзот табиати хусусида сизчалик билимга эга инсонлар ушбу далиллар аҳамиятини англашлари учналиқ қийин бўлмаса керак...». Нутқда ҳеч қандай қистов, фикрини зўрлаб бошқаларга тиқишириш учрамайди. Уэбстер майинлик, хотиржам, дүстона муносабат билан муаммога ёндашар эди-ки, бу унга манҳур бўлиб кетишига ёрдам берди.

Эҳтимол, сизга иш ташлашларни тинчтииш ёки судда нутқ сўзлашга тўғри келмас, балки туарар-жойинингиз учун ижара ҳақини камайтиришларини хоҳлаб қоларсиз. Бўнда дүстона ёндашув қўл келмасмикан? Келинг қараб чиқайлик.

О. Л. Страуб, муҳандис, туарар-жойига ижара ҳақи камайтирилишини истаркан. Уй эгаси хасис одам эди. «Ижара муддати тугаши биланоқ, уйни бўшатиб берман, деб ёзиб юбордим, — дея сўзлаб берди Страуб гуруҳ машғулотларида. — Ростини айтсан, бошқа жойга кўчишни истамасдим, ижара ҳақини пасайтирасалар бажону дил қолаверардим. Бунга илгари бошқалар ҳам уринишгац, аммо натижага чиқмабди. Менга кўпчилик бу одам билан муросага келиш жуда қийин

масала, деганди. Шунга қарамасдан ўзимга ўзим: «Мен одамлар билан муомала қилиш санъатини ўрганаяпман, билимимни қўллай-чи, фойдаси тегармикан», — дедим.

Хатимни олиши биланоқ, котиби билан ҳузурумга келди. Эшик ёнида уларни Чарльз Швабга хос кайфият билан қаршиладим. Дарҳақиқат, самимият ва ҳайратим яққол сезилиб турарди. Суҳбатни ижара ҳақи қумматлигидан эмас, унинг уйи менга жуда маъқуллигидан бошладим. Ишонаверинг, мен «мақтовда самимий ва сахий эдим». Унинг бошқариш маҳорати хусусида мақтов сўзларни изҳор қилиб, яна бир йилга қолишини жуда исташимни, бироқ бунга имконим йўқлигини айтдим.

Бошқа ижарачиларнинг бирортаси ҳам уни бу қадар қабул қилмаган экан-ки, ўзини йўқотиб қўйди, буни қандай тушунишни билмасди. Кутимаганда, ўзида рўй бергаётган нохуш ҳолатлардан гап очиб, яшовчиларнинг айримлари устидан шикоят қила кетди. Бирори унга ўн тўртта хат ёзибди, бунинг устига баъзитари ҳатто ҳақоратлардан иборат экан. Бошқаси уй эгасига юқори қаватдаги хуррак отувчи қўшнисига юра кўрмаса, ижара шартномасини йиртиб ташлаши ин айтиб, таҳдид қилган. «Сиз сингари мамнун яшовтига эга бўлиш, — деди у, — қанчалик енгиллик». Ҳейин, мен томондан илтимос тушмаган бўлса-да, ижара ҳақини пасайтириш таклифини қилди. Кўпроқ пасайтиришини истаганлигим туфайли, ўз имконимга ўғри келадиган нархни айтдим, у эътироозсиз рози ўлди.

Кетаётиб, мендан: «Хонангизни қандай таъмир гишларини истардингиз?» — деб сўради.

Агар ижара ҳақини пасайтириш учун бошқа яшовчилар қўллаган усуслни тақорлаганимда, омадим ёришмасди. Дўстона муносабат, ҳамдард бўлиш ва ззат-хурмат ютуғимни таъминлади.

Бошқа мисолни келтираман. Бу гап тақводорлар камияти аъзоларидан бири бўлмиш — Лонг-Айлендинг қумли кенгликларида жойлашган гарден-сетилик Дороти Дей хонимга дахлдор

«Яқинда бир гуруҳ дўстларим шарафига тушлик чиошибдим, — дея ҳикоя қўлади хоним, — Мен учун бу муҳим воқеа эди. Ҳаммаси силиққина ўтишини истардим. Одаётда, бундай ҳолатларда бош хизматкор

Эмиль жуда яхши күмаклашарди, аммо бу гал у уялтириб қўйди. Овқат ҳеч нарсага ярамас, Эмилнинг ўзи эса кўринмасди. Бизларга бир официантни ажратиби, биринчи даражали хизмат доирасидаги тушунчага эга эмас экан. Эътиборли меҳмонга атайн қилгандек, энг охирги навбатда хизмат кўрсатарди. Бир гал беўхшов катта идишда сельдер бўлагини элиб келди, гўшт чандир, картошка эса ёғлик эди. Бу жуда аянчли кўринарди. Жаҳлим чиқди. Анча куч сарфлаб меҳмонларга зўраки жилмайсам-да, ичимда: «Майли, Эмилни бир кўрсам, кўрсатиб қўярдим», деб ўтирадим.

Эртаси куни одамлар орасидаги муносабат муммоловари ҳақидаги маърузани тингладим. Эмилнинг таъзирини беришим қанчалик бефойда эканини тушудим. Бу уни аччиқлантириб, ранжитар, келажакда менга кўмаклашиш истагини бутуслай йўқотниши мумкин эди. Бу воқеага унинг нуқтai назари билан ёндашишга уриниб кўрдим. Маҳсулотларни у харид қилмаган ва овқатни ўзи пиширгаган бўлса. Айrim официантлар бефаросат бўлишса, нима ҳам қила оларди. Фазабим аслида, ўзимнинг қаттиққўллигим ва қизиқонлигим туфайли юзага келади. Шунинг учун уни танқид қилиш ўрининг дўстона илиқликини сақлаган ҳолда, шаънига миннатдорчилик сўзларини изҳор қитишга қарор қилдим. Эмилни янаги кун кўрдим. У ҳимояга тайёрланиб, жангга интиларди. Мен унга: «Биласизми, Эмиль, дўстларимни қабул қилаётганимла сизга суюниш имконим борлигини, бу мен учун катта аҳамиятга эгалигини ҳис этишингизни истардим. Сиз Нью-Йоркдаги энг яхши хизматкорсиз, маҳсулотларни харид қилувчи ва таомларни пиширувчи сиз эмассиз, буни яхши тушунаман, шунинг учун чоршанба кунги кўнгилсизликда сиз айбдор эмассиз», — дедим.

Эмиль жилмайиб деди: «Худди шундай, хоним, кўнгилсизлик ошхонада бўлди. Бунга айбдор эмассман».

Мен давом эттиридим: «Яна бир неча қабул маросимларини уюштироқчиман, маслаҳатнингиз керак. Ошхонангизга ишониб, яна бир бор таваккал қилсанак бўладими?»

«Шубҳасиз, хоним, бундай воқеа энди такрорланмаслиги керак».

Кейинги ҳафта мен яна тушлик уюштирдим. Таом-

номани Эмиль билан муҳокама қилдик. Ътган хатолар хусусида сүз очмасдан хизмат ҳақини унга одатдаги дан икки баравар кам тұлады.

Бизлар келганимизда стол устини иккى даста «америкалик соғибжамоғлар» атыр гүллари безаб турарды Эмиль бир дақиқага бўлса-да ёни миздан жилмади. Овқатлар хуштаъ ва иссиқ эди, хизмат иуқсонсиз бўлди. Иссиқ овқатни бир эмас, тўрт официант келтириб дастурхонга тортарди, Эмилиниг ўзи ялпизли лекер қўйди.

Кетаётганида, эътиборли меҳмасним менига қараб: «Сиз хизматкорни сеҳрлаб қўйдипнозми? Бундай хизмат, бу даражадаги эътиборни сира кўрмаганиман», — деди.

У ҳақ эди. Дўстона муносабат ва хислатларини самимий баҳолаш орқали уни сеҳрладим».

Кўп йиллар муқаддам, ҳали ялангоёқ Миссурин штатининг шимоли-ғарбидағи қишлоқ мактабига ўрмон орқали қатнаб юрган чоғларимда бир гал қуёш ва шамол ҳақидаги масални ўқидим. Улар ким кучли, дея баҳлашиб қолибдишлар. Шамол дебди: «Мен кучли эканимни сенга исботлаб бераман. Ҳов, анови плашчили қарияни кўраяпсанми? Уни плашчини ечиш га сендан кўра, мен тезроқ эришаман».

Қуёш булутлар ортига яширинибди, шамол бўронга айлангунча қаттиқ эсаверибли. У қанчалик кучли эсса, чол шунчалик плашчига кўпроқ ӯраларкан.

Охир-окибат шамол сусайибди, кейин эса бутунлай тўхтабди. Шунда қуёш булутлар панасидан чиқиб, жилмайиш билан чолга боқибди. Тез орада у пешанасидан чиққан терларни артиб, плашчини ечибди. Қуёш шамолга қараб, «саховат ва меҳрибонлик ҳар доим қаҳр-ғазаб ҳамда зўравонликни енгади», дебди.

Масал ҳақиқатининг ўзгинаси эканини амалда ўша пайтларда кўриш у ёқда турсин, орзу қилишимнинг ҳам иложи бўлмаган маориф ҳамда маданиятининг тарихий маркази Бостонда ўз исботини топганига гувоҳман. Буни 30 йилдан сўнг менинг тингловчимга айланган бостонтик шифокор доктор Б. исботлади. Доктор маивуотлардан бирнда сўзлаб берган воқеа қуийиғича бўлган.

Ўша вақтларда Бостон рўзномалари қаллоб рекламаларга тўлиб-тошганди, улар алдамчи ва лақма ши-

фокорлар эркаклар касаллигини даволашлари ҳақида бўлиб, аслида шу орқали кўплаб бегуноҳ қурбонларни «эркаклик кучининг йўқолиши мумкинлиги» ва бошқа нарсалар билан қўрқитардилар. Даволаш жараёнида ҳеч қандай тиббий ёрдам кўрсатмай уларни доимий ваҳимада сақлаш билан чегараланишарди. Бундай «шифокорларла» ўлимга олиб борадиган ҳолатлар гарчи кўп бўлса-да, уларнинг камдан-камни жазоланган. Аксарий ҳолатларда озроқ жазо билан қутуларкан.

Аҳвол шунчалик оғирлашибди-ки, Бостоннинг яхши пиятли фуқаролари ғазабга келтиб, исён кўтаришибди. Насиҳатгўйлар минбарда муштлашар, рўзномаларни фош этишар ва бундай рекламаларга чек қўйишни парвардӣгордан сўрапашкарсан. Фуқаролик ташкилотлари, ишбилармон кишилар, хотин-қизлар клублари, черковлар, ёшлар уюшмалари уларни қоралаб, лаънатлар ўқидилар. Қонунчилик муассасаларида исполкетлирувчи рекламаларни ғайриқонуний, деб эълон қилиш борасида ашаддий кураш борарди. Бироқ пора-хўрлик устун бўлиб қолаверди.

Доктор Б. Катта Бостон фаҳрий фуқаролар християнлик иғтироқи қўмитаси раиси эди. Қўмита қўлидан имми-ки келса, барчасига уринди, кураш самарасиз кетди.

Кунлардан бир куни ярим тунда, соат ўн иккidan ошганда доктор Б.нинг хаёлига бир фикр келди: ҳали ҳеч ким қўлламаган усулдан фойдаланишга аҳд этди. У эзгулик, ҳамдардлик, яхши англаш орқали ҳаракат қўлмоқчи бўлди. Хоҳишича, ноширларнинг ўзларida бундай эълонларни босишини тўхтатиш истаги туғилиши керак эди. У «Бостон геральд» газетасининг ноширига мактуб битиб, унда мазкур нашрдан қай дараҷада завқланганини билдири. Доимий муштариий сифатида у янғиликлар доимо ҳаётни тарзда берилишини, бош мақолалар энг юқори савиляда эканлигини таъкидламай ўтолмасди. Доктор Б.нинг эътирофига қараганда, бу Янги Англияning энг яхши газеталаридан ҳисобланиб, оиласиб ўқишга жуда мос экан. «Аммо, — ёзишда давом этади доктор. — бир дўстимнинг ўсмири қизи бор. Кунлардан бирда кечқурун ўша фарзанди аборт соҳаси мутахассисининг эълонини овоз чиқариб ўқиган ва отасидан баъзи жумлаларнинг маъносини гашутиришини сўрабди. Очини айтганда, у шошиб

қолибди ҳамда қандай жавоб қайтаришни билмабди. Сизнинг газетангизга Бостоннинг энг яхши хонадонлари обуна бўлишган. Агар бундай воқеа дўстимниң оиласида юз берса, демак у бошқа онлаларда ҳам бўлиши муқаррар эмасми? Агар ўзингизда ҳам ёш қиз бўлса, у шу тахлит эътолпларни ўқиши сизга маъқул тушармиди? Мабодо, ўқиганидан сўнг, изоҳлаб беришини сўраганида Сиз нима қилардингиз?

Афуски, шундай ажойиб рўзномада баъзи оталарни қизлари қўлига тушиб қолишидан чўчитадиган материаллар босилади. Бундай туйғуларни нафақат мен, балки минглаб муштарийларингиз ҳам бошларидан ке-чираётгани бўлиши эҳтимолдан холи эмасми?».

Орадап иккى кун ўтиб, ношир жавоб йўллабди. Доктор Б. бу хатин ўттиз уч йил асрабди ва уни менга бизларнинг тингловчимиз бўлганидан сўнг берди. Айни пайтда у рўпарамда турибди (санаси 1904 йил, 13 октябрь).

*Тиббиёт доктори Б. Бостон,  
Массачусетс штати.*

### *Хурматли жаноб!*

Сиздан мазкур рўзноманинг ношири сифатида менга йўллаган мактубингиз учун foят миннатдорман, чунки айнан у шу вазифага киришган пайгимдан бўён ўзим амалга ошироқчи бўлган чораларни бажаришга қатъий киришувимга туртки бўлди.

Душанба кунидан эътиборан «Бостон геральд» газетасини шубҳали эълонлардан тамомила тозаламоқчиман. Ўз хизматлари ва тавсияларини тақдим қилаётгани шифокорлар эълонлари, шунга ўхшаашлар тўласинча тўхтатилади, ҳозирча воз кечиб бўлмайдиган барча тиббий эълонлар қаттиқ таҳрир қилиниб, тўласинча беозор шакла келтирилади.

Яна бир бор ушбу foят нозик масалада менга ёрдам берган самимий хатингиз учун ташаккур билдираман.

*Самиимият изҳор қилиб Сизнинг У. Хаскелл, ношир.*

Қадимги грек масалчиси Эзоп шоҳ Крезнинг қули бўлган. Ўзининг ўлмас масалларини эрамиздан олти аср аввал ижод қилган, шунга қарамай, у айтиб ўтган

Одамзот табиати ҳақидаги ҳақиқатлар ҳозирги күнгә келиб Бостонда ҳам, Бирмешемде ҳам, бундан иккя ярим минг йил олдин Афинада бұлғаныдек, ҳаққоний-лигича қолмоқда. Қуёш плашчингизни шамолдан күра тезроқ ечиради, хайрихоұлық, масалага дүстона ёндашиш ва бирорнан аңглаш ҳақиқатдан йироқ тавак-калдаш күра, бирорнанға фикрини тезроқ ұзартыради.

Линкольннинг сүзларини эслайлик: «Асал томчисига идишдаги заҳардан күра күпроқ паشا құнади».

Шундай қилиб, түртінчі қонда:

*Аеввал бошданоқ дүстона оғанған сақладаб қолинг.*

## СУҲБАТНИНГ СИРИ

Бирор билан сұхбатлашғаңда гапни фикрларингиз бир жойдан чиқмайдыган масалалар муҳокамасынан бошламаңг. Дархол қараашлар ягона бўлган жиҳатларни ажратиб олинг, асосий эътиборни моҳият эмас, мақсадлар бир хил бўлган, иккаловингиз ҳам турли усулда шунга интилаётган масалаларга қаратинг. Сұхбатдошингиз бошидан «ҳа» деб туришига эришинг, «йўқ» дейишига имкон бермасликка ҳаракат қилинг.

«Қониқтирмаидиган жавоб, — дейди профессор Оверстрит ўзининг «Инсон хулқ-авторига таъсир қилиш» номли китобида, — ошиб ўтилиши қийин тўсиқни туғдиради. «Йўқ» дейиши биланоқ, унинг ўзига ишончи ошибб, мулоҳазалар субутли бўлишини талаб қила бошлади. Кейинчалик у гарчи «йўқ» дейиш ноўрин эканини тушунса-да, иззат-нафси билан ҳисоблашишига мажбур! Бир фикрни айтиб қўйгандан кейин ўшанга амал қилишга мажбур. Шунинг учун бошданоқ кишиларда бизга нисбатан ижобий жавоб қайтаришлига мойиллик уйғотмоғимиз керак».

Моҳир нотиқ гапининг бошиданоқ сұхбатдошини «ҳа» деб туришга мажбур қиласди. Шу билан у тингловчи миёсидаги руҳий жараён ўзига маъқул йўналишда боришига эришади. Бу билъядр шарининг ҳаракатига ўхшайди. Агар уни қандайдир бир нуқтага йўналтирасак, ҳаракат йўлини ўзгартиришга маълум даражада куч керак бўлади; орқага қайтаришга эса ундан ҳам кўпроқ зарб лозим. Руҳий муносабатдан келиб чиқилса, фикр йўналиши мутлақо равшан. Мабодо, одам «йўқ» деса, унда уч ҳарфдан иборат сўзининг ўзгинасини айтиб қолавермай, балки бундан каттароқ ишни бажарган бўлади. Бунинг бутун вужуди фаол қарама-қаршилик ҳолатига кўчади, гўёки у киши ҳатто сиздан сезиларли даражада олислаётгандек туялади. Асаб-мускул тизими қаршилик қилишга тайёр туради. «Ҳа» деган пайтларда эса ҳеч қанақа зиддиятлар юз бермайди. У очиқдан-очиқ хайриҳоҳлик билдириб, фикрингизга қўшилади. Шунинг учун сўз бошида сұхбатдошинидан «ҳа» деган сўзни қанчалик кўп

ола билсақ, шунчалық таклифимизга рози бұлишга күндиришимиз имкони кучаяди.

«Ижобий жавоблар услуби» жуда оддийдир. Шунга қарамай, унга бепарвомиз ва қадрига етмаймиз! Ҳаётда шундай бұлади-ки, гоҳо кишилар ўзларига инсабатын ғанимлік муносабатларын үйғотиб гүёки, әထтиборга сазоворман, деб үйлайдилар. Қатъий фикрли киши мұтассиблик кайфиятидаги ҳамкаслары билан бұладиған мажлисга бораётіб, уларни ғазаблантиришга ошиқади! Үмуман бу билан ишмега эришади? Агар шунчаки қониқищ ҳосил қилишни истаса, уни тушунса бұлади. Аммо шу билан бирор бир мақсадта әришмоқчи бўлса, демак рухшунослик борасыда ҳақиқиӣ нодон бўлиб чиқади.

Талабага (ёки мижозга, болага, эрга, хотинга) гапнинг бошиданоқ «йўқ» дейиншга имкон берсангиз, бу инкорни ризоликка айлантириш йўлида сизга фаришталар донишмандлиги ва сабр-тоқати керак.

Ижобий жавоблар услубиниң қўллаш Нью-Йоркдаги Гринвич жамғарма банки хазиначиси Джеймс Эберсонга сал бўлмаса, юз ўғириши мумкин бўлган янги омонатчи мижозни сақтаб қолиш имконини берибди.

«Бир киши ҳисоб рақами очишга келди, — хикоя қиласиди Эберсон, — ва мен унга тўлдириш учун бланка узатдим. Бир хил саволларга бажонидил жавоб қайтарди, қолганларидан эса қатъий бош тортди.

Одамлар ўртасидаги муносабатлар муаммоларини ўрганмасимдан аввалроқ учраганида эди, унга агар керақли маълумотларни беришни истамаса, ҳисоб рақами очолмаслғимизни айтардим. Илгари айнан шуңдай қилиб ўрганилгимдан ҳозир уялиб кетаман. Мижозга бундай қатъий талабни қўйиб, табиийки ўзимни устун ҳис этардим. Унга бу ерда ким ҳўжайинлиги ва қоидаларимизни менсимаслик мумкин эмаслигини уқтиromoқчи бўлардим. Бундай муносабатлар мижозимиз бўлишни мақсад қилиб келган одамларга ўзларининг әထтиборга муносиб эканлигини англайларини, уларни кўришдан 'мамнунлигимизни на-мойиш қилишга йўл бермасди.

Шу куни эрталаб бироз соғлом фикрга суюнмоққа интилдим. Мен гапни банк истаган нарсадан эмас, балки мижозимиз ҳоҳишидан келиб чиқиб бошлашга ва аввалданоқ унинг «ха» дейиншига эришмоққа қарор қилдим. Шу сабабли унинг фикрига қўшилиб, жа-

воб қайтаришдан бosh тортган маълумотлар ҳақиқатан ҳам умуман зарур эмаслигига рози эканимни билдиридим.

«Айтайлик, — дедим мен, — сизнинг ўлимингиздан кейин ҳисоб рақамингизда маълум миқдорда пул қолади. Банк уни қонуний ҳуқуқга эга бирор бир яқин қариндошингиз ҳисоб рақамига ўтказишини истармидингиз?»

«Ҳа, албатта», — жавоб қайтарди у.

«Мабодо, яқин қариндошларингиз номларини айтсангиз, — давом эттиридим, — назарингизда, дунёдан кўз юмганингизда, хоҳишингизни ижобат этишимизга фойдали бўларми?»

«Ҳа», — яна такрорлади у.

Ушбу маълумотларни ўзимиз эмас, балки унинг манфаатлари учун сўраётганимизни анлаганидан кейин мижознинг кайфияти яхшиланди. Банкдан чиқиб кетиши олдидан бу навқирон йигит нафақат ўзи ҳақида барча маълумотларни берди, балки онасининг номига ишонц рақами очди ва шунга тегишли барча саволларга жавоб қайтарди.

Шуни тушуидик-ки, аввал бошиданоқ мен уни «ҳа, ҳа» деб жавоб беришга ишонтирганимдан, у баҳс мавзусини унутиб, маслаҳатлариминг барчасини бажонидил бажарди».

«Менинг ҳудудимда компания ўз маҳсулотини харид қилишни жудаям истаган бир киши бор эди, — дея ҳикоя қиласи «Вестингхауз» фирмасининг сотувчиси Жозеф Эллисон. — Олдинги ўтмишдошим ўн йил давомида унга кўп қатнаса-да, ҳеч нарса сотолмабди. Бу ҳудуд менга ўтганидан сўнг унинг ҳузурига уч йил астойдил кириб-чиқсан ҳам бирорта буюртма олишга муваффақ бўлмадим. Охир-оқибат ўн уч йиллик қатнов ҳамда мунозаралардан кейин унга бир неча мотор сотишга эришдик. Агар мижоз бизнинг маҳсулотдан мамиун бўлса, яна бир неча юз дона моторга буюртма оламиз, деб ҳисоблаган эдим.

Наҳот нотўғри фикр юритибман? Мен моторларимиз рисоладагидек эканини билардим. Шунинг учун ҳам унинг олдига уч ҳафтадан кейин бораётганимда кайфиятим яхши эди, бироқ бу узоқ чўзилмади, чунки бош мухандис мени қўйидаги эътирози билан қарши олди: «Эллисон, мен қолган моторларни сиздан сотиб ололмайман».

«Нега? — ажабланиб сүрадим мен. — Нега?»

«Чунки сизнинг моторларингиз жуда қизиб кетади, уларга қўл теккизиб бўлмайди».

Баҳслашишдан маъни йўқлигини билардим, шунда хаёлимга «ҳа» деган жавобни олиш учун нима қилиш им керак, деган фикр келди.

«Менга қаранг, жаноб Смит, — дедим мен. — Фирингизга қўшиламан. Агар бу моторлар жуда қизиётган бўлса, уларни сотиб олмаслик керак. Сизларга қизиши ҳарорати электротехника саноати миilliй уюшмаси белгилаган стандартдан ошмайдиган моторлар керак, шундай эмасми?»

У рози бўлди, мен эса ундан биринчи «ҳа» жавобини олдим.

«Стандартда моторнинг қизиш даражаси хона ҳароратига боғлиқ равишда Фаренгейт бўйича 72 дараҷадан ошмаслиги кўзда тутилган. Бу тўғрими?»

«Ҳа, — рози бўлди у, — бу мутлақо тўғри. Бироқ моторларингиз ундан анча зиёд қизимоқда».

Мен баҳслашиб ўтирмасдан сўрадим: «Сизнинг цехингизда ҳарорат қанчада?»

«Цехда — деди у, — Фаренгейт бўйича 75 дараҷа атрофида».

«Буни қаранг, — дедим мен, — агар цехда 75 ҳарорат дараҷа экан, бунга 72 дараҷани қўшсангиз, ҳаммаси Фаренгейт бўйича 147 дараҷа бўлади. Мабодо, Фаренгейт бўйича 147 дараҷалн сув тагига қўлингизни тутиб турсангиз куйдириб қўймайсизми?»

Унга яна «ҳа» дейишга тўғри келди.

«Моторларга қўл теккизмаслик маъқул эмасмикан?»

«Ҳа, эҳтимол сиз ҳақсиз», — тан олди у. Биз яна бир неча дақиқа гаплашиб турдик, кейин у котибасини чақириб қўшимча равишда тахминан 35 минг долларлик буюртма берди.

Мижоз билан баҳслашиш беҳудалигини тушуниш, нарсаларга унинг назари билан қараш ва унга, сўзни айттириш анчагина фойдали ва қизиқарли эканлигини англашимга умримнинг кўп йилларини сарфладим ҳамда шу туфайли минглаб долларлик буюртмаларни лўқотдим.

«Афинанинг сўнаси» деб ном олган Суқрот яланг оёқ юрганига ва ёши қирқа кириб, соchlари тўкилтанига қарамай, ўн тўқиз ёшар қизга уйланган бўлса ҳам ажойиб инсон экан. У одамзот тафаккур жараё-

нини тубдан ўзгартириб, инсоният тарихида қамдан кам кишилар бажарган ишнинг удласидан чиқди. Ва-фотидан сўнг йигирма уч аср ўтса-да унинг номи бу баҳслашув балосига гирифтор дунёмизда кўндиришсанъати билан таъсир кўрсатган файласуфлар орасида доноларнинг доноси сифатида тилга олиниади.

Услуби қандай? Одамларга уларниң ноҳақликла рини айтганмикан? О, йўқ, айнан Суқрот бунинг учун жуда ақлли бўлган. Унинг қарashi ҳозирги кунда «Суқротнинг услуби» деб танилган, бу сұхбатдошдан ижобий жавоб олишга интилишга асосланган. У шундай саволлар берарди-ки, рақиби фикрига қўшиларди, шундан сўнг ҳам ҳақлигини яна ва яна тан олдиришга эришарди. У сұхбатдоши бундан бир печа дақиқа илгари астойдил инкор этиб турган фикрига беихтиёр зид жавоб қайтаришга мажбур этадиган кўпдан кўп саволлар беришда давом этаркан.

Кишига у ноҳақлигини айтиш истагингиз ўлгудай қистаб қолса ҳам қари ялангоеқ Суқротни эслайлик ва сұхбатдошимиздан «ҳа» жавобини олгунча савол берайлик.

Хитой донишмандлари шундай дейишган: «Қадами-ни секин-аста босган одам ўз йўлида узоққа боради».

Доно хитойликларга одамзот табиатини ишғол этиш учун беш минг йил лозим бўлган.

Шундай қилиб, бешинчи қоида:

*Сұхбатдошингизни сизга дарҳол «ҳа» деб жавоб бериниша мажбурлай олинг.*

## ШИКОЯТЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШДА НАЖОТБАХШ ЙЎЛ

Кўпчилик кишилар бошқаларни ўз нуқтаи назарла-рига ундаш мақсадида ҳаддан зиёд гапиришади. Савдо агентлари кўпинча шундай хато йўлдан боришади. Бошқа кишига ўз фикрларини батафсил баён этишига имкон беринг, ўз ишлари ва муаммоларидан сиздан кўра ўзи кўпроқ хабардор, шунинг учун унга фақат саволлар бериб туринг.

Мабодо, фикрига қўшилмасангиз-да унинг гапини бўлиш истаги туғилса, бундай қилманг. Бу хавфли. Ўз гоялари заҳирасини тўласинча тўкиб солмагунича сизга эътибор бермаслиги ёдингиздан чиқмасин. Шу боис уни сабр-тоқат билан тингланг, самимнят кўрсатинг, унга фикрларини батафсил баён қилишга имкон беринг.

Ишга доир муносабатларда бундай усул ўзини оқлармикан? Келинг, қараб чиқайлик. Мана мисол.

Бир неча йил муқаддам АҚШнинг йирик автомобиль фирмаларидан бирни йиллик эҳтиёжлари учун қоплама материалларга катта буюртма юзасидап мунозара олиб борди. Учта етакчи тўқимачилик фабрикаси газлама намуналарини тайёрлади. Автомобиль компанияси раҳбарлари улар билан танишиб чиққач, ҳар бир етказиб берувчига ўзининг шартнома юзасидан мурожаатини асослашга фалон кун якунловчи нутқ сўзлашига имкон берилишини айтишиди.

Тўқимачилик фирмаларидан бирининг вакили Дж. Б. Р ўткир томоқ оғриғи хасталигига қарамасдан белгиланган жойга етиб келди. «Маъруза қилиш навбатим етганида, — дейди Р курс тингловчилари ҳузурида сўзга чиқиб, — мен овозимни йўқотдим ва шивирлаб зўрга гапирдим. Мени залга таклиф қилганларида газ ламалар бўйича мутахассис, савдо агенти, тижорат директори ва компания президенти билан юзма-юз бўлдим. Нутқ сўзлашига мардонавор киришдим, аммо овозим «ийиллаб чиқди.

Барча иштирокчилар бир стол атрофида ўтиришарди ва мен ён дафтаримга шундай ёздим: «Жаноблар! Мен овозимни йўқотиб қўйдим ва гапира олмаяпман».

«Мен сиз учун гапираман», — деди президент. Ва, шундай қилди. У мен келтирган намуналарни курсатди, ижобий жиҳатларини алоҳида таъкидлади. Газламаларимнинг маъқул хислатлари юзасидан қизғин мунозара қўзғалди. Президент ўрнимга гапиргани учун ҳам менинг томонимда турди. Иштироким эса жилма-йишм, бошимни силкитишим ва баъзан имо-ишора қилишидан иборат бўлди.

Ушбу ноёб кенгаш натижасида илгари ҳеч қаочон ололмаган энг катта 1600 минг долларлик 500 минг метр қопламабон газлама етказиб бериш битимини қўлга киритдим.

Агар касал бўлмаганимда, ишончим комилки, бундай битими니 бой берардим. Тасодиф туфайли бирорга гапиришга имкон бериш нақадар фойдали бўлишини билиб олдим.

Филодельфия электротехник компаниясининг ходими Джозеф С. Уэбб ҳам шунга ўхшаш кашфёт қилибди. У қандайдир назорат сафари билан Пенсильвания штатининг қишлоқ жойларида бўлиб тумайлар, гуллаб-яшнаётган фермерларнинг истиқоматгоҳлари билан танишибди.

Яхши қарашилган фирмалардан бирининг ёнидан ўтаётганларида у компаниянинг маҳаллий вакилидан: «Бу одамлар нега электрдан фойдаланмайдилар?» — деб сўрабди.

«Булар жуда хасис, бирор нарса сотолмайсан, — деб адоват билан жавоб берди вакил, — бундан ташқари улар компаниямизга тиш қайраб юришибди. Мен уриниб кўргандим. Бу беҳуда иш».

Эҳтимол шундай бўлгандир, аммо Уэбб, барибир ҳаракат қилиш лозим деб, турар-жойлардан бирининг эшигини тақиллатди. Эшик осонгина очилди ва ундан кекса Друженброд хоним кўринди.

«Компания вакилини кўриши биланоқ, — деди Уэбб шу воқеа тўғрисида гапирапкан, — бетимизга эшикни ёпди. Мен яна тақиллатим ва у такроран эшикни очди, бироқ эпди бизлар ва бизнинг фирмамиз ҳақида барча ўйлаганларини айтмоқчи бўлган экан».

«Друженброд хоним, — деб сўзини бўлдим мен, — бузовта қилганимиз учун кечиринг. Сизни электр ўт-

казишга күндириш мақсадида көлмаганман. Мен ту-  
хум сотиб олмоқчи әдим».

У эшикни кенгроқ очди ва бизларга шубҳаланиб ти-  
килди.

«Доминик зотли ажойиб товуқларингиз борлигини  
кўрдим, — дедим, — янги тухумлардан анчагина ол-  
моқчиман».

Эшик яна ҳам кенгроқ очилди. «Товуқларимнинг  
зоти доминик эканини қаердан билдингиз?» — деб сў-  
ради у қизиқиш билан.

«Ўзим товуқчилик билан шуғулланаман, — жавоб  
бердим мен. — Шуни айтишим керак-ки, товуқларинг  
бундай яхши зотини кўрмадим».

«Унда нега энди ўз товуқларингиз тухумларини иш-  
латмайсиз?» — деб қизиқиб сўради у яна бироз шуб-  
ҳаси ошиб.

«Негаки, леггорнларимнинг тухумлари оқ рангидир.  
Сизга маълумки, торт пиширишда малла ранг тухум-  
нинг тенги йўқдир».

Айни дақиқага келиб, Друженброд хоним беихтиёр  
остонадан ўтганди, кайфияти ҳам анча кўтарилди. Шу  
вақт мен атрофга назар ташладим ва ихчам молхона-  
ни кўриб қолдим.

«Дарвоқе, Друженброд хоним, — давом эттиредим мен,  
— гаров бойлайман-ки, товуқларингиз келтирадиган  
фойда, эрингизнинг молларидан топадиганидан ошиб  
гушади».

Ана холос! Бу гап уни яна жонлантирди. Шодланиб  
муваффақиятлари ҳақида сўзлай бошлади. Афсуски,  
буни қари тўнка эри сира тан олмас эмиш.

У товуқхонасини кўришга таклиф қилди; айланиш  
чоғида у амалга оширган айрим майдага такомиллаш-  
тиришлар кўзимга ташланди ва «баҳолашда соғдил,  
мақтовда сахий» бўлдим. Унга емишларинг бир неча  
турларини тавсия қилдим ва ҳарорат тартибини ўз-  
гартиришни маслаҳат бердим, шунингдек, бир қатор  
масалалар бўйича фикрини сўрадим; тез орада бизлар  
қониқиши билан ўзаро тажриба алмашдик. Мутлақо  
гасодифан у баъзи қўшинилари товуқхоналарини электри-  
лаштиришганини, бу ажойиб натижага бераётганини таъ-  
киллади. Мендан, агар худди шундай қилсан арзирми-  
кан, деб ростини айтишимни сўради..»

Ярим ой ўтгач, Друkenброд хонимнинг товуқлари электр чироқлари ёргулигига роҳатланиб қақиллаб, ем титарди. Мен ўз буюртмамга эга бўлдим, у эса кўпроқ тухум ола бошлади. Барча мамнун, ҳеч ким ютқазмади.

Агар пенсильваниялик голланд-фермерга бошданоқ электр токини ўтказиш тўғрисида ўзи оғиз очишига имкон бермаганимда эди, унинг бу тўғрида розилиги ни олишга ҳеч қачон эришмасдим!

Бундай одамларга бирор нарса сотиб бўлмайди, улар сотиб олишни хоҳлашлари лозим.

Яқинда «Нью-Йорк геральд трибюн» газетасининг молия саҳифасида одатдан ташқари қобилиятлар ва тажрибага эга мутахассис таклиф қилиш хусусида катта эълон пайдо бўлди. Манзил ўрнига почта қутиси-нинг рақами кўрсатилганди. Эълонга Чарльз Кубеллио жавоб бериди. Бир неча кундан кейин уни суҳбатга чақирибди. Учрашувга боришдан олдин у ушбу фирмага асос солган одам ҳақидаги маълумотларни йигиши мақсадида кўп соатини Уолл-стритда ўтказибди. Суҳбат давомида шундай дебди: «Сизнинг бундай катта ютуқларга эришган ташкилотингизда ишласам, бoshim кўкка етарди. Билишимча, 28 йил аввал битта ишхона ва битта стенографистка билан иш бошлаган экансиз. Шу ростми?»

Муваффақиятга эришган деярли ҳар бир одам бўсиб ўтган қийинчиликлари хусусида әслашни хуш кўради. Бу киши ҳам бундан холи эмас. Тўрт юз эллик доллар нақд пул ва ажойиб ғоядан бўлак ҳеч нарсасиз иш бошлагани ҳақида узоқ ҳикоя қилди. Қандай қилиб ўзига йўл очиб олганини, қай йўсинда уни йўлидан қайтармоқчи бўлганлари ва масхара-лашганини, кунига 12—16 соатлаб байрам ва якшанба-ларсиз ишлаганини; охир-оқибатда барча қийинчи-ликларни енгигиб, муваффақиятга эришганини ҳамда ҳозир Уолл-стритнинг йирик ишбилармонлари унга ахборот олиш мақсадида ва маслаҳат сўраб мурожаат қилаётганиларини хотирлади. У таржимаи ҳоли билан фахрланар ва буни ҳаяжонланиб гапиради. Ни ҳоясида Кубеллистан охирги иши тўғрисида қисқача сўрагач, ўзининг муовинларидан бирини чақиритириб айтди: «Бизларга айнан шу одам керак, деб ҳисоблайман!».

Кубеллис бўлажак хўжайинининг муваффақиятлари ҳақида эринмай маълумотларни тўплабди. У суҳбатдошига ҳамда унинг муаммоларига қизиқиш билдириди, кўнглига сиққанича гапириб олишга имкон берди ва албатта яхши таассурот қолдириди.

Ҳақиқатнинг илдизи шундаки, ҳатто дўстлар ҳам муваффақиятнинг ҳақида тинглашдан кўра, ўзлариники ҳақида сўзлашни афзал кўради.

Француз файласуфи Ларошфуко айтган экан: «Агар душманларим кўпайсин десангиз, дўстларингиздан устун келинг; аммо дўстларим кўпайсин десангиз, унда улар сиздан устун келсинлар».

Бу шунинг учун адолатли-ки, агар дўстларимиз биздан устун келишса, ўзларининг эътиборга муносибликларини ҳис қилишади; агар биз устунлик кўрсатсак, дилларини нолойиқлик ҳамда қарамлик ҳиссиёти чўлғайди.

Немисларда бир мақол бор: «Шодликнинг энг софи—бу биз ҳасад қиласидиган кишиларнинг баҳтсизлигини кўргандаги хурсандчилигимиз».

Кўпгина дўстларингиз, эҳтимол ютуқларингиздан кўра, сизни изтиробга солаётган кўнгилсизликлардан катта қониқиши ҳис этишлари мумкинлигига ишонинг. Шунинг учун келинг, ютуқларнинг ваҳима қилмайлик, камтарлик кўрсатайлик. Бу ҳамиша хатосиз таъсир кўрсатади. Эрвии Кобб тўғри усул қўллади. У гувоҳ сифатида сўзлаётганида бир ҳуқуқшунос савол бериди: «Жаноб Кобб, билишимча, сиз Американинг энг машҳур ёзувчиларидан бирисиз. Шу тўғрими?»

«Назаримда, ўзим муносиблигимдан кўра, зиёдроқ омадга сазовор бўлганиман» — деб жавоб қилибди Кобб.

Бизлар камтар бўлишимиз керак, акс ҳолда сиз мен кўпроқ эътибор қозонмаймиз. Барчамиз бу дунёни тарк этамиш ҳамда юз йиллардан кейин мутлақо унтиламиш. Бошқаларга майда ютуқлар ҳақида гапириб, безор қилиб ўтиришимизга умр жуда ҳам қисқалик қилади. Яхиси, бунинг ўрнига бошқаларни гапиришга рафбатлантирайлик. Яхшилаб ўйлаб кўрсангиз, нима билан мақтанардингиз. Аҳмоқ бўлиб қолишингизга нима тўсқинлик қилишини биласизми? Арзимаган нарса, атиги қалқонсимон безингиздаги оз миқдордаги йод, холос. Агар жарроҳ қалқонсимон безингизни очиб, ун-

дан озгина йодни олиб ташласа, сиз ақмоққа айланишингиз турған гап. Озгина йод — сиз билан руҳий касалхона оралиғида турған нарса. Күриниб турибдики, бу билан унчалик мақтанолмайсиз?

Шундай қилиб, олтинчи қонда:

*Вақтнинг күп қисмида сұхбатдошиңгиз гапирсін.*

## **ХАМКОРЛИККА ҚАНДАЙ ЭРИШИЛАДИ**

Барчага аёнки, кумуш патнисда тақдим этилган ғоялардан кўра, ўз миямизда туғилганига қўпроқ ишонамиз. Агар шундай бўлса, ўз фикримизни бировларга зўрлаб тиқишириш ақлданми? Суҳбатдошимизга ишоралар воситасида таъсир кўрсатиб ва унга тегишли хулоса чиқариш ҳуқуқини қўйп берсак маъқулроқ эмасми?

Мисол: курсларим тингловчиси филодельфиялик Адольф Селтц кутнлмагандан автомобиль сотини бўйича қарши фаолият кўрсатётган гуруҳда тескарисига иш тутиш иштиёқини уйғотиш заруриятига дуч келибди. Ходимларни йиғилишга тўплаб, ўзидан нима истаётганиларни муфассал баён қилиб беришларини сўрабди. Имкони борича айтилганларни бўр билан таҳтага ёзибди. Кейин уларга дебди: «Мендан кутаётганиларингнинг барчасини бажараман. Энди сизлардан ишмалар талаб қилишга ҳақли эканлигимни айтишларингизни истардим». Куттирмасдан жавоблар кетма-кет ёзилди: инсофилик, ҳалоллик, ташаббускорлик, ишонч, саккиз соатлик иш куни. Бир ходим кунига ўн тўрт соат ишлаш истагини билдириди. Маслаҳатдан сўнг кайфияг тетик бўлиб, янги фикрлар туғилди ва Селтцнинг менга айтишича, сотиш кескин ўсган.

«Ходимларим мен билан маънавий шартномага ўхшашибитим туздилар, — дейди Селтц, — ва ўзимга тегишилсини бажарар эканман, улар зиммаларига олган мажбуриятларига қатъий риоя қилиб турдилар. Мақсад ва интилишларни биргалашиб муҳокама қилишимиз муҳим маънавий рағбатлантириш эди».

Бирорвга бир маҳсулотни зўрлаб тиқишириш ёки ниша қилиши кераклигини кўрсатиш ҳеч кимга хуш келмайди. Барчага хариди ўз хоҳиши асосида бўлгани ёқимли туюлади. Биз истакларимиз, эҳтиёжлар ва қарашларимиз инобатга олинишини яхши кўрамиз.

Юджин Уэссон билан бўлган воқеани мисол келтирайлик. Ушбу ҳақиқатни ўзлаштириб олганингача комис-

сион ажратмаларга минглаб долларларни бериб юборди. Уэссон безовчиларга чизмалар тайёрловчи студияларга ва тўқимачилик корхоналарига андозалар сотарди. У уч йил давомида ҳар ҳафта Нью-Йоркдаги амалий санъат бўйича етакчи мутахассислардан бирининг хузурига қатнарди. «У мени қабул қилишдан бирор марта воз кечмасди, — тушунтириди Уэссон, — лекин бирор нарсамни сотиб ҳам олмади. Ҳар доим келтирган анда-заларимни эътибор билан қараб чиқар ва айтарди: «Йўқ, Уэссон, менимча бизлар бугун бир-биримизни тушиумаямиз».

Кўплаб омадсизликлардан сўнг Уэссон қандайдир руҳий кўникума асири эканини англабди. Шу фурсатдан эътиборан ҳафтанинг бир оқшомини инсон хулқ-авторига қай йўснида таъсир кўрсатниш, қандай қилиб янги ғояларни топниш, қайси йўл билан кўтаринкиликка эриншишини ўрганишга бағишлиашга қарор қилибди. Кунлардан биррида хаёлига янги услубни амалда қўллаш фикри келибди. Ишлаб ҳали ниҳоясига етмаган бир қанча чизмаларни олиб, ўша мижозининг ҳузурига шошилибди. «Олдингизга мендан хизматингизни аямайсанз, деган умидда келгандим, — деб бошлабди у. — Мана ишлаб тугаилмаган бир неча лойиҳалар. Агар маслаҳатингизни дарниф тутмасангиз, уни сизга фойдаси тегадиган даражада қилиб ниҳояласак».

Мижоз бироз сукут сақлаб, лойиҳаларни кўздан ке-чирди-да, кейин: «Ўэссон, уларни менга қолдиринг, бир неча кундан кейин келинг», — деди.

Уэссон уч кундан сўнг келди, керакли кўрсатмалар берилгач, лойиҳаларни студияга олиб борди, бу ерда уларни буюртмачининг гоясига мувофиқ ниҳоясига етказишибди. Натижা қандай? Уларнинг барчаси қабул қилинибди.

Бу воқеа тўққиз ой муқаддам юз берган. Ушандан бўён мижоз ўз ғоялари асосида тайёрланган ўнлаб лойиҳаларга буюртма қилди, Уэссоннинг комиссion кўриннишидаги соф даромади бир минг олти юз долларни ташкил этди. «Энди йиллар давомида ушбу мижозга ҳеч нарса сота олмаганинг сабабини тушундим, — дейди Уэссон. — Фикримча, ўзимга керак деб билган нарсаларни сотиб олишини ундан талаб қиларканиман. Ҳозир эса аксинча иш тутаман. Уни гояларини менга беришга руҳлантираман. Айни пайтда унда чизмаларни

үзи бажараётгандек ҳиссиёт пайдо бўлмоқда. Бу ҳақиқатан ҳам шундай. Энди мен унга сотмасам ҳам бўлади. Ўзи харид қиласкеради».

Нью-Йорк штатининг губернатори бўлган чоғларида Теодор Рузвельт ҳайратда қолдирадиган натижаларга эришган. У йирик сиёсатчиларга ўта хуш келмайдиган ислоҳотларни амалга оширса-да, айни пайтда улар билан самимий муносабатини сақлаб қолаверар экан. Унга ана бундай йўсинда эришибди.

Бўшаган бирор муҳим лавозимни тўлдиришдан олдин тавсияларини тинглаш учун йирик сиёсатчиларни таклиф қиласкан. «Аввалига, — ҳикоя қиласди Рузвельт, — улар ўз партияларидаги истеъоди билан бошиқалардан фарқи йўқ бирор омади юришмаган, бироқ «ғамхўрлик» кўрсатилиши лозим бўлган одамнинг номзодини кўрсатардилар. Бундай шахсни жамоатчилик маъқулламайди, бу ярамайдиган сиёсий юриш, дея жавоб қайтарардим.

Кейин улар бошқа шунга ўхшаш қолипдан чиққан, ёмон деб ҳам, аммо яхши деб ҳам таърифлаб бўлмайдиган учига чиққан мансабдор одамни тавсия қилас әдилар. Одатда жамоатчилик бошқача тоифадаги одамни кутмоқда, дея эътиroz билдириб, улардан ушбу лавозимга янада маъқулроқ одамни излаб топишларини сўрар эдим.

Учинчи бор қўйилган талабларга деярли мос одамни тақдим қиласкан.

Мен миннатдорчилик билдириб, яна бир уриниб кўришларини сурадим. Бу гал шундай одамнинг номзодини кўрсатдилар-ки, ўзим ҳам ўшаларни танлаган бўлардим. Ёрдамлари учун ташаккур билдириб, лавозимга мен айнан ўша номзодни тайинлаб, ушбу танловни ўзларининг хизмати, деб ҳис этишларига имкон яратдим».

Рузвельт ҳар қандай йўл билан ҳамсуҳбатларини вазиятдан чиқаришга интилгани, фикрига эътибор уйғотишга эришгани ёдингиздан чиқмасин. Рузвельтга бирор кишини муҳим лавозимга тайинлаш тўғри келиб қолса, у сиёсий етакчиларга мазкур раҳбарни ўз ташабbusлари билан танлаганлик фикрини сингдиради.

Лонг-Айленддаги автомобиллар савдо-сотни билан шуғулланувчи бир киши щотландиялик эр хотинларга

минилган автомобилини сотишда шу услубни құллаган экан. У харидорга автомобилларни навбатма-навбат күрсатар экан, ҳар доим нимадир миңозга маъқул тушмас эди. Бири дидига ёқмас, бошқаси носоз чиқарди. Учинчисининг нархи ҳаддан зиёд баланд эди. Шунда курсларим тингловчиси бұлған савдогар аудитория-дагиларга ёрдам сүраб мурожаат қылды.

Биз автомобилни шотландиялыкка сотишга ҳаракат қилиш үрнига, унинг үзіда сотиб олиш истагини үйғо-тиш кераклигини маслаҳат бердик. Биз унга харидорга нима қилиш кераклигини күрсатманг, яхшиси үзи нима қилиш кераклигини айтсии, дедик. Қолаверса, со-тиб олишғоясі үзидан чиққандек туолаверсин.

Бу соғлом фикрдек күрінади. Бир неча кундан кейин бу услубни сотувчимиз тажрибада синааб күрди, миңозла-ридан бири эскирган автомобилини сотиб, янгироғыны харид қымоқчи эди. Савдогар ушбу униққан автомо-бил харидорга хуш келишини биларди. Телефон орқали құнғироқ қилиб, қарз сифатида бир келиб маслаҳат бе-ришини сүраді

Шотландиялык келганидан сұнг, савдогар шундай мурожаат қилибди: «Сиз тажрибали харидорсиз ва автомашиналар нархини тушунасиз. Эхтиром күрсатиб ушбу автомобилни күриб чиқиб, синааб, кейин менга уни олишим, сұнгра сотишімда маъни бор ёки йұқлигини айтиб беролмайсизми?».

Шотландиялыккінг чехрасида табасум пайдо бўлди. Охир-оқибат унинг маслаҳати керак бўлиб, тажрибаси тан олинди. У автомобилга миниб, Қироллар хиёбони бўйлаб Ямайкадан ўрмонзор тепаликларигача бориб қайтди.

«Агар бу машинани уч юз долларга олсангиз, — деди у, — бу фойдалы тұхтам бўлур эди».

«Мен шу нархда олсам, сиз ўзингиз уни ушбу сум-мада сотиб олармидингиз?» — дея масалага аниқлик кирилди, савдогар. Бўлмасам-чи, бу айнан үзи ўйлаган ва белгилаган нарх-ку. Дарҳол битим тузилди.

Худди шундай психологик усулни Бруклиндаги йирик шифохоналардан бирига үз маҳсулотини сотиш илинжи-да юрган рентген ускуналари фабрикасининг эгаси ҳам құллади. У ерда Америкадаги энг яхши рентген бўли-ми жойлашадиган янги бино қурилаётган экан. Ушбу бўлим мудири доктор Л. ни үз корхоналари ишлаб чи-

қараётган ускуналарни мақтаган савдо агентлари қуршаб олишибди.

Бироқ, фабрика эгаларидан биттаси иисон ички ҳолатининг билимдени сифатида бошқаларга нисбатан топқырлик қилибди. У доктор Л.га шундай мазмунда мактуб йўллади:

«Бизнинг завод яқинда рентген ускуналарининг янги турини ишлаб чиқарди. Ушбу туркумнинг дастлабгисини шу кунларда олдик. Улар жуда мукаммал эмаслигини биламиш ва уни такомиллаштироқчимиз. Шу боис — агар вақт топиб маҳсулотимизни кўздан кечириб ва уларни Сизнинг соҳангиздаги мутахассислар талабларига жавоб берадиган даражага етказиш йўлларини айтсангиз, бизлар багоят миннатдор бўйлардик. Билан, жуда бандсиз, шунинг учун машинамни Сизга қулагай вақтда жўнатсан, мамнун бўйлардим».

«Ушбу мактубни олиб ҳайрон бўлдим, — деди машғулот пайти бу воқеани эсларкан доктор Л. — Айни пайтда ҳайратландим ва лол бўлдим. Шу вақтгача рентген ускуналари фабрикаси эгаларидан бирортаси маслаҳатимни сўраб мурожаат қилмаган, ўзимнинг эътиборга муносиблигимни ҳис этмагандим. Яқин ҳафталарда ҳар кеч бандлигидан, мен ушбу ускуналар билан танишиш мақсадида ишга доир учрашувларнинг биридан воз кечдим. Уни қанчалик диққат қилиб ўргансам, шунчалик менга маъқул туshawерди.

Ҳеч ким ударни менга сотмоқчи эмасди. Шуни ҳис этдим-ки, уларни шифохонамиз учун харид қилиш фикри айнан мендан чиқиши керак эди. Уларнинг ажойиб сифати мени ром этди ва шу ускуналарни ўрнатишига буюртма бердим».

Вудро Вильсон Оқ уйга эгалик қилган даврда миллий ва халқаро доирадаги ишларда полковник Эдвард М. Хаузнинг таъсири жуда ҳам кучли бўлган. Вильсон маҳфий маслаҳатлар борасида маҳкамасининг бошқа аъзоларидан кўра, кўпроқ полковник Хаузга мурожаат қиласкан.

Нега шу ҳол юз берди? Бу бизларга Хауз шу хусусда Артур Д. Хауден Смитга, сўзлаб берган, Смит эса Хаузнинг гапларини ўзининг «Сатердей ивнинг пост» газетасида чоп этилган мақолосидан маълум бўлди.

«Президент билан тәнишганимдан сүнг, — дейди Хауз, — унинг эътиборини бирор фикрга жалб этиш — шу фикрни унга шунчаки ўнг келганида эътиборини тортадиган даражада билдиридим ва бу тўғрида ўйлаб кўришига эришмоқчи бўлдим. Биринчи марта бу тасоди-фий натижа берди, Оқ уйда ишлаганимда, унга назаримда ўзи маъқулламайдиган нарсани таклиф этдим. Аммо, бир неча кундан кейин тушлик пайти мен билдириган ғояни худди ўзиникидек баён этаётганини ҳайратланиб эшишиб қолдим».

Хауз унинг сўзини «Бу фикр сизники эмас, меники», деб бўлгандир, деяпсизми? Йўқ, Хауз жуда ҳам доно бўлиб, сира шуҳрат кетидан кувмасди. Унинг учун натижа муҳимроқ эди. Шу боис Вильсонга бу фикрни ўзлаштиришга имкон берди.

Бизлар эртага муомала қиласидиган одамлар Вудро Вильсон сингари хислатларга эга инсонларга ишимиз тушишини унутмаслигимиз керак. Шунинг учун Хауз қўллаган услугга суюнайлик.

Бир неча йил аввал Нью-Брансуиклик киши ушбу услубни менгә нисбатан қўллади ва унинг мижозига айланишимга эришди. Ушанда мен у ерда балиқ овла-моқчи ҳамда кичик қайиқда сайр қиммоқчи бўлгандим. Шу боис сайёхлик идорасига бу тўғрида батафсил маълумот сўраб, ёзма мурожаат қилидим. Ушбу идора босиб чиқарадиган рўйхатга исм ва фамилиям бўлажак мижоз сифатида киритилди, мени эса ҳар хил сайёхлик лагерлари чиқарадиган ўнлаб мактублар, китобчалар ҳамда босма мулоҳазаларга кўмиб ташлашди. Мен гангид, қайси бирини ташлашни билмай қолдим. Шу пайт оромгоҳлардан бирининг эгаси ақл билан иш тутибди. У менга бу манзилда дам олиб кетган нью-йоркликлардан бир нечтасининг рўйхати ва телефонларини юбориб, улардан дам олган жойларидаги шароитлар ҳақида шахсан сўраб-суриштиришимни, мижозларга нимани таклиф этиши мумкинлигини аниқлашимни маслаҳат берибди.

Рўйхатдан бир танишимни топиб унга қўнгироқ қилиб, таассуротларини сўрадим, шундан сўнг ўша оромгоҳга телеграмма йўллаб, борадиган вақтимни билдиридим.

Бошқалар ўз хизматларини зўрлаб тиқишиштирмоқчи

бўлганларида, бу йигит менга ташаббус кўрсатишимга имкон берганди. У ютиб чиқди.

Ингирма беш аср аввал хитой донишманди Лао Цзи шундай ҳақиқатни айтиб ўтган-ки, ушбу китобни мутолаа қилаётганлар уни ҳозир ҳам қўллашлари мумкин:

«Тоғдан тушаётган юзлаб ирмоқларнинг сўнггиси-дан қуйироқда жойлашгани учун ҳам дарё ва денгиз-лар улардан туҳфа олади. Шу туфайли барча сойларга ҳукмронлик қиласидилар. Ақлли одам ҳам бошқалардан устунроқ турмоқчи бўлса ўзиши улардан пастроқ тутиши; улардан ўзишни истаса, орқароқда туриши керак. Айнан шунинг учун гарчи ҳаётда жойлари юқорироқда бўлса-да, улар азият чекмайдилар: жойлари бошқалар-дан олдинроқда эсада буни таҳқир, деб билмайдилар».

Шундай қилиб, еттинчи қоида:

*Майли, сиз билдирган фикрни ҳамсуҳбатингиз ўзига тегишили, деб ҳисобласин.*

## СИЗ УЧУН МҮЖИЗАКОР ИФОДА

Сұхбатдошиңғыз бутушлай иоқақ бүлшіни мүмкінлигіннің упартманы Аммо, у сира бундағы, деб ўйламайды. Әйбламанғ, тушунишга урининг Фақат доно, овсарлар шундай қыладылар.

Негаки, бошқа киши үзгачароқ ўйлаб, айнаш шунға жоанды иш тутишига, бошқачароқ әмаслығында ҳамғина сабаб бор. Уни илғаб ололсанғыз, хатты-жарқатынға калып тоңған ҳисебланасыз, бағын қалбига ҳам йүл тоңтисиз. Уиннің үзінгиздің күйін күрніг.

«Уиннің қолатында түшганимда, үзімниң қантай эттән ва нима қылған бұларды?» — деб ўз-үзінніңғызға сарол берінг, шундай пайтда аичагына вактынғыз вә асабларніңғызни аераб қоласыз ёки «агар сабаб ти зиқсақ натижаның әкімсізлик әхтимоли камаяды!» Бундан ташқары одамлар билан муносабат масала сида маҳоратніңғыз ошади.

«Бир дақықа тұхтанғ, — дейді Кеннет М. Гуд үзіннің «Одамларни олтинға айланырыш Іүллары» китобида, — үз ишларніңғызға бұлған күчли иштиёқніңғызың қолған барча парсаларға камроқ қызықишинғызға таққослаш үчүн бир дақықа тұхтанғ Ҳамма одамлар айнаш шундай түйфуны бошидан кечиришләрін мүмкінлигін тушуништағы қылнінг! Агар бүни Линкольн ва Рузвельтчалик аяллаган бұлсанғыз, демек, сиз исталған лавозимнің әгаллашға имкон берадынан серкіррәтіш сохибидірсіз. Одамлар билан муносабатдагы муваффакият сұхбатдошиңғыз нұқтаи назарини аялашын астайдыл интилишиңғызға боғын!».

Бир неча йыл давомида бұш вактимнің анча қисміні үйим яқыннанға боғда отда ёки яёв саир қилиш билан үтказғанман. Айрим жиҳаттарым қадимги Галлин-никига үхшаб кетади, улар сингари болут дарахтина сажда қилишта тайёр эдим. Шунинг учун ҳам ёз фаслида ёш дарахтта вә бутазорлар тасодифий ёнғинлардан нобуд бұлаётганини күришім жуда ачинарлайдыр. Бу ёнғинніңдан әхтиётсиз кашандалар эмас, балқы күнинчә бөкқа бориб ёввойи күн күриштағы иштиёқманд боялалар айбига күра юз берарди. Улар дарахтлар тагиды

гүлхан ёқиб, овқат пиширишар, сосиска ёки тухум қайнатардилар. Бу ёнғинлар гоҳо шу даражада авж олганки, уларни бартараф этишга ўт ўчирувчиларни чақиришга тұғри келган.

Боғда олов ёқиши жарима ва ҳатто қамаш билан жазоланиши тұғрисида эълон пайдо бўлди. Лекин, у боғнинг деярли ҳеч ким бормайдиган қисмида бўлиб, болалар уни умуман кўрмасдишлар. Боғдаги тартибни отлиқ полициячи назорат қилиши лозим бўлса-да, лекин у вазифасига жиддий ёндашмас, ҳар ёз фаслида ўрмон илгаригидек олов домида кулга айланарди. Бир сафар боғда ёнғин бўлаётганини айтиш мақсадида полициячи хузурига югурдим. Ундан ўт ўчирувчиларни чақиришини сўрадим, аммо у тамомила бепарволик билан бунинг унга дахли йўқлигини, қолаверса, ёнғин унга қарашли майдонда эмаслигини айтди! Мен бутунлай умидсизликка тушиб, ўша пайтдан бошлаб отда сайр қиласиб, ўзимни жамият бойлигини қўриқловчи (бир кишидан иборат бўлган) қўмитанинг аъзоси, деб эълон қилдим. Дастребу бу масалага ҳатто болалар нуқтаи назаридан қарамай, дарахтлар остидаги гулханни кўрганимдан сўнг, тартиб сақлашга ошиқиб, яхшилик истаб, ёмон йўл тутдим. Улар бўйин товлаганларида қамоқ билан қўрқитдим. Оддий қилиб айтганда, болалар нима ўйлаётгандикларини инобатга олмай, ўз ҳиссиётларимга эрк бердим.

Натижа қандай? Болалар номуслари паймол этилгандек истар-истамас бўйин эгдилар. Нари кетишим билан яна гулхан ёқдилар ва боғни бутунлай ёндиришини истадилар.

Вақт ўтиши билан мен инсоний муносабатларни яхшироқ англай бошладим: катта тажриба тўпладим, бошқалар нуқтаи назарига мойилликни ортиридим. Энди буйруқ бериш ўрнига, уларниң гулханларига яқинроқ келиб:

«Вақти яхши ўтказаяпсизларми, болалар? Кечки овқатга нима тайёрламоқчисизлар?.. Болалигимда мен ҳам гулхан ёқишини яхши кўрардим, фақат биласизларми, боғда бу иш анча хавфли. Йишенчим комилки, болалар, ёмонлик қилмайсизлар, лекин ҳамма эҳтиёткор эмас. Сизларни қўриб бошқа болалар ҳам гулхан ёқмоқчи бўладилар. Кейин оловни ўчирмасдан кетиб қоладилар, оловда қуруқ барглар ёниб, дарахтлар но-

бүләди. Агар биз әхтиёткорлик күрсатмасак, бу ерда умуман дараҳтлар қолмайды. Гулхан түфайли қамоққа тушишларингиз ҳеч гап эмас, бунинг учун ўзимни бошлиқ сифатида күрсатиб, роҳатларингни бузмоқчи эмасман. Марҳамат, шод бўлиб, фақат баргларни ёнишдан асрасангизлар ва кетишдаг олдин устига кўпроқ тупроқ ташлашни унутмасангизлар, демоқчиман. Кейинги гал кўнгилхушлик қилмоқни хоҳласаларинг, гулхапларингизни қир ортида, чуқурда, қум бор жойда ёқинглар... Раҳмат, болалар саломатлик учун ўйнаб-кулинглар».

Бу ҳолатда барчаси бутунлай бошқача тус олди! Болаларда ҳамкорлик пистаги ўйонди. Ҳеч қандай ранжиш, ўжарлик йўқ. Уларни буйруққа бўйсуннишга ундашмади, иззат-нафсларига тегишимади.

Эртасига кимдандир гулхани ўчириш учун ванна тозаловчи «Афта» суюқлигини сотиб олишини ёки Қизил Хоч жамиятига эллик доллар хайр қилишга ундашингиздан олдин кўзни юмиб, вазиятни бирорвнинг нуқтани назаридан баҳолаб кўринг-чи? «У нега бу ишни қилишни хоҳлаши керак?» — деб ўз-ўзингизга савол беринг-чи? Албатта, бунга энг кам миқдорда сўз ва куч сарфлаб, яхши дўстлар ҳамда натижаларга эришувингизга вақт керак бўлди.

«Менга керақли одамга учрашишимдан олдин, — дейди Гарвард тијорат мактаби декани Донхем, — у менга нималар айтиши, унинг қизиқиши ва баён услубига қараб, қандай жавоб қайтаришим борасида аниқ тасаввурим бўлмаганидан хонасига киришимдан олдин идораси яқинидаги йўлакда икки соат у ёқдан бу ёққа юраман».

Бу муҳим.

Мабодо, ушбу китобни ўқиганингизда, ундан бир нарсани — мулоҳаза юрнишни, ҳамиша суҳбатдошингиз фикрини инобатга отишни ва нарсаларга нафақат ўзингиз, балки унинг кўзи билан қарашни ўргансангиз-да, китобдан ўқиганларингизни дилингиздан ўчирангиз ҳам бу сизнинг мавқеининг ошувида муҳим аҳамият касб этади.

Шундай қилиб, саккизинчи қоида:

*Ҳамиша нарсаларга суҳбатдошингиз нуқтани назарни билан самимий қарашга ҳаракат қилинг.*

## ХАР КИМ ИСТАГАН НАРСА

Барча баҳсларни тұхтатувчи, ҳар қандай құнғилхираликни йүқтөтувчи, дўстона мұхиттін яратувчи ва ҳам-суҳбатнингизни сизни тиіглашга ундовчы сеҳрли афсун ихтиёриңгизда бўлишини истайсизми?

Ҳа-ми? Яхши. Мана у. Шундай бошланг: «Бундай ҳиссиятни бошдан кечираётганингиз учун сизни айбламайман. Үрнингизда бўлганимда, шубҳасиз, айнан шундай ҳолатга тушардим».

Бу сўзлар оламдаги энг илжиқ кишини ҳам юмшатади. Сиз юз фоиз самимият билан буни тасдиқлашингиз мумкин: дарҳақиқат, бирорнинг үрида сиз ҳам ўзингизни у каби ҳис қилишнингиз турган гап. Мен буни мисол воситасида тасдиқламоқчиман. Аль Қапонени олайлик. Тасаввур қилинг, сиз Аль Қапонега мерос қолган жисем, жўшқишилик ва ақл-фаросатга эгасиз. Фараз қилинг, сиз ҳам ўша мұхитдасиз, ўша ҳәёттй тажриба соҳибисиз. Ишонч комилки, худди ўшандек ҳолатга тушиб ва унинг қадами етган жойда бўлардингиз. Айнан аниқ вазиятлар ва фақат шулар уни бундай инсонга айлантирган.

Масалан, заҳарли илон эмаслигининг ягона сабаби шукп, — сизнинг ота ва онанғиз заҳарли илон бўлишмаган. Сигирларни ўпиб, илонларга сажда қилмаслигининг бопси эса сиз ҳиндү оиласида туғилмаганингиздир.

Хозирги ҳолатга етишувнингизда шахсий хизматларингиз жуда катта әмас, олдингизга ғазабланиб келган, нотүғри тушунчали, мулоҳаза билан иш юритишни истамаган олам шундай эканинга ўзи айбормаслиги ёдингиздан чиқмасин, айби жуда кам. У шўрликка раҳмингиз келсин, унга ҳамдардлик билдиринг. Джон Б. Гаф одатда кўчада довдираб юрган маст дайдарни кўрганида ҳамиша айтган гапларни ўзингизга айтинг: «Худонинг раҳми келмаганида, мана ким бўлардим».

Эртага сиз дуч келадиган цисонларининг етмиш беш фоизи ҳамдардлитаңгизга муҳтождир. Уларга айнан шуни улашинг, кейин сизни севиб қоладилар.

Бир сафар мен «Жажжи аёллар» қиссасининг муаллифи Луиза Мэй Олкоттга бағышланган радиоэшииттиришда сўзга чиққандим. Албатта, у Массачусетс штатининг Конкорд шаҳрида яшагани, ўлмас асарларини шу жойда ёзганлиги менга аён эди. Нималар деяётганимни чуқур ўйламасдан, қандай қилиб унинг қадрдон Нью-Гэмпшир штатидаги Конкорд шаҳрида бўлганимни сўзлаб берибман. Агарда Нью-Гэмпширни бир марта тилга олганимда ҳам мени кечирса бўларди. Афсус! Буни икки марта айтдим. Аччиқ таъналарга тўла хат билан телеграммаларга кўмиб ташлашди. Мактубларнинг айримлари ғазабни ифодаласа, баъзилари ҳақоратли эди. Асли Массачусетс штати, конкордлик, қадим авлодга мансуб, ҳозирги кунда Филадельфияда яшовчи бир хоним бор нафратини тўкиб солган. Гўёки, мен Олкотт хонимни Янги Гвинеядан чиққан одамхўр, деб айبلاغандек, унинг ҳайрати даҳшатли эди. Хатини ўқирканман: «Худога шукур-ки, шу аёлга уйланмаган эканман», дедим. Агар географияда адашган бўлсан, бунинг одобга алоқаси йўқ-ку деб ёзиб, маълум қилишни истадим. Кириш сўзини шундай тасаввур қилдим, кейин эса у ҳақда нимаики ўйлаган бўлсан, барчасини очиқласига баён этмоқчи эдим. Ўзимни қўлга олдим ва бундай қилмадим. Хар қандай жаҳли тез аҳмоқ ҳам, кўпчилик айнан шундай қилишарди, деб ўйладим.

Аҳмоқларга нисбатан бироз ақллироқ бўлиб, ундаги ғанимликни дўстона муносабатга айлантиришни истадим. Ўзимга: «Пировардида, унинг ўрнида бўлганимда, эҳтимол мен ҳам шундай ҳолатга тушармидим», дедим. Унинг нуқтаи назарини тушунишга қарор қилдим. Кейинги гал Филадельфияга келганимда унга қўнироқ қилдим. Суҳбатимиз тахминан шундай бўлди:

**Мен:** Фалончи хоним, сиз бир неча ҳафта муқаддам мактуб ёзибсиз, шунга миннатдорчилигимни билдиromoқчиман.

У (*яхши тарбияли аёлнинг тиниқ овози билан*): Ким билан гаплашиш шарафига муюссар бўлаяпман?

**Мен:** Сиз билан таниш эмасмиз. Менинг исмим Дейл Карнеги. Ўтган якшабаларнинг бирида радиодан Луиза Мэй Олкотт ҳақидаги чиқишимни тинглагансиз. Уни Нью-Гэмпшир штатида, Конкордда яшаган, деб кечи-

рилмас хатога йўл қўйдим. Бунинг учун кечирим сўра-  
моқчиман, менга мактуб йўллаб, ҳиммат кўрсатдингиз.

У: Жаноб Қарнеги, хатни кескин оҳангда ёзганимдан  
афсусдаман. Ўзимни тутолмабман ва узр сўрашим керак.

Мен: Иўқ, иўқ! Сиз эмас, балки мен кечирим сўра-  
шим лозим. Айтган гапларим ҳатто мактаб ўқувчисидан  
ҳам чиқмайди. Кейинги якшанбада радио орқали кечи-  
рим сўрадим. Энди шахсан сиздан авф этишингизни  
илтимос қиласман.

У: Мен Массачусетс штатида Конкордда туғилган-  
ман. Бизнинг сулоламиз иккى юз йил давомида штат  
ишларида муҳим аҳамият касб этган. Олкотт хоним  
Нью-Гэмпширда туғилган, деб тасдиқлашингиз ҳақиқат-  
дан ҳам мени ранжитди. Тўгриси, бу хатим учун хижо-  
латдаман.

Мен: Сиздан кўра ўн баравар кўпроқ ранжиганимга  
ишонинг. Хато Массачусетс штатига зиён етказмаган  
бўлса-да, менга сезиларли даражада зарар келтирди.  
Сизнинг тоғифандаги маданиятли одамлар вақт ажра-  
тиб, радио орқали сўзга чиққанларга хат ёзишлири  
камдан-кам учрайдиган ҳолатdir, эшииттиришларимда  
қандайдир хатога йўл қўйсам, яна ёзиб юборасиз, деган  
умиддаман.

У: Биласизми, танқидимни бундай қабул қилишини-  
гиз менга жуда манзур тушди: Анча ёқимли киши экан-  
сиз, сиз билан яқинроқ танишмоқчи эдим.

Шундай қилиб, кечирим сўраб, бу аёлнинг нуқтаи  
назарини тушунганим сабабли авф этиш ва ме-  
нинг нуқтаи назаримни тушуниш истагини уйғотдим.  
Ўзимни қўлга олганимдан, ҳақоратларга жавобан илти-  
фот кўрсатганимдан мамнун бўлдим. Айниқса, унга ман-  
зур тушганимдан асдойдил қониниш ҳосил қилдим.

Қимки, Оқ уйга хўжайин бўлса, деярли ҳар куни  
одамлар орасидаги муносабатларнинг нозик муаммола-  
рига дуч келади. Президент Тафт ҳам бундан холи эмас.  
Ўзининг «Хизматдаги одоб» китобида иззатталаб она-  
нинг ғазабини қандай қилиб енгиллатишга эришгани  
ҳақида қизиқарли воқеани келтирган.

«Эри етарлича сиёсий салобатга эга вашингтонлик  
бир хоним, — деб ёзади Тафт, — ўғлини бир муассаса-  
даги лавозимга тайинлашимни астойдил сўраб олти ҳаф-

та маттасил ҳузуримга қатнади. Бу аёл жуда күп сенатор ва конгрессменларнинг ёрдамига таяниб, улар билан олдимга келиб, ҳар бирининг баландпарвоз гапини кузатарди. Бу лавозим эса тегишли касб тайёргарлигини талаб қиласарди ва мен ўша муассаса раҳбаринин! «авсияномаси бўйича бошқа номзодни тайинладим. Шундан кейин, йигитчанинг онаси уни баҳтиёр қилишни истамаганим, ваҳоланки, озгина ҳаракатим билан хоҳишини бажаришим мумкин эканини айтибди ва мени ўз марҳаматига номуносибликда айблаб хат ёзибди. Сўнгра, у ўз штати вакилларнга ҳар хил қистовлар қилиб, уларнинг барчаси менга керак бўлган қонун лойиҳасини ёқлаб овоз беришини таъминлаганига ношукурлик билан жавоб қайтарганимдан шикоят қирибди.

Агар сиз шундай хатни олганингизда эди, хаёлингизда биринчи навбатда уни беандиша ёки ўзини жуда чўрткесар, деб ҳисоблайдиган киши ёзган, деган тасаввур туғиларди. Дарҳол жавоб ёзишингиз ҳам мустасно эмас. Шундан сўнг вазминлик кўрсатиб, ақлга бўйсуниб, бу хатни ёзув столингиз ғаладонига ташлаб қўйинг. Орадан икки кун ўтгач уни олинг, кейин юборгингиз келмайди. Мен айнаш шундай қилдим. Ёзув столимга ўтиредим ва эҳтиромли мактуб битдим. Ушбу туғилган вазиятда унинг оналиқ кечинмаларини тушунишимни, амалда эса ўз хоҳишимча бу лавозимга ким бўлишидан қатъи назар бирорни тайинлашга ҳаққим йўқлигини, касбий тайёргарликка эга кишини танлашим зарурлигини ёздим. Шунингдек, унинг ўғли ҳозирги эгаллаб турган мансабида ҳам онасининг ниятларини ижобат қилиши мумкин, дея умид билдирам. Бу уни юмшатди ва узр сўраб хат ёзибди.

Аммо, мен тавсия қилган одамнинг номзоди тезда тасдиқдан ўтмади ва бир неча кундан сўнг гарчи аввалги мактубдаги ҳуснihat билан битилган бўлса-да, гўёни аёлнинг эридан хат олдим. Менга маълум қилишича, шу иш туфайли асаби бузилиб, оқибатда хотини оғир касалликка — меъда ракига йўлиқибди. Илгариги номзод ўрнига ўғлини кўйиб, унинг соғлигини тиклашга рози бўлармиканман? Энди ташҳис тасдиқланмаслигига умид билдириб, хотинининг оғир касаллиги учун ҳамдард эканимни изҳор қилган ҳолда эрига хат ёзишмга тўғри келди, бироқ шунга қарамай илгариги номзодни

четга суролмаслигимни таъкидладим. Мен танлаган ман-сабдор вазифага тасдиқланди, ушбу мактубин олганимдан иккى кун ўтиб, Оқ уйда концерт берилди. Тафт хоним менин биринчилар қатори қутлади, гарчи аёлни яқында ўлим тўшагида ётган бўлса-да эру хотишлар яна бирга эдилар».

С. Юрок — АҚШнинг энг яхши мусиқа ташкилотчиси. Иигирма йил давомида у Шаляпин, Айседора Дункан, Павлов каби оламга машҳурларнинг чиқишиларни ташкил қилган. Юрокнинг айтишича, жўшқин «юлдузлар»га муносабатлардан олган биринчи сабоги — бу уларнинг амалдаги ҳолатларни ўзгачароқ ҳис этишиларига ҳамдардлик, ҳамдардлик ва яна ҳамдардлик билдириш кераклигини тушуниши экан.

Уч йил давомида у ширалли овоз соҳиби, буюк қўшиклилардан бири «Метрополитен» опера театри ложаси мижози — миллионларни ларзага солган Федор Шаляпиннинг мусиқий ташкилотчиси бўлган. Шунга қарамасдан, Шаляпин доим бирор муаммога дуч келиб турарди. У ўзини талтайтириб юборилган боладек тутар-

Юрок шундай таърифлайди: «Барча муносабатларда бу одам эмас, шайтон билсиз, ким эди».

Масалан, кечки концерт бўладиган кун эрталаб соат ўслиарда Юрокка қўнироқ қилиб: «Сол, ўзимни жуда ёмон ҳис қиласяйман. Томогим қуриб қолди, кечқурун қўшиқ айта олмайман», деркан. Нима, сиз Юрок у билан тортишиб ўтирган, дейсизми? О, йўқ. Театр эгаси ётистга буидай муносабат кўрсатиш мумкин эмаслигини биларди. У дарҳол меҳмонхонага Шаляпиннинг дига етиб келиб, унга ҳамдардлик изҳор қилибди. «Аттанг, — дебди у, — аттанг! Бечорагина! Албатта, энди қўшиқ айта олмайсиз. Мен ҳозироқ концертни қолдираман. Қандайдир бир-икки минг доллар заарар кўратекин обруйингиз олдида бу ҳеч гап эмас».

Шунда Шаляпин хўрсиниб, гап бошларкан: «Яхшиси, сиз кейинроқ келарсиз. Соат бешда хабар олинг, ўзимни қандай ҳис қилаётганимни кўрамиз».

Соат бешда Юрок яна меҳмонхонага шошиларкану унинг ҳузурига кириб, турли йўллар билан ҳамдардлик, ачиниш билдириб, қайта-қайта концертни қолдиришни таклиф қиласаркан. Шаляпин яна хўрсинаркан ва: «Яхшиси сал кейинроқ келарсиз, балки тузалиб қоларман» — деркан.

Соат етти яримда буюк құшиқчи бир шарт билан розилик билдиаркан: Ўорок «Метрополитен» сақнасига чиқиб, Шаляпин қаттық шамоллаганини ва овози у дарежада әмаслыгыни эълон қилиши лозим экан. Ўорок юзаки равища розилик билдиаркан, аслида бундай құламас, аммо будк құшиқчини сақнага чиқаришини ягона услуби шу деб биларкан.

Доктор Артур Гейтс үзининг ажойиб «Тарбия рұх шунослығы» китобида шундай ёзади: «Одамзот ҳамма жойда ғамхұрлыкка ташнадир. Астайдил ҳамдардлы үйғотиш мақсадида бола лат еган жойини сидкүдилдан күрсатаркан ёки атайин бирор ериши тишини тирадар, қаш қа қыларкан. Катталар... жароқатларини күрсатишидан, бошидан кечирған бахтсизликлар, хасталиқлар, жарроқык операциялари хусусида батағсил ҳикоя қи-лишаркан. Аслида ёки хаёлан бахтсизликлари учун «ўзига ўзи» раҳм-шафқат үйғотишга инилиш оммави, ҳолат ҳисобланади».

Шундай қилиб, түққизинч қонда:

*Бошқалар мұлоқазаси ва истакларига ҳамдардлық билан ёндашинг.*

## БАРЧАНИНГ ДИЛИГА МАНЗУР Даъват

Мен Миссури штатида Джесси Джеймс яшаган жой яқинида ўсганман ва гоҳо ҳозиргача Джеймсларнинг ўғли яшаб турган фермада бўлишимга тўғри келади.

Унинг хотини менга Джесси қандай қилиб поездларни, банкларни талагани, пулларни қўшни фермаларга қарзларидан қутулишлари учун тарқатиб юборгани ҳақида сўзлаб берарди.

Джесси ўзини голландиялик Шульц, Кроули Иккита Тўплонча ва Аль Капоне сингари қалбida инсонпарвар ҳисобларди. Гап шунда-ки, сизга учраган ҳар бир киши, ҳаттоқи, кўзгуда кўрганингиз ҳам ўзи тўғрисида фақат яхши фикр билдиради ҳамда хаёлида олижаноб ва меҳр-мурувватли бўлишини истайди.

Дж. Пирпонт Морган инсонлар хусусидаги таҳлилий қарашларида одам ўз хатти-ҳаракатларини икки хил асослашини англабди: биринчиси гўзал қўринишга интилиш, иккинчиси асл ҳолат.

Инсон асл сабабларни ўзи англайди. Бироқ, ҳаммамиз қалбан идеалист бўлиб, ҳаракатларимизни чиройли асослаб режалаштиришни хуш кўрамиз. Шунинг учун одамларга таъсир қилишда фақат олижаноб сабабларга мурожаат қилиб туринг.

Ишга доир муносабатларда ушбу идеалистик ёндашувлар ўзини оқлармикан? Қўрайлик-чи. «Фаррелл-Митчелл» компаниясидан Гамильтон Дж. Фаррелл билан бўлган ҳолатни олайлик. Фаррелнинг уйида ҳамиша норози юрадиган ижараби бор эди. У ойига эллик беш доллардан ижара ҳақи тўлар, унинг муддати тугашига тўрт ой қолганда, пимадандир қониқмай, шартнома муддатини инобатга олмай кетиш тарадду-дига тушганидан огоҳтантерилибди.

«Ижарабчилар бутун бир қишини менинг уйимда ўтказиб, — дейди Фаррелл ўз тарихини ҳикоя қиласкан, — кузгача уйимни яна ижарага қўйиншум оғир эканини англадим. Икки юз йигирма долларни ютқазишими тушуниб, эсимни йўқотдим.

Агар мен одатдагидек иш тутсам, бу ижаачининг олдига борардим-да, шартномани қайта ўқиб чиқиши маслаҳат берардим, унга агар ижаачи муддатидан олдинроқ бошқа жойга кўчса, қолган тўрт ой учун ижара ҳақини тўлашга мажбурлигини, акс ҳолда буни суд орқали ундириб силишим мумкинини айтардим.

Аммо, ҳаяжонланиш ва уни балчиққа ботириш ўрнига бошқача йўл тутишга қарор қилдим. Тахминан шундай бошладим: «Жаноб Доу, сизнинг далилларингизни эшигдим ва шунга қарамасдаш, кўчишга қарор қилганингизга ҳечам ишонгим келмаяпти. Ўйни биринчи йил ижарага бермаяпман ва шу вақт ичида одамларни анча тушуниб қолдим. Бу гап сизга тақаладиган бўлса, ишонч билдираман-ки, бир сўзли одамсиз. Буни исботлашнинг ҳожати йўқ, ҳатто таваккал қилишга тайёрман.

Кўчишни бир неча кунга кечиктириб, яна бир ўйлаб кўринг. Агар кейинги ижара ҳақини тўлайдиган кунингиз — ойнинг бошигача олдимга келиб, ниятингиз ўзгармаганлигини айтсангиз, қарорингиз қатъий эканига кафолат бераман. Ўзим эса кўчишингизга рози бўлиб, мулоҳазаларимда янгишганимни тан оламан. Бир сўзли одам сифатида шартномамиз бўйича олган мажбуриятларни бажаришингизга астойдил ишонаман. Пировардида, бизлар одамлармиз, маймунлар эмас, танлаган йўлимиз аввало ўзишинга боғлиқ!».

Янги ой бошидаёқ ўша жаноб келди ва ижара ҳақини шахсан тўлади. У эътироф этишича, қоидага мувофиқ эру хотин бамаслаҳат шу ерда яшайверишга қарор қилишибди. Улар шартнома шартларига асосан қолишлари ягона тўғри йўл эканини тушунибди.

Мархум лорд Нортклифф газеталардан бири унинг ўзига ҳам ёқмаган суратини босиб чиқарганини биллиб, муҳаррирга хат ёзибди.

«Илтимос, менинг бу суратимни бошқа чиқарманг: бу менга ёқмайди», — деб ўтирабди. Анча ўринли баҳонага суюнибди, оналарга бўлган ҳурмат ва эҳтиромими дастак қилиб, шунга суюнибди. Баённомасида шуни билдирибди: «Илтимос, менинг бу суратимни бошқа чиқарманлар, у онамга ёқмайди».

Фотомухбирлар кичик Джон Д. Рокфеллернинг болаларини суратга тўхтовсиз туширавериши маъқул тушмабди ва бунга чек қўйишга қарор қилибди. Шунда ҳам олижаноб сабаблардан фойдаланибди. Фотомухбирлар-

га «Уларнинг суратларни чиқаришни истамайман» — деб айтмабди. Барчанинг кўнглига монанд иш тутиб, ҳисснётларга путур етказмабди ва улар болаларга зарар теккимасини, деб ўйладди. У бундай ёзибди: «Ингиллар, ўзларнинг ҳаммасини тушунасизлар, айримларингизнинг фарзандингиз бор. Ортиқча шуҳрат бефойда эканини яхши биласизлар».

Мэн штатилик камбағал ўсмири Сайрус Кертис кейин-чалик миллионер бўлишига олиб келган, бошни ҳаддан зиёд айлантирадиган мавқега эга эришганида ихтиёридағи «Сатердей ивлиинг пост» ва «Лейдиз хоум джорнэл» журнallарига бошқа поширлардек қалам ҳақи тўлаш имконинга эга эмасди. У яхши муаллифларни пул билан жалб қилолмасди. Шу боис уларни олижаноб туйгуларга даъват этарди. Ҳатто, машҳурлик чўққисидаги Луиза Мэй Олкотти ҳам ўз нашриёти учун ёзишга кўндира оларди. Бу мақсалига унинг номидан одатда хайр-эҳсон қилиб турадиган идоралардан бирига юз долларлик чекни жўнатишни таклиф қилиб эришди.

Лекин айнан бирор бир киши айтиши мумкин: «Э-э, бундай ишлар Нортклифф, Рокфеллер ёки кўнгли буш ёзувчи аёлга ярашади. Бу нима! Менинг ашаддий қарздорларимдан ҳам бирор нарса ундириб кўринг-чи!».

Эҳтимол, ҳақдирсан, ҳаммабоп воситалар йўқ. Агар ҳозирги патижалардан қаноатлансангиз ниманидир ўзгартиришга не ҳожат? Норози бўлсангиз, унда нега сиёсов ўтказмайсанз?

Ҳар ҳолда тингловчиларимдан Джеймс Л. Томас ўтиб беріап қўйнадаги воқеани ўқиб кўргач, қониқиш Ѹсозил қиласанз.

Бир автомобиль фирмасининг олти мижози бирданига хизмат ҳақини тўлашдан бош тортиби. Уларнинг бирортаси ҳам ҳисоб варақасини тўласинча эмас, балки қайсиdir банди потуғри ёзилганини кўрсатишибди. Жами ҳолатларда мижозлар фирма ишларини бажарганини учун имзо чекиб, ўзининг ҳақлигига шубҳаланманаси ва буни билдирусин, дейнишибди. Бу унинг биринчи хатоси эди.

Кўйида қарзларни ундиришни таъминлаш мақсадида фирманинг қарзлар бўлими томонидан кўрилган чоралар санаб чиқилади.

1. Ҳар бир мижөзниң олдига бориб, муддати ўтгай қарғын ундириш учун келганини айтсан эканлар.

2. Фирма тұла-түкис ва сұзсиз ҳақ, мижозлар нөхаш, деган тушунчаны тиқиширишга иштілган.

3. Фирма автомобилларни мижозларниң түшін кирмайдын даражада билишига ишора қилибди. Шудай экан баҳсга ҳожат бормиди?

4. Натижа: улар баҳслашиши.

Күрсатилған усулаарниң бирортаси мижозларның ҳақпен тұлаш лөзимлігінде ишоптирдіми? Үйләйман-ки, бу саволга ўзинギз жаңа бера оласыз.

Тортишувининг шу палласида бошқарувлы дүшманға қараты ўт очиши, ҳуқуқшуносларни єрдамға чақирип га тайёр эди, бағтиға иш бош директорниң құлиға шиб қолибди. У қарздорлар ҳақындағы маълумотлар түплабди, одатта, уларниң барчаси тұловларни кечігтиришмас экан. Демак, қандайдыр аяглашилмовчилик бор — қарзларни ундиришда бирор хатога йўл қўйилған. Дириектор Джеймс Л. Томасини чақирирди ва унга ушбу «қарзларни узишиңға бўйсунмаётганилар»дан пуларни ундиришни топширибди.

Мана Томас кўрган чоралар.

«1. Менинг сафардан мақсадим, — дея ҳикоя қиласи Томас, — тұлаш муддати ўтгалигига шубҳа қилинмайдыған қарзларни ундириш эди. Аммо, бу ҳақда оғиз очмай, келишдан мақсад фирмамиз қайси ишни бажаргани ёки қайси ишни бажармаганини аниқламоқчиман, дедим.

2. Мижозга гапларини охиригача тингламагұнимча ҳеч нараса дея олмаслигимни аяглатдым. Фирмамиз нуқсонлардан холи эмаслигини таъкидлазим.

3. Мен фақат автомобилига қизиқаётганимни ва бу түғрида ҳеч ким унинг ўзичалик билмаслигини айтдым.

4. Мен мижозимга гапиришиңға имкон яратиб, ўзим уни тингладым, у шунга муҳтож эканидан қизиқиши ва ҳамдардлигимни намойиш этдим.

5. Охир-оқибат мижоз соғлом фикр юргизиш қобилятига әгалигига ишонгач, унинг соғдиллигига сүяниб, ўз мақсадимни баён қилдим, «Биринчидан, — изоҳладым мен, — сиз шуни билишиңгизни истардим-ки, фикримча, бу ерда аяглашилмовчиликка йўл қўйилған. Ҳодимларимиздан бири сизга иоўнғайлик түғдирибди, кўп қатнаб, жонингизга тегибди. Энди бунга ўрин

жолмайди. Юз берган ҳолатдан афсусдаман ҳамда фирма вакили сифатида узр сұрайман. Ушбу воқеаның сизнинг таърифингизда тингларканман, бардош ва чидамингиз менда чукур таассурот қолдирди. Ҳозир эса, адолатли ва сабр-тоқатли инсон сифатида менга бир илтифот күрсатсангиз. Мана, ҳисоб варақасигиз: биламан, сизга тұлиқ ишониш мүмкін, ўзипгизни фирмамиз президенти сифатида тасаввур этиб, текшириб чиқсангиз. Менимча, масаланиң ечимини ўзингизга ҳавола қылса бүлади. Сиз нима десангиз, шундай қиламиз?».

У ҳисоб варақасини текширидими? Бұлмасам-чи, ҳафсала билан қараб қиқди. 150 дан 400 долларғача бүлған ҳисоб варақалари бор эди, мижозлари масалани ўз фойдасига ҳал қылдиларми? Ҳа, улардан бири шундай қылди! Бири эса жанжалли модда бүйінча бир цент ҳам тұлашни истамади, шунга қарамай, қолған беш нағары ишни фирманиң фойдасига ҳал этди! Энг қизиғи шундаки, яқын иккі йил ичіда олтөвидан ҳам янги автомобилларга буюртма олдик!».

«Тажрибадан шуни билдім-ки, — дейди Томас, — мижозни самимий, ҳалол ҳисоблаш, агар тұлов варақаси түғри бўлса уни тұлашга тайёр, деб ҳисоблаш керак экан. Фикрни бошқачароқ ифодалаш лозим: одамлар ўз-ўзидан соғдилларлар, зыммасига олган мажбуриятларини бажаришга интилишади. Жуда кам одам бундан мустасно, алдамчиликка мойил кишилар ҳам агар уларни ҳалол олижаноб ва адолатли, деб ҳисоблаётганиңизни англасалар, кўп ҳолларда масалан, ижобий қабул қилишларига имоним комил!».

Шундай қилиб, ўнинчи қонда:

*Олижаноброқ ҳолатларга даъват этинг.*

## КИНО ВА РАДИОДА ШУНДАЙ ҚИЛИШАДИ, СИЗ НЕГА БУ ЙҮЛНИ ТУТМАЙСИЗ?

«Филадельфия ивнинг буллетин» газетаси ёвууз ният-  
даги буҳтонлар компаниясининг нишонига айланганига  
унча кўп бўлган эмас. Уни омма орасида бадном қилув-  
чи овозалар тарақалди, реклама берувчиларга мазкур  
газетада эълонлар ўта кўп экани ва янгиликлар  
камлигини айтишди, шу сабабдан у муштариylарни қи-  
зиқтиримаслигини билдиришди. Ифволарни тўхтатиш  
мақсадида зудлик билан чора кўрилди.

Ишнинг бажарилиши шундай бўлди.  
Кунлардан бирида таҳририят газетанинг навбатдаги  
сонидан материаллар матнини олиб, уларни мавзуси  
бўйича ажратиб, «Бир кун» деб номлаб, китоб  
шаклида босиб чиқарибди. У икки доллар турадиган ки-  
тобча — 307 бетдан иборат эди. Аммо, газетанинг  
бир сонида босилган хабарлар, мақолалар, очерк  
ва бошқа адабий материаллар икки доллардан эмас,  
балки ҳар нусхаси икки центдан сотилди.

Китобнинг чиқарилиши билан мазкур газета кўп миқ-  
дордаги ўқимишли материалларни қамраганини ёр-  
қин намойиш этди. У далилларни жонли, қизиқарли  
ҳамда топқирлик билан тақдим қилган.

Кенинет Гуд ва Зени Кауфманнинг «Безнесда рекла-  
малар санъати» китобини ўқисангиз кўз ўнгингиздан  
ажойиб манзара намоён бўлади; реклама усталарини  
иш устида қўрасиз, хазинани қандай тўлдираётганла-  
рини кузатасиз. Жумладан, унда «Электролюкс» фир-  
маси дўкони сотувчилар совутгичлар товушсиз ишла-  
шини англатиш учун харидор қулоғининг ёнгинасида  
гугурт ёқишилари тасвирланади... Агар сиз «Сирс, Ро-  
бак» фирмасининг Аниа Созери дастхати туширилга  
шляпасининг нархи фирма каталогларидагидеқ, донаси  
1 доллару 95 центдан белгиланган бўлса, қандай кўри  
нишда намоён бўларди. Джордж Уэллбаумнинг гапига

қараганда, дүкөн пештоқидаги ҳаракатланувчи реклама үчирилгандан сүңг харидорлар миқдори саксон фоизга камаяркан... Перси Уайтинг мижозларга беш йил бурун минг доллар баҳоланган акцияларининг иккита рўйхатини намойиш қилиб, қимматбаҳо қофозлар сотаётганини олинг. У харидордан рўйхатдаги қайси акцияни танлашини сўрайди. Бир, икки, тайёр! Ҳозирги бозор иқтисоди бир рўйхатдаги акциялар албатта унинг соҳиби томонидан юқори баҳоланаётганини кўрсатади. Харидордаги қизиқувчанликдан фойдаланиб, унинг эътиборини жалб қилишга интилади... Микки Маус қандай қилиб энциклопедиядан жой олгани ви унинг номи битилган ўйинчоқлар фабрикани инқизодан сақлаб қолгани... Қандай қилиб «Истерн эрлайнс» авиация компанияси қатновдаги «Дуглас» самолётининг ҳақиқий бошқарув тахтасини йўлакка ўринатиб, олонини тўйлаган... Гарри Александр сотувчиларга ўзи рақибларининг маҳсулоти орасидаги рақобат дзвур қилинадиган бокс жангига ҳақидаги радиолав-

юштириб далда берар экан... Кўқнидан пројектор нури билан ёритилгач, шираторлар сотилиши иккι баравар кўпайиб кетаркан... «Крайслер» автомобиль фирмаси ўз маҳсулоти мустаҳкамлигини намойиш қилиши мақсадида машиналари устига филларни чиқаркан.

Нью-Йорк университетидан Ричард Борден ва Алвин Буссе савдо агентлари билан ўтказилган ўн беш мингта суубатни таҳлил этдилар ва «Баҳслашувда енгиги чиқини» деб исмланган китобни ёзилир, шундан сўнг «Сотувчилик маҳоратининг олти қондаси» маърузаси пайтида ўша гояларини баён қилибдилар. Кейинчалик маъруза экранлаштирилиб, фильм юзлаб йирик корпорация савдо агентларига намойиш этилиди.

Биз натижага кўзга ташланадиган даврда яшаемиз. Ҳақиқатни шунчаки келтириш энди камлик қиласи, уни жонли, қизиқарли, ҳаётий таърифлаш лозим. Сиз даромад келтирадиган рекламадан фойдаланишини ўрганинг. Кино ва радиода шундай қилинади. Агар эътиборни ўзингизга қаратмоқчи бўлсангиз, худди шундай қилишингиз лозим.

Пештахталарни безёвчи мутахассислар кўргазмалийкнинг рад қилиб бўймас самарасини билишади. Масалан, янги каламуш эзҳри яратувчилари маҳоратлари-

ни намойиш қилишга құшимча тарзда икки дона тирик каламушни ҳам юборишкаркан. Қаламушлар намойиш қилингән үша ҳафтада мазкур дүконнинг савдо тушуми беш баробар ошибди.

«Америкэн уикли» журналининг ходими Джеймс Ю. Бойnton бозорнинг ақволи хусусида муфассал ҳисобот беришига түгри келди. Унинг мижозларидан ҳисобланган фирма шу орада кольд кремининг донғи чиққап айрим маркаларини синчилкаб ўрганибди. Бойntonнинг мижози реклама ишининг йирик ҳамда обрўли му-таксиссларидан бири ҳисобланарди.

Бойnton биринчи уриниша муваффақиятга эришмабди.

«Дастлаб унинг олдига борганимда, — иқорор бўлади Бойnton, — мени четга чиқаришаётгани, самарасиз мунозарага тортаётганларини пайқадим. Ҳар иккимиз ҳам баҳслашдик, у янгишаётганимни айтди, мен эса ҳақлигимни исботлашга уриндим.

Хуллас, устун келдим, аммо вақтимиз тугаб, суҳбатимиз узилди, мен эса ҳали ҳеч нарсага эришмагандим.

Кейинги ташрифимда жадваллар ва рақамли қўшимчалардан фойдаланимасликка қарор қилдим. Шу одамга дуч келганимда, далилларни тақдим этдим. Хонасига кирганимда у телефонда гаплашарди. Гапни тугатишини кутмасдан жомадонимни очиб, стол устига ўтиз икки дона кольд креми идишидан иборат жамлами қўйдим; барчаси унга таниш — булар рақиблар маҳсулотларидан намуналар эди. Идишларнинг ҳар бирiga савдо таҳлили натижалари ҳақидаги ёрлиқларни ёпиштирдим».

«Кейин нима бўлди?»

«Бошқа ҳеч қанақа баҳслашмадик, у аввал бирини, кейин бошқасини қўлига олиб ёрлиқ матнини ўқий бошлади. Дўстона суҳбат бошланди, ўзини жуда қизиқтирган масалаларга гувоҳлик берувчи саволларни ёғдирди. Дастлаб маълумотларни баён этишим учун менга ўн дақиқа муҳлат берди, мулоқотимиз роса бир соат давом қилди.

Бу сафар ҳам үша аввалги далилларни келтирдим. Лекин мен бу гал маълумотларни самараали тақдим этишга ўтдим — натижаси ўзингизга аён».

Шундай қиилиб, ўн биринчи қонда:

*Ўз фикрларингизни самараали тақдим этинг!*

## ХЕЧ НАРСА ТА҃СИР КҮРСАТМАСА, БУНИ ҚҰЛЛАНГ

Чарлз Швабнинг заводида ишчилари смена топшириғини бажармаётган бир цех бошлиғи бор экан.

«Қандай қилиб шундай бұлади, — сұрабди Шваб,— қанақанги ишни биладиган кишисиз-ки, сиздек одам топшириқ бажарилишнга әришмаса?»

«Билмадим, — жавоб қайтарибди муҳандис, — ишчиларни ундар күрдім, рухлантирдім, уришлім, урдім ва ағдариб сұқдім, ишдан ҳайдаш билан құрқітдім. Барчаси бефойда кетди, улар шунчаки меъердагидек меңнат қилишни исташмаяпты».

Ушбу сұхбат күн охирлаётганды, тунги смена келиши арафасыда бўлиб ўтаётганды.

«Бир шарча бўр беринглар», — деди Шваб. Шундан сўнг яқинроғида турған ишчига юzlаниб, ундан сұрабди: «Бугун сменанғиз нечта қўйма берди?»

«Олтита».

Бошқа бирор сўз айтмасдан Шваб ерга катта қилиб олти рақамини ёзибди-да, кетибди.

Тунги смена ишчилари келибоқ «6» рақамини қўришибди ҳамда бу нимани билдиради, деб сўрашибди.

«Бугун хўжайнининг ўзи келганди, — жавоб беришебди кундузги смена ишчилари. — Нечта қўйма берганимизга қизиқди, биз «олтита», деб жавоб бердик. У буни бўр билан ерга ёзди».

Эртасига саҳарлаб Шваб яна қуюв цехига кирди. Тунги смена «6» рақамини ўчириб, уни каттагина «7» рақами билан алмаштирибди.

Кундузги смена ишчилари келишганида, ерга бўр билан битилган катта етиликтини қўришибди. Ҳа, шундайми, демак, тунги смена ўзини кундузгилардан яхши, деб биларканда? Улар ишга шаҳдам киришибдилар, кечқурун кетаётгандаридан каттагина қилғуб бақувват ўнликка әришибди. Натижада ўсишда давом этибди.

Тез орада қолоқ цех заведдаги бошқаларидан ўзиб кетибди.

Нима сабаб?

Чарлз Швабга сүз берайлик. «Иш бажарилишининг энг мақбул усули, — дейди Шваб, — ўзгармас, ўз манфаатини кўзлаб қилипган рақобатчиликни эмас, юксакликка эришиш учун интилишини рағбатлантиришдир».

Юксакликка эришувга интилишдан фойдаланиб қолиши! Ундаш! «Қўлқопни отиш» истаги! Руҳияти кучли одамларга таъсир кўрсатишинг бехатэ усули.

Мабодо, Теодор Рузвельтда ундаш қобилияти бўлмаганида эди, у ҳеч қачон президент бўлмасди. Кубадан қайтиши биланоқ, Нью-Йорк штати губернаторлигига номзоди қўйилди. Бир пайт сиёсий рақиблари ҳуқуқий нуқтаи назардан у ушбу штат фуқароси эмаслигини сезиб қолиши, вазиятдан кўрқкан Рузвельт ўз номзодини қайтариб олининг тайёр эди. Шунда Томас Кольер Платт ушинг шаънига тегди. Кутимаганда, Рузвельтга қараб, жараигдор овозда хитоб қилди: «Наҳотки Сан-Хуан тепалиги қаҳрамони — қўрқоқ?»

Рузвельт курашни давом эттириди — қолганлари тарихнинг ютуғи ҳисобланади. Ушбу даъват нафақат унинг ҳаётини ўзgartириб юборди, балки мамлакатимиз тарихига ҳам сезиларли таъсир кўрсатди.

Чарльз Шваб даъват қанақанги улкан кучга эгалигини биларди. Бу Босс Платхамда Эл Смитга ҳам маълум эди.

Нью-Йорк штати губернатори Эл Смит шунга ўхашаш муаммога кундалик турмушидан дуч келди. Аҳмоқона доворуқ таратган Синг-Синг қамоқхонаси ўша пайтларда бошлиққа эга эмасди. Унинг деворлари орқали ҳар хил фисқи фасод ва янгилишувлар кезиб юради. Смитга Синг-Сингни бошқара оладиган қувватга эга кучли одам жуда зарур эди. Уни қаердан толғоз бўлади? Смит Нью-Гэмптондан Лъис Лоуэсни чақиртирибди.

«Қамоқхона бошлиқлигига тайинланишингизга қандай қарайсиз?» — деб сўрабди ҳузурига келган Лоуэсдан. — У ерга тажрибали киши талаб этилади».

Лоуэснинг тили калимага келмади. Синг-Сингга тайинланиш билан боялиқ ҳавфни тушуниб туради. Со биқ бошлиқларининг бири келиб, бири кеиди, фақат бир киши уч ой турди. Лоуэс мавқеи хусусида ўйлаши лозим эди. Таваккал қилишга арзирмикан?

Ундаги иккиланишини сезган Смит шунда ўриндири

суяңчигига ўзини ташлаб, жилмайған күйи гап бошлады: «Навқирон йигит, құрққаннингизни қораламоқчи эмасман. Шундай хавфли ишга құл уриш учун кучли одам бўлиш ва чидаш лозим».

Кўрдингизми, Смит даъват этди. Лоуэнснинг қалби тубida эса кучли одамдан талаб қилинадиган ишга қўл уриш истаги туғилди. Бу маисабини қабул этди ҳамда шу вазифада қолди. Шунчаки қолдигина эмас, балки фавқулодда бўлмаган тарзда энг машҳур турма бошлиғига айланди. Унинг «Синг-Сингда 20 минг йил» китоби юз минглаб нусхада тарқатилди. Радио орқали сўзлади, камоқхона ҳаётидан ёзган ҳикоялари ўнлаб кинофильмлар мазмунини ташкил этди. Унинг жиноятчиларга нисбатан «инсонпарварлиги» мўъжизалар яратли ва булар камоқхона ислоҳотига сингиб кетди.

«Мен ҳеч қачон кўрмаганман-ки, — дейди машҳур «Файрстоун тайр энд раббер компани» фирмасининг асосчиси Харви С. Файрстоун, — маошга ўхшаш рафбатлантириш ёрдамида малакали мутахассисни танлаш ёки сақлаб қолиш мумкин бўлсин. Менинг ўйлашимча, энг ассосийси бу — ўйин ҳолатидир...».

Улгурини хоҳлаган ҳар киши ўйинни севади. Унда ўз имкониятларини амалга ошириш, нимага қодирлингни кўрсатиш, устунликка эришиш, ғолиб чиқиш музжассамдир. Ўйинда устунликка эришиш истаги намоён бўлади, ўзингнинг эътиборга муносаблигингни ҳис этасан.

Шундай қилиб, ўн иккичи қоида

*Даъват этинг, ориятига дахл қилинг.*

# ХУЛОСА

## Одамларни сизнинг нуқтаи назарингизга ундайдиган ўн икки қоида

- 1-ҚОИДА *Баҳслашувда енгиб чиқишнинг ишончли усули — бу ундан оғиш.*
- 2-ҚОИДА *Сүхбатдошиңгиз фикрига ҳурмат күрсатинг, ҳеч қачон унга ноҳақсан, деманг.*
- 3-ҚОИДА *Агар ноҳақ бўйсангиз, буни тез ва дади. тан олинг.*
- 4-ҚОИДА *Аввал бошданоқ дўйстона оҳангни сақлаб қолинг.*
- 5-ҚОИДА *Сүхбатдошиңгизни бошданоқ «ҳа» деб жавоб қилишга мажбур этинг.*
- 6-ҚОИДА *Вақтнинг кўп қисмида сүхбатдошиңгиз гапирсин.*
- 7-ҚОИДА *Майли, сиз билдирган фикрни ҳамсуҳбатингиз ўзига тегишили, деб ҳисобласин.*
- 8-ҚОИДА *Ҳамиша нарсаларга сүхбатдошиңгиз нуқтаи назари билан самимий қарашига ҳаракат қилинг.*
- 9-ҚОИДА *Бошқаларнинг мулоҳазаси ва истакларига ҳамдардлик билан ёндашинг.*
- 10-ҚОИДА *Олижаноброқ ҳолатларга даъват этинг.*
- 11-ҚОИДА *Ўз фикрларингиңни самарали тақдим этинг!*
- 12-ҚОИДА *Даъват этинг, ориятига дахл қилинг.*

# *Тұртқынчи қисм*

## **БАЖАРИЛСА, ОДАМЛАРГА УЛАРНИ ХАҚОРАТЛАМАЙ ВА РАНЖИТМАЙ ТАЪСИР ЭТИШ ИМКОНИНИ БЕРУВЧИ ТҮҚҚИЗ ҚОИДА**

---

*Биринчи боб*

### **АГАР ТАНБЕХ БЕРМОҚНИ ИСТАСАНГИЗ, НИМАДАН БОШЛАЙСИЗ**

Келвин Кулиджнинг президентлик даврида дүстларимдан бири Оқ уйга дам олишга таклиф қилинибди. У бир пайт президентнинг хонасига кириб қолганида Кулидж ёш котибасига гапираётганини эшитибди: «Бугун устингиздаги құйлагингиз үзингизга ёрашибди, жуда очилиб кетибсиз».

Әхтимол, бу индамас Келнинг умрида ўз котибасига қылган әңг әрқин хушомадидир. Бу шунчалик ғайритабий вә күтилмаган эди-ки, ҳатто қызы уялиб кетган. Шунда Кулидж: «Хижолат бўлманг, бу гапни сизга хуш ёқсин учун айтгандим. Энди эътиборингизни тиниш белгиларига қаратсангиз...».

Унинг услуби әхтимол бир қадар соддароқ туюлсада, руҳан юксак эди. Аввал барча фазилатларимиз ҳақида гапиришса, ёқимсиз сўзларни тииглаш ҳамиша осон кечади.

Бирорнинг соқолини қыртишлashedan олдин албатта, союн сурлади, деб беҳуда айтнишмайди. 1896 йилда президентлик лавозимиға сайланыётганида Мак-Кинли

айнан шундай йүл тутибди. Үша давр республикачилар партиясининг таниқли арбобларидан бири сайловолди нутқини ёзибди. Муаллифнинг фикрича, Цицерон, Патрик Генри ва Дэниэл Уэбстер биргалашиб ёзадиган нутқдан бироз аълороқ экан. Бу арбоб Мак-Кинлига ўз меҳнат маҳсулини анча кўтаришини кайфиятда ўқиб берипди. Унда муваффақиятли жойлари бўлишига қарамасдан, умуман олганда нутқ яроқсиз эди. Шу туришида таниқид бўронига учраши ҳеч гап эмасди. Мак-Кинли муаллиф гурурига тегмасликка ҳаракат қилди. Ундаги ташаббускорликни сўндириласлик лозим эди, шунга қарамасдан Мак-Кинли «йўқ» дейишга мажбур бўлди. У буни маҳорат билан амалга оширганига қаранг.

«Дўстим, бу нутқ жуда ажойиб, — дебди. Мак-Кинли. — Ҳеч ким бундан яхши ёза олмайди. Кўп ҳолларда бу мақсадга мувофиқ келиши мумкин эди, аммо ҳозирги вазиятга мосмикин? Гарчи оҳангни жиҳатдан талаб даражасида бўлса-да, умумпартиявий нуқтаи назардан кутилган самарани бериши инобатга олиниши лозим эди. Ҳозироқ уйингизга боринг ва мен кўрсатадиган жиҳатларга таяниб бошқа нутқ ёзинг. Нусхасини менга юборинг».

Муаллиф айнан шундай қилди. Мак-Кинли ўзига берилган нусхани кўк рангли қалам билан белгилаб кўз юргутириди ва муаллифга нутқнинг янги шаклини ёзишга кўмаклашибди. Натижада у сайлов жараёнида ёнг оммавий нотиқлардан бири бўлди.

Мана, Авраам Линкольннинг иккинчи машҳур мактуби. (Ёнг машҳурлиги шундаки, унда беш нафар фарзанди жангда ҳалок бўлганлиги муносабати билан Биксиби жаюби олияларига ўз ҳамдардлиги изҳор қилинганди). Линкольн уни беш дақиқа ичидаги ёзиб ташланган, шунга қарамай хат 1926 йилги кимошди савдосида ўн икки минг долларга сотилган. Ўрни келганда айтиш керак-ки, бу Линкольн ярим аср мобайнида ма-шаққатли меҳнат орқали йиққанидан зиёддир.

Ушбу мактуб 1863 йил 26 апрель куни битилган. Линкольннинг генераллари ўн саккиз ой давомида шимолликлар армиясини бир фожиали мағлубиятдан иккисига етаклашарди. Бу бемаъни, аҳмоқона қирғиндан бошқа нарса эмасди. Миллат ёвузлик гирдобида қолди.

Минглаб аскарлар қочишарди. Ҳаттоғи, республикачи-сенаторлар ҳам нафратланиши да Линкольнни Оқ уйдан қувиб юбормоқчи әдилар. «Ҳозир биз ҳалокат ёқасидамиз, — деди Линкольн. — Ҳамма нарсага қодир Худо ҳам менинг назаримда бизларга қарши. Менимча, қаердандир умид учқунланишига ҳам ишонч йўқ». Ана шундай аччиқ қайғу ва тушкунлик даврида ҳали эслатилган мактуб оламга келибди.

Уни бу ўринда келтиришиминг сабаби шунда-ки, миллатнинг тақдири ҳарбий бошлиқнинг ҳаракатларига боғлиқ бўлган бир пайтда Линкольн қандай қилиб ушбу қайсар генералга таъсир кўрсатишга урнинган.

Бу Линкольн ўзи президент бўлган даврда ёзган энгескин хат эди, аммо у генерал Гукерга оғир хатолари ҳақида гапиришдан аввал, уни мақтаганинг эътибор бering. Ҳа, бу хатолар оғир эди, бироқ Линкольн уларни бу хил атамаган. У босиқлик ва усталик билап фикрини ифодалаган: «Айрим нарсалар бор-ки, уларга муносабат борасида мен Сиздан тўласинча мамнун эмасман». Шундан сўнг ушбу усул ва усталик хусусида яна нима дейиш мумкин!

Мана, генерал-майор Гукерга йўлланган мактуб:

*«Мен Сизни Потомак армиясини бошқаришга қўйдим. Албатта буни етарли маълумотларни ҳисобга олиб бажарганиман, аммо шунга қарамай, ўйлашимча, яхшиси билиб қўйинг-ки, айрим нарсалар бор, уларга муносабат борасида Сиздан тўласинча мамнун эмасман.*

*Сизни ботир, моҳир жангчи, деб ҳисоблайман ва бу менга ёқади. Ўз сиёсий қарашларингиизни касб фаолиятингизга аралашибирмайсиз ва бунда шаксиз, деб ўйлайман. Ўзингизга ишонасиз, бу ҳам ғоят қимматли фазилатдир. Сиз иззатталабсиз, бу ҳам меъёри даражасида зарардан кўра фойдалироқдир. Шунга қарамасдан менимча, армияга генерал Бернсайд қўймондонлик қилганд пайтларда ўзингизнинг иззатталаблигинги измида бўлдингиз ва қўлингиздан келганича, Бернсайдга халал бердингиз, шу туфайли мамлакатга ҳамда хизмат кўрсатган зобитга катта зиён етказдингиз.*

*Менга яқинда Сизнинг армияга ҳам, ҳуқуматга ҳам қаттиққўйл одам керак, деган гапларингииз маълум бўлди. Албатта, бунга қарамасдан ва бунинг учун эмас, мен қўймондонликни сизга юкладим.*

Фақат мұваффақиятта әршигін генералларғына қаттықұл ұхымдор бўлиши имтиёзини қўлга киритдилар. Менга ҳозир ҳарбий мұваффақият зарур ва қаттиқұлликни таваккал қиласман.

Хукумат бутун кучи билан Сизни қўллаб-қувватлайди, яъни бу барча қўмондонлар учун қилинганидан кам ҳам ёки ортиқ ҳам бўлмайди. Қўмондонликка нисбатан танқидий муносабатингиз ва уларга ишонч-сизликини жангчиларга синедиргансиз, эндисиз. Мен бу кайфиятни бартараф этишга имконим даражасида кўмаклашман.

Сиз ҳам, тирик бўлганида Наполеон ҳам, бундай кайфиятта тушиган пайтда армия билан бирор нарсага эриша олмасди. Шошибалоқ ҳаракатлардан сақланинг, шижоат ва ғоят сергаклик билан олға интилинг ҳамда бизга ғалаба олиб келинг».

Сиз Кулидж ҳам, Мак-Кинли ҳам, Линкольн ҳам эмассиз. Ушбу фалсафа ҳар куни юмушга доир муносабатларингизда иш бериши мумкинлигини билмоқчимисиз. Келинг, кўрайлик. Филадельфиянинг «Үорк компания» фирмасидаги У. П. Гоу билан бўлган воқеани олайлик. Гоу—сиз билан мендек оддий фуқаро. У бу воқеани кўпчилик ҳузуридаги чиқишида айтган.

«Үорк компания» фирмаси Филадельфиядаги катта бинода қурилиш ва пардозлаш ишларини бажаришга шартнома тузди. Вазифаларни белгиланган муддатнинг ўзида тугаллаш керак эди. Барчаси ўз маромида борарди, бино қарийб тайёр бўлди, пештоқ учун бронза безаклар тайёрловчи пурратчи ўз маҳсулотини вақтида етказиб бера олмаслигини билдириди. Қандай! Бинони топшириш кечикириладими? Бир одамнинг касрига катта жарима тўланади-ку!

Шаҳарлараро телефон орқали музокаралар, баҳслашувлар, тортишувлар... Барчаси беҳуда бўлди. Шунда Нью-Йоркка «бронза йўлбарси» билан унинг ўз қафасида олишишга Гоунин жўнатишиди.

Гоу президентдан унинг хонасига кирганида «Бруклинда шундай фамилияли ягона киши эканингиз Сизга маълуммий?» — деб сўрабди Президент ҳайратланиб: «Иўқ, буни билмабман», — дебди.

Гап шундаки, — дебди Гоу, — бугун эрталаб поезд-

дан тушиб, манзилингизни аниқлаш учун телефонлар рўйхатини олсам, бруклийликларнинг алоқа маълумотномасида бундай фамилиядаги ягона одам сиз экансиз».

«Ҳеч қачон буни билмабман», — дея тан олди президент ва у қизиқиб телефонлар маълумотномасини варақлади. «Ҳа, бу түғрикодий фамилия, — дебди у фахрланиб. — Бизнинг бобокалонларимиз қарийб икки юз аввал Голландиядан келиб, Нью-Йоркка жойлашиб қолганлар». У бир неча дақиқа давомида ўз оиласи ва авлод-аждодлари ҳақида сўзлабди. Гапини тугатгандан сўнг Гоу унга қарашли заводнинг ҳажми, ўзи кўрган шу хилдаги бошқа корхоналарга нисбатан фойдали томонга фарқланишидан ҳайратини билдирибди. «Бронза маҳсулоти ишлаб чиқарувчи заводларда бу қадар тартиб ва тозалик бўлиши камдан кам учрайди», — дея қўшимча қилибди Гоу.

«Бу корхонани юзага келтиришга бутун умримни сарфлашимга тўғри келди, — дебди президент — ва булар билан фахрланаман. Завод бўйлаб кичкинагина саёҳат қилишини истайсизми?».

Айланиб чиқиш пайтида Гоу ишлаб чиқариш тизимининг мавжуд рақобатчилариникига нисбатан афзал жиҳатларини таъкидлаб, нега улар устун эканини кўрсатиб ўтибди. Гоу бир неча одатдан ташқари ускуналарга эътибор берганида президент уларни ўзи ихтиро қилганини тушунтирибди. У уларнинг ишлашини ва қандай ажойиб маҳсулотлар чиқарилаётганини меҳмонга намойиш қилишга анчагина вақт сарфлабди. Саёҳат якунида Гоуни тушлик овқатни бирга қилишга астойдил таклиф қилибди. Шунгача Гоу келишидан асл мақсади нима экани ҳақида бирор сўз ҳам айтмаганини ҳисобга олинг.

Тушликдан кейин президент гап бошлабди: «Келинг, энди иш билан шуғулланайлик. Мен сизнинг нима учун келганлигингизни билардим, фақат учрашивимиз бу қадар ёқимли бўлишини кутмагандим. Хотиржам Фильтельфияга қайтишингиз мумкин — сўз бераман-ки, бошқа мажбуриятларни бажармасликка тўғри келса-да бу юртмангиз ўз вақтида тайёрланади ва жўнатилади».

Гоу ўз илтимоси ҳақида бир оғиз гапирмасдан зарур нарсаларнинг барчасига эга бўлди. Маҳсулот ўз вақти-

да етиб келди ва бинонинг қурилиши шартномада бел-  
гиланган муддатда аниқ тугатилди.

Агар Гоу одатда бунга ўхшаш ҳолларда ишлатила-  
диган жанжал ва дўқ-пўписа усулларидан фойдаланга-  
нида шундай бўлармиди?

Шундай қилиб, биринчи қоида:

*Гапни суҳбатдошингизни мақташ ва фазилатларини  
самимий эҳтироф этишдан бошланг.*

## ЎЗИНГИЗГА НИСБАТАН НАФРАТ ҚЎЗҒАМАЙ, ҚАНДАЙ ТАНҚИД ҚИЛАСИЗ

Бир гал куннинг ярмида Чарлз Шваб ўзининг пўлат кўйиш заводи цехларидан бирини айланыб ўтаётib, анчагина ишчининг айнан «Чекилмасин» деган ёзув остида чекиб турғапларини кўрибди. Сизнингча, Шваб уларга ёзувни кўрсатиб: «Нима ўқишини ҳам билмайсизларми?» деб сўрайдими? Йўқ, у ишчиларга яқинлашиб, ҳар бирига биттадан сигарета тутқазди ва: «Йигитлар, мабодо, мана шу сигаретларни цехдан ташқарида чексаларнингиз сизлардан миннатдор бўлардим», дебди. Командалар қоидани бузганлиги унга аён эканини, билдилар, ўзи эса буни сезмасликка олиб кичикроқ совфа берганига ҳайратлантирилди да, улар эътибордан четда эмасликларини ҳис эттирди. Шундай одамни севмай бўлармиди?

Джон Уэнемейкер ҳам шу услубни қўллабди. У ҳар куни ўзининг катта универмагини айланэркан. Бир сафар пештахта олдида харидор аёл кутиб қолганини кўриб қолибди. Ҳеч ким унга эътибор қилмабди. Сотувчилар нарироққа тўпланиб, нима ҳақдадир жўшқин суҳбатлашардилар. Уэнемейкер бирор сўз айтмасдан, босиқлик билан пештахта ортига ўтиб, харидорга хизмат кўрсатди, харидни эса ўраб бериш учун сотувчиларга узатди ва ўзи айланишда давом этди.

1987 йил 8 март куни нотиқлиги билан шуҳрат таратган протестант черкови руҳонийси Генри Ўорд Бичер оламдан кўз юмди. Кейинги якшанбада Бичер вафоти муносабати билан бўшаб қолган ўринни эгаллашга кашиш Лаймен Эббот таклиф қилинибди. Минбарда иложи борича яхшироқ сўзлаш мақсадида Эббот хутбасини қайта-қайта ўзгартириб, Флобер сингари уни силлиқлабди. Кейин буни хотинига ўқиб берибди. Хутба илгари тайёрлаган нутқлари сингари занфроқ чиқибди. Агар Эбботнинг хотини нисбатан кам мулоҳаза-

ли бўлганида эди, таҳминан шундай дерди: «Бу жудаям ёмон, ҳеч нарсага арзимайди, у тингловчиларни ухлатиб қўяди. Худойим-эй, нега сен ҳам одамлардек гапира олмайсан? Агар шундай мазмунсиз чиқиш қиласанг, ўзингни шарманда қиласан».

У шундай дейиши мумкин эди, аммо агар шу воқеа юз берганида, биласизми, қандай натижа чиқарди. Шунинг учун у бу хутбадан шунчаки «Норт-Америкэн ревью» журналибоп ажойиб мақола чиқиши мумкинлигини таъкидлабди, холос. Бошқача айтганда, бу аёл матинни мақтабди ва айни пайтда нутқ сифатида у бўлмағурлигини англатибди. Лаймен Эббот унинг фикрни илғабди, астойдил тайёрланган қўлләзмасини йиртиб ташлабди ва белгиланган кунда олдиндан тайёрланган ёзувларсиз хутба билан чиқиш қилибди.

Шундай қилиб, иккинчи қоида:

*Бошқалар хатоларини тўғридан тўғри эмас, ишора билан кўрсатинг.*

## **ДАСТЛАБ ЎЗ ХАТОЛАРИНГИЗНИ ТАХЛИЛ ЭТИНГ**

Бир неча йил бурун жияним Жозефина Карнеги қадрдан шаҳри Канзас-Ситини тарк этди ва Нью-Йоркка кўчиб ўтиб, менинг котибам бўлиб ишлай бошлади. Ўн тўққиз ёшли бу қиз ўрта мактабни битирган, иш тажрибаси йўқ ҳисоби эди. Айни пайтда у энг юксак даражадаги котибадир. Ўз фаолиятининг бошланишида, юмшоқроқ айтганда, анчагина мукаммаликка муҳтоҷ бўлған. Бир гал уни танқид қилишга жазм этдиму кейин ўзимга дедим: «Бир дақиқа Дейл, бир дақиқа. Сен Жозефинадан иккى баробар каттасан, иш тажрибанг ўн минг марта зиёд, қандай қилиб ўз қараашларинг. мулоҳазанг унда ҳам бўлишини талаб қиласан. Яна бир дақиқа. Дейл, ўзинг ўн тўққиз ёшингда нима қилгандинг? Ўзинг йўл қўйган аҳмоқона хатоларинг ёдингдами? Сен бу-бу ва бу-булар қилганинги эслайсанми?...».

Маҷалани софдиллик ва ортиқча эҳтиросларсиз ўйлаб қўрсам, Жозефинанинг ўн тўққиз ёшдаги қўрсат-кичлари менинг шу даврдагимдан кўра яхшироқ экан.

Шу боис Жозефина эътиборини бирор хатосига қаратиш мақсадида одатда гапни шундай бошлардим: «Сен янгишдинг, Жозефина, аммо, Худс шоҳид, мен қилган хатолардан кўра, тузукроқдир. Туғилганингданоқ соғлом фикрга эга бўлолмайсан, вақт ўтиши билан шунга эришасан. Сенинг ёшингдаги пайтимга нисбатан анча ақллироқсан. Сени ёки яна кимни бўлмасин танқид қилишга хушим йўқ, чунки ўзим кўплаб аҳмоқона ҳатти-ҳаракатларда айборман. Аммо, сен ишингни ундей эмас, бундай қилсанг ўзингга яхши эмасмикан?».

Агар танқид қилувчи одам ўзи ҳам бегуноқ эмаслигини тан ола туриб хатоларимизни санаса, уларни тинглашимиз унча қийин кечмайди.

Назокатли одатлар соҳиби ҳисобланмиш князь фон Бюлов 1909 йилдаёқ бундай хулқ-атворининг аччиқ зарурат эканини тан олди. Уша пайлари фон Бюлов Гер-

маниянинг рейсканцлери эди, таҳтда эса армия ва флотни яратиб ҳар қандай, ҳатто даҳшатли душманни ҳам тор-мор қила олади, деб мақтанган, герман тарихидаги сўнгги бўлиш тақдирига ёзилган кайзер Вильгельм II—Вильгельм Такаббур, Вильгельм Ўзбиларман, Вильгельм ўтиради.

Кайзер бутун жаҳонни ҳайратга солган ва кучли аксасдо берган ақл бовар қилмас даъво билан чиқибди. У бу аҳмоқона, мақтанчоқликдан иборат гапларини Англияда меҳмон бўлиб турганида кўпчилик олдида айтган ва уларни эълон қилишга рухсати олий берибди. Жумладан, у инглизларга нисбатан дўстона муносабатди бўлган ягона немис эканини, япон хавфини бартараф этиш учун ҳарбий денгиз флоти қураётганини Россия билан Франция кулинни кўкка совуришга чоғланганда, фақат угина Англияни қутқазганини, у тузган режа туфайли лорд Робертсон қўмандсилигидаги инглизлар армияси Жанубий Африкани мағлубиятга учратибди.

Охириги юз йиллиқ тинч даврда европалик бирор ҳукмдор оғзидан бундай ажабланарли гаплар сира чиқмаган. Бутун қитъа безовта ари уясидек гувилларди. Англия саросимада қайнар, немис давлат арбоблари ваҳимага тушарди. Ҳамма жойда ҳаяжон айни авжга чиққанда кайзер руҳан ваҳимага берилди ва рейсканцлер князь фон Бюловга айни бўйнига олишни, бундай ақлга сиғмайдиган гаплар билан чиқиш қилишни ҳўкмдорга мен ўргатгандим, дейишини таклиф этибди.

«Аммо, жаноби олийлари, — эътиroz билдирибди фон Бюлов, — назаримда, Германия ёки Англияда бир киши ҳам бунга ўхшаш гапларни сиздек мұтабар зотга маслаҳат бериш қобилиятига эга эканимга ишонмайдигандек туюлаяпти».

Бу гапни айтиши биланоқ фон Бюлов даҳшатли хотага йўл қўйганини англабди. Кайзернинг жаҳли чиқди.

«Сиз мени, — дея бақирди у, — ўзингиз ҳеч қачон қилмайдиган хатоларга қобилияти бор эшак ҳисоблайсизми!».

Фон Бюлов сўзини мақтов билан бошлиши ва сўнгра эътиroz билдириши лозимлигини англабди. У имкон доирасида янада яхшироқ йўл тутибди — кайзерни танқид қилганидан сўнг мақташга тушибди. Бу ажойиб натижа берибди — мақтов ишга тушгандан сўнг кўпинча шундай бўлади.

«Мен буни назарда тутмагандим, — деди у эҳтиром билан. — Жаноби олийлари ҳар жиҳатдан мендан устундирлар — нафақат ҳарбий денгиз флоти ҳамда армияни маҳорат билан бошқаришда, балки табиий фанларни ўрганишда ҳам. Сиз барометр, симсиз телеграф ва рентген нурлари нима эканини тушунтирганингизни лол қолиб тинглагандим. Лисн табиий фанлар борасида уятли даражада саводсизман. Аммо, — давом этди фон Бюлов, — мен старли даражада тарихни биламан, эҳтимол сиёsat, хусусан дипломатияда айrim фазилатларга эгадирман».

Кайзернинг қўнгли юмшади. Фон Бюлов уни мақтади, уни кўкка кўтарди ва ўзини камситди. Шундан сўнг кайзер барчасини кечириши мумкин эди. «Мен сизга ҳамиша, — ҳайратланиб хитоб қилди у, — бизлар бир-бировимизни ажойиб даражада тўлдириб турамиз демаганмидим? Бизлар ёнма-ён бўлишимиз керак!

Кайзер фон Бюловнинг қўlinи бир эмас, бир неча марта қисиб қўйди. Ўша куннинг ўзида кейинроқ шундай фикрга келди-ки, муштими уриб: «Кимда ким менга княз фон Бюлов ҳақида ёмон гап айтса, ўзим унинг башасига тушираман!» деб қичқирди.

Фон Бюлов ўзини вақтида қутқазишга улгурди, чунки у эпчил дипломат бўлишига қарамай хатога йўл қўйганди: у гапини кайзернинг ақли заифлигига ҳамда васийга муҳтоҷлигига ишора билан эмас, балки ўз камчиликлари ва Вильгельмнинг устунлиги ҳақида бошлаш керак эди.

Ўзини камситиш ва суҳбатдошини мақташ учун бир неча жумла қўлланилса, қўнгли нозик, иззат-нафсли кишини садоқатли дўстга айлантириш мумкин. Агар шулардан тўғри фойдаланилса, унда инсоний муносабатларда мўъжизаларни яратади.

Шундай қилиб, учинчи қоида:

*Аввал ўз хатоларингизни эсланг ва шу ҳақда гапиринг, ундан кейин суҳбатдошингизни танқид қилинг.*

## *Тұртқынчи боб*

# УНГА БҮЙРУҚ БЕРИШСА, ХЕЧ КИМ ХУШ КҮРМАЙДИ

Яқында мен азалдан таржимаи ҳол ёзувчиси америкалик Ида Тарбелл билан тушлик қилиш шарафига мұяссар бўлдим. Унга ушбу китобни ёзаётганим ҳақида эслатдим ва бизлар фавқулодда муҳим мавзу — одамлар билан чиқишишни мұхокама қила бошладик. Тарбелл хоним ҳикоясига қараганда, Оуэн Д. Янгнинг таржимаи ҳолини ёзаётганида, у билан уч йил бир хонада ишлаган одам билан сұхбатлашибди. Гапига қараганда, Янг бирор марта ҳам кимга тир, нима ҳақдадир буйруқ бермаган. У ҳамиша маслаҳат берар, буюрмас экан. Янг масалан, ҳеч қачон: «Уни қилинг, буни қилинг», демасмиш. Еки: «Уни қилинг, буни қилманг», демаскан. У одатда фикрини шундай ифодаларкан: «Бунинг устида ўйлаб кўрсангиз» ёки «Сизнингча, бу бирор натижа берармикан?» Айтib туриб мактуб ёздираётганда тез-тез: «Бу тўғрида сизнинг фикрингиз қандай?» деб сўраркан. Ходимларидан бири тайёрлаган мактубни ўқиб чиққанда: «Балки, буни бошқачароқ ифодаласак яхшироқ бўлмасмикан?» — деб қўяркан. У доим сездиrmасдан кишига ишини ўзи уддалашига имкон бернишга интиларкан. Янг ҳеч қачон ходимларига иш юзасидан нима қилиш кераклиги хусусида кўрсатма бериб ўтирас, улар ўзлари ҳаракат қилишларига ва ўз хатоларидан сабоқ чиқариб олишларига имкон яратаркан.

Бу усул одамда қылган хатосини тузатишни осонлаштирад, иззат-нафсины ҳимоя қиласа ва эътиборга муносаблигини англатар, норозилик ўрнига ҳамкорлик қилиш истаги туғиларкан.

Шундай қилиб, тұртқынчи қоидан:

*Ниманидир буюриш ўрнига сұхбатдошиңгизга саволлар беринг.*

## **ОДАМЛАРГА ОБРҮ САҚЛАБ ҚОЛИШ ИМКОНИНИ БЕРИНГ**

Бир гал «Дженерал электрик» компанияси қалтис мұаммога дуч келибди: Чарльз Штейнмец бұлым бошлиғи лавозимидан бүшатди. Агар иш электрға тақалса, Штейнмец тенгсиз даражада заковатли әди, аммо конструкторлық бұлыми бошлиғи сифатида ҳеч нарсага ярамасди. Компания упинг табиатан нозик эканини ҳисобға олиб хафа қилишга жүръят этмади, чунки, у бебаҳо ходим әди-да. Үнға «Дженерал электрик» компаниясынинг маслағатчи-муҳандиси вази-фасп тақлиф қилинди. Бу унинг ўзи аллақаңон амалда бажарып юрган ишиңинг янги номи әди, холос. Бұлым бошлиғи вазифасынға бошқа одам құйилди.

Штейнмец мамнун әди.

«Дженерал электрик» компанияси раҳбарлари ҳам хурсанд бүлишди. Улар бириниң даражали мутахассис дилини оғрітмай, шундай жой алмаширишди-ки, ҳаддан зиёд жақын тез, күнгілі нозик одам хафа бұлмай, ортқұча шовқын солмади, чунки унинг обрүсига птур етказишмади. Ҳа, бу қанчалик мұхим, қанчалик ҳаёттій зарурат әди! Орамизда қаңондир шу ҳақда үйлаб күрганлар жұта кам. Биз бөшқа кишиларнинг ҳис-сиётларига қўпол мұносабатда бұламыз, ўз фикримиз-да туриб оламыз, хато излаймыз, пўписа қиласыз, бегоналар олдида танқид ёғдиримыз, бу билан шаънига зарба берәйтганимизга эътибор қаратмаймыз! Ваҳоланки, озгина эътибор, икки-учта назокатли сўз суҳбатдошнинг нуқтаси назарини самимий тушунишга, унинг дилинга етказиладынған оғиқни енгиллаштиришга анча ёрдам беради.

Хизматкорингиз ёки хизматчингизни ишдан бүшатишдек күнгилсиз заруриятта дуч келганды, буни унутманғ

«Хизматчиларни бүшатиши қувончли машғулот әмас, ишдан бүшатиши янада күнгилсизроқдир». (Бу ибора дипломат ҳисобчи Маршалл Грейджеңернинг менга

йўллаган мактубидан). «Фаолиятимиз мавсумийдир. Шунинг учун март ойида кўп одамни ишдан бўшатишга мажбурмиз.

Компаниямизда штатлар қисқариши ҳамманинг оғзига тутиди: бу билан шуғулланиш ҳеч кимга ёқмасди. Шу боис бу режани имкон қадар тез бажариш қоидаси ишлаб чиқилди. Бу қуйидагича амалга оши рилади: «Мистер Смит ўтиринг. Мавсум тугади, биз сизга бошқа бирор лавозим топа олмаймиз, албатта, иш вақтингчалигини аввалдан билардингиз».

Бу гаплар одамларда ёмон таассурот қолдирава камситилганликларини ҳис этишга мажбур қиласарди. Уларнинг кўпчилиги бир умр ҳисобчилик ишини бажаришган ва аямасдан қилингани муомала туфайли фирммага алоҳида муҳаббат кўрсатишмасди.

Яқинда ортиқча бўлиб қолган одамларни бошқача роқ оҳанг ва уларга ҳурмат кўрсатиб ишдан бўшатиш га қарор қилдим. Мен ҳар бир хизматчининг қиаш даврида бажарган ишини чуқур таҳлил этиб, ҳар бирини алоҳида-алоҳида таклиф қилдим ва дедим: «Сиз жуда ҳам яхши ишлаб бердингиз (агар бу ҳақиқатан ҳам шундай бўлса) Сизни Ньюаркга жўнатганимизда вазифангиз жуда оғир эди. Сиз устунлик қилдингиги ва ишни охиригача муваффақиятли ниҳоясига етказ дингиз. Билиб қўйинг, фирмамиз сиз билан фаҳранади. Сизда ўзига хослик бор, қаерда ишламанг ҳамма жойда ҳам обрў-эътиборга эгасиз. Фирмамиз сизга ишонади ва сиздан ажралаётганига афсусланмоқда».

Бу қандай самара беради? Кетаётган одамларнинг диллари ранжимайди, ўзларини камситилгандек ҳис этмайди. Бизда яна уларга эҳтиёж сезилса, хайриҳоҳлик билан бажонидил келадилар.

Одамлар тақдири ўзларига алоқадор кишиларнинг ҳар бири уларга обрўларини сақлаб қолиш имконини бермоқлари лозим.

Бутун дунёning машҳур одамлари шуинг учун буюк дирлар-ки, шахсий ғалабаларидан роҳатланишга ваки сарфлашмайди. Мисол келтирамиз.

1922 йилда турклар ўз ҳудудларидан юнонларни бир умрга қувиб чиқаришга қарор қилишди

Мустафо Камол ўз аскарлари олдида соғ налоғи ча руҳда сўзга чиқди: «Сизнинг мақсадингиз Ўрта ер

денгизи». Ба замонамиз тарихида шафқатсиз урушлардан бири бошлапиб кетди. Туркия ғолиб чиқди, юонон генераллари таслим бўлганларини баён қилиш мақсадида Камол қароргоҳига келишганда, турклар мағлубларнинг бошига тавқи лаънат ёғдиришди.

Аммо, Камолнинг мурожаатида ғолиблик тантанаси сезилмасди. «Жаноблар, ўтиргиллар,— деди у генералларнинг қўлларини қаттиқ сиқиб. — Сизлар чарчаган бўлишларинг керак». Ҳарбий юришлар боришини икирчикириғача муҳокама этганидан сўнг, улардаги мағлубликдан ранжишни анча юмшатиб изҳор қилди. «Уруши — бу ўйин, гоҳо яхши одамлар ҳам ютқазиб қўядилар».

Шундай қилиб, бешинчи қоида:

*Одамларга ўз обрўларини сақлаб қолиш ияконини беринг,*

## ОДАМЛАРНИ МУВАФФАҚИЯТГА ЭРИШИШГА ҚАНДАЙ ИЛХОМЛАНТИРМОҚ КЕРАК

Мен Пит Барлоуни танирдим. У циркда итлар ва отлар иштирокида чиқиш қиласади. Бутун умрини цирки ёки эстрада гурухи таркибида юриш билан ўтказган. Менга Питининг итларни қандай ўргатишни кузатиш ёқарди. Шунин аглодимки, итларнинг ҳаракатларида озгина бўлса-да ижобий ўзгариштар сезилса, Пит ўша заҳоти уни силаб-сийпар ва мақтар, бир бурда гўшт берарди. Бунда ҳеч бир янгилик йўқ. Ўргатувчилар бу усулни юз йиллардан бўён қўллашади.

Нега энди одамларга таъсири этишда биз шу соғлом фикрни намоён қилмаймиз? Нега биз қоралашиб ўрнига мақтов ишлатмаймиз? Келинг, камгиниа муваффақият учун ҳам мақтайлик, бу одамларни ютуқларга руҳлантиради.

Қамоқхона бошлиғи Льюис Лоуэс хулқ-атворидаги озгина ижобий ўзгаришни мақташ ҳатто, энг ашаддий жиноятчиларга ҳам таъсири этиши мумкинлигини илғаб олибди. Лоуэс хатида шундай ёзади: «Агар қамалганларнинг ҳамкорликлари ва тўласинча тузалишларини истасак, уларни аёвсиз танқид қиласак ҳамда пасткашликларини юзларига солмасак-да, бунинг ўрнига ижобий хислатларини маъқуллашга ўргансак, аъло натижага эришамиз, деган холосага келдим».

Мени ҳеч қачон қамоқца тиқишимаган бўлишса-да, аммо ўз турмушимга разм солсан атиги бир нечта тақдирлов сўзлари ҳаётимни кескин ўзgartириб юборганини кўраман. Сиз-чи, ўзингиз хақиқигизда шундай дея оласизми? Тарих мақтовнинг мўъжизакор таъсири хусусидаги мисолларга тўлиб-тошган.

Ярим аср муқалдам ўн ўшар болакай Неаполдаги фабрикада ишларкан. У кўшикчи бўтишини жуда истаган экан, аммо биринчо ўқитувчиси бундан кўнглини

совутибди. «Сен күйлай олмайсан, — дебди у. — Умуман овозинг йўқ». Боланинг онаси — оддий деҳқон аёл уни қулоқлабди ва далиллантирибди. «Мен биламан, сен күйлай оласан, — деди онаси. — Муваффақиятларингни ҳозирданоқ сезмоқдаман». Бу аёл ўғлининг ашула дарсларига тӯлашга пул тежаш мақсадида ҳатто яланг ёёқ юраркан. Деҳқон онанинг бу мақтovi ва қўллаши бола ҳётини ўзгартириб юборибди. Эҳтимол, сиз у ҳақда эшитгандирсиз, уни Энрико Каузо деб аташарди.

Кўп йиллар бурун Лондонда яшаган бир ёш йигит ёзувчи бўлишни хоҳларкан. Аммо бутун шаронт бунга қарши монелик қиларкан. У мактабга атиги тўрт йил қатнабди, солиқларни тўламагани учун отасини қамашибди, бизнинг ёш йигитча кўпинча очлик азобидан қийналаркан. Ниҳоят, у каламушларга сероб катта омборда ўтириб шишаларга ёрлиқ ёпиштирадиган ишни топибди. Оқшом ўзи каби лондонлик икки дайди бола билан чордоқдаги ноўнгай хонада тупар экан. У ўзининг ёзици қобилиятига ишонмас, масхара бўлишдан қўрқиб, ластлабки қўллёмасини почта орқали ярим тунда жўнатибди. Унинг барча ҳикояларини таҳририятлар четга суриб қўйишаркан. Ниҳоят, буюк кун етиб келибди — улардан биттаси қабул қилинибди. Тўғри, ҳикояси учун унга бир шиллинг тӯлашмаган бўлнишса-да, аммо муҳаррир уни мақтабди. Бола шунчалик ҳаяжонланибди-ки, кўз ёшларини ёноқларига оқизиб, кўчаларда дайдиб юраркан.

Мақтов ва қўрсатилган ҳурмат унинг бутун тақдирини ўзгартириб юборди, бу юз бермаганида эди умрини каламушларга сероб омборда ўтказармиди. Эҳтимол сиз ҳам бу болакай ҳақида эшитгандирсиз, уни Чарльз Диккенс, деб аташарди.

Ярим аср илгари бошқа бир болакай Лондондаги атторлик дўконида ишлар экан. У эрталаб соат бешда туриши, хонани супуриб-сидириши ҳамда кунига ўн тўрт соатлаб ишлаши лозим эди. Шундай тарзда у икки йилларча азобланибди, сўнгра бу ишга ортиқ бардош бера олмаслигини англабди. Бир куни эрталаб ўрнидан тура солиб тежамкор бўлиб ишлаётгани онасининг ҳузурига пиёда жўнабди. Бола ҳаддан зиёд умидсизликка тушиб, онасига илтижо қилиб, йиглабди, агар дўконда қоладиган бўлса, ўзини ўлдиришга

мажбур эканига қасам ичибди. Кейин ўзининг эски мактаби ўқитувчисига ташвишлардан тўйгани ва яшагиси келмаётгани ҳақида узун ҳамда таъсирли мактуб ёзибди. Ўқитувчиси унинг қўнглини кўтарибди, аслида у доно, қизиқроқ нарсалар билан шуғулланишга қобилиятли эканига ишонтириб, унга ўқитувчилик қилишни маслаҳат берибди.

Уибу қувватлаш боланинг тақдирини ўзгартирибди ва инглиз адабиёти тарихида мустаҳкам из қолдирибди. Бу бола етмиш еттига китоб ёзган ва миллион доллардан зиёд пул топибди. Эҳтимол, сиз у ҳақда эшитгансиз, унинг иоми Герберт Дж. Уэльс.

1922 йилда Калифорнияда катта меҳнат эвазига ўзи ва хотинини эўрға боқиб юрган бир ёш йигит яшаркан. Якшанба кунлари черков хорида қўшиқ айтар ва вақти вақти билан тўйларда «О менга ваъда қил» қўшигини куйлаб беш доллардан ишларкан. Қашшоқлиги туфайли у шаҳарда яшай олмасдан, четроқдан бир уйни ижарага олибди. Ижара ҳақи ойига атиги ўн икки ярим долларни ташкил қиларкан. Бироқ, бу арzon тўловга ҳам қурби етмай, уй эгасидан ўн ой учун қарздор бўлиб қолибди. Уни батамом тўлаш мақсадида узумзорда ишлабди. Ўзининг айтишича, автомобиллар савдо-сотиғи билан шуғулланиб пул толишга қарор қилибди. Айнан шу пайтларда уни Руперт Хьюз мақтаб: «Овозингиз янада ширали бўлиши мумкин. Сиз ўқишингиз лозим» — дебди.

Яқинда бу ёш йигит менга учраб қолди, шу озгина мақтov унинг мавқеида кескин ўзгариш ясабди. Икки ярим минг доллар қарз олиб мамлакат шарқига йўл олибди. Эҳтимол у ҳақда ҳам эшитгандирсиз, уни Лоренс Тиббет, деб аташади.

Одамларга таъсир этиш имкониятлари масаласига қайтайлик. Агар сиз ва мен ўзимиз дуч келганларга улардаги мавжуд яширин бойликларни юзага чиқаришларига ундаи олсак, уларни том маънода ўзгартириб юборамиз.

Буни муболаға дейсизми? Унда Гарвард университетининг марҳум профессори, энг таниқли руҳшунос ва файласуф Уильям Джеймснинг қўйидаги доно сўзларини ўқинг:

«Бизлар қандай бўлишимиз мумкинлигига тақ-  
кослаб кўрилса, ярим уйқу ҳолатида турибмиз, ўз  
ақлни ва жисмоний бойликларимизнинг арзимас  
қисмидан фойдаланмоқдамиз. Айтиш мумкинки, инсон  
ўз имкониятлари даражасида яшамайди. У ўзи тасав-  
вур эта олмайдиган қобилиятга эга».

Ха, сиз, ушбу сатрларни ўқиётган киши, одатда  
ўзингиш ишга сола олмаётган кучга эгасиз. Эҳтимол,  
ана шу тўласинча фойдаланмаётган сифатларингиздан  
бири — суҳбатдошларингизни мақтаб ва улар ўзлари-  
нинг яширин хислатларини англашларига илҳомлан-  
тиришингиздир.

Шундай қилиб, олтинчи қоида:

*Одамлардаги заррача омадни маъқулланг, ҳар бир  
муваффақиятни англатинг, «баҳолашда соғдил ва  
мақтоворда сахий» бўлинг.*

## ОДАМЛАР ОБРУСИНИ КҮТАРИНГ

Ошналаримдан Эрнест Джент хоним ўзига хизматкор аёл ёллаб, унга келаси душанбада ишга чиқишини таклиф қилибди, ўзи эса телефон орқали ўша қиз илгари ишлаган жойдаги хонимга қўнғироқ қилибди ва маълумот тўплабди. Аёл келиб, вазифасини бажаришга киришा�ётганда Джент хоним дебди: «Нелли, шу кунларда сизнинг олдинги бекангизга қўнғироқ қилгандим, унинг айтишича, сиз ҳалол ва ишончли, қўлиширии назанда бўлиб, болаларга яхши қарай оларкансиз. Шунингдек, у қўшимча сифатида сизни бироз эътиборсиз ҳамда уйни тоза сақламайди, деб айтди. Жуда дид билан кийингансиз ва ўйлайман-ки, уйни ҳам шундай тоза ва озода сақлайсиз. Биз сиз билан яхши чиқишишамиз».

Шундай бўлиб чиқди ҳам. Қизнинг обрўси оширилди, энди буни оқлаши лозим эди. У оқлади. Уй ялтирап, Джент хонимнинг у ҳақдаги тасаввурига муносаб бўлишга интилиб ҳамма жойни тозалар ҳамда кун бўйи бўш пайтида чантларни артарди.

«Болдуин локомотив уоркс» фирмаси бошқаруви раиси Сэмюэл Воклейнинг фикрига қараганда, агар одамлар ҳурматини қозонсангиз ҳамда уларда қандайдир қобилият борлигини англатсангиз, ўша инсонни бошқариш осон кечади».

Агар сиз кишини қандайдир муносабатда ўзгартиromoқчи бўлсангиз, унда шундай ҳаракат қилинг-ки, мазкур хислати гўё унинг ёрқин хусусиятидек туюлсин. «Агар сизда эзгулик бўлмаса ҳам ўзингизни у бордек кўрсатинг» — деган экан Шекспир. Мен бошқа бирор аслида сиз унга кўроқни истаган сифатларга эга чиқади, дея тасдиқтайман. Унинг обрўсими жойига қўйинг, у эса ҳафсалангизни пир қилмасликка астойдил ҳаракат қиласди.

Жаржет Леблан ўзининг «Хотиралар: Матерлинк билан кечирган ҳаётим» китобида белгиялик камтарин Золушканинг ҳайратда қоларли даражада ўзгаргани ҳақида ёзади.

«Қўшни меҳмонхонанинг хизматкори менга овқат келтириб туради, — деб ёзади у. — Уни «Мари-идиш юувучи» деб чақиришарди, чунки фаолиятини ошхонада қозон-товоқлар ювишдан бошлаган. — У бадбаша-ра гулай кўз, маймоқ оёқ, озғин ва ҳамиша дили мажруҳ ҳолатда бўларди.

Кунлардан бирида қизарган қўлларида макарон солингтан ликопчани ушлаб турганда: «Мари, сиз вужудингизда қандай бойлик яширганини биласизми», — дедим.

Табнатан ҳиссиятларини ошкора этмайдиган Мари бир неча дақиқа қўммир этмади, кейин ликопчани столга қўйди-да, соддадиллик билан гапирди: «Хоним мен бунга сира ишонмайман». У шубҳасини сездирмади, савол ҳам бермади, шундайгина ошхонага ўтди ва у ерда мен айтганларни шунчалик ишонч билан такрорлади-ки, ҳатто ҳеч ким устидан кулишига журъят этолмади. Уша кундан эътиборан унга бир қадар ҳурмат билан қарай бошлашди. Энг ҳайратланарларни шундаки, ўзгаришлар Марининг ички оламида юз берибди. Ўзининг кўзга кўрип мас бойликлар соҳибаси эканига ишонган Мари сидқидилдан юзи ва танасини парваришилай бошлабди, гўё сўниб қолган ёшлиги қайтадан яшнаб кўрксиз қиёфасидаги нуқсонни беркитганде бўлиди.

Икки ойдан кейин, яъни мен кўчиб кетаётганимда у бош ошпазнинг жиянига турмушга чиқаётганини билдириди. «Мен хоним бўлмоқчиман» — деди ва менга миннатдорчилик изҳор этди. Мен айтгани бир жумла сининг бутун ҳаётини ўзгартириб юборди».

Жоржет Леболан Мари-идиш юувчининг обрўсини қўтарди, ўз навбатида у шуни оқлашга нитилди ва бу уни бутунлай ўзгартириб юборди.

Генри Клей Ризнер америкалик аскарлар Францияда бўлганларида уларнинг хулқ-авторларига таъсир қилишда худди шу усуслни қўллаган экан. Америкалик машхур генераллардан бири Дж. Харборд Ризнерга Франциядаги икки миллион аскар менинг фикримча, энг виждонли ва рисоладагидек, деб айтибди.

Ошириб юбордими? Эҳтимол. Аммо қараанг-ки, бундан Ризнер қандай фойдаланибди.

«Мен имкон туғилиши биланоқ генералнинг гапларини тез-тез такрорлардим, — деб ёзади Ризнер. —

Бу ҳақиқатга мосми ёки йүқми деган савол турғилмас-да, генерал Харборднинг фикри билан танишув ас-карларни шунга ундаши мүмкін зди».

Мақол бор: «Тұхмат ұлымга баробар». Лекин одамнинг обрұси ошувиға шароит яратинг ва кўринг, нима юз бераркан!

Деярли ҳар бир бой, камбағал, гадой, ўғри унга ҳалол одам обрўсини муносаб кўришларини истаб, шунга лойиқ бўлишга ҳаракат қиласи.

«Сизнинг товламачига ишингиз тушса, — дейди Синг-Синг қамоқхонасининг бошлиғи Лоуэс, — уни тузишнинг ёлғиз йўли бор: у билан гўё ҳурматли кишига қилингани сингари муюмалада бўлиш лозим. Уни ҳалол одам, деб билинг. Бундан муюмалангиз унга шунчалик манзур тушади-ки, ҳатто шунга муносаб жавоб қайтаради ҳамда бирор ишонганидан фахрланади ҳам».

Шундай қилиб, еттинчи қоида:

*Одамлар обрұси ошувиға имкон яратинг, улар албатта шунга муносаб бўлишга интилишади.*

**СИЗ ИЛҒАГАН ХАТО ОСОН  
ТУЗАТИЛАДИГАНДЕК ТААССУРОТ**

**ҮЙФОТИНГ**

Яқында менинг бүйдоқ ўртоғим қирқ ёшида уйланди, келин уни кеч бұлса-да, бир неча раңсабоғи олишга күндирибди. «Оллоҳнинг ўзи гувоҳ мен бунга қанчалик мұхтож әдим, — тан олди у менга, — ёхуд йигирма йил рақсга тушардим. Үзим таклиф этган илк үқитувчи эҳтимол рост айтгандир. Мен барчасини нотўғри қилаётганимни ва аввалгиларини унтиб, бошқатдан бошлаш лозим. деганди. Урганишни давом эттиришга илҳомлантиришмади, рақс билан хайрлашдим.

Бошқа үқитувчи балки, ёлғон гапиргандир, аммо бу менга хүш келди Айтишича, бироз эскича үйнасамда менда етарлича қобилият мавжудлигини айтди, шу боис бир нечта янги ҳаракатларни бемалол ўрганишим мумкин әмиш. Биринчи үқитувчи хатоларимни айтис кўнглимни совутди, янгиси тескарисича иш тутди. У тўғри ҳаракатларимни мақтади, хатоларимни арзимасга чиқарди. «Табиатан сиз ҳаракатларни ҳис эта сиз, ҳақиқатан ҳам туғма үйинчисиз», — дея ишонтирди. Соғлом фикримга кўра, ҳамиша ўртача үйинчи бўлганман ва шундай бўлиб қоламан, юрагим тубида эса у самимий фикр билдирган. деган фикр ҳукмронлик қиласарди. Албатта, бундай дейиши учун мен унга пуртулаганман, аммо бу савол нега кўтарилиши керак?

Хозир аниқ биламан-ки, илгаригидан кўра у ҳара катларни табиий ҳис этишимни таъкидлагандан сўнг, яхшироқ рақсга тушдим. Бу гап менга далда берди. умидлантирди, мукаммалроқ бўлишга истак уйготди.

Болангиз, эрингиз ёки хизматчингизга қайсиdir жиҳатдан ишнудлиги, бирор бир нарсага қобилияти йўқ ва мутлақо нотўғри бажараётганини айтсангиз, уни мукаммалтанишга бўлган ҳар қандай интилишдан маҳрум этасиз. Аммо, қарама-қарши усульнин қўлланг: ўз рəгбатлантиришингизда сахий бўлинг, суҳ-

батдошингиз олдида турган масаланинг қийин жоий йўқанини, осонликча ечишга қодирлигини, тугма истеъдоли бунга имкон беришини англатсангиз, у муваффақиятга эришишга куну тун уринади.

Бундай услубни Лоуэлл Томас ҳам қўлларкан, у эса билишимча, одамлараро муносабатлар масаласининг пиридир. У ҳар турли йўл билан кўнглингизни кўтаради, куч-қувватингизга бўлган ишончингизни оширади, сизни журъатли этади ва умидларингизга қанот бағишлади. Мана мисол. Яқинда мен ҳафта охирини эр-хотин Томаслар билан ўтказдим. Шашба куни кечқурун улар мени ёниб турган камин олдида дўстона бридж ўйинига таклиф қилдилар. Мен? Бридж ўйинига? О, йўқ! Йўқ! Фақат мен эмас. Бу ўйинда ҳеч нимани тушунмайман. Бу ўйин менга ҳамиша сирлиги ча қолган. Йўқ! Йўқ! Иложи йўқ!

«Нима деяпсиз, Дейл, бу ерда ҳеч қандай хийла йўқ, — деди Лоуэлл. — Бу ўйиннинг сира қийинчилиги йўқ! Фақат хотира ва вазиятни ҳушёрлик билан баҳолаш лозим. Ёдимда бор бир вақтлар хотира ҳақида ёзган эдингиэ. Бридж ўйини сизнинг қоидаларингизни синашига имкон беради, бу айнан ўзингизга тегишли».

Ҳали ўзимга келмасимданоқ карта столи олдида ўтирадим. Барчалари менда гўё табиатан шунга қобилият борлигини ва бу ўйин жуда осонлигини таъкидлаганлари шунга сабаб бўлди.

Бридж ўйини ҳақидаги гап менга Эли Қалбертсон ни эслатди. Бридж ўйналадиган жойларда Қалбертсоннинг номи яхши таниш, унинг бу ўйин ҳақидаги китоблари эса бир қанча тилларга таржима қилинган ва миллионлаб нусхада нашр этилган. У агар бир ёш аёл бридж ўйини учун унда сезгирилик ва табиий қобилият борлигини айтиб ишонтирмаганда эди ҳеч қачон бу ўйинни касб қилиб олмаган бўлардим, дея менга икror бўлганди.

1922 йилда Америкага келганда, қаердадир фалсафа ва жамиятшунослик ўқитувчиси бўлиб ишлашга беҳуда уриниб юрди. Кейин кўмир сотишга тутинди ва яна муваффақиятсизликка учради. Сўнгра худди шу тарзда кофе сотишга тарафдудланди.

Уша вақтларда одамларни карта ўйинига ўқитиш ҳечам хаёлига келмабди. Қалберстон картани ёмон ўйнабгина қолмасдан, икир-чикирларгача эътибор беради-

ган одам бўлган. У шунчалик кўп савол бераркан-ки, тутатилган ўйинга қайтиб, уни астоғдил таҳлил қиласаркан, сўнгра, ҳеч ким у билан ўйнашни истамай қоларкан. Шу кезларда бридж ўйинининг ажойиб муаллимаси Жозефина Диллонни учратиб, уни севиб қолди ва уйланди. Хотини унинг ўз картасини пухта ўрганаётганини кўриб, шу соҳада заковати зиёда эканлигини ҳамда ҳақиқий ўрни бридж ўйини даврасидалигига ишонтирибди. Айнан шу далда, фақат шу-гина, деди менга Калберстон бриджни ўз касбига айлантиришга мажбур әтиби.

Шундай қилиб, саккизинчи қоида:

*Тез-тез рағбатлантиришга урининг, сиз илғаган хатонинг тузатилиши осон, деган тасаввур ҳосил қилиринг. Шундай қилинг-ки, сиз одамларни ундаётган нарса уларга осон ҳал этиладигандек кўринсин.*



*Тұқызынчи боб*

# ОДАМЛАР ИСТАГАНИНГИЗНИ ШОДЛАНИБ БАЖАРИШЛАРИГА ҚАНДАЙ ЭРИШИШ МУМКИН

1915 йилда Америка даҳшат қуршовида қолди, иккى йилдир-ки, Европа халқлари барча жойда инсоният қонти йилномасида мисли күрилмаган миқёсда бир-бирларини ўлдиришарди. Тинчликка эришиш мумкинми? Буни ҳеч ким билмасди. Аммо, Вудро Вильсон қайтъият билан шунга уринмоққа таваккал қилди. У уруш олиб бораётган Европа давлатлари раҳбарлари билан маслаҳатлашишга ўзининг шахсий вакили — тинчлик элчисини юоришга қарор қилди.

Америка Давлат маслаҳатчиси Уильям Дженнингс Брайан тинчлик тарафдори сифатида Европага боришини жуда хоҳларди, бу билан инсониятга катта хизмат қилиш имкони туғилганини ҳис этганди. Бироқ Вильсон тинчлик элчиси этиб ўзининг яқин дўсти — полковник Хаузин тайинлабди. Хауз зиммасига Брайанни ранжитмай туриб унга ушбу номақбул янгиликни айтишдек, қалтис вазифа юкланибди.

Ўз кундалигига полковник Хауз шундай ёзган. «Тинчлик элчиси сифатида Европага мен боришимни эшишиб, Брайан хафа бўлди. У бу вазифани ўзи бажаришга чоғланганини айтибди... Унга президентнинг фикрича, бундай вазифани расмий кишига юклаш ақлдан эмаслигини, Брайаннинг сафари эътиборни кўпроқ жалб қилиши ҳамда одамлар у нега бу ёқда эканига қизиқишилари мумкин, деб жавоб бердим...»

Бу гап остидаги яширин маънони англадингизми? Амалда Хауз Брайанга бундай топшириққа нисбатан унлиг обрўси зиёдалигини англатибди. Брайан қониқиши ҳосил қилибди. Ҳаётий тажрибалар туфайли доно полковник Хауз одамлар орасидаги муносабатларнинг муҳим қоидаларидан бирига амал қиларкан: одамлар сиз таклиф этган ишни ҳамиша мамнуният билан бажаришларига эришинг.

Вудро Вильсон ҳатто ўз маҳкамаси аъзолигига

Уильям Джиббс Мак-Адуни таклиф қылганида ҳам кулқатворнинг шу йўналишидан борган экан. Бу катта шараф бўлиб, ҳали ҳеч ким бундай илтифот кўрсатмаган эди, Вильсон вазифасини шунчалик маҳорат билан бажарди-ки, бошқа одам ўзини икки баробардан зиёд эътиборга муносаб ҳис этди. Мак-Адунинг ўзи ҳикоя қилишича: «У (Вильсон) янги маҳкамасини тузмоқчи эканини ва агарда мен молия вазири лавозимини эгаллашга розилик берсан, жуда ҳам шод бўлишини айтди. Унинг суҳбатида ажойиб оҳанг бор эди — гўё бу шарафли таклифни қабул қилсан, уни қарздор қилиб қўядигандек таассурот қолдирадиган қобилият соҳиби эди».

Аммо, таассуфким, Вильсон ҳамиша ҳам шу дараҷадаги интилишни намоён этавермасди. Масалан, Кўшма Штатларни Миллий Лига таркибиға олиб кириш ҳақидаги қарори билан сенат ва республикачиларда норозилик уйғотди. Вильсон Элихью Рут, Хьюз, Генри Кэбот Лодж ёки республикачилар партиясининг бошқа кўзга кўринган вакилларини тинчлик анжуманида ўзи билан бирга бўлишларидан воз кечди. Бунинг ўрнига шахсий партиясидаги ҳеч бир жиҳати билан кўзга ташланмайдиган кишиларни олиб борди. У республикачиларга эътиборсизлик кўрсатди, Миллий Лигани ташкил этиш ғояси уларга тегишли эканини англашларига имкон қолдирмади. Инсоний муносабатлар шартларини қўпол бузиб, оқибатда Вильсон ўз мавқенини ҳалокат ёқасига олиб борди, саломатлигини йўқотди. АҚШ пинг Миллий Лигага кирмаслигига сабабчи бўлди.

Энг оммавий «Даблдей пейдж» нашриёти кўпинча одамлар сиз таклиф этаётганишгизни бажаришдан мамнун бўлишларига эришиш қоидасига мувофиқ иш тутарди. Фирма бу қоидани шунчалик устакорлик билан қўллар экан-ки, О. Генрининг тасдиқлашича, у ёки бу ҳикоясини назокатли иборалар айтиб қайтариш билан бирга, ижодининг афзал жиҳатларини ҳам тан олишарканки, муаллиф бошқа нашриётчи қўллёзмани қабул қылганидан кўра, ўзини яхшироқ муаллиф ҳис этаркан.

Менга сўзга чиқиш борасида таклифларни кўпинча мажбурий тарзда тез-тез рад этадиган одамни била-

ман. У бу юмушни шунчалик маҳорат билан бажарадики, инкор жавобни олган одам ҳатто бундан қониқиши ҳосил қиларкан. Қандай қилиб шунга эришган? Гап шундаки, у шунчаки ўзини жуда баид эканини айтиб қўя қолмай, таклиф учун миннатдорчилик билдирап ва тавсия қиларкан. Бошқача сўзлар билан айтганда, у сұхбатдоши хафа бўлишига фурсат қолдирмай, дарҳол уни розилик берса вазиятдан чиқара диган бошқа нотиқ ҳақида ўйлашга мажбур этаркан.

Масалан, у «Нега энди сиз менинг дўстим «Бруклин иғл» газетаси муҳаррири Кливден Роджерсни таклиф этмайсиз?» деган фикрни айтаркан. Ёки: «Сиз Гай Хикокни таклиф этишга уриниш тўғрисида ўйлаб кўрмадингизми? У ўн беш йилча Парижда яшаган ва европалик мухбир сифатида ўз иши билан боғлиқ кўпгина қизиқарли воқеаларни сўзлаб бериши мумкин».

Нью-Йоркдаги «Дж. А. Уонт организейшн» йирик замонавий босмахонаси раҳбари Дж. А. Уонт қўлида ишловчи механикларидан бирини ранжитмай туриб, унинг ишга муносабатини ўзгартиришга мажбур қилган экан. Механик ўнлаб босма ва бошқа машиналарнинг тўхтовсиз ишлашини таъминлаши лозим эди. У доимо иши кўплиги ва ёрдамчига муҳтоҷлигидағ нолирди.

Уонт унга ёрдамчи бермабди, иш ҳажмини ҳам камайтирамбди, шунга қарамасдан, механик мамнун бўлишига эришибди. У қандай қилиб бунинг уддасидан чиқсан? Механикка алоҳида хона берилибди, эшигига эса унинг фамилияси ва вазифаси — «Хизмат кўрсатиш бўлими бошлиғи» ёзуви тахтacha қоқилибди. Энди у аллақандай Том, Дик ёки Гаррилар топширигини бажарувчи созловчи эмасди, бундан бўён бўлим бошлиғи, уни тан олишди, қадр топди, ўз шахсининг эътиборга муносаб экани онгига сингдирилди. Энди у мамнуният билан ўз ишини бажаар ва бошқа шикоят қилмасди.

Болалик? Эҳтимол. Аммо Фахрий легион орденини таъсис этганида ва аскарларига бир ярим мингта хоч тарқатганида, ўн саккиз генерални «Франция маршали» деганида ҳам, ўз қўшинларини «Буюк армия» деб атаганида, Наполеонга ҳам шундай дейишган экан. Жангларда чиниқсан фахрийларга «ўйинчоқлар» бер-

гани учун Наполеонни таңқид қилишган, бунга у: «Одамларни ўйинчоқлар бошқаради» — дея жавоб қайтарган. Унвон бериш ва зиммага юксак ваколатлар юқлаш услуги Наполеон фойдасига ҳал бўлди ҳамда сизга ҳам муваффақиятли хизмат кўрсатиши мумкин. Буни Нью-Йорк штати, Скардэйлилик юқорида эслаган танишларимдан бири—Джент хоним мисолида ҳам тасдиқласа бўлади. Уни майсазор устида чопқиллаб юрган болалар жуда безор қилишибди. Хоним уларни уришишга уринибди, насиҳат ҳам қилиб кўрибди, аммо, ҳеч бири кор қултабди. Шунда бошқача усул қўллабди: шумтакаларнинг етакчисига фахрий унвон берибди ва унга алоҳида масъулият юқлабди, уни ўзининг «изқувари» қилиб ҳамда майсазорга ҳеч кимни қўймасликни топширибди. Шу билан унинг муаммоси ечилибди, «изқувар» орқа ҳовлида гулхан ёқиб, темир симини роса қиздирибди ва майсазорга кирган ҳар бир болани шу билан кўйдирман, деб пуписа қилибди.

Инсон табиати шунаقا.

Шундай қилиб, тўққизинчи қоида:

*Сиз таклиф этган ишини одамлар мамнуният билан бажаришларига эришинг.*

# **ХУЛОСА**

**Бажарилса, одамларга уларни ҳақоратламай  
ва ранжитмай таъсир этиш имконини  
берадиган түккиз қоида**

- 1-ҚОИДА** Гапни суҳбатдошиңгизни мақташ ва фази-  
латларини самимий эттироф этишидан бош-  
ланг.
- 2-ҚОИДА** Бошқалар хатоларини тұғридан тұғри әмас,  
ишира билан күрсатинг.
- 3-ҚОИДА** Аввал ғэ хатоларингизни әсланғ ва шу  
хақда гапириңг, үндән кейин суҳбатдошиң-  
гизни танқид қилиңг.
- 4-ҚОИДА** Ниманидир буюриш ўрнига суҳбатдошиңгиз-  
га саволлар беринг.
- 5-ҚОИДА** Одамларга ўз обрұларини сақлаб қолиш  
имконини беринг.
- 6-ҚОИДА** Одамлардаги заррача омадни маңқулланг,  
чар бир мұваффақиятни англатинг, «баҳо-  
лашда соғдил ва мақтөвдә сахий» бўлинг.
- 7-ҚОИДА** Одамлар обрўси ошувиға имкон яратинг,  
улар албатта, шунга мұносиб бўлишга  
интилишади.
- 8-ҚОИДА** Тез-тез рағбатлантиришга урининг, сиз  
илғаган хатонинг тұзатилиши осон, деган та-  
савур ҳосил қилдириңг. Шундай қилинг-ки,  
сиз одамларни үндаётган нарса уларға енгил  
ҳал этиладигандек кўринисин.
- 9-ҚОИДА** Сиз таклиф этган ишни одамлар мамнуният  
билан бажарышларига эришинг.

# Бешинчи қисм

## МҮЙЖИЗАКОР ТАЪСИРГА ЭГА

### МАКТУБЛАР

Хозир тахминан ўз-ўзингизга шунга үхшаш гапларни айтаётгандирсиз: «Мўъжизакор таъсирга эга! Бемаънилик! Патентга эга дорилар учун жарангдор рекламага үхшаган гап!»

Агар шундай ўйлассангиз мен сизни айбламайман, бунга үхшаш китобни ўн беш йил муқаддам ўқиганимда, ўзим ҳам эҳтимол шундай фикрлаган бўлардим. Сиз шубҳалана япсизми? На чора, шу тоифа одамлар менга маъқул. Ҳаётимнинг йигирма йилини Миссурида ўтказганимап, менга ҳамма нарсанинг исботини талаб қилувчи одамлар ёқади. Инсон тафаккуридаги тараққиётнинг бутун қўлами учун биз ўчек нарсага ишонмайдиган Фома сингарилардан қарзормиз.

Тўғрисини айтайлик. «Мўъжизакор таъсирга эга мактублар» сарлавҳаси ҳақиқатга жавоб берадими?

Очиқ гапирадиган бўлсак, йўқ, жавоб бермайди. Бу ҳақиқатни била туриб кичрайтириш. Мазкур бобда келтирилган мактубларнинг баъзилари икки баравар мўъжизавий натижаларга эга. Бу баҳони ким берган? Америкада маҳсулот сотиш соҳаси борасида танилган Кен Р Дайк. Йилгари у «Джонс-Мэнвилл» компаниясининг сотиш бўлимини бошқарган, айни пайтда «Колгэйт—Палмолив Пит» компаниясининг реклама бўлими бошлиғи ва реклама берувчилар миллий уюшмаси бошқарувининг раисидир.

Дайкнинг айтишича, ахборотлар сўраб савдо ходимларига ёзган мактубларига камдан-кам ҳолларда мижозларнинг саккиз фоиздан ортифи жавоб ёзаркан. Агарда уларнинг 15 фоизи жавоб қайтарса, бу фавқулодда ҳолат ҳисобланаркан, мабодо, жавоблар миқдори йигирма фоизга етса, мўъжиза рўй берган бўларкан.

Аммо, биз Дайкнинг ушбу бобда келтирмоқчи бўлган бир мактубига қирқ икки ярим фоиз жавоб бери-

либди. Бошқачароқ ифодаласак, бу рақам мүъжиза-  
вийдан икки баравар ошиб тушарди. Кулишга шошил-  
манг. Кўрсатилган хат қандайдир айрича ҳолат ёхуд  
баҳтли тасодиф эмас. Бошқа кўплаб мактублари ҳам  
шунга ўхаш натижаларни берган.

У бунга қандай қилиб эришган? Кен Дайкнинг  
изоҳини келтираман: «Мактубларимнинг бундай ама-  
лий натижаси Карнегининг нотиқлик санъати ва одам-  
лар ўртасидаги муносабатлар муаммолари бўйича  
ўтказилган курсларга қатнай бошлаганимдан сўнг,  
яққол сезилди. Илгариги ёндашуви мотиви эканини  
кўриб, мазкур китобда келтирилган қоидаларни амал-  
да синашга уриндим. Бу ахборотлар сўраб бўйтган  
мактубларимга жавоб қайтарилиши самарасини 500—  
800 фоизга оширди».

Мана ўша хат. Хатни олган кишига у ижобий таъ-  
сир кўрсатишни шундай изоҳлаш мумкин, муаллиф  
унга мурожаат қила туриб, озгина хизмат кўрсатиб  
юборишни илтимос қиласди, бу ўз навбатида унда  
эътиборга муносиблик ҳиссиётини уйғотади.

Менинг изоҳларим қавс ичida келтирилган.

*Жаноб Джон Бланкка  
Бланквилл, Аризона.*

*Ҳурматли жаноб Бланк!*

*Менинг озроқ қийинчиликдан холос бўлишимга ёр-  
дам беролмайсизми?*

(Воқеани тасаввур қиласи. «Джонс-Мэнвилл»  
компанияси раҳбар ходимидан хат олган Аризона ўр-  
монида ёғоч-тахта савдоси билан шуғулланувчини кўз  
олдингизга келтиринг, юқори даромадли маъмур би-  
ринчى сатрдаёқ мушкул аҳволдан чиқишига ундан ёр-  
дам сўрайти. Аризондаги сотувчи ўз-ўзига нима де-  
ганини эшитгандекман: «Агар Нью-Йоркда кичкина  
кулфатга дуч келибдими, у тегишли жойга тўғри мур-  
ожаат қилибди. Мен ҳамиша сахийқалб бўламан ва  
одамларга ёрдэм бераман. У ерда унга нима юз берди,  
кўрайлик-чи!»)

*Ўтган йили мен компаниямизни сотувчиларга  
томуга ёпабиган материаллар сотилиши ҳажмини кў-*

пайтиришида ёрдам беришими兹 учун улар билан түлоө орқали түғридан түғри ёзишиналарни доимий ийлга фирмамиз ҳисобидан амалга ошириладиган почта қўйши кераклигига ишонтиришига зришигиндим. (Сотувчи эҳтимол шундай айтар: «Албатта, бунинг учун улар тўлашлари керак, мен ижара ҳақини тўлаш учун қийналиб маблағ тўплётганимда, даромаднинг бир қисми уларга тегса, миллионлаб топишса... Хўш, бу одамнинг қийналгани нимадан иборат?»)

Яқинда мен почта орқали ушбу тадбиримизда иштирок этган 1600 сотувчига сўровнома юбордим, юзлаб жавобларни олдим-ки, булар шундай кўринишдаги ҳамкорликни муносиб баҳолашдан далолат, дея жуда хурсанд бўлдим. Шунга асосан биз яқинда түғридан түғри алоқанинг янги режасини туздик, ишончим комилки, бу Сизга янада маъқулдир.

Бироқ, бугун эрталаб бошқарувимиз раиси ўтган йилги режалар бўйича ҳисоботимни муҳокама қила туриб, уни амалда қўллашиши борасидаги муносабатларимиздаги натижани сўради. Табиийки, ушбу саволга жавоб топиш учун мен ёрдам кўрсатишни сўраб Сизларга мурожаат қилишим лозим.

(Ажойиб жумла: «Ушбу саволга жавоб топиш учун мен ёрдам кўрсатишни сўраб Сизларга мурожаат қилишим лозим». Нью-Йоркдаги каттакон тўғрисини айтмоқда у аризоналик агентига чин кўнгилдан тан бермоқда. Эътибор қилинг, Кен Дайк ўз компаниясининг аҳамияти ҳақида гапириб вақт сарфламаётир. У бирданига хатни олувчига катта даражада суянаёт-ганилигини кўрсатмоқда. Кен Дайк ҳатто «Джонс-Мэйвилл» компанияси бошқаруви раиси олдида мазкур агенттинг ёрдамисиз ҳисобот берга олмаслигига иқрор бўляяпти. Сотувчига инсонийликка хос бундай гаплар хуш келиши табиий).

Мен истардимки, Сиз: 1) илова қилингани почта отkritkasiga Сизнинг-ча, ўтган йилги тўғридан-тўғри хат алоқаси режаси қанча буюртма олишингизга ёрдам берганини ёзишингизни, ва 2) менга имкониятга қараб, уларнинг (бажарилган ишлар умумий нархига асосланисиб) аниқ тахминий иложи борича аниқроқ —

умумий нархларини доллар ва центларда ёзиб юборсангиз.

**Ҳиммат күрсатыб, менга айтилган маңлумоттарни**  
**етказганингизни унутмайман ва илтифотингиз учун**  
**Сиздан жуда миннатдор бўламан.**

*Самимият изҳор этиб Сизнинг Кен Р. Дайк, таъминот бўлими мудири.*

(Унинг охирги сўз жумласида қарийб шивирлаб «мен» деганига ва бутун овози билан «Сиз» деб ба-кирганига эътибор килинг.

Мақтоворға саҳиyllигини ҳам «унутмайман», «миннатдорчилик матингиз учун»).

Оддий хат, шундай эмасми? Бироқ, у «мұғыжиза» яратди, негаки, хат олувчидан жұнатувчи кичик хизмат күрсатишин сұради, илтимоснинг ижроси шахсий зәтиборга муносибилигини күрсатиш имконини берарди. Бундай психологик ёндашув асбестдан ишланған том қолламасини сотасизми, йұқми ёки Епропа бүйлаб «Форд» автомобилида сақшатга чиқасизми, барибир мұваффақият келтиради.

Бир гал Гомер Крой ва мен Франциянинг ички вилоятларида автомашинада кетаётиб, адашиб қолдик. Эски машинамизни бир гуруҳ деҳқонлар олдида тұхтатиб, улардан қайси йўл билан яқин орадаги каттароқ шаҳарга чиқишимиз мумкинлигини сўрадик.

Савол уларга лол қолдирадиган даражада таъсир кўрсатди. Ёғоч ковуш кийган бу деҳқонлар барча америкаликларни бадавлат ҳисоблашаркан. Автомобиллар у жойларда камдан кам кўринаркан. Шубҳасиз, бизлар миллионер, ҳеч бўлмаса Генри Форднинг қариндошлари бўлишимиз керак эди. Бироқ уларга бошқа нарсалар маълум экан. Бизларнинг пулимиз уларнидан кўпроқ эди, шунга қарамасдан, бизлар бош эгиб, каттароқ шаҳарга чиқадиган йўлни сўрашга мажбур эдик. Бу уларнинг эътиборга сазоворликларини англатди. Барчалари бирданига гапиришди. Бундай камдан кам имкониятдан қувонган бир кичикроғи бошқаларга жим туришни буюрди, унинг якка ўзи бизларга йўлни кўратиб, роҳатланмоқчи бўлди.

Нотаниш шаҳарда бўлганингизда бундай тажрибани ўзингиз ўтказиб кўринг.

Душманларини дүстга айлантиришда Бенжамин Франклин шу услубдан фойдаланаркан. Еш йигитлигіда у барча жамғарганини босмахонага сарфлабди, үзини Филадельфия Баш үйгілиши котиби лавозимига сайлашларига эришибиди. Бу лавозим унга барча расмий ұхжатлар нусхасини күпайтиришга берилған буюртмаларни бажариш имконини берібиди. Иш яхшигина даромад келтирибди, Бен буни шундай сақлаб қолишини жуда хоҳлабди. Бирок олдинда бир хавф күрина бошлабди. Қенгашнинг эңг бой ва истеъдолли одамларидан бири Франклинни жуда ёқтиirmай қолибди. У Франклинга бұлған ғаразини яширмасдан, буни ошкора айтибиди.

Бу жуда хатарлы эканидан, Франклин шу одамнинг илтифотини қозонмоқчи бўлибди.

Қандай қилиб? — ана савол. Душманига хизмат кўрсатадими? Йўқ, бу унинг шубҳасини уйғотади, ҳатто нафратини қўзғаши мумкин. Бунга ўхшашиб сиртмоққа илинмасди, негаки, Франклини ҳаддан зиёд ақлли ва жуда топқири әди. Шунинг учун у тескарисига иш тутди. У ўз душманидан ёрдам сўради. Франклин ундан ўн доллар қарз сўрамади. Йўқ! Душманидан унга ёқиб тушадиган шундай ёрдам сўради-ки, мазкур мурожаат шухратпарастликка алоқадор бўлиб, Франклиннинг эътиборга муносиблик ва билимдонликдан завқланишини кўзда тутарди.

Ушбу воқеани Франклиннинг ўзи таърифлаган якуний қисми:

«Унинг кутубхонасида ноёб ҳамда қизиқарли китоб борлигини эшитиб, ушбу асарни ўқиб чиқишистагимни билдиридим ва уни бир неча кунга бериб туриб, илтифот кўрсатишини сўраб хат юбордим. У китобини дарҳол жўнатди, тахминан бир ҳафтадан кейин қайтариб бериб, хизмати учун миннатдорчилик билдиридим. Кейинги гал биз Палатада учрашдик, у мен билан гаплашди, илгари бундай қилмасди, бунинг устига жуда хайриҳоҳлик билдиради. Бундан буён барча ҳолатларда менга ёрдам кўрсатишга тайёрлигини кўрсатарди, бизлар қаттиқ дўстлашиб қолдик, бу унинг вафотигача давом этди».

Бен Франклин бир юз эллик йил муқаддам вафот этган бўлса-да, унинг бошқа кишидан ҳожат чиқариш-

ни сұрашдан иборат руҳий услуги ҳозирға қадар сақланиб қолған ва ўз таъсирини йўқотмаган.

Масалац, у тиңгловчиларимиздан бири ҳисобланмиш Альберт Б. Амсел томонидан муваффақиятли қўдланилган. Амсел сув узатиш қувурлари ва иситиш қурилмаларини сотиш билан шугулланиб, қатор йиллар давомида сув узатиш ускуналари хизматини бажарувчи бир брунклиник пудратчини ўз мижозига айлантиришга уринарди. Бу одам каттагина мавқега эга бўлиб, фавқулодда олни лавозим соҳиби эди. Аммо, бошданоқ Амселга омад қулиб боқмади, пудратчи кўпинча аралашувдан четланадиган одамлар тоифасидан чиқиб қолди. Ўз ошхонасида ўтирган кўйи, оғзида катта сигараси билан ҳар гал эшикни очганиданоқ Амселга: «Бугун менга ҳеч нарса керакмас, менинг ҳам, ўзингизнинг ҳам вақтингизни беҳуда ўтказманг!» — деда бақирапкан.

Куилардан бир куни Амсел вазиятни яхшиловчи, дўст ортиришга ҳамда ажойиб буюртмаларни топишга имкон берувчи янги усульнин синааб кўрибди.

Амселининг фирмаси ўз филиалини очиш мақсадида Кунис-виллидж (Лонг-Айленд) дан янги дўкон харид қилиш учун музокаралар олиб бораради. Ҳалиги пудратчи у ерда кўплаб мижози борлигидан ушбу ҳудудни яхши биларкан. Бўсафар унинг олдига кирган Амсел шундай дебди: «Жамоб С., мен бугун сизга бирор нарса сотишга келганим йўқ, бир масалада кўмаклашсангиз. Лоақал, дақиқангизни мен учун ажратмайсизми?»

«Ҳм... яхши, — дебди пудратчи оғзидаги сигарасини четга сурис. — Баён этинг.

«Менинг фирмам Кунис-виллиджда янги филиал очмоқчи, — тушунтириди Амсел. — Сиз бошқаларга нисбатан бу жойларни яхши биласиз. Шунинг учун шу тўрида нима ўйлашингизни сўрагани келдим. Бундай қадам ақлданми ёки йўқ?»

Янгича вазият вужудга келди! Бир неча йил мобайнида пудратчи ўзининг обрўси баландлигини англаб савдо агентларига қўполлик қиласиз, уларга «йўқолинг» дерди. Аммо, эди эса ундан маслаҳат сўраётган агент, бунинг устига йирик концерндан бўлиб, ундан фикрини билинши хоҳлаётир.

«Ўтиринг», — деди у. Бир соат давомида Амселга Қуинс-виллидждаги сув узаткич ускуналари бозорининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда қулайликлари ҳақида сўзлабди. Нафақат дўкон жойлашган ерни, ҳатто, кўч-мас мулк савдо-сотигининг бутун умумий тартибла-ри, жойланиши ва савдони йўлга қўйишни тасвир-лаб берди. Концерн вакилига булар хусусида ҳикоя қиларкан, ўзининг эътиборга муносаблигини англади. Шундан сўнг шахсий ҳаётига кўчди. Амселга ўзи-нинг майший қийинчиликлари ҳамда оиласидай тўқна-шувлари ҳақида сўзлади.

«Унинг ҳузуридан қайтарканман, — дейди Амсел,— нафақат чўнтағимда катта буюртма пайдо бўлди, балки ишбилармонлик борасида мустаҳкам дўст-ликка пойдевор қўйдим. Энди илгари қўпол муомала кўрсатган ва менга бақиргаи киши билан гольф ўйнай бошладим. Узгариш кичикроқ ёрдам сўраб мурожаат қилишим, ўзининг эътиборга муносаблигини англаши туфайли юз берди».

Кен Дайкнинг бошқа хатини олайлик. Бу ерда ҳам «менга ёрдам қилинг» руҳий услубини усталик билан қўллаганига эътибор қилинг.

Анча вақтдан буён Дайк ишбилармонлар, пудрат-чилар ва меъморлар маълумот юборишларини сўраб қиласан илтимоси жавобсиз қолаётгани, омадсизлик дан тушкунликка берилиб эзиларди. Ўша кунларда у йўллаган мактубларининг бир фоизидан зиёдроғига жавоб оларкан. Муносабат билдирувчилар миқдори икки фоизга етса, у ишлар жуда яхши, деб ҳисобларкан, уч фоиз бўлса, аъло даражада, деб биларкан. Үн фоиз-чи? Үн фоизни мўъжиза сифатида қабул қилиш мумкин.

Қуйидаги мактуб унга 50 фоиз жавоб келтирибди... Мўъжизадан беш баравар зиёд! Хатлар дўстона маслаҳатларга тұлиб-тошган ҳамда ҳамкорлик қилишга қизғин ҳозирликни ифодалаган.

Мана ўша хат. Унда ишлатилган руҳий услуб-га, баъзи жойларда жумлалар ҳам, юқорида қайд этилган мактубдагига айнан ўхашлигига эътибор беринг.

Уни ўрганар экансиз, сатрлар орасидаги мазмунни ҳам ўқинг, ушбу мактубни олган кишининг ҳиссиёт-

ларини таҳлилдан ўтказинг. Нега у мўъжизадан беш баравар зиёд натижа берганлигини топиб кўринг-чи,

«Джонс—Мэнвилл»  
22 Ист, 40-стрит, Нью-Йорк.

Жаноб Джон Доуга  
617, Доу-стрит, Доувилл, Нью-Джерси.

Хурматли жаноб Доу!

Сиз бироз мушкул ҳолатдан чиқшишимга ёрдам беролмайсизми?

Бир йил муқаддам компаниямизни меъморлар фирмамиздаги барча қурилиш материаллари ҳамда уларни уйларни қайта қўрши ва таъмирлаш ишларида қўллаш тўғрисидаги рўйхатга жўға мұхтоож эканларига шонотиришига уриндим. Натижада, илова қилинаётган маълум маънодаги дастлабки рўйхат пайдо бўлди.

Бироқ ҳозирги кунда рўйхатларимиз заҳираси туғаёттир ва бу ҳақда бошқарув раисига эслатганимда, у рўйхат мўлжалланганлар мақсадига мувофиқлигига шонарли далилларни келтирган тақдиримда, янги нашрга қарши эмаслигини айтди.

Табиийки, бундай ҳолатда Сизлардан ёрдам сўрашга мажбурман. Шу боис Сизга ва бошқа қирқ тўққиз нафар меъморга ҳакамлик қилишларини сўраб мурожаат қилимоқни, лозим топдим.

Масалани юсонлаштириш ниятида хатимнинг орка томонида бир неча оддий саволларни хомаки тариқасида битдим. Албатта, уларга жавоб ёзсангиз, ўз хоҳишингиз билан эттироэзларингизни қўйсангиз шахсан қарздорман, деб ҳисоблайман, шундан сўнг илова қилинган маркали конвертга хатингизни солсангиз.

Бу Сизга ҳеч қандай масъулият юкламаслигини гапиришиим ортиқча. Рўйхатнинг янги нашри тўхтатладими ёки тажрибаларингизга асосланиб тузатилгани чиқадими, ўзингиҳиз ҳал этинг.

Ёрдамингиздан беҳад мамнун эканимга шонишингиз мумкин. Олдиндан ташаккур билдираман.

Самиимият билан Сиёзниң Кен Р. Даик,  
таъминот бўлими мудири.

Тажрибамдан шуни биламан-ки, айрим одамлар хатда келтирилгандарни ўқыгач, ушбу руҳий усулини бейхтиёр қўллашга уринадилар. Улар хатлари мўлжалланганларда эътиборга муносаблик туйғусини англашга соҳтакорликка йўл қўймай, фазилатларини сামимий эътироф этиш, тилёғламалик ва риёкорлик воситасида уринадилар. Бу усул кутилган натижани бермайди.

Едингизда бўлсин, барчамиз ўзимизни тан олишларини ва тушунишларини жуда истаимиз, буига эришиш учун қўлимиздан келганини бажаришга тайёр эканимиз ҳеч қачон ёзимиздан чиқмасин. Ҳеч қайсимиш носамимийликни, риёкорликни ёқтирумаймиз.

*Такрорлайман: китобда баён этилган шартлар агар юрагингиз тубидан чиқсанга самаралидир. Мен мўъжиза ўргатсанман, янгича турмуш тарзи хусусида сўз юритаянман.*

## *Олтинчи қисм*

# **ОИЛАВИЙ ҲАЁТИНГИЗНИ БАХТЛИ ҚИЛИШГА ИМКОН БЕРАДИГАН ЕТТИ ҚОИДА**

---

### *Биринчи боб*

## **ОИЛАВИЙ БАХТГА ГҮР ҚАЗИШНИНГ ЭҢГ ТЕЗКОР УСУЛИ**

Француз императори Наполеон Бонопартнинг жияни Наполеон III дунёдаги энг гўзал аёл — Тебск графиняси Мария Евгения Игнасия Августина де Монтихони севиб қолибди ва унга уйланнибди. Унинг маслаҳатчилари бу аёл бор-йўғи учча татнилмаган испан графининг қизи эканини таъкидлашибди. Наполеон: «Хўш, нима бўлибди?» деда эътиroz билдирибди. Қизнинг ноzikлиги, ёшлиги, жозибаси, гўзаллиги унга ифодалаб бўлмас даражада ҳузур-ҳаловат бағишларкан. Тахтидан туриб сўзлаган нутқида бутун миллатга шундай даъваткор гап айтибди: «Мен ўзим севган ва ҳурмат қилган аёлни афзал биламан».

Наполеон ҳамда унинг қаллиғида бахтли бўлишга зарур ҳамма нарса — соғлиқ, бойлик, ҳокимият, шуҳрат, муҳаббат, ўзаро интилиш муҳайёэ эди. Аммо, афусуски, муқаддас аланга заифлашиб, сўна бошлади, ҳарорати пасайди, ўзидан милтиллаган учқунча қолдирди. Наполеон Евгенияни маликалика сазовор этди, аммо, муҳаббатининг кучи ҳам, таҳтининг қудрати ҳам бу аёлни ўз эрига тихирлигини тўхтатишга мажбур этолмасди.

Рашк ва шубҳалардан ўзини қийнаб, эрининг буйруқтарига парво қилмас, уни сира холи қолдирмасди. Эри бошқа аёлга илакишимасин, деб давлат ишлари би-

лан машғұл бұлғанида унинг хонасига бостириб киар, мұхим музокараларни бузарди.

Тең-тез опасининг олдига борар ва эридан шикоят қиласы: норозилик билдирап, дийдиे қилиб, күз ёш тұқарди, пұпса қиларди. Унинг хонасига отилиб киаркан, қичқирап ва ҳақоратлы сұзлар айтарди. Наполеон үнлаб ажойиб саройлар соҳиби, Франция-нинг императори бўлса-да ўзи билан ўзи танҳо қолишга бурчак ҳам тополмасди.

Булар билан Евгения нимага эришди?

Е. А. Рейнхардттинг «Наполеон ва Евгения. Бир империянинг фожиавий комедияси» ажойиб китобидан парча келтираман: Шундай қилпб, иш шу даражага борди-ки, Наполеон гоҳо оқшомларни юмшоқ шляпаси-ни құзигача бостириб, яқын дүсті ҳамроҳлигіда ён әшик орқали чиқиб кетадиган бўлди. Ҳақиқатан ҳам ўзини кутиб турган гўзал хоним ҳузурига борар ёки яхши вақтлардагидек, шунчаки буюк шаҳарда сайд қиласы, эртаклар орқалигина эшитадиган император каби кўчаларни кезар ва имконни қўлдан чиқармай очиқ ҳаводан нафас оларди».

Евгения ўз қилиқлари билан мана, нимага эришди. Тўғри, Франция таҳтига ўтирган, дунёдаги энг гўзал аёл бўлган. Аммо, императорлик унвони ҳам, гўзаллик ҳам дахлсиз муҳаббатни асоссиз рашик заҳридан омон қолдирмайди. Евгения Тавротдаги Исо каби ўзига ўзини ачиниб «Нимадан қўрқсан бўлсан, ўшашга ўзим ҳам йўлиқдим», деб айтиши мумкин. У йўлиқдими? Бу гёл рашики ва ўчакишлари туфайли ўз бошига шуни орттириди.

Дўзах шайтонларининг муҳаббатни барбод қилишдаги жон оловчи ихтиrolари — бу ўчакишлар экан. Бу услуб ҳеч қачон панд бермайди. Қироллик кобра илони сингари у ҳамиша заҳарлайди, ҳамиша ўлдиради.

Граф Лев Толстойнинг хотини буни жуда ҳам кеч англағди. Үлемидан олдин у қизларига шундай иқрорлик билдирибди: «Оталаринг үлемига мен сабаб бўлдим». Қизлари бу гап учун унга ҳеч нарса дейишмабди. Иккалови ҳам ўкириб йиглашибди: негаки, оналарни тўғри айтатётганини билишарди. Доимий дийдиёси, норозилиги, тўхтовсиз танқиди, мунтазам ўчакишиб, оталарини ўлдирганини билишарди.

Шунга қарамасдан граф Толстой ва унинг хотини барча маълумотлар бўйича баҳтли бўлишлари керак эди. У замонанинг энг машҳур ёзувчиси эди, унинг қаламига мансуб «Уруш ва Тинчлик», «Анна Каренина» каби дурданалар сайдрамиз адабиёти осмонида ёрқин юлдуз сифатида мангу чарақлади.

Толстой шунчалик машҳур эдикни, ҳатто, унинг мухлислари кечаю-кундуз изидан юриб, ҳар бир гапини қайд этиб боришган. Ҳаммасини, ҳаттохи, «Мен бориб ухлайман» каби сийқаси чиққан иборасини ҳам ёзib қўйишибди. Ҳозир ҳам рус ҳукумати унинг қачондир ёзив қўйган ҳар бир жумласини қамраб олган юз томлик тўла асарлар тўпламини нашр этмоқда.

Толстой ва унинг хотини шон-шуҳратдан ташқари мулкка, жамиятдаги ўз ўринларига, фарзандларга эга эдилар. Уларнинг никоҳлари шундай қулай шароитда ҳам гуркирамаган. Бошланишда баҳтлари мангу да-зом этиш учун ҳаддан ташқари тиниқ, ҳаддан зиёд тўкис эди. Шу боис ёнма-ён тиз чўкишиб Худодан ҳузур-ҳаловатлари узайишини илтижо қилишарди. Кейин ҳайратда қолдирадиган воқеа юз берди. Толстой бора-босра ўзгарди ва бошқа одамга айланди. У ўзи яратган ажойиб китобларидан уялиб, вақтини тинчликни улуғловчи ҳамда урушни, йўқчилликни қэраловчи публицистик мақолалар ёзишига бағишилаган.

Тасаввур этиб бўладиган барча гуноҳларни, ҳатто-ки, ўзи таъни олишича, қотилликкача боргани — бу одам Исо аллайҳиссалом таълимотига амал қилишга астойдил киришган: ўзига тегишли барча ерларни бўлиб берган ва камбағалларча ҳаёт кечира бошлигар. (Далада ишлаган, ўти ёрган, пичан йиққан, пойафзал тиккан, хонасини ўзи тозатаган, ёғоч идишдан овқатланган ва тушманларини ҳам севишга ҳаракат қилган). ‘

Лев Толстойнинг ҳаёти фожиали кечган, бунга эса никоҳи сабабчидир. Хотини дабдабали яшашни хуш кўрган, ўзи ундан нафратланган, хотини шуҳрат ва иззат шайдоси экан, унга булар беҳуда ҳисобланган.

Ииллар давомида хотини уни эговлаган, уришган ва жанжал чиқарган, негаки, ноширлардан ўз асарларини қалам ҳақи тўламасдан босиб чиқаришни талаб қилган. Хотини эса китоблар учун пул олмоқчи бўларкан. Эри бунга эътироуз билдирганда хотини ўзини ўлдиришга онт ичиб шаддодлик қиласаркан.

Уларнинг турмушида рўй берган бир воқеа, назарим-

да, инсоңият тарихида энг таъсирчан саҳнадир. Ҳали айт-ганимдек, турмушларининг аввалида улар жуда баҳтиёр, мұхаббатлары пок эди. Бироқ, қырқ саккиз йил ўтганидан сүнг у хотинига аранг тоқат қыладыган бўлди. Баъзан кечалари қалб меҳрига ташна бу қари, қалб меҳрига ташна бу аёл унинг рӯпарасига тиз чўккан ва эллик йил муқаддам ўзига бағишлиб ёзишган жўшқини мұхаббатга лиммо-лим шеърларни ўқиб беришни сўраган. Иккалови ҳам ўша ўтган абад қайтмас ажойиб, баҳтили кўнлар ҳақида ёзишган шеърларни ўқиб кўз ёши тўкишаркан. Аттанг, ҳаёт ҳақиқати ёшлиқдаги гўзал орзу ҳаваслардан шунчалик катта фарқланаркан!

Толстой 82 ёшга кирганида ўз оиласи фожиасига бардош бера олмади ҳамда 1910 йил октябрининг қорли тунларидан бирида у ўз хотинидан совуқ ва қоронгулик томон қочди, қаерга боришини эса билмасди. Орадан ўн бир кун ўтиб, кичикроқ темир йўл бекатларидан бирида Толстой ўпка шамоллашидан вафот этди, ўлимидан олдин эса хотинини яқинига йўлатмасликларини васият қилган.

Граф Толстойнинг хотини ўз ўчакишилари, нола ва турбатлари эвазига тўлаган товон нархи шундай бўлди.

Эҳтимол, сиз унинг норозиликларига асос бор, деб ҳисобларсиз. Кўшиламан. Лекин буниг ишга дахли йўқ. Масала қўйидагига бориб тақалади: унинг ўчакишилари ўзига фойда келтирдими ёки оғир аҳволни баттар қилдими?

«Ўлашимча, мен ҳақиқатдан ҳам ақлсиз эканман», — гарчи анча кеч бўлса-да Толстойнинг хотини ана шундай хулосага келибди.

Авраам Линкольн ҳаётининг ҳам буюк фожиаси унинг никоҳи бўлган экан. Эътибор қилинг, ўлдирилиши эмас, унинг никоҳи. Бут унга қараб ўқ узгандан сүнг Лингкольн ўлганини англамай қолди, аммо йигирма уч йил давомида деярли ҳар куни ҳамкори ҳукуқшунос Герндоннинг ёзишича, «оиласи омадсизликнинг аччиқ мевасини» татиб юрган. «Оиласи омадсизлик?» Бу ҳали анча юмшоқ айтилган. Қарийб чорак аср давомида Линкольн хоним эрини эговлайвериб, жонидан тўйғазган.

У тўхтовсиз равишда эрнга ўз норозилигини билдирган ва доим уни танқид қилган: у букчайган ҳамда ҳиндулар сингари бесунақай юрар эмиш, тиззаси қайрилмас эмиш, юрганда гавдаси қотиб турармиш

У эридан қаддини тутишини ўзгартыршини ва оёғини ташлаётганда товонини пансионда ўргатгани сингари ҳолатда босишини талаб қиласы. Эрининг тиккайиб турган катта қулоқлари бошига нисбатан түғри бурчак ҳосил қилиб туриши хонимга ёқмас экан. Бурни қирра әмаслигини, пастки лаби дүппайгани, қичима касали бор одамга ұхшашини, құли ва оёғи ҳаддан зиёд катта лиги, боши кичкиналигини таъна қиласынан.

Авраам Линкольн билан Мэри Линкольн барча ма-салаларда бир-бирларига тамомила қарама-қарши эканлар: бу тарбияга, насл-насабга, миңжозда ҳамда одат ва дунёқараашга тегишлиди. Шунинг учун улар доим бир-бирларининг ғашларига тегарканлар.

Мархум сенатор Альберт Дж. Беверидж ёзади: «Линкольн хонимнинг чийиллаган баланд овози күчанинг нариги томонига ҳам эшитиларди, муттасил жаҳли течиқишини яқында яшайдиганларнинг ҳаммаси биларкан. Унинг жаҳли чиққаны нафақат сұзларыда — балки амалий ҳаракатларыда ифодаланған тарихий воқеаларни ҳам эшитганимиз».

Мана, шундай ҳоллардан бири. Түйдан кейин тез ора да Линкольн ва хотини Спрингфильда яшовчи Джейкоб Эрли хонимниң, бир врачнинг беваси бўлмиш ҳамда ижараби олишга мажбур аёлникига жойлашиб дилар. Бир куни эрталабки нонушта пайти, Линкольн нимадир қилган экан, хотинининг жаҳли чиқибди. Ни ма қилган экан-ки, бунни ҳеч ким билолмабди. Бироқ Линкольн хонимнинг асаби қўзғалиб, эрининг юзига қараб қайноқ коғени сепиб юборибди. Бу ҳолат бошқа яшовчилар ҳузурида юз берибди.

Линкольн Эрли хоним сочиқ билан унинг бети ва қийимини артиб қлаётганда, хўрланған ҳолда ҳеч нима дёмай, ўтираверибди.

Линкольн хонимнинг рашки шунчалик бемулоҳаза, шунчалик шиддатли ва ақлга сифмайдиган даражада бўлган экан-ки, биргина унинг дилни эзадиган айrim шармандали можаролари ҳақидаги хабарларни ўқишнинг ўзиданоқ ҳайратланиб, оғиз очилиб қоларкан. Охир-оқибатда у ақилтан озибди. Апикроғи, куйиниб, дилдан айтадиган бўлсақ, эҳтимол ахлоқи мулоҳазасиз лиги таъсирида шаклланганди.

Хотинининг ўчакишлари, таъналари ва қутуриб қилган қилиқлари Линкольнни ўзартырибдими? Бир маънода ўзгартирган. Хотинига нисбатан муносабати со-

виб, ўзининг омадсиз никоҳига ачинишга мажбур бўлган.

Спрингфилда ўн бир адвокат яшаган ва уларнинг ҳаммасига ҳам иш топилавермасди. Шу боис улар одатда графликнинг турли аҳоли туарар жойларига, судья Дэвид Дэвис ортидан дам у, дам бу шаҳарга қатнаб, суд мажлисларида иштирок этиб юрар эканлар. Шу тариқа улар округ ҳудудига кирувчи маҳалий судлардан иш топишаркан.

Ҳар шанба куни адвокатлар Спрингфилдга қайтиш йўлини топишаркан ва ҳафта охирини ўз оиласидан даврасида ўтказишаркан. Аммо, Линкольн эса боришидан қўрқиб, баҳорнинг уч ойи ва кузнинг уч ойи давомида юриб, Спрингфилдга яқинлашмай, атрофларини кезаркан.

Йиллар кетидан йиллар ўтса ҳам шу тариқа иш тутаркан. Мехмонхоналарда яшаш ўта ёмон бўлса-да, ўз уйидаги яшаб Линкольн хонимнинг доимий ўчакишлиарига дуч келишдан кўра, ўша ишқулайликларни афзал кўраркан.

Линкольн хоним, малика Евгения ҳамда гравиня Толстая эрларига нисбатан қиттан муомалалари ана шундай натижага берибди. Уларнинг қилиқлари ўз ҳаётларини фожиага айлантирган ва энг азиз нарсаларини нобуд қилган.

Нью-Йорк судида оиласидаги ички муносабатлар бўйича ўн бир йил ишлаган ва ўз оиласини тарқ этган эрларга онд минглаб ишни кўрган Бесси Хамбургер бунинг бош сабабларидан бири—хотинларнинг ўчакишлиарп, деб айтган. «Бостон пост» газетаси ёзишича, «бирорта хотин ўз оиласидаги бахтига гўр қазимай қолмаган»

Шундай қилиб, биринчи қоида:

*Хеч қачон ўчакишимаслик керак!*

## СЕВГИН ВА БОШҚАНИ ҲАМ ЯШАШГА ҚҮЙ

Дизраэли бир гал: «Эҳтимол, ҳаётимда ҳали кўп хатоларга йўл қўярман, аммо ҳеч қачон севиб уйланмайман», — деган экан.

У айнан шундай қилибди, ўттиз беш ёшигача бўйдоқ юриб, кейин эса ўзидан ўн беш ёш катта, эллик баҳорни кўрган, соchlари оқарган бадавлат беванинг қўлини сўрабди. Бу муҳаббат эдими? О, йўқ. Аёл уни севмаслигини, пули учун уйланмоқчи эканини англаб етганди! Шу бопс бу аёл унга бир шарт қўйибди: хулқатворини ўрганиш учун бир йил сабр қилишни сўради, шу муддат ўтгач, эрга тегибди.

Анча таъсирчан, манфаатпарастча кўринади, бу ҳақиқатми? Шундай бўлса-да, файритабинийтигига қарамасдан Дизраэлининг никоҳи энг ажойиб даражада муваффақият қозонди. Дизраэли танлаган бой бева хотин ёши ўтган, на ҳуснга, на чуқур ақлга эга эмасди. Гаширш жараёнида у кулгили хатоларга йўл қўярди. Масалан, «греклар олдин пайдо бўлганми, римликларми, у билмас экан», либосларга нисбатан диди юксак, хоналарни жиҳозлаш ҳақидаги тушунчаси эса галати эди. Бироқ, никоҳда энг муҳим ҳисобланган — эр билан муомала қилиш санъатида у даҳо ҳисобланган.

Дизраэлининг зеҳнига у ўз идрокини қарши қўйишга ҳеч қачон уринмасди. Ақли ўткир герцогиня билан бир неча соатли топқирилик мусобақасидан сўнг Мэри-Энн енгилтак суҳбатлари чарчоини тарқатишга ёрдам бераркан. Уйда роҳатланар ва Мэри-Энн эҳтиромидан лаззатланарди. Қариётган хотини билан биргаликда ўтказган дамлари ҳаётининг энг баҳтли пайти бўлган. Хотини унга ҳам дўст, ҳам маслаҳатчи экан. Ҳар кечча мажлислар уйидан қайтгач, барчаси ҳақида гапириб бериш учун хотинининг олдига шошаркан. Қайси ишга-ки қўл урмасин, у Мэри-Энн қўллашини сезиб турар, омад юз ўғириши мумкинлигига ишонмас экан.

Мэри-Энн ўттиз йил фақат Дизраэлини, деб яшабди. Ҳатто, ўз бойтигиги ҳам эрининг ҳаётини осонлаштиргани учун юксак қадрларкан. Бунга жавобан эри хотинини ўз қаҳрамони даражасига кўтарган. Хотини-

пинг ўлиминдан сүнг у граф, деб эълон қилинган. Ҳали бандаликни бажо келтириши мумкин пайтидаёқ Қиролича Викторияни хотинини оқсусяклар тоифасига қўшишга кўндирибди. У туфайли 1868 йилда хотини Биконсфилд виконтесаси унвонини олибди.

Одамлар назарида хотини қанчалик фаросатсиз ва ёғилтак кўринмасин, Диизраэли ҳеч қаочон уни танқид қилмас, шаънига бирорта ҳам таъна сўзи айтмас, бирор уни масхара қиммоқчи бўлганида шиддат билан хотинини ҳимоя қиларкан.

Мэри-Энн мукаммал бўлмаса-да, ўттиз йил давомида эрни мақташдан чарчамас, уни эъзозларкан ва у билан фахрланаркан. Оқибатда нима бўлди? «Бизлар ўттиз йил турмуш қурдик, — дейди Диизраэли, — ва бирор кун ҳам у билан зерикмаганман».

У Мэри-Энн ҳаётидаги ҳамма нарсадан энг қимматлиси эканини ҳеч ҳам яширгаган. Натижаси қандай бўлди? Мэри-Энн дўсларига кўпинча: «Унинг саҳйилиги туфайли менинг ҳаётим битмас-туганмас баҳтга йўғрилди», деб айтган.

Улар ўзаро ҳазил-мутобиба қилишни хуш куришаркан. «Биласанми, — деган экан Диизраэли, — мен сенга пулларинг учун уйланганман». Хотини эса табассум билан: «Шундай, аммо яна уйланишингга тўғри келса унда севиб турмуш қурган бўлардинг, тўғрими?», деб жавоб бераркан. Ва у рози бўларкан.

Генри Джеймс таъкидлашича: «Бошқа одамлар билан муносабатда биринчи павбатда уларнинг баҳтиёр бўлишларига халал берниш мумкин эмаслигини ўзлаштириб олинг, негаки улар айсан шуни истайдилар, агар бизга ҳам шу йўл билан зарар етказишмаса—ўзимиз истагандек баҳтга ёр бўламиз».

Леланд Фостер Вуд ўзининг «Бир оиласда бирга ул-ғаймоқдамиз» китобида айтганидек: «Омадли никоҳ—бу мос келадиган одамни учратишдан ҳам анча мураккаброқ; бу ўзинг айсан шундай одамдек бўла олиш қобилияти».

Шундай қилиб, иккинчи қоида:

*Умр йўлдошингиз хулиқ-авториниң ўзгартиришга уринманг,*

## *Учинчи боб*

# ШУНДАЙ ЙҮЛ ТУТИНГ-КИ, СИЗГА ҲАМ НИКОҲИЙ БЕКОР ҚИЛИШГА БОРИШ ТҮФРИ КЕЛСИН

Жамоат ҳаётида Диизраэлининг ашаддий рақиби буюк Гладстон бўлган экап. Бу иккала арбоб империяга боғлиқ барча баҳсли масалаларда келишолмас эканлар, бироқ бир нарсада уларда умумийлик мавжуд: бу шахсий ҳаётдаги дахлсиз баҳт.

Уильям ва Кэтрин Гладстонлар қарийб олти ўн йил мобайнида ўзаро садоқат тафтида яшашди. Мен айнан Англияning энг муносиб бош вазири Гладстонни бетоқат эр ҳамда жасур аёл ҳақида хиргойи қилиб хотининг қўлини сиққан ҳолда ва камин олдида рақс тушаётган, қувончини ҳамда шодлигини ўзаро баҳам кўрадиган ҳолда тасаввур этишни севаман.

Жамоа ишларида шафқатсиз рақиб Гладстон ҳеч қачон уйдагиларни танқид қилмаган. Эрталаб нонуштага тушганида бошқа оила аъзолари ҳали ухлаётганини пайқаса, ўз норозилигини назокат билан ифодалаш усулини топарди. У овоз чиқариб уйни сирли ғамгин кўйга тўлдиаркан, бу билан Англияning энг иши кўп одами пастида ёлғизликда ўз нонуштасини кутиб ўтираётгани ҳақида эслатаркан. Одамларга хушмуомала ва эътибори туфайли бу инсон оила даврасида ҳам танқиддан тийиларди.

Екатерина II ҳам тез-тез худди шундай қиларкан. У дунёning энг йирик империяларидан бирини бошқарган, миллионлаб фуқароларнинг ҳаёт-мамотини ҳал этган. Фойдасиз урушлар олиб борган ва ўнлаб душманларини отишга ҳукм қилиб, сиёсий жиҳатдан тез-тез ўзини кучли эканини намоён қилган. Шунга қарамай, ошпаз гўшти куйдириб қўйганда жилмайиб тоқат билан еб ўтиаркан-ки, бу ҳолатга ўртacha америкалик эр амал қиласа ҳалал бермасди.

Никоҳларнинг ярмидан ортиқроғи баҳтли эмас, дейди омадсиз никоҳлар масалалари борасида тан олинган

обўри инсон Дороти Дикс. Ишқий саргузаштларнинг аксарияти ажралиш билан якуянанишининг сабаби фойдасиз, ёқимсиз танқид экани ҳам бу аёлга маълум.

Мабодо, сиз ёш болани танқид қилмоқчи бўлсангиз... сизнингча, бундай қилманг, дейман-ми? Йўқ, бундай йўл тутмайман. Мен шунчаки болани танқид қилишдан аввал Америка журналистикасининг мумтоз асарларидан бири «Ота пушаймони»ни ўқиб чиқинг, деб айтмоқчиман. Муаллифнинг розилиги билан биз ушбу мақолани «Ридерс дайджест» журналида босилган ҳолича бермоқчимиз.

«Ота пушаймони» руҳий кўтариинки дақиқаларда ёзилган кичик асарлардан бири бўлиб, кўпчилик ўқувчилар дилларининг таъсиридан торларига тегиб кетади. «Ота пушаймони» мақоласи унинг муаллифи У. Ливингстон Ларнеддининг ёзишича «...юзлаб журнал ва маҳсус нашрларда, шунингдек, мамлакатнинг барча бурчакларида газеталарида босилган. Худди шундай у кўплаб хорижий тилларда ҳам нашр қилинмоқда. Шахсан ўзим минглаб одамларга уни мақтаб, черков ва кафедраларда ўқишиларига розилик берганман. Уни санаб бўлмас даражада турли радиодастурлар орқали ўқиб эшиттиришган. Ундан коллажлар даврий нашрлари ҳамда ўрта мактаблар журналларида фойдаланишган. Гоҳо унча йирик бўлмаган асарлар катта муваффақият қозонади, мазкур мақола айнан шунга муяссар бўлди».

У. Левингстон Ларнед

## ОТА ПУШАЙМОНИ

«Тингла, ўғлим. Мен бу сўзларни қўлчаларинг ёпинг остида бўлиб, жингалак соchlаринг эса пешсанангга ёпишган ҳолда ухлаётганингда айтаяпман. Бир ўзим хонаёнга яширинча кирдпм. Бир неча дақиқа муқаддам кутубхонада ўтириб, газета ўқиётганинда пушаймон тўлқини устимга ёприлиб келди. Сенинг кроватинг олдинга ўз айбимни англаб яқинлашдим.

Ўғлим, мана нималар ҳақида ўйладим: кайфиятим бузуқлиги аламини сендан олдпм, мактабга бориш учун кийинаётганингда сени уришдим, негаки, бетингни ҳўл сочиқ билан артгандинг, оёқ кийимингни тозаламаганинг учун танбеҳ бердим, қайсиdir кийимингни ерга туширганинг учун сенга бақирдим.

Нонушта пайти ҳам сенга анча ўчакишдим: чойингни тўкиб қўйдинг, очкўзлик билан овқатландинг, столга тирсакларингни қўйдинг, нонга мойни қалироқ сурдинг. Шундан кейин ўйнагани кетаётганингда, мен эса поездга шошилардим, сен ўгрилиб қўлингни силкитиб, менга: «Хайр, дада!», деб қичқирдинг, мен эса қовоғимни уйиб: «Елкаларингни ростла!» дедим.

Кечқурун эса ҳаммаси бошидан такрорланди. Уйга келаётib, тиз чўкиб шар ўйнаганингни кўриб қолдим, пайпоқларинг ҳам тешилиби. Олдимга тушиб уйга қайтишга мажбурлаб, ўтоқларинг олдида сени ҳўрладим. Пайпоқ қиммат туради, агарда ўз пулингга сотиб олганингда уни асраб-авайлардинг! Тасаввур қила оласанми ўглим, сенга буларни отанг гапирмоқда!

Кейин эса кутубхонада ўқиб ўтирганимда сен олдимга қўрқиб, писиб кирганинг ёдингдами? Үқишимга халал қилганингдан аччиқланиб, кўз қиirimни ташлаганинда, журъат этолмай эшик олдида тўхтаб қолдинг. «Сенга нима керак?» дея қатъий сўрадим. Сен ҳеч нарса дея оймасдан, қаттиқ бўйинни қучоқларинг ва ўлдинг. Парварлигор сенинг қалбига жо айлаган муҳаббатни менинг беписанд муносабатларим ҳам сўндира алмаган-ки, қўлчаларинг мени эҳтирос би-

лан қучарди. Кейин эса майда қадамчалар ташлаб чи-  
қиб кетдинг.

Ана шундан сүнг, ўғлим, тез ўтмай құлларимдан газета тушди ва мени құрқинч қамраб олди. Одатларим мени ҳар күйга солди. Кичик ўғил бола эканинг учун ўчакишиш, койиш одатларим мукофот бўлди. Ваҳоланки, сени севмаганман, деб айтиб бўлмайди, ахир, ҳамма гап шундаки, мен ёшинингга нисбатан кўп нарса кутибман ва ўз қаричим билан ўлчабман.

Жажжи ҳаракатларингда согломлик ҳамда, самимилик мужассам. Жажжи юрагингни бепоён қирлар устида отаётган тонгга қиёсладим. Бу туйғу менга талпиниб, ўрганингда яққол намоён бўлди. Бошқа ҳеч нарса энди аҳмиятли эмас. Ўғлим, мен қоронғуда кроватиг ёнига келдим ва уялиб, сенинг олдингда тиз чўкдим!

Бу гуноҳни осонроқ ювишдир-ки, биламан агарда бу гапларни сенга уйғоқлигингда айтсам, нима деганимни тушунмасдинг. Аммо эртага мен ҳақиқий ота бўламан! Ишон! Мен сен билан дўстлашаман, азоб чекканингда ҳам, кулганингда ҳам қўпол сўзларга чоғланган тилимни тишлайман, ҳар доим «Ахир у ҳали бола, кичкинаги на бола!» дея такроғ лайман.

Назаримда, хаёлан сени улғайган әркак, деб тасавур қилибман, ҳозир энди чарчаб, ўрнингда ётишингни кўриб, ҳали гўдаклигини англашим. Кечагина сен ўнангнинг қўлида эдинг-ку, бошингни унинг елкасига қўйгандинг. Ҳа, мен сендан ҳаддан зиёд жуда кўп, ишониб бўлмайдиган даражада катта нарсаларни талаб қилган эканман».

Шундай қилиб, учинчи қонда:

**Танқид қилманг.**

## **ҲАММАНИ БАХТИЁР ҚИЛАДИГАН ЭҢГ МАҚБУЛ УСЛУБ**

Лос-Анджеles шаҳридаги оиласының муносабаттар институтининг директори Пол Попеноу айтади: «Үзларича хотин таиповчи күпчилк әрқаклар уй бошқарувчini әмас, балки жозибали, мағрурликларини тан олишга тайёр ҳамда устун эканликларини англайдиганларин излайдилар. Шунинг учун девонхона мудири бўлган аёлни бир куни нонуштага таклиф қилишлари ажабмас. Аммо шундай бўлиши мумкин-ки, у ҳамроҳига ўз хоти расида ўрнашиб қолган «замонавий фалсафадаги оқимлар тўгрисида» суҳбатдан парчалар тақдим қиласди ҳамда ҳатто ўзи учун тўловни амалга оширишга астойдил инициативи. Ишончим комил-ки, эртасига у ёлғиз нонушта қиласди.

Олий маълумоти йўқ котиба, шундай шаронтда ўз йўлдошига дил ўртовчи нигоҳ ташлайди ва оҳиста: «Энди менга ўзингиз ҳақингизда яна бирор нима сўзлаб берсангиз» дейди. Натижа қандай бўлади? Эркак ўз дўстларига: «у ақл бовар қилмайдиган даражада гўзал бўл маса ҳам, аммо бундай яхши ҳамсуҳбатни учратмаганман», дейди.

Эрқаклар аёлларнинг яхши кўриниш ва бежирик кийинишга инилишини қадрлашларини кўрсатишлари керак. Барча эрқаклар умуман шу масалада ўзларига ҳисоб бериб қўйишин-ки, аёллар кийим-кечакка қанчалик чуқур эътибор қилишаркан. Масалан, эрқак билан аёл кўчада бошқа бир эрқак билан аёлни учратиб қолса, аёл киши камдан кам ҳолатда эрқакка на зар ташлайди. одатда у аёл қандай кийинганига эътибор беради.

Менинг бувим бир неча йил муқаддам 98 ёшда вазифот этган. Үлимидан сал илгарироқ у кишига асрнинг тўртдан уч қисмига олдин туширилган фотосуратни кўрсатгандик. Ҳиралашган кўзлари суратни яхши кўролмасди, шунга қарамай у: «Мен қандай қўйлакда эканман?» деб сўради. Юз йиллик ҳаётдан толиқкан, бу қа-

ри кампир етмиш беш йил муқаддам қайси кийимда әкашига қизиқди-я? Бу саволни берганида мен у кишининг ёнида эдим. Бу гап менда ифодалаб бўлмас таас-сурот қолдириди.

Ушибу сатрларни ўқиётган эркаклар беш йил олдин қайси костюм ёки кўйлак кийганларини эслай олмайди-лар ва бунга уларда заррача иштиёқ ҳам йўқ. Аммо, аёллар бундай эмас, биз эркаклар буни англашимиз ке-рак. Юқори табақага мансуб француз оиласларда ўғил болаларга ҳар оқшом бир эмас, кўп бор аёл кишининг кийимидан олган ижобий таассуротларини изҳор қилиш қондаларни ўргатишмаркан. Ваҳоланки, эллик миллион француз янгишмайди-ку!

Газетадан қирқиб олинган парчалардан бирида, би-лишпимча, аслида рўй бермаган бир воқеа ёзилганини, у қандайдир ҳақиқатни тарғиб этгани туфайли мен уни бу ерда такрорламоқчиман.

Бир дехон аёл оғир иш кунидан кейин ўзи билан бирга ишлаган эркаклар олдига бир қучоқ сомон таш-лабди. Улар ҳайратланиб, ундан эс-хушиңг жойидами, деб сўрасса: «Бунга эътибор қилишларингни қаердан билай? Мана, йигирма йилдир-ки, мен сиз эркакларга овқат тайёрлайман, шунча муддатда бирор марта ҳам сомон емаётганларингни бир сўз билан бўлса-да англат-мадиларинг-ку!».

Москва ва Петербургнинг талабчан рус аслзодалари ажойиб одатга эга эканлар. Рус подшолигида олий табақа доираларида яхши тушликдан кейин ошпазни чақиририб, ажойиб таомлари учун уни олқишлиб, унга миннатдорчилик билдириш удуми бор экан.

Шу каби пега энди ўз хотинингизга эътибор бериб кўрмайсиз? Кейинги гал хотинингиз сизга жўжанни мазали қовуриб келтирганда, унга сомон емаётганингизни билдириб. ўша ҳолат эътиборда эканлигини англатинг! Ёки техаслик Гвинан айттанидек, «қизчага гулдурос олқишилар қилинг». Шундай қиммоқчи бўлганингизда баҳтиёрлигинигиз учун унинг аҳамиятга моликлигини намойиш қилишдан қўрқманг. Дизраэли Англиянинг энг буюк давлат арбобларидан бири, лекин у ҳам сиз билан биз ишонч ҳосил қилганимиздек, ўз хотинчасидан қай даражада миннатдорлигини номус қилмай жаҳонга эълои қилган.

Яқында бир журнални варақлаётіб, Эдди Кантор-нинг құйидаги интервьюсига дуч келдім:

«Дүнёда әңг күп — хотинимдан қарздорман, — дейди Эдди Кантор. — Бола пайтим у менинг әңг яхши ўртоғим әди, тұғри йұлга тушишимга күмаклашган. Оила қурғанимиздан кейин у ҳар бир долларни қайта-қайта тежаб, умумий ишимизга сарфлади. Мол-дунёмні айнан у тұплади. Беш нафар ажойиб фарзандимиз бор. Үйимизни шинам, саранжом қылған ҳам унинг үзи. Майдо, мен кимдир бўлиб етишсам, бу унинг ҳисобига ёзилажак».

Голливудда никоҳ шунчалик таваккалчилик экан-ки, ұтто лондонлик Ллойда суғурта жамияти ҳам бунга аралашишга журъат этолмаскан. Бакстерлар оиласи-нинг никоҳи фавқулодда баҳтли саналар әмиш. Үтмишда Уинифред Брайсон ҳисобланған Бакстер хоним әрга тегиб үзиппен ажойиб артистлик мавқеидан воз кечибди. Шунга қарамасдан, у үз қурбонлиги әвазига баҳтларига путур етказилишига ҳеч ҳам йұл қўймас әмиш. «У оладиган олқишлиаридан маҳрум бўлди, — дейди Уорнер Бакстер. — лекин мен ҳар доим олқишлиарим уники эканига ишонтиришга астойдил ҳаракат қилардим. Агар аёлга баҳти эри орқали насиб этадиган бўлса, у буни шубҳасиз эрининг миннатдорчилиги ва меҳрибонлигидан топмоғи керак. Қачон-ки, ущбу миннатдорчилик ҳамда меҳрибонлик соғ бўлса, улар оиланинг ҳам баҳтига ишончли гаров сифатида хизмат қиласди».

Ана шундай.

Шундай қилиб, тұртингчи қоида:

*Бир-бировинчизга ғұз самимий миннатсорчилигингиэни тез-тез изҳор қилиб туринг.*

### АЁЛ КИШИ УЧУН БУ АНЧА МУХИМ

Нече замонлардан бери гуллар—муҳаббат рамзи ҳи-  
собланган. Үрта даромадли эр ўз уйига сариқ наргис  
гулдастани онда-сонда көлтириши ҳисобга олинса, улар-  
ни орхидиядек қиммат ёки альп чүққиларида ўсадиган  
әдельвейсдай ноёб күрнешді. Нега, энді гул тақдим  
этиш учун хотинингиз касалхонага тушишини кутишин-  
гиз керак? Нега, эртагаёқ унга атиргуллардан көлтири-  
майсиз? Тажриба қилиб күринг, нима бўлшини кўра-  
сиз.

Ўта банд эканлигига қарамасдан Джордж М. Коэн  
кунига икки маротаба онасига телефон орқали қўнфи-  
роқ қилиб тураркан. Сизнингча, ҳар гал онасига ҳайрат-  
ланарли янгиликлар айтмоқчи бўлганми? Иўқ, бундай  
илтифотнинг маъноси шуки, ўзингиз яхши кўрган  
одамга у ҳақда ўйлашингизни англатиб, уни мамнун  
этмоқчисиз.

Аёллар айрим саналарга—туғилган кунларга ҳамда  
гурли йилликларга катта эътибор қиласидилар, нега шун-  
дай, бу—аёлларнинг сирларидан бири бўлиб абадий қол-  
са керак. Инсон қўпгина саналарни ёдда сақламасдан  
бутун умрини яшаб ўтиши мумкин, аммо шулардан ай-  
римларини: ўз хотинингиз туғилган кунини ва тўйингиз  
бўлган кунни албатта эсда сақлаш лозим.

Қирқ минг эр-хотин жанжалини кўриб чиқиб, икки  
минг оилани яраштирган чикаголик судья Джозеф Саб-  
бат айтади: «Оилавий келишимовчилик ҳолатларининг  
асосида кўпинча майда-чўйдалар ётади. Эрталаб ишга  
кетаётгандар эрга қўл силкитиб хайрлашишдек оддий бир  
ҳаракатни одат қилиш ҳам ажралишлар сонини қисқар-  
тириши мумкин эди».

Роберт Браунинг Элизабет Баррет Браунинг билан  
биргаликдаги оилавий ҳаёти балки бир вактлар бизга  
маълум энг осойишта турмушлардан бири бўлиши мум-  
кин эди, муҳаббатни қувватлаб туриш мақсадида ки-  
чикроқ бўлса-да совғалар қилиб туришга вақт топа  
олмайдиган даражада башд эмаскан. У хаста хотинига  
шундай ғамхўр бўлган, ҳатто хотини шундай ёзган экан:

«Мен охир-оқибатда ҳақиқатан ҳам фаришта эмасми-  
канман, деб ўйлаб қолмоқдаман».

Кўп эркаклар эътиборнинг бундай майдада аломатла-  
ри қадрига етмайдилар.

«Пикториэл ревью» журналидаги мақоласида Гей-  
нор Мэддокс ёзди: «Америкаликлар оиласи ҳақиқат-  
дан ҳам бир неча янги фисқи-фасодга муҳтож. Маса-  
лан, тўшакка келтирилган нонушта кўплаб аёллар хо-  
ҳиш билдирадиган жиҳатлардан биридир. Аёлларга тў-  
шакда нонушта қилиш, эркаклар учун хусусий клуб  
сингариридир».

Охир-оқибат никоҳ қатор оддий ҳодисалар сингари  
эмас-да. Ушбу ҳолатлар ҳисобга олинмаса, эр-хотинлар-  
нинг шўри бор.

Судлар ҳафтасига олти кун ажратиш билан шуғул-  
ланадилар, буни қаранг-ки, ҳар ўнта никоҳдан биттаси  
бекор қилинади. Сизнингча, бу никоҳлардан нечтаси ҳа-  
қиқий фожна патижасида бузилишга юз тутган? Амин-  
манки, фавқулодда оз. Агар сиз ўша суд мажлисларида  
қатнашиб, кунлар ўтган сайн бу баҳтиқаро эру хотин-  
лар кўрсатмаларини тинглаганингизда эди, ҳақиқатан  
ҳам уларнинг муҳаббатлари аста-секин сўнганини анг-  
лайсиз.

Энди қайчини олиб, қуйидаги иборани қирқиб олинг.  
Уни шлянангизнинг ички томонига ёки кўриб туришин-  
гиз учун олдида туриб ҳар куни соқол қиртишлайдиган  
ойнангизга ёпишириб қўйинг:

«Бу йўлдан мен атиги бир маротаба ўтаман. Демак,  
шундай бўлсин-ки, мен ҳозироқ бирор-бир арзийдиган  
иши қилай ёки бирор бир инсонга саховат кўрсатай.  
Шундай бўлсин-ки, бу иши қилишни кейинга қолдир-  
май ва фўрсатни бой бермай».

Шундай қилиб, бешинчи қоида:

*Иложи борича, бир-бировингизга эътиборли эканин-  
гиз ишоратларини тез-тез кўрсатиб туринге.*

## **БАХТЛИ БЎЛИШНИ ИСТАСАНГИЗ, МАЗКУР ҚОИДАДАН ФОЙДАЛАНИНГ**

Уолтер Дамрош буюк потиқлардан биро, ўз даврида президентликка номзодини қўйған Джеймс Дж. Блейнинг қизига уйланган. Бир гал улар Шотландияда Эндрю Карнегининг уйидаги учрашиб қолгаиларидан сўйиг, Дамрошлар турмуши янада баҳтиёроқ кеча бошлади.

Уларнинг сирлари нимадан иборат?

Кўёв танлаш пайтидаги эҳтиёткорлик билан бир қаторда, — дейди Дамреш хоним, — тўйдан кейинги хушмуомалаликини зарур, деб ҳисоблайман Қани эди ёш хотинлар бегона кишиларга қўлган хушмуомалани ўз эрларига ҳам кўрсатсалар. Жанжалкаш хотиндан ҳар қандай эр қочиб кетади».

Қўполлик — бу мұхаббатни емирадиган рак ўсмаси-нинг ўзгинаси. Буни ҳамма билади, шунга қарамасдан биз яқинларимиздан кўра, бегоналарга назокатлироқ бўламиз.

Биз бегона одамнинг гапини бўлиб: «Вой худойим-еї, яна ўша эски воқеани айтиб бермоқчисиз?» деб айтишни хаёлимизга ҳам келтирмаймиз. Дўстларимизга келган хатларни уларнинг рухсатларисиз очиш ёки шахсий ҳаётларига аралашишни ҳатто ўйлаб ҳам кўрмаганимиз. Ўз оиласиз аъзоларини, яъни бизларга энг яқин ҳамда қадрдон одамларни арзимас хатолари учун ҳақорат қилишга журъат этамиз.

Яна Дороти Дикснинг сўзларини келтираман: «Ёқим-сиз, ҳақоратли сўзларни амалда айтадиганлар уйимиз-дагилар экани ҳайратланарли бўлса-да, ҳақиқатдир».

Генри Клей Ризнернинг тасдиқлашича: «Хушмуомалалиқ—бу қалбнинг шундай ҳолати-ки, у пайтда дарчанинг синиқлигинга эмас, балки унинг ортидаги ҳовлининг гулларига эътибор беринади».

Никоҳда хушмуомалик мотор учун мой сингари муҳимидир.

Китобхонларга манзур «мустабид ҳоким эрталабки нонуштада» образи яратувчиси ёзувчи Оливер Уэнделл

Холмснинг ким эканидан қатъи назар ўз уйда фақат мустабид ҳоким бўлмаган. У шунчалик эҳтиёткор ва оғир-вазминлик кўрсатаркан-ки, ғамгин ҳолатга тушиб қолса, буни оила аъзоларидан яширишга интиларкан. Унинг айтишича, оғир аҳволдан ўзи қийналгани етарли-ча бўлиб, бошқаларнинг ҳам азобланишини истамас экан.

Оливер Уэндел Холмс шундай йўл тутибди.

Оддий инсон тўғрисида яна нима дейиш мумкин? Хизмат жойида ишлари юришмаган, вақтида келишуви амалга ошмаган ёки бошлиқдан танбех олгац, боши оғриган ёхуд поездга кечиккан киши — оиласидагилардан аламини олишга уйнга ошиқади.

Голландияда уйга киришдап олдин оёқ кийимини остоноада қолдиришаркан. Биз ҳам голландияликлардан ибрат олиб ўз уйимизга киришдан олдин хизмат ташвишларини ташқарида қолдиришни ўрганишимиз керак.

Уильям Джеймс «Одамлардаги кўрликнинг айrim турлари ҳақида» деб номланган эссе ёзган. Джеймс қўйидагича ёзади: «Шундай қилиб, мазкур асарда сўз бораётган одамлардаги кўрлик, асли бу барчамиздаги ўзимиздан аълороқ жонли парсаларга ҳамда одамларга нисбатан муносабатдаги ожизлигимиздир».

«Барчамиз чалинган кўрлик». Ўз мижозлари ёки ҳатто ишдаги ҳамкорларига кескин гапиrmайдиганларнинг кўпчилиги ўз хотинларига қичқиришдан тийилиб туролмайдилар. Ваҳоланки, уларнинг оилавий баҳтсаодатлари ишбилармонлик муносабатларидан анча муҳимроқдир.

Ўз оиласида баҳтиёр оддий одам якка-ёлғиз яшовчи даҳодан кўра, саодатлироқдир. Буюк рус ёзувчisi Тургенев тараққий этган бутун жаҳонда тан олинганди. Шунга қарамасдан, у агар дунёда тушликка кечикканидан ташвишланадиган бирор аёл ёнида бўлганида, бутун истеъодидан ва барча асарларидан воз кечишига тайёр экан.

Нима қилганда ҳам оилавий баҳтиёрликка эришишнинг қандай имконлари бор? Таъкидлаганимиздек, Дороти Дикснинг ҳисобича, никоҳларнинг ярмидан ортиқроғи омадсиз чиқаркан, аммо доктор Пол Попеноу бошқачароқ фикр билдирган—инсон исталган корхоналар уришилари туфайли оилавий ҳаётда муваффақият қозониша яхшироқ имкониятлар соҳибидир. Баққол-

ЛИК савдоси билан шуғулланишга қарор қылган барча одамлардан етмиш фоизининг омади юришмаган. Бирок, оила қурмоқчи бўлган эркак ва аёлларнинг етмиш фоизи ниятларига етганлар».

Дороти Дикс буларнинг барчасини қисқача шундай ифодалаган.

«Оила қуриш таққосланса, — дейди у, — бу ҳаётимиздаги бор-йўғи бир манзара, ўлим — эса оддий ҳодиса».

Бирор бир аёл ёки эркак ўз иши ҳамда касбидаги мувваф-фақият қозонишга кетказган меҳнатини нега оилавий ҳаётини яхшилашга сарфламаслигини ҳеч қачон тушуна олмайди. Бироқ, гарчи мамнун ва муросали хотин билан осойишта яшаш инсон учун миллион доллардан устун бўлса-да, юз эркакдан бирор нафари ҳам ўз никоҳи омадли кёчувини таъминлаш устида жиддий бош қотирмайди ва бунга астойдил куч сарфтамайди. Ўз ҳаётидаги энг муҳим нарсаларни тасодиф ҳукмига ҳавола қиласди ҳамда вазият қандайлигига вобаста ҳолда ютқазади ёки ютиб чиқади. Аёллар ҳеч қачон нима сабабдан эрлари улар билан хушмуомала эмасликларини тушунмайдилар, ваҳоланки, ўзларига қаттиққўллик кўрсатишдан кўра, юмшоқ қўлқоп усулидан фойдаланиш анча фойдали-ку.

Ҳар бир эркак агар хотинини эркаласа, у ҳар қандай истакни бажаришини ва ўзи ҳеч нарса йўқотмастигини яхши билади. Арзимайдиган бир нечта хушомад сўзлар ишлатса, хотини ажойиб уй бекаси эканини, унга яхши ёрдами тегаётганини изҳор қиласа, бу асли ҳар бир центни тежкаши мумкинлигини тушунади. Ҳар бир эркак ўз хотинига бултурги кўйлагини кийганида бағоят гўзал кўринишини айтса, аёли ўша кўйлагини Париждаги энг кейинги янгиликка ҳам алмашмаслигини билади. Ҳар бир эркак ўз хотинининг кўзларидан ўпид уни узоқ-узоқ муддатга кўршапалак-тек кўрмайдиган қила олиши, унинг лабларидан қайнот ўпич олса, у балиқдек тилсизга айланишини яхши ҳис этади.

Ҳар бир аёл эри бирор-бир мақсадига эришиш йўли-та хотини билан қандай муносабатда бўлишини яхши сезади, негаки, етарли маълумотни ўзи бериб қўйган. Аёллар эрларига жаҳл қилиш керакми ёки улардан ҳайратланиш лозимми, сира тушунмайдилар, негаки, тез

орада эр хотини билан жанжаллашади, бунинг эвазига хотини тайёрлаган bemaza овқатга эга бўлади, кейин тез орада аёли пулларини bemalol сарф-харажат қилишига розилик беради, бунинг устига эр хотинига атаб кийим-кечак, автомобиль ва марваридлар харид қилади, унга бироз хушомад қилиш ҳамда истакларини амалга оширишдан кўра, бошқа ҳаммасига кўникади.

Шундай қилиб, олтинчи қоида:

*Ҳамиша сертакаллуф бўлинг,*

## **ЭР-ХОТИНЛИК МАСАЛАЛАРИДА САВОДЛИ БҮЛИНГ**

Ижтимоий гигиена бюросининг бош котиби Қэтрин Бимент Дэвис ўз вақтида эри бор минглаб аёлларни қатор ишқий муносабатларга оид саволларга мутлақо очиқчасига жавоб беришга қўндирибди. Натижаси ҳайратланарли бўлиб чиқибди. Ўнинг аниқлашича, жинсий муносабатларда қониқини етарлича эмас экан. Жавобларни батафсил ўрганиб чиққандан сўнг доктор Дэвис матбуотда АҚШда ажралишларнинг жисмоний бир-бировлага тұғри келмаслиги, деган аниқ хуносасини айтибди.

Доктор Дж. В. Гамельтон ўтказган тадқиқотлар ҳам ушбу хуносаларни тасдиқлаган. Доктор Гамильтон қатор йиллар давомида юз эркак ва юз аёлнинг оиласвий ҳаёгини ўрганган. У эркаклар ҳамда аёлларга оиласвий ҳаётларига доир тахминан тўрт юзтадан савол берибди, улар дуч келәтган муаммоларни муҳокама қилибди, ушбу тадқиқотлар жами тўрт йил чўзилибди. Доктор Гамильтоннинг фаолияти ижтимоий муносабатларда шунчалик муҳим аҳамият касб этганки, бу ишга етакчи филантроплар гурӯҳи маблағ ажратган. Ушбу тадқиқотлар натижалари билан сиз Дж. В. Гамильтон ва Қеннет Макгоуэнларнинг «Никоҳлар нега омадсан?» деган китоби орқали танишишиңгиз мумкин.

Омадсизликнинг сабаби нимада? «Фақат жуда ўзига бино қўйган кеккайган руҳшуносгина, — дейди Гамильтон, — эр-хотин ўртасидаги келишмовчиликлар сабаби жинсий келишмовчиликда эмас, дея тасдиқлаши мүмкин. Ҳар ҳолда бошқа қийинчиликлардан келиб чиқадиган жанжаллар агар жинсий муносабатлар қониқарли бўлса, инобатга олинмаслиги мумкин эди».

Доктор Попеноу Лос-Анджелесдаги оила муносабатлари институтининг раҳбари сифатида мингта никоҳнинг тафсилотлари билан танишган: У эр-хотин ҳаёти масалалари бўйича йирик мутахассислардан бирниш. Доктор Попеноунинг эътирофича, никоҳлар бекор бўлишинг одатда тўртта сабаби мавжуд:

1. Жинсий муносабатдаги қелишмовчилик.
2. Дам олиш вақтидан қандай фойдаланишга доир фикрлардаги фарқланиш.
3. Моддий муаммолар.
4. Руҳий, жисмоний ёки ҳиссий ўзгаришлар.

Эътибор беринг-а — жинсий масала биринчи ўринда турибди, молиявий қиинчилеклар эса ажабланарлы бўлса-да, атиги учинчи ўринни эгаллар экан.

Никоҳларни бекор қилиш бўйича барча мутахассислар жинсий мувофиқлик оиласидан баҳтиёрликнинг муҳим шартидир, деган яқдил хуносага келишган. Масалан, бир неча йил муқаддам оила ички муносабатлари суди аъзоси бўлмиш бир инсон — Цинциннати Гофман минг оиласидан фожеа тафсилотларини тинглаб, шундай деган: «Ҳар ўнта ажралишдан тўқизтаси жинсий муносабатдаги бетартиблеклар туфайлидир».

Таниқли руҳшунос Джон Б. Уотсон айтади: «Умумий эътироф бўйича, инсон ҳаётида жинсий муносабат энг муҳим ҳисобланаркан. Кўпчилик эътирофича, айнан шу кўп ҳолларда оиласидан баҳт бузилишига хизмат қиларкан».

Менинг курсларим тингловчилари олдида сўзга чиққан бир қатор амалиётчи шифокорлар ҳам айнан шуни тасдиқлашган. Ихтиёrimизда катта миқдорда тегишли адабиётлар мавжуд бўлса ва қачонки ўзимиз маълумотли инсонлар сарапсан ҳам асосий ҳамда сунъий ҳиссиётларга қилинадиган нозик муомаладаги нодонлигимиз туфайли никоҳлар бузилса ва одамлар турмуши қийноқларга солинса, ачинарли эмасми?

Ўн саккиз йил давомида черковнинг услубчи тақвадори иззатли Оливер М. Баттерфилд Нью-Йоркдаги оила муносабатлари бўйича маслаҳат хизматини бошқариш учун ибодат минбарини тарк этган. Ушбу ваъзхон шундай ҳикоя қиласди:

«Руҳоний сифатидаги тажрибаларим мени ишқий саргузаштлари ва ижобий хатти-ҳаракатларига қарамасдан, меҳроб олдида турган кўпчилик жуфтликлар эр хотин муносабатларида саводсиз эканларига қатъий ишонтириди». Кейин у давом этади: «Оила ва никоҳ масалаларидек мураккаб ишни бошқаришни тасодиф ҳукмига ташлаб қўйишимиз хусусида мулоҳаза юритган бир пайтда ажралишлар миқдори атиги ўн олти фойзни

ташкىл қилинишдан фақат ҳайратда қоласан, холос. Эркак ва аёлларнинг жуда кўпчилиги гарчи ажрашишмаган бўлишса да бирга яшамайдилар».

«Бахтли турмушлар, — деб таъкидлайди доктор Баттерфилл, — камдан кам ҳолатда тасодифлар натижасидир: улар онгли равишдаги ақлан ҳамда ўйланган режа маъносишдаги ҳжод маҳсулидир»..

Ёш йигит-қизларга ёрдам бериш мақсадида доктор Баттерфилд кўп йиллар мобайнида никоҳдан ўтиш умидаги барча жуфтликлар келажак учун режаларини у билан очиқчасига муҳокама қилишларига астойдил интилади.

«Жинсий мұносабатлар, — деб давом этади доктор Баттерфилд, — турмушда қаоатлантирувчи омиллардан биридир, аммо улар тартибсиз бўлса, бошқа ҳеч нарса тартибга тушмайди».

Улар тартибга тушиши учун нима қилиш керак?

«Кўнгли бўшлик қилиб индамаслик ўрнига (доктор Баттерфилд гапларини келтиришда давом этаман) томонларнинг оиласиий хаётга мұносабатларини холисона ва эҳтиросларга берилмасдан муҳокама қилиш маҳоратини эгаллаш лозим. Бундай қобилиятга эга бўлишнинг яхши йўли — шу мавзудаги жицдий ҳамда маҳорат билан ёзилган китобни ўқиб чиқиши.

Менимча, шу турдаги барча китоблардан осонроқ топнадиганлари—ўқувчиларнинг катта доирасига мос тушадиган қуйидаги учтасидир: бу Изабел Хаттоннинг «Эрхотинларнинг жинсий мұносабатлари», Макс Экснернинг «Эр-хотинлар турмушининг жинсий томонлари», Элеана Рейтнинг «Никоҳда жинсий ҳолат».

Жинсий ҳаёт тўғрисида китобдан ўрганиш? Нега шундай бўлмасин? Бир неча йил муқаддам Колумбия университети Америка ижтимоий гигиена уюшмаси билан ҳамкорликда коллеж талабаларининг оиласиий ҳамда жинсий муаммоларни муҳокама қилиш мақсадида етакчи педагогларни таклиф қилган экан. Ушбу фикр алмашувда доктор Пол Попеноу шундай дебди: «Ажралишлар сони камайиб бормоқда. Одамлар оиласиий ҳаёт ҳамда жинсий мұносабатларга оид обрўли китобларни кўпроқ ўқиётганликлари бунинг сабабларида биридир».

Ушбу қисмни мазкур муаммони очиқчасига ва илмий асосланган равишда ёритган китоблар рўйхатини кел-

тирмасдан тугаллашга ҳаққым йүқ, деган холисона тұх-  
тамға келдім:

- ❶ Тиббиёт доктори Теодор Хендрик Ван де Велде «Идеал никоҳ». (Күзға күринган шифокорлар уни никоҳ ва жинсий мүносабатлар масалалари түғ-  
рисидаги әзг маңқул китоблардан бири сифатида  
тавсия қылышади).
- ❷ Мэри Уэр Деннет «Турмушнинг жинсий томонла-  
ри». (Ёшлар учун тушуңча бериш).
- ❸ Тиббиёт доктори М. Дж. Экснер «Эр-хотинлар турмушнинг жинсий томонлари». (Эр-хотинлар  
жинсий муаммоларини жиддий ва услубий таъ-  
рифлаш).
- ❹ Мэри С. Стоун «Эр-хотинлар севгиси». (Китобда  
эр-хотинлар мүносабатлари очиқча муҳокама қи-  
линади).

«Америкән мәгәзин» журналининг 1933 йил июнь  
ойндаги сонида Эммет Кроузернинг «Нега турмушлар  
бузилади?» сарлавҳали мақоласи босилган. Қуйида  
ушбу мақоладан олинган саволнома көлтирилді. Эхти-  
мол, сиз уларга жавоб беришни мақсадға мувофиқ, деб  
топарсиз.

## ЭРЛАР УЧУН

1. Хотинингиз күнглини овлашни давом эттираяпсиз-  
ми, вақти-вақти билан унга гуллар тақдим этиб тура-  
сизми, унинг туғилған куни, түйларингиз бўлган йил  
ёдингиздами, унга илтифот кўрсатиб турасизми, юмшоқ  
муомаладамисиз?

2. Бошқалар орасида уни танқид қилишдан ҳамиша  
тийласизми?

3. Хотинингизга рўзгорга аталган пуллардан ташқа-  
ри ўз хоҳишига қараб сарфлаши учун пул берасизми?

4. Унинг кайфиятидаги ўзгаришларни тушунишга ҳа-  
ракат қиласизми, ҳамда у чарчаган, асаби бузилган  
дамларда унга мадад берасизми?

5. Бўш вақтингизнинг лоақал ярмини хотинингиз би-  
лан ўтказасизми?

6. Хотинингизнинг овқат пишириши ва рўзғор юри-  
тишини онангизга ёки аллақандай Билл Джонснинг хоти-  
нига, агар бу чоғишириш сизнинг хотинингиз фойда-  
сига ҳал бўлмаса таққослаштирумай тура оласизми?

7. Унинг ақл идроки, дунёқараши, ўқиётган китоблари, жамият муаммоларига қарашларига ошкора қизиқасизми?

8. Рашк қилмасдан бошқа эркаклар билан рақсга тушишга ва дўстона илтифотларни қабул қилишига имкон берасизми?

9. Уни мақташ учун қулай имкониятдан фойдаланаисизми ва унга ўз ҳайратишигини сездира оласизми?

10. Хотинингизга учча катта бўлмаган хизматларига, масалан, тугма қадагани, пайпоқ йириғини тикиб қўйгани учун миннатдорчиллик билдирасизми?

## ХОТИНЛАР УЧУН

1. Эрингизнинг хизмат фаолиятига тўла эркинлик берасизми, унинг ҳамкасларини ҳамда кун тартибини танқид қилишдан ўзингизни тийиб турасизми?

2. Уйингиз қизиқарли ва жозибалли бўлиши учун ўзингизга боғлиқ ишларни бажарасизми?

3. Даструрхондаги таомларни турлича қилиб, эрингиз сира кутмаган ҳолатни яратиб турасизми?

4. Эрингизнинг хизмат фаолиятини уни ўзи билан мұхокама этадиган ҳамда маслаҳат берадиган даражада етарлича тушунасизми?

5. Хатолари учун эрингизни танқид қилмасдан ва ёқмайдиган даражада омадли одамларга таққосламай турив молиявий муаммоларга мардонавор ва қатъият билан чидайсизми?

6. Унинг онаси билан чиқишиб кетишга астойдил куч сарфлайсизми?

7. Эрингиз дидига қараб кийинасизми?

8. Фикрлар ҳар хиллиги ҳолатида ризолик йўлида эрингизга ён берасизми?

9. Эрингиз яхши кўрган ўйинларни ўрганишга ҳарекат қиласизми?

10. Эрингизнинг сизга қизиқишини сақлаб қолиш учун юз бераётган воқеаларни, янги китоблар ҳамда янги гояларни кузатиб борасизми?

Шундай қилиб, еттинчи қоида:

*Эр-хотин турмушининг жинсий томонлари тўғрисида жиддий китобни ўқиб чиқинг.*

# **ХУЛОСА**

## **АМАЛ ҚИЛИНСА, ТУРМУШИНГИЗНИ БАХТЛИРОҚ ҚИЛИШГА ИМКОН БЕРАДИГАН ЕТТИ ҚОИДА**

- 1-ҚОИДА** *Хеч қачон ұчакиши маслик керак!*
- 2-ҚОИДА** *Үмр үйлдошингиз хулқ-авторини үзгартышига уринманг.*
- 3-ҚОИДА** *Танқид қилманг.*
- 4-ҚОИДА** *Бир-бираңгизга үз самимий миннатдор-чилигингизни тез-тез изҳор қилиб туринг.*
- 5-ҚОИДА** *Иложи борича бир-бировингизга әғтиборлы эканингиз иширатларини тез-тез күрсатиб туринг.*
- 6-ҚОИДА** *Хамиша сертакаллуф бўлинг.*
- 7-ҚОИДА** *Эр-хотин турмушининг жинсий томонлари тўғрисида жиёддий китобни ўқиб чиқинг.*

**Илмий-оммабоп нашр**

**Дейл КАРНЕГИ**

**ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ДУСТ ОРТТИРМОҚ  
ВА ОДАМЛАРГА ТАЪСИР ҚУРСАТМОҚ ҚЕРАК.**  
(Рус тилидан О. Мамиров таржимаси).

«Зарафшон» нашриёти, Самарқанд, 2001, 256 бет.

**Муҳаррир Ү. НИҖЗОВ  
Тех муҳаррир Г. ҚОДИРОВА  
Мусаҳҳиҳ А. ФАРМОНОВА**

2001 йил 5 февралда териштга берилди. 2001 йил 19 июнда босишига руҳсат этилди. Ўзгоз ҳиччами  $84 \times 108^{1/32}$ . Нашриёт-ҳисоб тобоги 16,0. Нашр тобоги 16,0. Адади 10.000 нусха. Юқори босма. Газета қоғози. Биринчи завод 5.000 минг нусха. Баҳоси көлишилган нархда.

«Зарафшон» нашриёти, 703000 Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 12.

ОАЖ «Самарқанд босмахонаси», 703000 Самарқанд шаҳри, профессор Улуг' Турсунов кўчаси, 82.